

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Г.Е. НАЗАРОВА, Р.Р. НАЗАРОВА, А.С. ЮСУПОВ

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА  
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ:  
ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ**

ТОШКЕНТ - 2005

# 65,5 ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ

Г.Ф.Назарова, Р.Р.Назарова, А.С.Юсупов: ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ: ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ. МОНОГРАФИЯ. Тошкент, 2005 й., 180 бет.

Масъул мұхаррір: академик С.Ғуломов.


Тақризчилар: Қ.Х. Абдураҳмонов — и.ф.д., профессор.  
Л.С. Зиёдуллаева — и.ф.н., доцент.

Монографияда жаҳон иқтисодиётига халқаро интеграциялашув мұаммолосынинг назарияси ва амалиёти атрофлича қараб чиқылди. Бунда халқаро иқтисодий интеграция жараёнларининг асослари, уларни шакллантиришнинг зарурияты ва асосий шакллари назарий- usługiby жиҳатдан асосланды.

Иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантиришнинг халқаро тажрибаси Европа иқтисодий интеграциясида глобаллашув омыллари мисолида очиб берилади. Шунингдек, хорижий мамлакаттар иқтисодий интеграцияси амалиғининг ўзига хос сабоқларидан Марказий Осиё мінтақасыда фойдаланиши имкониятлари бўйича ҳам амалий тавсиялар берилди. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалиги тизимиға иқтисодий интеграцияси миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш мұаммолари билан чамбарчас боғлиқ эканлиги асослаб берилди.

Иқтисодий интеграциялашув шароитида ташқи савдо сиёсати ва Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг ривожланиши хусусиятлари назарий ёндашувлар ҳамда амалий тажриба мисолида илмий нуқтаи назардан ёритиб берилди. Бунда бозор иқтисодиётни шароитида ташқи савдо ривожланишининг асосий тамоилилари, Ўзбекистон Республикасида ташқи савдони тартибга солишининг хуқуқий асослари, ташқи савдо ривожланишининг динамикаси таҳдилӣ маълумотлар асосида кўрсатиб берилди. Шунингдек, республикада ташқи савдони янада такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар умумлаштирилди.

Китоб ташқи иқтисодий сиёсат соҳасидаги мутахассислар, олий ўқув юртлари ўқигувчилари, тадқиқотчилар, аспирантлар ва талабалар ҳамда ташқи иқтисодиёт мұаммолари билан қизиқадиган күп сонли ўқувчилар учун мўлжалланган.



10-32/34/29,

## КИРИШ

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашуви шароитида дунё мамлакатлари билан тенг хуқуқли муносабатлар ўрнатиш, ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантириш ва ривожланиши энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли концепциясига амал қилиниб, иқтисодиётда туб институционал ва таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда, янги бозор механизмлари ҳамда бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда.

Иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёнлари республиканинг XXI асрдаги ривожланишида янги талабларни келтириб чиқарди.

Мамлакат Президенти Ислом Каримов ташқи иқтисодий алоқалар муаммосига диққат-эътиборни қаратиб шундай дейди: “Шу нарсани қайта-қайта тақрорлашга тўғри келмоқда: Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувига эришмасдан туриб, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан ва мустаҳкамламасдан туриб, энг муҳими хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этмасдан туриб... банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин”.<sup>1</sup>

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида республика олдида жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувни чуқурлаштириш ва жаҳон амалиёти ютуқларидан ижтимоий-иктисодий ривожланиш амалиётида самарали фойдаланишдек давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсатини тақомиллаштириш вазифаси туриди.

Маълумки, ҳозирги пайтда иқтисодиётни эркинлаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, минтақаларро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, айнан иқтисодий интеграция орқали юз беради.

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 8-жилд. 2000, 365-366-бетлар.

Жаҳон иқтисодий ривожланиш амалиёти ҳам миллӣ иқтисодиётларнинг ўз кучига таянган ҳолда, алоҳида ривожланиши кам самара беришини кўрсатади. Бундай йўл иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга тўсқинлик қиласди, миллӣ ресурслардан нооқилона фойдаланиш ва тирорвад натижада бозор иқтисодиёти ривожига салбий таъсири кўрсатади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви шароитида, ташки иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг принципиал янги моделига ўтиш, хорижий мамлакатлар амалиётининг ижобий жиҳатларини республикамиз амалиётида қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Жорий иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг муқобилини аниқлаш мақсадила, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳўжалиги тизимиға интеграциялашувини амалга ошириш усулларини ишлаб чиқиш жараённида синовдан ўтгай хорижий амалиётга мурожаат этиш зарур.

Мамлакатимиздаги айрим иқтисодчилар асарларида ҳам, “жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёнларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг устувор йўналишиларини умумлаштириш зарурити келиб чиққанлиги”<sup>2</sup> қайд этилади.

Хорижий мамлакатлар иқтисодий интеграциялашувининг назарий-услубий таҳлили, замонавий глобаллашувнинг ўзига хослигини ва унинг миллӣ иқтисодлар ривожланишига таъсири бекёёс эканлигини кўрсатади.

Мамлакатимизда ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган бундай чоратадбирлар миллӣ иқтисодиётнинг глобаллашуви ва жаҳон иқтисодий тизимиға вертикал интеграциялашувни амалга оширишга қаратилгандир. Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишни истар экан, ўзининг ташки иқтисодий фаолиятини эркинлаштириши ва жаҳон иқтисодининг таркиби қисмига айланиши зарур. Бу ҳақда мамлакат Президенти И.А.Каримов шундай деган эди: “...ташки иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Мен бу соҳани бониқариш ҳаддан ташқари расмийлашиб, маъмурийлашиб

<sup>2</sup> Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики, Т.: – “Ўзбекистан”, 2001, стр. 283.

кетган, деб ҳисоблайман. Үнда иқтисодий йўл билан, тарифлар билан бошқаришдан кўра маъмурӣ чеклашлар орқали бошқарим усуллари устунлик қилмоқда. Биз ташқи иқтисодий фаолиятнинг жаҳонда қабул қилинган маърифий шаклларига тезроқ ўтишимиз, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишга эришмогимиз даркор”<sup>3</sup>.

Хусусан, ташқи савдоning муваффақиятли тарзда амалга оширилиши масаласи бошқа мамлакатлар тажрибасига, фантехника тараққиёти ютуқларидан унумли фойдаланган ҳолда, ўтиш даврининг муайян қийинчиликларини бартараф этишга қаратилади.

Кўйилган мақсадга мувофиқ ушбу монографияда қўйидаги асосий вазифалар ҳал этилган:

- ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишининг халқаро тажрибасини ўрганиш;
- энг самарали интеграцион тузилма сифатида Европа Иттилоғи мамлакатлари иқтисодий интеграцияси ривожланишининг амалий хусусиятларини ўрганиш;
- Марказий Осиё интеграцияси шароитларида Европа Иттилоғи иқтисодий интеграцияси амалиётидан фойдаланиш имкониятларини таҳдил этиш;
- жаҳон глобаллашуви шароитларида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий интеграцияси юзасидан амалий тақлифларни ишлаб чиқиш;
- жаҳон ҳамжамиятига иқтисодий интеграцияланувнинг омили сифатида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таҳдил этиш;
- ташқи савдо фаолиятини назарий-услубий асосларини таҳдил қилиш;
- бозор иқтисодиёти шароитда ташқи савдо фаолиятининиг ҳуқуқий ва ташкилий-иктисодий асосларини ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо фаолиятини тартибга солини усуларини тадқиқ этиш;

<sup>3</sup> И.А. Каримов Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 1999, 35-36-бетлар.

- Ўзбекистонда ташқи савдо фаолияти ривожланишининг асосий тамойиллари ва йўналишларини ўрганиш ҳамда уни ривожлантириш бўйича тавсияларни умумлаштириш.

Жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда, интеграциялашувнинг назарий муаммолари ва иқтисодий жиҳатлари, глобаллашув шароитларида уни ривожлантиришга доир тавсиялар, ушбу масалаларни тадқиқ этишининг мақсадга мувофиқлигини белгилаб берди.

**Монографияда** иқтисодий интеграциялашувнинг шарт-шароитлари ўрганилган. Халқаро иқтисодий интеграциянинг омиллари ва оқибатлари, глобаллашувнинг хорижий мамлакатлар иқтисодиёти ривожланишига таъсири даражаси таҳдил қилинди. Тадқиқотда иқтисодий интеграцияни ривожлантиришга доир хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилди. Европа иқтисодий интеграциясида глобаллашув омилиниң таъсири ва Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий-иктисодий интеграцияси муаммолари ўрганиб чиқилди. Монографияда Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалигига иқтисодий интеграциясининг ривожланиш хусусиятлари ҳамда республикада ташқи савдо ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари таҳдил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисда қилган маърузасида И.А.Каримов: “Давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта – у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир”, леб таъкидлаб ўтди.<sup>4</sup>

Шу сабабли монографияда Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсат йўналишлари ҳам таҳдил қилинган.

Муаллифлар мазкур монографияни тайёрлаш ва чон этишга ўз ҳиссасини кўшган барча инсонларга ўз миннатдор-чиликларини билдирадилар.

<sup>4</sup> И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005-58 б.

## I ҚИСМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ

#### I БОБ. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

##### 1.1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мөҳияти, вужудга келиш зарурияти ва асосий шакллари

Ҳозирги вақтда мутахассислар орасида интеграциялашув жараёнларига нисбатан ягона нуқтаи назар йўқ. Иқтисодчиларнинг бир груҳи интеграция жараёнида мамлакатлар ўртасида янги товар оқимларини шакллантириш ҳисобига “ресурсларнинг чекланганилиги” омилини енгизни энг муҳим ҳол деб биладилар ва бу алоҳида олинган бир мамлакат ичида бир-бирига ўхашаш қимматроқ товарлар ишлаб чиқаришни бартарәф этиш ёки илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишларига сарфланадиган воситаларни тежаш имконини берадиган технологик ўзаро алмашувларни кенгайтирингга имкон туғдиради деб ҳисоблайдилар.

Олимларнинг бошқа груҳи устунлик қиливчи шартшароитлар сифатида ташки иқтисодий омиллар, масалан, колектив мудофаа қобилиятини оширишни илгари сурадилар. Учинчи груҳ олимлар эса, интеграцион гурӯҳлар тузилиши бу уларнинг аъзоларида ишлаб чиқаришнинг бирдек ўсиши, ижтимоий барқарорлик ва шаклий максадларга осон ҳамда тезроқ эришиш имконини беради деб ҳисоблашади. Интеграцияга нисбатан бу ва бошқа назарий ёндашувларини умумлаштириб, шуни таъкидлаш жоизки, интеграция-минтақавий миқёсда сифат жиҳатидан янги иқтисодий муҳитни шакллантириш йўли билан миллий хўжалик мажмуа (комплекс)ларининг яқинлашуви ва чатишиб кетишидан иборат.

Жаҳон хўжалиги ўз шаклланиши ва ривожланишида узоқ ҳамда мураккаб йўлни босиб ўтди. Баъзи тадқиқотчилар унинг

пайдо бўлишини қадимги Рим даврига олиб бориб тақайдилар. Баъзи олимларнинг фикрича, Рим империяси ўша даврдаги бутунжоҳон хўжалик тизими эди. Бонса олимлар жаҳон хўжалик тизими фаолият кўрсатишни қимматбаҳо тошлар, зираворлар, қуллар билан ҳалқаро савдони жадал ривожлантиришга олиб келган XV-XVI асрлардаги буюк географик қашфиётлардан бошланган деб ҳисоблайдилар. Бироқ бу даврдаги жаҳон хўжалиги асосан савдогарлар капитали жаётб қилинганлиги билан чекланиб қолган эди.

Замонавий жаҳон хўжалиги капитализм ўзининг монополистик босқичига ўсиб бориши давомидаги саноат тўнгаришидан кейин юзага келди. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларидағи жаҳон иқтисодиёти XX аср, айниқса, унинг сўнгти чорагидаги жаҳон хўжалигидан сезиларли фарқ қиласди.

XX асрнинг бошларидағи жаҳон хўжалиги “капиталнинг кучига” қараганда кўпроқ ҳарбий куч, ташқи иқтисодий мажбурлашга асосланган эди. Бу даврдаги жаҳон хўжалиги доирасида уни бекарор Қилган кескин зиддиятлар мавжуд эди. Улар сирасига империалистик мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар (улар икки бор жаҳон урушига олиб келди), шунингдек, саноати ривожланган ва иқтисодий қолоқ мамлакатларнинг ўзаро зиддиятларини киритиш мумкин. XX асрнинг ўрталарига келиб, жаҳон хўжалиги икки қисмга: жаҳон капиталистик ва жаҳон социалистик хўжалигига бўлиниб кетди. Ҳалқаро иқтисодий алоқалар тизимида дунё капиталистик хўжалиги устун мавқеига эга бўлди. 90-йилларнинг бошида ҳалқаро савдонинг ўндан тўққиз қисми дунё капиталистик хўжалиги доирасидаги товар айланмасига тўғри келди.

60-йиллардан бошлиб ривожланаётган мамлакатлар хорижий давлатлар иқтисодиёти тизимига тўла ҳукуқли субъект сифатида кирдилар. 70-йилларнинг ўрталарига келиб, улар орасидан Жанубий-Шарқий Осиёдан (“Кичик аждаҳо”ларнинг биринчи тўртлиги-Жанубий Корея, Тайван, Гонконг (Сянгон), Сингапур ва Лотин Америкасидан Бразилия, Аргентина, Мексика каби янги индустрисал мамлакатлар сезиларли даражада ажralиб чиқа бошлади.

СССРнинг инқирози ва Шарқий Европа мамлакатларидағи ишқилобий ўзгаришлардан сўнг жаҳон хўжалиги ягона яхлит тузилма қирриларига эга бўла бошлади. Шакланаётган глобал жаҳон хўжалиги бир жинсли бўлмай, балки саноати ривожланнган мамлакатлар, иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича

аңча табақаланиб ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш давридаги иқтисодий тизимга эга мамлакатларнинг миллий иқтисодиётини ўз ичига олади. Жаҳон хўжалигининг турли мамлакатлар ва минтақалар иқтисодиётининг ривожланиши бўйича бир хил эмаслиги хорижий мамлакатларнинг иқтисодий муносабатларида сезиларли акс этади.

XXI аср бўсағасида жаҳон хўжалиги бозор иқтисодиёти таъмийлари, халқаро меҳнат тақсимотининг объектив қонуниятлари, ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилаллашувига асосланади. Дунёнинг кўнлаб мамлакатлари савдо, ишлаб чиқариш ва кредит-молия соҳасининг бирлашганлик даражаси халқаро хўжалик мажмуаси (комплекси) шакллананётганлигининг белгиси бўлиб химзат қиласиди. Ўз моҳиятига кўра, жаҳон хўжалиги фақат бир хил эмас, балки тобора байналмилал тус олмоқда.

Замонавий халқаро иқтисодиёт ва унга мос келадиган халқаро иқтисодий муносабатлар тизимини қўйидагилар тавсифлайди:

- халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқаришни халқаро иқтисослануви ва кооперациялашуви;
- ишлаб чиқариш омиллари: капитал, иш кучи, технология, ахборотнинг халқаро ҳаракати жадаллигининг юқори даражадалиги;
- халқаро товар алмашуви, капитал оқимлари, меҳнат миграцияси, ахборот соҳаларининг глобаллашуви;
- ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилаллашуви. Турли мамлакатлarda жойлашган корхоналардаги ишлаб чиқариш шаклларининг, аввалимбор, йирик халқаро корпорациялар доирасида кўнайиши;
- очиқ турдаги миллий иқтисодиётларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, таъки иқтисодий алоқаларнинг умумий либераллашуви;
- бевосита товарлар ҳаракати ва ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ бўлмаган мустақил халқаро меслия соҳасининг шаклланиши;
- ахборотлаштириш, ахборот технологиялари халқаро иқтисодиётни ривожлантиришининг муҳим жиҳатларидан бирига айланмоқда. Экспертларнинг баҳолашича, 2000 йиллар бошида ахборот хизматларининг жаҳон бозори I трлн. долларга етди;
- халқаро миқёсда жорий иқтисодий ва валюта-молиявий жараёнларни миллий даражада тартибга солишдан юқори ту-

рувчи, давлатлараро тартибга солишга интилишнинг кучайиб бориши.

Хорижий мамлакатларнинг иқтисодиётида мұхим рол ўйновчи бир нечта ҳалқаро институтларни ажратиб күрсатиш лозим. Бу авваламбор, давлатлараро ташкилотлар, мұассасалар ва конференциялардир, чунки ҳалқаро иқтисодий мұносабаттарни тартибга солиши тизимила давлат марказий ўринда туради. Айнан давлат ҳалқаро ҳуқуқнинг мұхим тармоқларидан бири бўлган ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий субъектларидан бири ҳисобланади. Бу ерда, масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1944 йилда тузилган Бреттонвуд конференцияси (АҚШ), Ҳалқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ХТТБ) ҳамда ҳалқаро Валюта Фонди (ХВФ) каби ҳалқаро ташкилотлар ҳақида гап бормоқда. Бугунги кунда ХТТБ ва ХВФ БМТнинг ихтисослаштирилган мұассасаларидандир. ГАТТ-ҳозирги күнда Жаҳон Савдо Ташкилоти (БСТ) ҳам БМТ билан боғланган.

Ҳалқаро конференциялар ичида “катта саккизлик” – АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Канада, Россия мамлакатлари раҳбарларининг ҳар йилги учрашувлари жуда машхур. Айни пайтда “катта саккизлик”нинг жаҳон иқтисодиётидаги роли, “иқтисодий құдрат ҳуқуқи” ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқнинг ривожланишига тұсқынлик қиласы. Ҳалқаро иқтисодиётда иштирок этувчилар давлат чегаралары мавжудлигига қарамай, умумий хұжалик тизимининг таркибий қисмлари сифатида фаолият күрсатадилар. Хұжалик ҳаётининг байналмилаллашуви ва глобаллашуви рўй бермоқда. Бу түшунчалар ортида алоҳида мамлакатларни глобал жаҳон мажмуига (комплексига) бирлаштирувчи хұжалик алоқаларининг кўп босқичли жаҳон тизимини самарали фаолият күрсатиши турибди.

Хұжалик ҳаётининг байналмилаллашуви авваламбор, ишлаб чиқаришнинг ҳалқаро кооперациялашуви, ҳалқаро меңнат тақсимотининг ривожланиши, яъни ҳалқаро миқёсла ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ҳусусияти ривожланишини натижасидир.

Хорижий мамлакатлар иқтисодиётидаги глобаллашув жараёни ишлаб чиқариш ва капитал интеграциялашувининг қонуний натижасидир. Глобаллашув сезиларли даражада жаҳон хұжалиги алоқалари миқёсининг ўсиши, доираси көнгайишининг миқдорий жараёни сифатида намоён бўлади. Жаҳон хұжалик жараёнларининг интеграциялашуви ва глобаллашуви амалда ҳар бир давлат учун

фақат “ўз ишлаб чиқаришига” эга бўлиш фойда бермайдиган бўлиб қоладиган вазиятни келтириб чиқаради.

Баъзи миллӣ иқтисодиётлар ўз заминини топишга интилиб, жаҳон хўжалигига тобора кўпроқ қўшилиб бормоқда. Жаҳон хўжалиги или кучининг айланиси, кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни ўзаро айрибошлиш ўсиб борган сари байналмилаш тус олмоқда. Жаҳон хўжалик алоқалари шаклланиши ва ривожланишининг истиқболлари халқаро жаҳон хўжалиги ривожланишининг асосий тенденцияси сайёрамиз миқёсида товарлар, капиталлар ва хизматларнинг ягона бозорини яратишга, алоқида мамлакатларнинг иқтисодий яқинлашиши ва яхлит халқаро хўжалик комплексига бирлашишига интилишда намоён бўлишини кўрсатади. Бу эса халқаро иқтисодий муносабатларнинг бошқача, анча юқори босқичи ҳисобланади.

Интеграциявий тузилмаларни ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувида эриншилган ларражасига қараб ажратиш лозим. Бунда интеграциялашув ҳам расмий, ҳам реал ҳусусиятга эга бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш керак. Расмий интеграция каби, расмий интеграциялашув ҳам ишлаб чиқариши шундай халқаро умумлаштиришдан иборатки, унинг асосида мамлакатлар ўргасидаги иқтисодий алоқалар халқаро меҳнат тақсимоти асосида ўрнатилиди. Бу меҳнат тақсимоти эса, ўзаро алоқада бўладиган мамлакатлар ишлаб чиқариши ривожланишининг тегишли ўлчамларидан келиб чиқилмайди. Ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперациялашуви ривожланавериши, лекин унинг иштирокчилари якуний натижаларга таъсир қўлмайдиган турли иқтисодий шароитларда бўлиши мумкин.

Реал иқтисодий интеграция эса, ишлаб чиқариши шундай халқаро умумлаштиришдан иборатки, бу умумлаштириш иштирокчи давлатлар асосий ижтимоий-иктисодий ўлчамларининг маълум паритетини назарда тутади.

Иқтисодий интеграция, ўз навбатида, иштирокчи мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иктисодий ўлчамларини жадаллаштириш учун шароит яратади. Иқтисодий интеграцияга олиб келадиган жараёнларни қўйидаги ўзаро боғланган занжир кўринишида ифодалаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ва капиталнинг интеграциялашуви, иқтисодий интеграция.

Жаҳон хўжалигидаги интеграциявий жараёнларни ривожлантириш бўйича тўпланган тажриба иқтисодий интеграциянинг юзага келиши ва ривожланишида тўртта босқичдан ўтиш зарурлигидан далолат беради (1-жадвал).

## Интеграция жараёнлари шакллари ва босқичлари

	Интеграция типлари	Белгилари
1	<b>Әркін саудо зоналары</b>	Битим шакли. Бұнда қатнашчилар бир-бирларға нисбатан болжона тарифлари на квоталарини олиб ташлаш түрлесиди ақтаптаудың. Учинчі мамлакаттарға нисбатан ҳар күмнинг үз сиёсати мавжуд бўлади. Мисол учун: НАФТА, АНЗЕРТА, иллариги Европа иқтисодий ҳамжамияти.
2	<b>Болжона иттифоқи</b>	Учинчі мамлакаттарға нисбатан ягона болжона сиёсати. Бироқ бунда ҳам жиддийроқ ички қаррама-қаршиликлар пайдо бўлади. Европа иқтисодий ҳамжамияти бунинг мисоли булиши мумкин.
3	<b>Үмумий базор</b>	Иштирокчи мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқарыпнинг барча ҳаракати учун тўсиқларни тўлиқ бартараф этиш. Иқтисодий сиёсатни тўлиқ келишиш, иқтисодий кўрсаткичларни тенглантириш каби масалалар ҳал этиш жараёндан туради.
4.1	<b>Иқтисодий иттифоқ</b>	Юқори иқтисодий ривожланиш босқичида пайдо бўлади. Иқтисодий сиёсат (ҳатто ягона иқтисодий сиёсат) келишилади ва шунинг асосида барча тўсиқлар олиб ташланади. Давлатлараро (давлатлардан юқори турувчи) органлар ташкил этилади. Барча қатнашчи мамлакатларда йирик иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилади.
4.2	<b>Валюта иттифоқи</b>	Иқтисодий Иттифоқ шакли ва айни бир унинг йирик қисми. Қуйидагилар валюта иттифоқининг характерли белгилари ҳисобланади: <ul style="list-style-type: none"> <li>- Миллӣ валютасиарнинг келишилган (биргаликдаги) муомаласи;</li> <li>- Қатнашчи мамлакатларнинг Марказий банклари томонидан мақсадга қаратилган ҳолда қўлиаб-куяватланадиган қатъий бегилантган валюта курсларининг ўрнатиш;</li> <li>- ушбу халқаро валюта бирлигининг эмиссия маркази ҳисобланган ягона минтақавий банк шакллантирилиши.</li> </ul> Ривожланаётган мамлакатларда валюта иттифоқи деганда клирини битимлари тушунилади.
5	<b>Тўлиқ иқтисодий интеграция</b>	Ягона иқтисодий сиёсат ва бунинг оқибати сифатида қонунчилик базасини бирхиллаштириш. Шартлари: умумий солиқ тизими; ягона стандартларнинг мавжудлиги; - меҳнат тўғрисидаги ягона қонунлар ва бошқалар.

Манба: Тизим БСТ/ГATT томонидан ишлаб чиқилига, декабрь 1991.

Биринчи босқич – иштирокчи мамлакатлар ўртасида божхона тарифлари ва бошқа чеклашларни бекор қилиб, эркин савдо ҳудудларини (зоналарини) ташкил этиш.

Иштирокчи мамлакатлар бу босқичда ўзаро савдо түсиқларини бекор қилади, лекин учинчи мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларда тұла эркинлікни сақлады (масалан, божхона пошлиналарини ёхуд бошқа чеклашларни бекор қилиш ёки янгиліктерни киритиш ва сандо-иқтисодий шартномалар, битимлар тузиш ҳуқуқлари). Буннинг оқибатида мамлакатлар ўртасида уларнинг чегараларини кесиб ўтаётган товарларнинг келиб чиқишини назорат қиласынан да тегишили-ча учинчи мамлакатлардан имтиёзли равишда тоғараларни олиб киришга тұсқынлық қиласынан божхона чегаралари ҳамда постлары сақланып қолады.

Бундай эркин ҳудудларга (зоналарга) 1960 йилдан бүён мавжуд бўлган Европа эркин савдо уюшмасини мисол қилиб келтирип мумкин.

Иккинчи босқич – савдо ва ишчи кучи, капитал айланишида ягона тарифларни ўрнатган ҳолда, божхона иттифоқи тузишdir. Интеграциянинг бу босқичида давлатлар фақат ўзаро түсиқларни баргараф этибина қолмайды, балки ташқи савдо түсиқларининг ягона тизимини ва учинчи давлатларга нисбатан божхона пошлиналарининг ягона тизимини ташкил қиласынан.

Бунда қатнашчи мамлакатлар чегаралари билан белгиланган ягона божхона макони вужудга келади. Бундай ташкилотталар тузилемалари қаторига Европа Иттифоқига асос бўлган Европа иқтисодий ҳамжамиятини мисол қилиб киритиш мумкин.

Учинчи босқич – реал иқтисодий интеграциянинг бошланғич фазаси-Иқтисодий иттифоқнинг ташкил топишиdir. Бу босқичда давлатлар ўз миллий чегаралари орқали фақат товарлар эмас, балки барча ишлаб чиқарыш омиллари капитал, ишчи кучи, технология ва маълумотларни эркин ҳаракати ҳақида келишадилар. Натижада умумий бозор макони, умумий бозор шаклланади.

Тўртинчи босқич – ягона иқтисодий сиёсат, умумий валюта ва миллий даражадан устун турувчи тартибга солиш ташкилотларига эга тўлиқ интеграция. Интеграциянинг бу даражасига эришиш сиёсий-иқтисодий иттифоқ унга кираётган давлатлар интеграциянинг олдинги босқичларида эришилган натижаларни ҳисобга олган ҳолда, учинчи мамлакатларга нисбатан бир-

тапкырда сағдо, сүнгра умуман, иқтисодий сиёсатни олиб бориши ҳамда иқтисодиётни тартибга солиши тизимини бирхилластириш ҳақида келишүвларни ўз ичига олади. Интеграцияның үшібу босқичи қатнашувчи мамлакатларның ташқи сиёсатини келишилтган қолда олиб борилишини күзде тутади. Бу эса, ўз ғавбатида ҳар бир қатнашувчи мамлакат ва умуман, иттифоқнинг иқтисоди ривожланиши манфаатлари йўлида бор имконият ва воситаларни ўзаро манфаатли бирлаштириш учун кенг имкониятлар яратади.

Охирги икки босқич у ёки бу интеграцион гурӯҳнинг хусусияти билан бөглиқ, маълум кичик босқичларни ўз ичига олиши мүмкін. Жаҳонда мавжуд бўлган интеграциявий гурӯҳлар кўпинча формал интеграциявий босқичида бўлиб, интеграцион ривожланишнинг биринчи ва иккинчи босқичларидадирлар.

Халқаро иқтисодий интеграция уч босқичли модел (айниқса унинг Farbий Европа вариантида) сифатида қаралади:

- микродаражада, яъни алоҳида интеграция жараёнларини йўлга қўядиган корпоратив даражада компаниялар бевосита хўжалик алоқаларига киришади;
- давлатлараро даражада, давлатларнинг мақсадга йўналтирилган жамоавий (коллектив) ёки бир томонлама у ёки бу гурӯҳида меҳнат ва капиталининг бирлашиб кетишига кўмакланади, алоҳида интеграциявий восита ва усусларнинг фаолият кўрсатишини таъминлайди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб етакчи индустриал мамлакатларнинг тез иқтисодий ривожланиши ва халқаро транспорт ҳамда коммуникация воситаларининг такомиллашиши натижасида товарлар ҳамда хизматлар алмашинувининг қизғин ривожланиши рўй берди. Ишлаб чиқариш омиллари (капитал, иш кучи ва технологиялар) халқаро ҳаракатининг турли шакллари вужудга кела бошлади, бунинг натижасида хорижга фақат тайёр маҳсулот эмас, балки уни ишлаб чиқариш омиллари ҳам кўчиб ўта бошлади. Товарнинг пархига кўшилган фойда эндиликда фақат миллий чегаралар доирасидагина эмас, балки хорижда ҳам яратила бошланди. Иқтисодий интеграция товарлар ва хизматлар халқаро сағдоси ҳамда ишлаб чиқариш омиллари айланиши ривожланишининг қонуний натижаси бўлди.

Иқтисодий интеграция-мамлакатлар иқтисодий ўзаро ҳамкорлигининг натижаси бўлиб, у хўжалик механизмларининг яқинлашувига олиб келади ва бу яқинлашув давлатлараро би-

тимлар шаклини олади ҳамда тегишли давлатлараро органлар томонидан тартибга солинади.

Микробосқичда бу жараён бир-бирига яқын жойлашған мамлакатлар алоқида хұжалик юритувчи субъектлар (корхоналар, фирмалар) капиталининг ўзаро иқтисодий келишувлар тизими니 яратиш, давлатлараро даражада чет зәлдә филиаллар тузиш орқали рўй беради. Интеграция давлатларнинг иқтисодий бирлашуви ва миллий сиёсатларининг мувофиқлашгирлиши асосида кечади.

Интеграциявий жараёнлар иқтисодий регионализмга олиб келади, бунинг натижасида мамлакатларнинг алоқида гуруҳи бошқа мамлакатларга қараганда ўзларига савдо учун, баъзи ҳолларда эса, ишлаб чиқариш омилларининг минтақалараро муюмалада бўлиши учун қулайроқ шароитлар яратади. Яққол протекционистик қирраларига қарамай, башарти ўзаро иқтисодий алоқаларини эркинлаштираётib, интеграциялашган мамлакатлар гуруҳи учинчى давлатлар билан интеграция бошлангунга қадар нокулайроқ шартлар ўрнатмаса, халқаро савдо-ни ривожлантириш учун салбий омили ҳисобланмайди. Бошқача қилиб айтганда, бир гуруҳдаги мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантира туриб, иқтисодий регионализм бошқа ҳамма мамлакатлар билан бу алоқаларнинг мураккаблашишига олиб келмаслиги керак. Токи регионализм ҳеч бўлмаганда қолган бутун дунё билан савдо учун шароитларни ёмонлаштирмас экан, у халқаро иқтисодиётни ривожлантиришнинг ижобий омили ҳисобланishi мумкин.

#### *Иқтисодий интеграциянинг шарт-шароитлари қўйидагилардир:*

- Интеграциялашаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланниши ва бозор муносабатларидаги етуклиги даражасининг яқинлиги. Камдан-кам истеснолардан ташқари, қолган барча ҳолларда давлатлараро интеграция ё индустрисал мамлакатлар ёки ривожланаётган мамлакатлар орасида ривожланади. Ҳатто, саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар доирасида, таҳминан бир хил иқтисодий ривожланиш даражасидаги давлатлар ўртасида интеграцион жараёнлар энг фаол бўлади. Саноати ривожланган ва ривожланаётган давлатлар ўртасидаги интеграциявий гурухларнинг шаклланиши бошланғич босқичиладир.
- Интеграциялашаётган мамлакатларнинг жуғрофий яқинлиги, кўп ҳолларда умумий чегара ва тарихан шаклланган иқтисодий алоқаларнинг мавжудлиги. Дунёдаги интеграциявий

бирлашмаларнинг аксарияти жуғрофий жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган, транспорт алоқаларига эга бўлган ва кўпинча бир тилда ташлашадиган бир неча қўшни мамлакатлардан бошлигантан эди.

• Ривожланиш, сиёсий ҳамкорлик ва шакллар соҳасида мамлакатлар олдида турган иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг умумийлиги. Иқтисодий интеграция интеграциялашетган мамлакатлар олдида мавжуд бўлган аниқ муаммолар тўпламини ҳал қилингта қаратилиди. Балки асосий муаммоси-бозор иқтисодистининг асосларини яратиш бўлган мамлакатлар бозорининг ривожланганилиги, умумий валютани жорий қилишни талааб этадиган давлатлар билан интеграцилашув мумкин эмаслиги яққол аёнилиги бунга сабабдир. Ҳудди шунингдек, ахолини сув билан таъминлаш асосий муаммоси бўлган мамлакатлар капитал айланниш эркинлиги муаммосини муҳокама қилаётган давлатлар билан бирлашини мумкин эмас.

*Устуникини намойиш қилиш самараси.* Интеграциявий бирлашмаларни тузган давлатларда одатда ижобий иқтисодий силжишлар (иқтисодий ўсиши суръатларининг ўсиши ва тақллар) рўй беради ва бу шубҳасиз ўзгаришларни кузатиб бораётган бошқа мамлакатларга маълум руҳий таъсир кўрсатади. Устуникини намойиш қилиш самараси собиқ «рубль» ҳудуди мамлакатлари кўпчилигининг, гарчи улар ҳеч қанлай жиддий макроиқтисодий шарт-шароитларга эга бўлмаса-да, ЕИга иложи борича тезроқ аъзо бўлиш истагини билдирганларида айниқса, яққол намоён бўлди.

*“Домино самараси”.* У ёки бу минтақадаги мамлакатларнинг кўпчилиги интеграциявий бирлашмага аъзо бўлгач, бу бирлашма доирасидан четда қолган мамлакатлар, шубҳасиз, баъзи қийинчиликларга дуч келади. Бу қийинчиликлар мазкур гуруҳга киравчи мамлакатлар иқтисодий алоқаларининг узвийлиги билан боғлиқлайди. Бу кўпинча, ҳатто, интеграция доирасидан ташқарида қолишдан кўрқиб, интеграция доирасидан четдан қолган мамлакатлар билан савдони қисқартириш аҳам олиб келади.

## **1.2. Халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Иқтисодий интеграция бир қатор объектив омилларга асосланган бўлиб, улар орасида қўйидагилар муҳим ўрин тутади:

- 1) Хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг ўсиб бориши.
- 2) Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви.
- 3) Ўз хусусиятига кўра умумжаҳон илмий-техника инқи-  
лоби.

- 4) Миллий иқтисодиётлар очиқлиги даражасининг ошиши.  
Бу омилларнинг барчаси ўзаро боғлиқдир.

Интеграциялашув-мамлакатлар ўртасидаги (авваламбор, халқаро меҳнат тақсимоти асосида) барқарор ўзаро алоқалар ривожланиши жараёни ва қайта ишлаб чиқаришнинг миллий хўжалик доирасидан четга чиқишидир. Байналмилаллашувнинг ўсишига эса, айниқса, трансмиллий корпорациялар (ТМК) фалоли кўмаклашади.


ТМК чет элларда ўз активларига эга бўлган миллий монополиялардир. Уларнинг қайта ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ фаолияти бир давлат доирасидан чиқиб кетади. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилаллашуви “йирик компанияларнинг чет элда корпорацияларни трансмиллий корпорацияларга айлантириш йўли билан хўжалик алоқаларини экспансия қилиш” хусусиятига эга бўла бошлайди. Капитални олиб чиқиш халқаро корпорацияларни тузиш ва ривожлантиришда муҳим омилга айланади.

ЮНКТАД эксперталарининг таъкидлашича, 1995 йилда компанияларнинг қўшилиши ва уларни сотиб олиш, айниқса, Еарбий Европада авж олди. Бу, биринчи навбатда, иқтисодиётгнинг энергетика, телекоммуникация, фармацевтика саноати ва молиявий хизматлар каби соҳаларини қамраб олди.

Интеграцияний жараёнлар ривожланишининг бошқа турлари халқаро меҳнат тақсимоти тузилишидаги чуқур илгари силжишлар (илмий-техника инқилоби таъсири остидаги) ҳисобланади. Халқаро меҳнат тақсимоти-мамлакатлар ўртасида меҳнатни ижтимоий-худудий тақсимлашни ривожлантиришнинг маълум маҳсулот ишлаб чиқаришни алоҳида мамлакатларда барқарор жамлашни назарда тутувчи юқори босқичидир.

Шуниси аёники, нисбатан мустақил фазалар ажратиб чиқар экан, ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқаришнинг маълум хулад, алоҳида мамлакатлардаги алоҳида босқичлар бўйича жамланмай қолиши мумкин эмас. Шунинг учун худудий меҳнат тақсимотининг икки турини ажратиб кўрсатишади:

- минтақаларро – бир мамлакатнинг турли минтақалари ўртасидаги меҳнат тақсимоти;
- халқаро – турли мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти.



Тармоқ ичидаги ихтисослашув кенг тарқалиб бормоқда. Илмий-техника инқилобининг ҳар хил мамлакатларда турлича юз берадиганига қарамай, унинг ҳозирги босқичи ҳам бозорни, ҳам ишлаб чиқаришни байналмиллаштириши сифат жиҳатидан янги босқичта олиб чиқмоқда. ИТИ замонавий қайта ишлаб чиқаришида ташқи иқтисодий алоқаларнинг роли ўсишини келтириб чиқарувчи мустақил омил сифатида намоён бўлмоқда. Бошқа давлатлардан ажраған ҳолда у ёки бу мамлакатда фан ва техниканинг ривожланиши муваффақиятли бўлиши мумкин эмас. Кейинги йилларда турли мамлакатларнинг фирмалари ўртасида кооперациялашувнинг жадал ривожланиши йирик ҳалқаро ишлаб чиқариш-инвестиция комплексларининг пайдо бўлишига олиб келди, уларни тузиш ташаббуслари кўпинча ТМКлар ҳисобланади. Улар учун фирма ичидаги меҳнат тақсимоти миллий чегаралардан чиқиб улгурди ва аслини олганда меҳнат тақсимотига айланди. Шу асосида миллий иқтисодиётларнинг очиқлиги даражаси ошиб бормоқда. Очиқ иқтисодиёт мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларига янада кўпроқ кўшилиши асосида шаклланмоқда.

Ривожланган мамлакатларда очиқ иқтисодиётни шакллантиришда экспортга маҳсулот ишилаб чиқаришни рағбатлантириш, хорижий фирмалар билан кооперациялашувга кўмаклашиш ва чет элдан капиталлар, технологиялар, малакали кадрлар кириб келишига кўмаклашувчи ҳуқуқий асосларни яратиш бўйича давлат ташқи иқтисодий стратегияси муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги кунда ҳалқаро иқтисодиётда юзага келётган ва ривожланаётган кўплаб интеграцион бирлашмалар аслида ўз олдига бир-бирига ўхшаш вазифаларни қўядилар. Булар қўйидагилардан иборат:

1. *Иқтисодиёт кўлами устуникларидан фойдаланиш.* Иқтисодий кўлам назарияси асосида бозор ҳажмини кенгайтириш, трансакцион ҳаражатларни камайтириш, бошқа имтиёзларни олишни таъминлаш. Бу, ўз навбатида, ўзларининг эҳтиёжларини қондирадиган, мустақил ишлаб чиқаришдан манфаати бўлган, катта ҳажмили бозорларга бажонидил кириб келадиган чет эл инвестицияларининг эътиборини тортинига бевосита имкон беради.

2. *Кўлай ташки сиёсий муҳим яратиш.* Кўплаб интеграцион бирлашмаларнинг муҳим мақсади уларда иштирок этувчи давлатларнинг сиёсий, ҳарбий, ижтимоий, маданий ва бошқа ноиқтисодий соҳаларда бир-бирини тушуниши ва ҳамкор-

лигини мустақамлашдир. Жуғрофий жиҳатдан бир-бирига яқин жойлашган ва ривожланиш соҳасида ўхшаш муаммоларга эга бўлган мамлакатлар учун қўшилари билан ўзаро иқтисодий мажбуриятлар орқали мустақамланган дўстона муносабатларга эга бўлиш муҳим устувор йўналиш ҳисобланади.

3. *Савдо сиёсатидаги вазифаларни ҳал қилиш.* Минтақавий интеграция, кўпинча, ГААТ/БСТ доирасида иштирок этаётган мамлакатларнинг музокараси нуқтаи назаридан олиб қаралади. Мамлакатлар блоки номидан келишилган ҳолдаги баёнот анча жиддий ҳисобланади ва савдо сиёсати соҳасида кутилган натижаларни беради.

Бунинг устига, минтақавий блоклар ўз иштирокчиларининг манфаатлари кескин фарқланадиган кўп томонлама савдо музокаралари учун барқарор ва олдиндан кўриш мумкин бўлган муҳит учун имконият яратиб беради. Шимолий Америка, Лотин Америкаси ва Жануби-Шарқий Осиёдаги интеграциявий бирлашмалар кўп томонлама савдо музокаралари доирасидаги жамоавий куч-гайратларга алоҳида умид боғламоқда.

4. *Иқтисодиётни тузулмавий қайта қуришга қўмаклашиш.* Бозор иқтисодиётини ёки туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошираётган мамлакатларнинг анча юқори бозор иқтисодиёти ривожланиши даражасидаги мамлакатлар билан минтақавий савдо битимларига қўшилиши бозор тажрибаларини ўрганишнинг муҳим омили, бозорга йўналтирилган йўл ўзгармаслигининг кафолати сифатида намоён бўлади. Ўз қўшинларини интеграция жараёнларига қўшар эканлар ривожланганроқ давлатлар ҳам ўша мамлакатлардаги тўлақонли ва катта ҳажмли бозорларни яратиш ҳамда улардаги бозор ислоҳотларининг илдиз отишидан манфаатдор бўлади. Европа Иттифоқининг ёки бу шаклига қўшила туриб, кўплаб Фарбий Европа мамлакатлари шу мақсадларни кўзлаган эди.

5. Миллий саноатнинг ёш соҳаларини қўллаб-қувватлаш. Ҳатто, интеграцион бирлашмалар учинчи мамлакатларга нисбатан камситувчи чораларни назарда тутмаганларида ҳам, улар фаолияти учун кенгроқ минтақавий бозор очиладиган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш усули сифатида қаралади.

Айниқса, 60-70-йилларда Лотин Америкаси ва Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубгача бўлган мамлакатларида ана шундай протекцион кайфиятлар устунлик қилган эди.

Шундай қылеби, иқтисодий интеграция мамлакатларнинг иқтиносидий ҳамкорлиги жараёни бўлиб, у хўжалик механизmlарининг яқинлашувига олиб келади, давлатлараро келишувлар шаклини олади ва давлатлараро органлар томонидан тарғибга солинади.

Унинг шарт-шароитлари иштирокчи мамлакатлар бозор муносабатлари ривожланганлиги даражасининг таққосланиши мумкинлиги, уларнинг бир-бирига жуғрофий яқинлиги, улар олдида турган муаммоларнинг умумийлиги бозор ислоҳотларини тезлаштиришга ва кечаетган интеграцион жараёнилардан четда қолмасликка интилишдан иборат. Халқаро иқтисодий интеграцияни келтириб чиқарадиган омиллар-хўжалик байналмилаллашуви, халқаро меҳнат тақсимотининг янада чуқурлашуви, илмий-техник инқилоб, миллий иқтисодиётнинг очиқлиги даражасидир.

Интеграциявий гуруҳлар бирлашган бозор устунликларидан фойдаланиши, миллий тараққиёт учун қулай ташқи шароитлар яратиш, иқтисодий ва сиёсий масалалар бўйича иштирокчи давлатларнинг халқаро музокара мавқеларини мустаҳкамлани учун тузилади.

Умуман, халқаро иқтисодиёт доирасида интеграция кенг савдо эркинлиги йўлидаги қадам эканлиги ёки аксинча, савдо оқимларини чекловти эканлиги ёки эмаслигидан келиб чиқиб баҳоланиши зарур.

У ёки бу интеграциявий гурухнинг тузилиши умуман халқаро савдо манфаатларига қанчалик мувофиқ эканлигидан келиб чиқиб, Жаҳон банки мутахассислари бир қатор мезонларни ишлаб чиққанлар:

1. Минтақавий савдо битимлари иқтисодиётнинг истисносиз барча тармоқларини қамраб олиши зарур.

2. Ўтиш даври 10 йилдан ошмаслиги ва алоҳида тармоқларда савдони эркинлаштиришнинг аниқ жадвалини ўз ичига олинни керак.

3. ЭҚР (энг қулай режим) асосида эркинлаштириш ҳар қандай янги интеграцион гурухларини тузишни, айниқса, биринчи наубатда, божда тарифлар юқори бўлса, тузилишидан олдин келишиш ёки улар билан бирга бориши зарур.

4. Божхона иттифоқи доирасида киритиладиган умумий божхона тарифи тармоқдаги энг қуий тариф ёки ҳатто, ЭҚР доирасидаги энг қуий тарифдан ошмаслиги зарур.

5. Интеграцион битимга янги аъзоларни қабул қилиш қоидалари жуда либерал бўлиши ҳамда уларни кенгайтиришга тўсқинлик қилмаслиги керак.

6. Товарнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш қоидалари реал булиши ва гурӯҳлар ичидаги протекционизм воситаси бўлмаслиги зарур.

7. Камроқ ривожланган интеграция шаклларига қараганда, маъкулроқ бўлган, ривожланган интеграция шаклларига тезроқ ўтиш зарур, чунки улар ишлаб чиқариш омилларини мақсул тақсимлаш ва фойдаланишни таъминлайди.

8. Интеграция гурӯҳи тузилганидан кейин унинг аъзолари ўртасида демпингига қарши кураш қоидалари энди қўлланилмаслиги, учинчи мамлакатлар билан муносабатларда уларни қўллашнинг аниқ қоидалари ўрнатилиши зарур.

### **1.3. Ҳалқаро иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги**

Иқтисодиёт борган сари глобаллашмоқда. Ҳеч бир давлатдан юқори турувчи ташкилот (Европа Парламенти, Европа Кенгаши ёки Парламенлараро Иттифоқ) реал сиёсий кучга эга эмас. Гап ҳалқаро ҳамкорлик ҳақида борар экан (ХВФ, БМТ, ЕИ, БСТ), у миллий вазирликлар воситачилигида амалга оширилади.

Ҳозирги кунда ҳукуматларнинг ҳагти-ҳаракатини белгиловчи стандартларга ва кўпроқ сиёсий равшанилигига эриншишига катта таъсир кўрсатувчи янги глобал ташкилотлар вужудга келмоқда. Янги ташкилотлар, агентликлар ҳукумат томонидан ўтказилаётган сиёсатнинг камчиликларини кўрсатади ва ҳар хил сиёсий гурӯҳларнинг рейтингини белгилайди. Шу билан бирга бу ташкилотлар реал сиёсий кучга эга эмас. Демократия режими ўрнатилган АҚШ, Ҳиндистон, Фарбий Европа ва Лотин Америкасининг бир қатор давлатларида сиёсатчилар ўз сайловчилари олдидаги ҳисоб берадилар.

Чуқурлашиб бораётган иқтисодий интеграция билан маълум бир аҳамиятта эга бўлмаган сиёсий интеграция орасида қарама-қаршилик мавжуд. “Демократия танқислиги” муаммоси қолган давлатларга қараганда жаҳон хўжалигига зичроқ интеграциялашган давлатлар олдидаги турнибди. Аммо бошқа давлатлар ҳам бу муаммони ечишга мажбур. Ҳозирги пайтда ХВФ ва БСТ ҳукукий ваколатлари кўп саволлар туғдирмоқда. Ўзгаришларнинг даракчиси бўлиб Иқтисодий ҳамкорлик ва Ривожланиш Ташикилоти, ҳалқаро инвестиция келишувига қарши ўтказилган кампания ҳам бўлди. Ушбу параграфда

иқтисодиёт ва глобаллаштириш жараёнларининг ўзаро бойлик-лиги кўриб чиқилмоқда. Қандай қилиб миллий сиёсат миллий мустақилликнинг анъанавий соҳаларини йўқотишга акс-таъсир кўрсатали.

Глобаллашув жараёнларига икки турдаги ўзгаришлар сабабчи бўлади: технологияларнинг ривожланиши ва иқтисодий сиёсатнинг либерализашуви. Бу ўзгаришлар ахборотлар оқими, иқтисодиёт (даромадлар ва бойликлар тақсимланиши соҳасида) устидан олиб борилаётган давлат назоратини камайтиради, маънавий бойликлар аҳамиятини мустаҳкамлайди. Аслида, глобаллашувнинг ҳукумат фоалиятига таъсири жуда мураккаб бўлиб, ўз ичига сиёсатдаги ҳар хил кучлар балансини ва таъсирини қамраб олади.

## 2-жадвал

### Давлат функциялари ва глобаллашувнинг таъсири

<b>Миллий назорат</b>	<b>Глобаллашувнинг таъсири</b>
Аҳоли камбағал қатламларининг миграцияси	Аҳолининг бой қатламлари ва юқори малакали кадрларнинг миграцияси
Маориф	Ахборотлар ва дам олиш дастурларининг тарқалиши
Сиёсат	Сиёсий гоялар
Давлат харажатларини солиқка тортиш	Максимал солиқ ставкаларининг ўрнатилиши, жаҳон облигациялар бозорига кириш ҳукуқи
Пул-кредит сиёсати (Валюта Итифоқи чегарасидан ташқари) Инфратузилма ривожланиши.	Савдо сиёсатини тартибга солиш

**Манба:** муаллифларнинг мантиқий таҳтили.

Биринчи қаражада, глобаллашув баъзи бир миллий монополияларни бузади: алоқа, ТВ, радиони. Ҳалқаро телефон ҳизматеги ва факслар жўнатилиши, одатда, бошқа товарлар ва хизматларга қараганда оддий аҳоли учун анча арzon. Бугунги кунда Интернет ҳақиқатдан ҳам глобал тармоқ бўлиб, коммуникациялар ва ахборот алмашуvida катта имкониятлар яратади.

Кабел ва спутник алоқалари, радиоэшиттиришлар, ахборотлар ва дам олиш дастурларини танлаб олиш имконияттарининг кўплигига шароит яратади. Бу ўзгаришлар давлат функцияларини фақат камайтириб қолмасдан, балки аҳолининг миллий тегишилиги ҳиссасини пасайтиради. Бироқ бу ўзгаришларнинг аҳамиятини орттириб юбормаслик керак. Давлат модем, факс ва ҳ.к.ларни ишлаб чиқариш ва ишлатишни назорат қилади. Бунга Хитой мисол була олади. Давлат телевизион станциялар, симсиз телефонлар учун радиочастоталардан фойдаланиш учун лицензиялар берилишини ҳам назорат қилади. Даълат сирларини, компьютер тармоқлари билан ишлашнинг ҳусусий мулкчилик ҳуқуқини ҳимоялаш учун технологиялар ишлаб чиқилмоқда. Замонавий глобал коммуникация тизими давлатнинг кучсизланишига олиб келади деб таъкидлаш қўпол хато бўлар эди.

Шунга ўхшаш ҳолатни давлат томонидан иқтисодиётнинг ривожланишини тартибга солиниши назарда тутилишини иқтисодиётда ҳам кўрамиз. Бу ерда бир нечта муаммо кўриб чиқилмоқда. Биринчидан, глобал бозорларнинг, айниқса, бир кунлик айланиши 1 триллион долларни ташкил этувчи валюта бозорининг фаолияти. Бу фаолият масалан, ишсизлик, инфляция даражасини тартибга солиш бўйича давлат томонидан ўтказилаётган мустақил миллий сиёсатни ўрнатишга пугур етказади. Иккинчидан, қисқа муддатли ва узоқ муддатли капитал, юқори малакага эга меҳнат ресурслари каби ишлаб чиқаришнинг юқори сафарбарлигини кўрсатувчи омиллар давлат томонидан ишлаб чиқаришни жойлаштириш, даромаднинг тақсимланиши, солик ставкаларининг ўрнатилиши ва агроф-муҳитни муҳофазалаш ва банд қилиш соҳалари устидан бўлган назоратни анча камайтиради. Учинчидан, давлатнинг жаҳон инқирози олдидаги заифлиги.

Глобаллашув тўғрисида сўз юритилганда, кўпинча унинг аҳамиятини орттириб юборилиши мойиллiği кўзга ташланади. Сиёсатда ўтказилаётган чекланишлар давлатлар томонидан ўз ҳоҳинига қараб ўрнатилади. Валюта курсини фиксация қилиш режимини танлаган давлатлар валюта сиёсатининг айrim қуролларини қўллашдан воз кечади. Валюта мустақиллиги танлаган давлатларнинг ҳаракатлари илгарига нисбатан ҳам ўзгармаган. Лекин бу мустақиллик фақат инфляциянинг юқори даражасини ўрнатишни ўз ичига олади. Зоир, Сербия, Венесуэла ва Нигерия каби давлатлар мустақил равишда узоқ

вақт мобайнида инфляциянинг юқори даражасини сақлаб туриш қобилиятини намойиш этишмоқда. Бошқа давлатлар ҳам узоқ вақт давомида шунга ўхшаш аломатлар таъсирида бўлишган (Шимолий Корея, Куба). Валюта операцияларининг электрон раванида ўтказилиши ҳам капитал билан бўлган муолажалар каби очиқ сиёсат шароитларида ўтказилаётган зиддиятларни йўқ қилади. Лекин улар ўзидан ўзи давлатни тўгри ёки нотўри сиёсат олиб бориш хукуқини бекор қила олмайди. Шунинг учун Буюк Британиянинг ЕВТга кириш масаласи бўйича қизғин музокаралар олиб борилмоқда, чунки бу валюта мустақиллигидан ўз ҳоҳиши билан воз кечишини билдиради.

Фискал сиёсатда ҳам ана шундай муаммолар мавжуд. Ҳукуматлар жаҳон бозорининг сармояларини жалб қилган ҳолда ноаниқ ва омонат бюджет таңқислигини маблағ билан таъминлай олмайдилар, аммо улар аҳолига мурожаат қилиши мумкин ёки ички ва ташқи қарзлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан воз кетадилар. Парадокс шундаки, жаҳон капитал бозорининг сармояларини жалб қилган ҳолда, глобаллашув ҳукуматларга маблағ билан таъминлаш манбаларини көнтайтиришга имконият яратади.

Ҳатто, очиқ иқтисодий шароитларда солиққа тортишнинг ҳар хил даражалари мавжуд. Уларнинг Швецияда ЯИМ 70% давлат харажатларига йўналтирилса, Сенегалда ушбу кўрсаткич ЯИМнинг 20% таққил этади. Глобаллашувнинг таъсири шубҳасизлигига қарамай, баъзан сезиларсиз: “рейтинг агентликларининг яхши амалиёт” шиори остидаги ҳаракати.

Эркин савдо шароитидаги меҳнат ва капиталнинг мобиллиги ўсиши билан миллий мустақиллик зарар кўриши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг паслантируви ва маълум даражада даромадлар тақсимланиши ишлаб чиқариш ҳамда савдо шароитлари омилларининг мобиллигига боғлиқ.

Агар, давлатлар ўз вазиятини ўзгартиришга ҳаракат қиласалар, миллий сиёсат инструментлари ўз кучини йўқотади ёки қўллаш доирасидан четда қолади. Юқори корпоратив солиқларининг ва даромад солигининг юқори ставкаларининг киритилиши капиталнинг оқиб кетиши ва эмиграциянинг ўсишига олиб келади. Ривожланган давлатларда валюта назорати деярли қўлланилмаяпти, негаки унинг қўлланилиши самара бермайди ва капиталнинг оқиб кетишига сабабчи бўлади. Демократия шароитларида эмиграцияни назоарт қилиш жуда мушкул. Савдони назорат қилиш бироз осон бўлсада, эркин

савдоны ўрнатишдан манбаатдор тазийк күрсатувчи гурухлар билан ҳисоблашишга түгри Келади. Билвосита солиқ ставкала-ридаги фарқ арбитраж спекуляциялар учун құтай шароит яратиб беради. Даромад манбалари сифатида тарифларни құллаш савдо әркинлігі билан чегараланади.

Шундай қилиб, глобаллашув давлатларнинг иқтисодиёт сиёсати соҳасидаги устамонлик билан ҳаракат қилишларини чеклейди, лекин хеч ҳам уни бекор қылмайди. Ҳукуматлар давлатдаги инвестиция иқлимини инвесторлар учун қизиқиш үйготишини қуидаги тадбирлар билан белгилайдилар:

- инфратузилмани ривожлантириш;
- маорифни, калрларни тайёрлайы ва малакасини ошириш тизимини Құллаб-куватлаш;
- ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш билан бирга хизмат күрсатиш соҳасидаги нархларни пасайтириш;
- әркин рақобат учун шароит яратиш ёки меъёрларни тартибга солишини ўзgartириш;
- меңнат бозорининг фаолиятини такоми.лаштириш.

Боз устига, бир йұналишда ҳукумат бевосита ўз таъсирини йүқтөмайди. Ақоли ҳаракатланиши устидаги назорат барча давлатларда сақланиб қолған. Қочоқлар ва иммигрантлар муаммоси ўз долзарбелигини йүқтөмаса ҳам, иммиграцион назорат ва ақолини рүйхатдан ўтказиш тизими шунга олиб келдики, оммавий күчишлар иқтисодиётнинг күрсаткичи бўлиб қолмади. Фуқаролик ва яшаш ҳуқуқини бериш устидан олиб борилаётган қаттиқ назорат давлат томонидан анъанавий чегаралар ва ҳудудларни сақлаб қолувчи ягона соҳага айланди.

Глобаллашувнинг таҳлили давлатларнинг глобал дунёдаги функцияларини ойдинлаштириб беради, негаки, айрим соҳаларда глобаллашувнинг таъсири унча катта аҳамиятта эга эмас (ақолининг фуқаролик масаласида).

Хар қандай чегарарадан юқори турган глобал жиҳатдан қанчалик узоқдалигимизни англасак ҳам, бир неча йұналишлар бўйича давлатларнинг роли ўзгарган. Биринчидан, давлатлар капитални жалб қилиш ҳамда ушлаб қолиш ва мустақил иқтисодий сиёсатини ўтказиш имкониятига эга бўлса ҳам, уларнинг роли назоратдан эмас, балки иқтисодиётни тартибга солиши тизими ўзга давлатлар билан рақобат шароитида фаолият күрсатмоқда. Маориф, ижтимоий хавфсизлик, меңнат муносабатлари, корпоратив солиққа тортиш илгари ички сиё-

сатнинг алоҳида ҳуқуқлари бўлса, ҳозирги пайѓда давлатнинг рақобатдошлигининг асосий кўрсаткичларига айланди.

Иккинчидан, глобаллашувнинг таъсири натижасида давлат ўзининг анъанавий функцияларини бажаришда қийналмоқда. Даромадларни тақсимлашда у потенциал равинида асиметрия таъсирига дуч келади. У қуйидаги ҳолларда вужулга келади: меҳнат ва капиталнинг, малакали ва малакасиз иш кучининг ҳаракатланишларида; солиқ ставкаларини ўрнатишда чегара-лашлар; ижтимоий фаровонлик ва меҳнат бозори. Тони Блэр ҳукумати томонидан паст бевосита солиқ ставкаларини қўлланиш ва корпоратив солиқларни камайтириш маълум даражада жаҳон иқтисодиётидаги аҳвол билан боғлиқ. Очиқ бозор иқтисодиётига эга бўлган Нидерландлар ва Данія каби давлатлар бунга мисолдир.

Иқтисодий интеграциянинг чуқурлашиши, айниқса, меҳнатнинг ва капиталнинг реал сарфланишини аниқлаш қийин бўлгандан, даромадларнинг тақсимланишига таъсир кўрсатади. Ўз ҳавфсизлиги борасида безовталанаётган аҳолининг ишончини оқлаш учун ҳукуматлар ишлаб чиқариш омилларини эркин ҳаракатланишига тўсиқлик қилишга мажбур бўлмай-дилар. Безовталиклар интеграция жараёнлари натижасидаги рақобатнинг кучайиши, янги технологияларнинг қўлланиши оқибатида юзага келган. Давлатларнинг самарали тартибга соловчи ва қонун чиқарувчи фаолияти давлатдаги ижтимоий барқарорлик ва иноқликни талаб қиласи. Давлатнинг ютуқлари интеграциянинг чуқурлашувига олиб келади, бу эса, ўз наебатида давлат ичидаги ижтимоий шароитга ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам сиёсатчилар кўпчилигининг миллатчилик борасидаги ўйналишлари ажаблантирумай қолмайди.

Миллий сиёсатнинг амалга оширилиши шартли равиша глобал ўзгаришлар таъсирида ўтказилмайди. Шубҳасиз ҳозирги пайтда “глобал сиёсат”нинг ўзи йўқ (Европа Парламенти каби сиёсий жиҳатдан ташкилотларни ҳисобга олмаган ҳолда). Сиёсий режимларнинг кўп турлари мавжуд бўлиб (Хитой ва Кубада—коммунизм, Эронда—теократия, Брунией ва Уммонда—мутлақ монархия, АҚШ, Япония, Фарбий Европа, Хиндистонда эса — демократия), иқтисодий соҳасида эса, барча бу давлатлар бозор иқтисодиёти ёки унинг турларини ўтказадилар. Давлатлар ичидаги сиёсий режимни идентификациялан қийинчиликларни түғдиради, чунки кўп давлатлар “айнанлик” сиёсатига амал қиласи. Бу давлатларда алоҳида олинган сег-

ментлар субмиллий (қабилалар, ҳудудлар), панмиллий (диний, лингвистик) ёки бошқа этник бирликни эълон қилишади.

Савдонинг ва бутун иқтисодиётнинг либераллашуви назариясининг муҳим ҳолосаси шундаки, савдо—бу натижасиз ўйин эмас. Савдо ривожланиши жараёнида миқёс самараси (эфекти) таъсиридан, технологияларнинг тарқалиши ва уларни қуллаш амалиётидан катта фойда вужудга келади.

Лекин стандарт назарий моделлар ҳам савдонинг либераллашуви аҳоли даромадининг тақсимланишига, юқори малакали кадрларнинг мобиллигига, капитал етишмаган давлатлардан унинг оқиб кетишига таъсири қилишини кўрсатмоқда. Кучайиб бораётган рақобат таъсири остида ўтаётган ишлаб чиқаришнинг кўчиши ҳамда ишсизликнинг вақтингчалик ўсиши оқибатларини тартибга солиш бўйича харажатлар ҳам қайта кўриб чиқилмоқда. Иқтисодга оид адабиётлар глобаллашуви натижасидаги ютуқларни унинг камчилигидан анча кўплигини кўрсатмоқда. Аммо бу камчиликларни тўлиқ ҳисобдан олиб ташламаслик лозим. Реал ва потенциал йўқотишлар ривожланишнинг муқаррар оқибатлари деб қабул қилинмайди ва бу оқибатларни сустлик билан қабул қиласлик керак. Ана шунинг учун глобаллашуви концепцияси зид бўлиб, унга қаршилар деярли барча давлатларда бор: Франция, Япония, Хиндистон, Мексика ва бошқалар. Кўп муаммолар илгари ташқи рақобат таъсирига муҳтож бўлган ишлаб чиқариш соҳаларида вужудга келади. Айниқса, бу қишлоқ хўжалигининг айрим секторларига таалуқлидир. Француз фермерлари, япон ва корейс ишлаб чиқарувчилари Уругвай Раундининг либераллашуви келишуви натижалари бўйича қарши чиқдилар. Хинд фермерлари ҳам ҳинд қишлоқ хўжалик моллари бозорининг либераллашуви га қарши чиқдилар, ўтказилган тадқиқотларга кўра, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллар ишлаб чиқарувчи фермерлар Эркин бозордаги фаолиятлари натижасида фақат ютуққа эришишига қарамай, ҳинд фермерлари импорт озиқ-овқат моллари билан рақобатга қаршилар. Кўпчиликнинг ҳисоби бўйича айнан озиқ-овқат бозорини либераллашуви бўйича НАФТАнинг жўхори ишлаб чиқарувчиларга бўлган таъсири Западистанинг исён кўтаришига сабаб бўлган.

Глобаллашуви қарши бошқа бир гурӯҳни бой давлатлардаги малакасиз ишчилар таҳқил этади. Улар ишлаб чиқаришнинг қиймати паст бўлиши билан боғлиқ давлатдаги капиталнинг кўчиши натижасида келиб чиқадиган кўп ишлаб

чиқаришларнинг қисқартиришдан кўркишади. АҚШда шундай ҳаракат Мексика ва НАФТА оролида келишиүнинг имзоланишини деярли тўхтатиб қўйди. Шимол ва Жануб орасидаги савдонинг бой давлатлардаги одий ишларга бўлиши эҳтимол қилинган таъсирнинг асосий-назарий хавфсирашлари ана шулардан иборат. Назариялар ҳарактери бўйича статик бўлишига қарамасдан кўпчиллик тадқиқотлар кўрсатишига бу таъсир кучли бўлиши керак эмас. Олимлар томонидан келтирилган электрик исботлар шуни таҳмии қиласуви, эҳтиёж моделидаги ўзгаришлар (тонарлар ишлаб чиқаришида хизмат кўрсатиш соҳасига ўтиш) ва ривожланган мамлакатлардаги (АҚШ) ишлаб чиқаришдаги меҳнат унумдорлигининг нисбий тез ўсиши савдога қараганда таъсири анча катта. Чунки малакали итичилар ҳамда билими мактаб таълими билан чекланиб қолганиларнинг орасидаги жарлик тобора катталашиб бормоқда. Ишчи ҳалқ кўркувларининг сабаблари шундан иборат бўлиши мумкинки, улар АҚШда “кўк ёқа”лар иш ҳақини стагнациясига ва даромадларнинг тақсимлашига боғлиқдир. Шундай экан, бу ҳолатда бутун айни чет элликларга тўнкаш жуда қуладай бўлган. Протекционистик чораларнинг аксарияти АҚШнинг конгресси томонидан “кўк ёқалар” босимида қабул қилинган. Еарбий Европада иш ҳақининг катталигини эмас, балки ишсизлик даражасининг ўсиши муммо бўлиб келган. Бу эса иммиграция ва импорт рақобатига қарши чиқишларга олиб келган.

Жабрланганларнинг бошқа гурӯхини ilk бор ташки рақобатга рўпара бўлган маҳаллий капиталистлар ташкил этади (шу жумладан, давлат ҳам). Ҳиндистонда Швадешилар рақобатга доири берга олмайдиган, ривожланмаган корхоналарининг сиқиб чиқарилишини билгач, глобаллашувга қаттиқ қарнилий кўрсатган. Лекин кўпчиллик ҳинд ва хитой оила пурратидаги корхоналар рақобатга бардош бериш учун қўшма корхоналар яратдилар. Аммо умумий мойиллик кўрсатишига маҳаллий ишлаб чиқарувчилар чет эл инвесторлари ва импортига қарши оммавий компаниялар ўтказмоқда. Туб аҳоли кўпинча глобаллашун билан ассоциациялашган ўзгаришларга қарши чиқиб келмоқда.

Коммуникациялар тизимининг ва либераллашув сиёсатининг такомишлиши ёрдамида кечувчи иқтисодиёт ва жамоатдаги глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиб бориши умуман олганда ижобий таъсирига эга. Бу жараёнларнинг кечишида турмуш тарзи-

нинг мислсиз ўсишига, бой ва камбағал давлатларнинг индивиди-умлар учун кенг имкониятлар яратилишига олиб келди.

Аммо бу ижобий томонларнинг бошқа тарафини ҳам унұт-маслик лозим: интеграция жараёнларининг чукурлашишига қуйидагилар йўлдан бўлди:

- жаҳон инқирозлари олдидаги заифлик, “яхшилик” билан бир қаторда “ёмонлик” тарқалишининг хавфи. Бу бирдамликни, ҳукуматлараро қарорлар қабул қилинишини талаб қиласди.

- кўпчилик учун глобаллашув жараёни муқаррардек туюлади, аҳоли бу ўзгаришларга кўниши лозим. Аммо ҳамма ҳам бунга тайёр эмас. Глобаллашув жараёнларининг душманлари ҳам кўп.

Улар ҳар хил сабаблар таъсирида ҳаракат қилишига қарамай, биргаликда анча сиёсий кучга эга.

*Миллатчилар.* Чет эл капитали ва иммигрантларга қарши чиқадилар. Туб аҳоли учун переференция режими ўрнатилишига тарафдорлар. Иқтисодиётдаги миллатчилик Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Индонезия, Нигерия каби йирик давлатларда намоён бўлиб, уларда миллий сиёсат осонгина аутсайдерларга қарама-қарши туриш шаклини қабул қилиб олади. Ушбу ҳолатларнинг ҳар бирида импортнинг либералланувига қаршилик кўрсатиш билан бирга, чет эл сармояларига нисбатан камситиши сиёсати ўтказилмоқда. Хитой ва Ҳиндистонда товарлар ҳамда капитал оқимларининг либераллашуви ўтказилмоқда. Ўхшаш ислоҳотлар Бразилия ва Индонезияда ҳам кузатилмоқда.

Меркантилистлар (албатта, якка ривожланиш тарафдорлари бўлиши керак эмас) ҳали ҳам жаҳон иқтисодиётини бир-бири билан рақобатдаги миллий иқтисодиётлар йигиндиси деб ҳисоблашади. Улар учун савдо—натижаси йўқ ўйиндек туюлади. Меркантилистлар протекционизм сиёсатини қўллаб-қувватлаб, тўғри хорижий инвестициялар жалб қилишига ургу қилмайдилар.

Меркатилистларнинг кўпчилигини европалик ва америкаликлар ташкил қилган бўлса, кейинчалик бу оқимнинг вакиллари Японияда ҳам тарқалиб кетди. Бу давлатларда меркантилистлар савдо бюджетининг дисбалансини барқарор ривожланишига таҳдид солувчи омил деб кўрадилар. Япония иқтисодиётининг муаммолари бу назарияларнинг аҳамиятини анча камайтирган бўлсада, ҳали ҳамма нарса ўзгариши мумкин.

Регионалистлар бирлашган, якка дунёни қуришда қўлланадиган регионал (худудий) гуруҳларни “қурилиш блок-

лари” сиғатида эмас, балки ёпиқ ва ўзига түқ тизимлар сиғатида қабул қиласылар. Бу фалсафа Еининг Умумий аграп сиёсати асосига қўйилди. Хизерто очиқ регионал (худудий) тизимининг назариясига асосан, Европа, Шимолий Америка ва Осиё регионал (худудий) гурӯҳлари глобаллашув жараёнларига хавф солмайди. Аммо бу назариянинг холосалари хато бўлиши мумкин.

Мустақил ривожланиш назарияси тарафдорлари ривожлаётгани давлатлар жаҳон тизимидан ажралиб чиқиши керак деб ҳисобланмоқда. Бу назария империямиз иқтисодиёти марксленин назариясидан келиб чиқади. Умуман бу йўл “автаркия режимининг” барбод бўлиши ва инвестициялар ҳамда очиқ савдо режимини қўллаган давлатларнинг ютуқлари билан бадном қилинган. Очиқ режим билан боғлиқ ризоликлар қолмоқда, лекин Осиё ва Лотин Америкасида давом этаётган инқироз мустақил ривожланиш тояларини яна ҳётга татбиқ этилишига сабабчи бўлиши мумкин.

“Янил” ҳаракат, унинг асосий мақсади бўлиб атроф-муҳитни сақлаб қолиш ҳисобланади.

Алоҳида олинган мамлакатлар учун глобаллашувдан келалиган фойда ёки йўқотишлар интеграция билан эмас, балки бу мамлакатлар ички бозорининг тузилмаси ҳусусиятлари билан кўпроқ боғлиқ. Глобаллашув рақобатбардошликни кучайтиради. Шу сабабли жаҳон бозорига чиқиш муваффақият кафолати ҳисобланмайди. Масалан, кемасозлик, авиа-ташини ҳизматлари, кимёвий қайта ишлаш, пўлат ишлаб чиқариш каби соҳалар ҳалқаро рақобат шароитида ўз даромадларини йўқотиб таваккал қилишга мажбур бўлмоқдалар. Глобаллашув жаҳон бозорида тўғри стратегияни танлай олганларга энг кўп фойда келтиради ва бу билан ҳалқаро рақобатнинг салбий таъсирини камайтиради.

Буларга бранда-белги (Coca-cola, Nestle), патентланган стандартлар (Бил Гейтснинг – Microsoft), брандга муаллифнинг ҳукуқи (W. Disney), технологик устунликлар орқали, яrim монополистик статусга эришиш (Time-Warner, CNN)ни мисол қилиб олиш мумкин.

Шундай қилиб, феномен шундаки, глобаллашув жаҳон бозорида тан олинган ва тан олинмаганларнинг фойдалари фарқини кучайтиради. Бу ҳамма соҳаларда спорт, санъат, фан, мусиқа, банк ишни ёки корпоратив бошқаларда ҳам ўз аксини топади.

Жаҳон иқтисодиётида сифатли тажриба ва билим чегараланган ресурс ҳамда мукофот манбаси бўлиб ҳисобланади. Ўзининг “чегараланган ресурси”дан глобал фойдаланганларги на ютуқса эришади. Бошқача қилиб айтганда молиявий манфаатларга максимал даражада, жаҳон бозорида тан олинганлар эришади (масалан, Гарвард университетининг МВА дастури, Оскар мукофоти ва бошқалар).

Кўйидаги З-жадвал интеграцияни халқаро бошқариш тизими қандай ривожланаётганини кўрсатади.

### З-жадвал

#### Бошқариш тизимининг ривожланиши

Бошланғич давр	Урушдан кейинги давр	Ҳозирги давр
Макроиктисодий бошқариш	ХВФ (баҳоларни сунъий қўллаб-куватлаш)	Катта саккизлик мамлакатлари Европа Итифоқи (ИХРТ, ХВФ)
Эркин савдо тартиблари	ГАТТ	БСТ (ВТО), ҳудудий божхона иттифоқлари ва эркин савдо ҳудудлари
Тўғри хориж инвестицияларини рағбатлантириш учун тартиблар	БМТ	БСТ ИХРТ, ЕИ, Жаҳон банки
Капитал бозорлари ва халқаро банк хизматларини тизимли барқарорлаштириш	Валютани алмаштириш назорати	ХВФ, халқаро ҳисоб-китоблар банки
Иқтисодий ривожланиш	Жаҳон банки, БМТ	ЖБ, ХВФ, ҳудудий банклар
Халқаро келишувлар	Халқаро Меҳнат Ташкилоти	ЖБ, ХВФ, БМТ, ваколатхоналари ва ҳудудий келишувлар
Товарларга баҳо барқарорлиги	БМТ (товарлар ҳаракатини назорат қилиш)	ЖБ, ХВФ, ўз-ўзини бошқариш (ОПЕК)

**Манба:** Globalization and Global Governance, Vincent Cable The Royal Institute Attains, London UK. 1999. P. 47.

Шундай қилиб, бошқарув тизими бир неча усуллар билан ривожланган:

- мураккаблаштаги ҳолда институтларнинг сонини ва уларнинг ҳудудий ва халқаро битимларга биноан таъсирининг ортиб бориши;
- асосан капитал оқимлари ва иқтисодий соҳанинг эркинлашуви билан борлиқ янги масалаларни ечиш;
- капитал бозорининг ўз-ўзини бошқаришга ва стандартлар қабул қилинишига ёрдам берган ҳолда.

Ушбу тадқиқотнинг асосий вазифаларидан бири Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини ислоҳ қилиш шароитида иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёнлари халқаро тажрибасидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ҳисобланади.

## **II БОБ. ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ**

### **2.1. Иқтисодий интеграция ривожланиши: тажриба**

Интеграция Фарбий Европа мамлакатлари иқтисодиётида ўзининг энг тўлиқ ривожланишига эришди. Фарбий Европа интеграцияси объектив иқтисодий жараёнлардан ташқари В.Гюто, И.Кант каби кўплаб Европа сиёсий ва жамоат арбоблари, мутафаккирлари томонидан илгари сурилган ягона Европа гоялари билан сугорилган эди. Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг ташкил топиши ва ривожланишининг замонавий тарихи 1951 йилдан бошланади. Шу йил апрел ойида Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси тўғрисидаги шартнома имзоланди. Унга олтига мамлакат – Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландлар, Люксембург кирди. Бу Фарбий Европа интеграциясининг ўзига хос ибтидоси эди. Фарбий Европа интеграциясининг реал пайдо бўлиши ва ривожланини 1957 йилга тўғри келади. Шу йили юқорида санаб ўтилган мамлакатлар Европа иқтисодий ҳамжамияти (ЕИХ) ва Европа атом энергияси ҳамжамияти (Евратом) ташкил этиш тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар. Ҳамжамиятлар таркибига ривожланиш дарражаси юқори бўлган мамлакатлар кирди, бу уларнинг кейинги 15 йил мобайнида иқтисодий ўсишининг юқори суръатларини белгилаб берди.

Фарбий Европа интеграциясининг ривожланиши 50-йиллар охиридан бошлаб ҳозирги вақтгача нотекис ва нисбатан зиддиятли кечди. Шу билан бирга Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этинда олдинга қўйилган мақсад ва вазифалар етарлича изчил ва муваффақитли амалга оширилди.

Фарбий Европа иқтисодий интеграцияси ривожланиши жараёнини шартли равишда тўртта босқичга бўлиш мумкин.

*Биринчи босқич (50-йиллар охри – 70-йиллар ўртаси). Ҳамжамият ҳаётидаги “олтин аср” ҳисобланади. Ушбу босқич божхона иттифоқининг муддатидан олдин ташкил этилиши,*

ягона аграр бозорнинг нисбатан муваффақиятли шакллантирилиши, ЕИХга учта янги мамлакат: Буюк Британия, Дания, Ирландиянинг кириши билан характерланади (1-чизма).

Кўпинча “Умумий бозор” деб юритиладиган Европа иқтисодий ҳамжа миятини ташкил этишининг аниқ мақсадлари қўйидагилардан иборат эди:

- иштирокчи давлатлар ўртасидаги савдода барча чеклашларни аста-секин бартараф этиш;
- учинчи мамлакатлар билан савдода умумий божхона тарифини белгилаш;
- “инсонлар, капитал, хизматлар” эркин ҳаракат қилиши учун чеклашларни тутатиш;
- транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёсанни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- валюта иттифоқини ташкил этиш;
- солиқ тизимини бирхиллаштириш;
- қонунчиликни яқинлаштириш;
- келишилган иқтисодий сиёсан принципларини ишлаб чиқиш. Қатнашчи мамлакатлар товарлари, капиталлари, хизматлари ва ишчи кучи умумий бозори ташкил этилиши вазифасининг ҳал этилишини ЕИХ ўзининг биринчи мақсади қилиб қўйди. Бунинг учун божхона иттифоқи ташкил этилди. ЕИХ га айнан божхона иттифоқи асос қилиб олинган. Божхона иттифоқи доирасида:
- қатнашчи мамлакатларнинг ўзаро савдосидаги савдо чеклашлари бекор қилинди;
- учинчи мамлакатларга нисбатан ягона божхона тарифи белгиланди;
- капиталлар, кредитлар ҳаракати, пул ўтказмалари, хизматлар кўрсатиш эркинлигига эришилди;
- иш кучининг эркин миграцияси ва яшаш жойини эркин танлаш таъминлачди.

Ушбу чораларнинг барчаси саноат интеграциясининг жалаллашувига кўмаклашди. Айни бир вақтнинг ўзида компенсация йигимлари ва қишлоқ хўжалиги жамғармаси орқали молиялаштириш ёрдамида жамоавий протекционизм ўрнатиш шаклида аттар интеграцияни амалга оширишга уриниб кўрилди. ЕИнинг аграр сиёсати ЕИ аъзолари бўлган мамлакатларнинг кўплаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун бирдек минимал нархлар белгиланишини кафолатловчи нархларнинг ягона тизимига асосланади.

Умумий бозор шакллантирилиши ЕИХ мамлакатлари миллий монополияларининг трансмиллий монополияларга айланниши жараёнини тезлаштирди, шерик мамлакатлар иқтисодиётiga кириб боришга кўмаклашди. ЕИХнинг ривожланиши ҳамдўстлик қатнашчиси бўлган мамлакатларнинг яккаланаб қолган миллий хўжаликлардан ташки бозорга қаратилган очиқ турдаги иқтисодиётга жадал ўтишини англатар эди.

*Иккичи босқич (70-йиллар ўртаси – 80-йиллар ўртаси)* ЕИ тарихига Европа валюта ҳамкорлиги дастури қабул қилинишига, ташки сиёсий келишувларга муваффақ бўлинганлиги сифатида кирди. Бироқ барибир пайдо бўлган салбий тенденциялар ушбу даврда Фарбий Европа иқтисодий интеграциясининг жиддий танглигига олиб келди. Ушбу танглик “Евросклероз” деган ном олди. 70-йилларда ва 80-йиллар бошида ЕИ мамлакатлари ўртасидаги ривожланиш даражасидаги тафовут кўпайди. 1981 йилда Гречиянинг ЕИ га кириши билан ушбу теденция янада аникроқ намоён бўлди, чунки ушбу мамлакатнинг иқтисодиёти ҳамжамиятнинг бошқа қатнашчиларига таққослаганда анча паст даражада эди.

*Учинчи босқич (80-йиллар иккинчи ярми – 90-йиллар боши)* – Ҳамжамият таркибининг янада кенгайиш босқичи бўлди. 1986 йилда Испания ва Португалиянинг қўшилиши илгари мавжуд бўлган мамлакатлараро номутаносибликтининг кескинлашувига олиб келди. ЕИга кириш пайтида жон бошига даромад Португалиядада ЕИХ бўйича жон бошига ўртacha даромаднинг тахминан ярмини, Испанияда қарийб тўртдан уч қисмини таниклил этар эди. Янги аъзо мамлакатларда бенз кишидан бири қишлоқ хўжалигига меҳнат қиласр эди, айни вақтда, ЕИХда 13 тадан бири меҳнат қиларди. Шу билан бирга айни ушбу давр Фарбий Европа интеграцияси ривожланишидаги янги кучайиш билан характерланади. Бу энг аввало, Ягона Европа Акти (ЯЕА) қабул қилиниши билан боғлиқдир.

ЯЕА да ҳамжамият қатнашчилари бўлган мамлакатларнинг умумий мақсади – Европа Иттифоқи ташкил этиш тасдиқланди. Европа Иттифоқи ўзида ҳамжамият қатнашчиларининг сиёсий альянсини ифодалар ва уларнинг иқтисодий, валюта-молиявий, инсонпарварлик ҳамкорлигининг юқори даражасинигина эмас, балки ташки сиёсатни, шу жумладан, хавфсизликни таъминлашни келишишини ҳам назарда тутар эди. ЯЕАда ягона иқтисодий макон барпо этиш мақсали унда қайд этилган марказий қоила эди. ЕИХ қатнашчилари бўлган ҳар

хил мамлакатлар ягона хұжалик организмини ташкил этиши керак эди. ЯЕА қабул қилиниши билан ҳамдүстлик аъзолари бұлған мамлакатларнинг микро ва макроиктисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқ, фан ва экология, минтақавий ривожланиш, ижтимоий муносабатлар соҳасидаги интеграция жаражында күчтілді. 90-йиллар бошида ЕИ аъзоси бұлған мамлакатлар ягона бозор асосларини барпо этишни амалда тұгальладылар ва валюта-иктисодий ва сиёсий иттифоқларни шақыллантиришінде жуда яқынлашиб қолдилар.

*Тұрттынчи босқич (XX асрнинг 90-йиллари ўртаси – XXI аср боси)* да Ягона Европа Актика мувофиқ 1993 йил 1 январдан бошлаб ҳамжамият чегаралари ичиде ишилаб чықарып омилларининг әркін ҳаракат қилиши жорий этилди. Амалда ҳамжамият доирасыда ягона иқтисодий макон пайдо бўлди, бу ЕИнинг иқтисодий интеграциянинг сифат жиҳатидан янги босқичига киргандыгини анжалатар эди.

Маастрихт шартномаси асосида (1992 йил феврал) 1994 йил 1 январдан бошлаб ЕИХ қатнашчи мамлакатлари сони 15 та бұлған Европа Иттифоқига айлантирилди. ЕИ доирасида тұлық ягона ички бозор ташкил этиш амалга оширилди. Бундан бүнгә интеграция ҳамкорлігі мақсадлари эълон қилинди. Улар ягона валюта – евро эмиссияси ҳуқуқи билан ягона Европа банки, ички чегараларсиз ягона Фарбий Европа макони барпо этилишини ўз ичига олар эди.

Хозирги күнда 25 давлатдан иборат бұлған Европа Иттифоқи АҚШ ва Япония билан биргаликта дүниёдаги асосий ишилаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчилардан бири ҳисобланади. Еврострат маълумотларига күра жаҳон экспортининг 57 фоизи ва импортнинг 55 фоизи унинг улушига тұғри келади. Айни вақтда ЕИ мамлакатларининг жаҳон савдосидаги улуси кейинги йитирма йилда Иттифоқ аъзолари сони күтпайғанлигига қарамай, тушиб кетди.

Харид қобилияти паритети бүйіча ҳисоблаб чиқылған ахоли жон бошига 2000-шы жылға иккі маңсулот миқдори ЕИ мамлакатлари учун 17,3 минг еврони ташкил этади. ЕИнинг ижтимоий-иктисодий жотуклары салмоқты бұлған бир шароитда унине ахолиси жаҳон ахолисининг атиги 7 фоизини ташкил этади.

ЕИнинг олға ривожланиб борипши Иттифоқда қарама-қаршиликлар ва қийинчиликлар йўқ эканligини анжалтмайди. Юқорида ЕИга янги аъзолар қўшилиши натижасида мамлакатлараро ва мамлакат ичидаги номутаносибликлар пайдо

бўлганлиги қайд этилган эди. Ягона агарар сиёсатни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларига ягона марказлаштирилган нархларнинг амалга оширилиши жараёнида анчагина муаммолар пайдо бўлди ва пайдо бўлмоқда. Европа Иттифоқи мафкурачиларини Европа товарларининг ҳалқаро бозорларидаги рақобатбардошлилиги тушиб кетиши, жаҳон савдосида ЕИ улушининг қисқаришӣ, компьютерлаштириш ва бошқаларда АҚШдан орқада қолини ташвишга салмоқда.

Европа Иттифоқи унга янги аъзолар кириши муносабати билан жиддий муаммоларга дуч келиши мумкин эди. 1998 йил март ойида ЕИга киришига талабгор бўлган бир гуруҳ мамлакатлар билан фаол музокаралар бошланди. ЕИ Шарқий Европага юз тутди. Кипр, Чехия, Венгрия, Словения, Эстония келажакда ЕИнинг янги аъзолари бўлиши мумкинлиги масаласи курилди. Туркияning ЕИга киришга бўлган интилиши фаоллашди. 1996 йил январ ойидан бошлаб Туркия билан ЕИ ўртасидаги божхона иттифоқи кучга кирди.

Кипр ва Туркиядан ташқари ЕИга аъзоликка барча янги талабгорлар Марказий ва Шарқий Европанинг социалистик тузумдан кейинги эндингина бозор ва демократик йўсинда ислоҳ қилинаётган мамлакатларни ўз ичига олди. ЕИга янги "шарқий" аъзоларнинг кириши билан боғлиқ музокара жараёни, Европо Иттифоқи экспертларининг фикрича, етарлича кескин ва узоқ муддат давом этди. ЕИга киришига номзод бўлган мамлакатларнинг мослашиши билан боғлиқ харажатлар эса анча салмоқли бўлди. Даастлабки вақтларда ЕИ ушбу мақсадлар учун ҳар йили қарийб 1,7 млрд. доллар ажратади. 2000 йилдан бошлаб ушба сумма икки баравар кўпайди. Бу маблаглар асосан қолоқ қишлоқ хўжалигини замонавийлаштиришга, транспортни ривожлантиришга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хизматларини тўлиқ қайта куришга, АЭС хавфсизлигини таъминлашга ва бошқа тармоқларни молиялантиришга йўналтирилди.

Фарбий Европадаги иқтисодий интеграция фақат ЕИ ҳудуди билан чекланиб қолмайди: 60-йиллар бошидан бошлаб Европа эркин савдо уюшмаси мавжуддир. Европа эркин савдо уюшмаси ЕИдан фарқ қилган ҳолда, миллий манфаатлардан устун турувчи функцияларга ва давлатлараро мувофиқлаштирувчи институтларга эга эмас. Европа эркин савдо уюшмаси (ЕЭСУ) иқтисодий ҳамкорликни асосий мақсад қилиб қўяди. У биринчи навбатда савдонинг эркинлашишига ва божхона тўсиклари

бартараф этилишига күмаклашди. ЕЭСУ аъзолари бўлган мамлакатлар (80-йилларда улар еттига, 90-йиллар ўртасида тўртта – Норвегия, Исландия, Лихтенштейн, Швейцария эди) учинчи мамлакатлар билан у ёки бу савдо-иқтисодий битимларга ихтиёрий қўшилдидилар, ЕЭСУ қатнашчиларидан ҳар бири ушбу мамлакатларга нисбатан исталган божхона тарифларини белгилашга ҳақлидир. ЕЭСУ аъзолари бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдода эркин божсиз савдо айланмаси режими фақат саноат товарларига нисбатан амал қиласди, чунки ЕЭСУ конвенциясининг амал қилиши қишлоқ хўжалиги маҳсулот-ларига жорий этилмайди.

1972 йилда ЕЭСУга кирувчи ҳар бир давлат ЕИХ/ЕИ битимини имзолади. Унга мувофиқ саноат товарларига бож ва миқдорий чеклашлар аста-секин пасайтирилди. Ушбу мамлакатлар ўртасидаги божсиз савдо товарнинг келиб чиқишига боғлиқ равишда ишлаб чиқилган мураккаб қоидалар тизимига асосланади. Ягона божхона тарифи мавжуд эмаслиги туфайли ЕЭСУ ичida эркин божсиз савдо фақат аъзо мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарлар учун мавжуддир.

1994 йилда ЕЭСУ ва ЕИ “ягона иқтисодий макон” (ЯИМ) ташкил этиш тўғрисидаги битимни имзолади. Унга Farbий Европа мамлакатларидан фақат Швейцария кирмади. Битимнинг асос бўлувчи принципи – капиталлар, товарлар, хизматлар ва жисмоний шахсларнинг эркин ҳаракат қилишиидир.

Таъкидлаш зарурки, ягона иқтисодий макон божхона иттифоқи ҳисобланмайди. ЕИ ва ЕЭСУ тузилмаси доирасида унга кирувчи давлатлар на ягона савдо сиёсатига ва на учинчи мамлакатларга нисбатан умумий божхона тарифларига эга. ЯИМга битим қатнашчилари бўлган давлатлар вазирларидан иборат Кенгаш бошчилар қиласди.

ЕЭСУ унга кирувчи давлатлар ривожланганигининг юқори даражасига ва ўзаро иқтисодий алоқаларга қарамай, тўлақонли интеграциявий груухга айланмади. Амалда у ЕИХ ва ЕИнинг янги аъзолари учун ўзига хос “тайёргарлик синфи” бўлди. ҳозирги вақтда ЕЭСУнинг кўплаб аъзолари унга Шарқий Европа ва Farbий Европа мамлакатлари ўртасидаги потенциал эркин савдо зonasи сифатида қарайдилар.

1996 йил бошида 12 мамлакатдан иборат эркин савдонинг Марказий Европа зonasи ташкил этилди. Вақт ўтини билан ушбу давлатлар ЕЭСУ сафларини тўлдириши истисно этилмайди. Уларнинг ЕЭСУга аъзо бўлиб кириши ЕИ йўлидаги дастлабки қадам бўлади.

Еининг иқтисодий құдраты, унинг кенгайиб бориши ва Еарбий Европа айрим мамлакаттарының у билан савдодан күчли болғылғыги, “Европада қандай қилиб бизнес қилиш мүмкін” китобининг муаллифи Вольфганг Хойернинг фикри-ча, яқын келажақда айрим мамлакаттар ўртасида ёки ЕИга кириш ва ўз суверенитетидан қисман воз кешишга, бироқ жаһоннинг йирик бозорлари барча имкониятларидан фойдаланашишга, ёхуд четда қолишга, ўз иқтисодиети учун барча салбий оқибатлар билан ўзи учун Еарбий Европанинг бирлашиши жа-раёнда қатнашиш йўлини тўсишга ундейди.

Собиқ социалистик давлатларнинг интеграция гуруҳи – Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятини тўхтатгандан кейин ушбу ташкилотнинг собиқ аъзолари чуқур ҳамкорликдан воз кечмадилар. 1990 йилда улар ўзларининг интеграция гуруҳини – “Вишеград училиги”ни ташкил этдилар. Унга Венгрия, Польша ва Чехославакия кирди. Чехославакия парчалангандан кейин ушбу гуруҳ “Вишеград тўртлиги”га айланди. 1993 йил 1 марта бошлаб ушбу гуруҳ доирасида божларни астасекин пасайтиришни назарда тутувчи Эркин савдо тўғрисидаги Европа битими (СЕФТА) кучга кирди.

Ушбу қадам ЕИ билан маҳсус “Европа битими” имзоланганлигига қарамай, “Вишеград тўртлиги”нинг ҳар бир мамлакати уларнинг савдо-иқтисодий муносабатлари, умуман олганда, қониқарсиз ривожланганлиги билан изоҳланади. Шу сабабли кейинги ўн йилликларда изга тушган Марказий Европа-нинг савдо-иқтисодий алоқаларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун ушбу интеграция гуруҳи ташкил этилди. 1992 йилда шартномани имзолашда 2001 йилга келиб қатнашувчи мамлакатлар ўртасидаги барча божхона тўсиқларини бартараф этиш мўлжалланган эди.

Бироқ кейинроқ унibu жарапнин жадаллаштиришга қарор қилинди. Олтита давлат (муассисларга қўшимча равишда Руминия ва Словения қўшилди) минтақада савдони фаоллаштириш ниятида, 1995 йил сентябрдан бошлаб СЕФТА очиқ ташкилот мақомига эга бўлди. “Ички бозорлар рақобат учун эмас, балки бир-бирини тўлдириш учун” очилиши СЕФТА фаолиятидаги муҳим тамойилига айланди. Шартномага Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлган ҳар қандай давлат унинг ЕИ ва СЕФТАнинг ҳар бир қатнашчиси билан эркин савдо тўғрисидаги шартномалари мавжуд бўлган тақдирда қўшилиши мумкин. Экспертларнинг башоратига кўра, XXI аср бошида СЕФТАга

Болгария, Литва, Латвия, Эстония, Украина кириши мумкин. Ушбу зонада яшовчи аҳоли 120 миллиондан ортиқ кишини ташкил этади. СЕФТА доирасида айланувчи товарларнинг фақат 30 фоизига солиқ солинади.

Ҳозирнинг ўзидаёқ СЕФТА доирасида саноат товарлари билан савдо қилишнинг катта қисми эркин туслага эга. Қишлоқ хўжалиги сектори билан боғлиқ аҳвол эса, мураккаб бўлиб турибди. “Олтилик”нинг барча мамлакатлари у ёки бу даражада миллий бозорларни хорижий рақобатчилардан ҳимоя қилишга уринадилар. Томонлар товар белгиларини (“кўринарли” товарларни) эркинлаштиришдан ташқари хизматлар ва капитал бозорларини эркинлаштириш масалаларини ҳал этадилар.

Фарбий Европадаги иқтисодий интеграциянинг ривожланиши муваффақиятлари жаҳоннинг ривожланаётган минтақаларида эътиборни жалб этди. Лотин Америкаси, Африка ва Осиёда бир қанча ўнлаб эркин савдо зоналари, божхона ёки иқтисодий иттифоқлар пайдо бўлди.

Шимолий Америка Эркин савдо ассоциацияси – НАФТА ташкил этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши жараёни сезиларли ривожланаётган интеграция жараёнларидан бири бўлди.

АҚШнинг Канада билан мавжуд иқтисодий интеграцияси ва уларнинг Фарбий Европадаги шериклар билан ҳамкорлиги АҚШни қониқтирумай қўйди. Натижада Шимолий Америкадаги интеграция жараёнлари давлатлар ташқарисига чиқди. Шимолий Америка эркин савдо зонаси тўғрисидаги шартнома имзоланди ва у 1994 йил 1 январдан бошлаб кучга кирди. НАФТАга АҚШ ва Канададан ташқари Мексика ҳам киради. Блокнинг ҳудуди 370 млн. аҳолини ўз ичига олувчи кенг ҳудудни ташкил этади ва у қудратли иқтисодий салоҳиятга эга. Ушбу мамлакатлар томонидан йиллик товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш 7 триллион долларни ташкил этади. Жаҳон савдоси бутун ҳажмининг қарийб йигирма фоизи улар улушига тўғри келади.


Шартноманинг асосий қоидалари қўйидагиларни ўз ичига олади:

– АҚШ, Канада, Мексика ўзаро савдо қиладиган товарларга божхона пошлиналарини бекор қилиш;

– Шимолий Америка бозорини ўз товарларини Мексика орқали АҚШга қайта экспорт қилиш йўли билан Америка пошлиналаридан халос бўлишга уринувчи Осиё-Европа компанияларининг экспансиясидан ҳимоя қилиш;

- Мексикада банк ва сугурта ишида Америка ва Канада компанияларининг рақобатига ва капитал қўйишига тақиқни бекор қилиш;
- атроф-муҳитни қўриқлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун уч томонлама гуруҳлар ташкил этиш.

**Диаграмма-1**



**Манба:** The Economist: Pocket Europe in Figures, 4 th edit., researched and compiled by M. Doyle, R. Eves , The Economist LTD. Lego S.p.a., Vicenza, Italy, 2000.

Савдо блоки истеъмолчилари тузилган битимдан энг кўп фойда олдилар, чунки рақобатнинг кучайиши ва тарифларнинг пасайиши натижасида кенг доирадаги товарларнинг нархлари пасайди. Америка саноатчилари қулай мавқени эгалладилар, чунки арzon иш кучи оқими ўеди. Америка иқтисодиётининг электроника, компьютер таъминоти, Қурилиш материаллари, автомобил эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқариши сингари сектор-ларидаги даромадларнинг кафолатли ўсиши кутилмоқда. Айни вақтда қандшакар, цитрус мевалар, қишки сабзавотлар етиш-тирувчи Америка фермерлари зарар кўрмоқдалар. Мексикага келганда эса, у НАФТА ёрдамида ўзининг иқтисодий ривожла-ниши суръатларини ялпи ички маҳсулот ўсизининг таҳминан 1,6-2,6 фоизи миқдорида жадаллаштиришни режалаштирмоқда. Натижада Мексика ўз иқтисодиётини ислоҳ қилиш даврини ва ривожланган мамлакатлар клубига яқинлашишни ярим асрдан 10-15 йилгача қисқартиришга муваффақ бўлади.

Канада НАФТАдан энг кам фойда кўриши мумкин. Унинг иқтисодиёти АҚШ билан мустаҳкам алоқада, бироқ Мексика билан унча сезиларли алоқага эга эмас. Бироқ НАФТА ривожланиши давомида Канада интеграция жараёнларига тобора кўпроқ тортилади ва кенгаяётган бозордан диниденлар олади.

**НАФТА** фаолият кўрсатининг дастлабки икки йилида экспорт ҳажмларини кўпайтириш ҳисобига қўшимча ишчи ўринлари барпо этилишига нисбатан ишончни оқламади. Ундан ташқари **АҚШ**нинг Мексика билан савдосининг ижобий савдо салъдosi 1995 йилда ўз ўрнини тақчилликка бўшатиб бериб йўқотди. Пировард натижада **НАФТА**ни ташкил этувчиларнинг режасига кўра тўлақонли Шимолий Америка умумий бозори 2010 йилга бориб ташкил этилиши мумкин ҳозирнинг ўзида Америка иқтисодчилари Аляскадан тортиб Оловли ергача бўлган масофани қамраб олувчи Америка савдо блоки ташкил этишини моделлаштирумокдалар.

Интеграция жараёнлари Шимолий Америкада ҳам фаоллашмоқда. Ўз вақтида (60-йиллар бошида) Марказий Америка умумий бозори ташкил этилган эди. Бироқ сиёсий ва иқтисодий танглик Марказий Америка умумий бозори доирасида интеграция режаларини эмалга ошириш имконини бермайди. 90-йиллар ўртасига келиб интеграция жараёнлари 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Уругвай, Парагвай ўртасида **МЕРКОСУР** савдо пакти тузилиши воситасида фаоллашди. Жанубий конус мамлакатларининг умумий бозори – **МЕРКОСУР** ўзи мавжуд бўлған ерларда жаҳоннинг энг динамик интеграция гуруҳларидан бирига айланди. 1998 йилда ёки бирлашманинг тўрт қатнашчиси ўртасидаги савдо ҳажмининг деярли 95 фоизига пошлина солинмади.

Агар, 90-йиллар ўртасида Лотин Америкаси мамлакатлари **НАФТА** блокига интилмоқдалар деб ҳисобланган бўлса, ҳозир вазият ўзгарди. **МЕРКОСУР**га эркин савдо тўғрисидаги битим асосида Чили ва Боливия қўшилди (ассоциацияланган аъзолар сифатида). **МЕРКОСУР** билан Анд гуруҳи ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги музокаралар олга силжимоқда. Унга Боливиядан ташқари Венесуэла, Колумбия, Перу, Эквадор киради. **МЕРКОСУР** яқин истиқболда Панама каналидан Магеллан бўғозигача бўлган ерни қамраб олувчи Жанубий Америка эркин савдо зонаси – **САФТА**ни ташкил этиш режасига эга.

**МЕРКОСУР**нинг барпо этилиши ўзаро савдонинг кескин кўпайтишига, бошқа минтақавий савдо гуруҳлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг кентайишига олиб келди. Ўзаро инвестиция фаолиги сезиларли равищда ўди, чет элдан келувчи инвестициялар ўсмоқда. **МЕРКОСУР**нинг муваффақиятли фаолияти минтақада сиёсий барқарорликка сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Еарбий Европа интеграциясидан фарқ қилған ҳолда, ушбу Жанубий Америка бирлашмаси ўз даражасига кўра турлича бўлган давлатлар ягона ташкилотда мавжуд бўлишидангина эмас, балки муваффақиятли ҳамкорлик қилишидан ҳам далолат беради. Бунинг учун бундай бирлашмаларнинг барча бўгинларини пухта тайёрлани, улар фаолиятига юқори малака билан раҳбарлик қилиш, ушбу жараёнда ҳар бир мамлакат учун унинг ўз ўрнини топиш укуви, қарама-қаршиликларни юмшатиш, муросага бориш истаги талаб этилади.

Африка давлатлари ҳам ўз минтақасида интеграция жараёнларини ривожлантиришга интилоқда. 1989 йилда Африка қитъасининг Шимолий қисмида Жазоир, Ливан, Мавритания, Марокко ва Тунис иштирокида Араб Машриқи Иттифоқи ташкил этилди. Ушбу Иттифоқ тўғрисидаги шартнома минтақавий интеграция даражасида кенг кўламли иқтисодий ҳамкорлик ташкил этилишини назарда тутади. Бироқ Шимолий Африка минтақаси ўзида бешта—бозорлари бир-биридан ажralган, миллий чегараларга ўралаб олган бозорларни ифодалайди.

Африка мамлакатларининг иқтисодий интеграцияга бўлган интилиши бошқа, амалда ўзаро иқтисодий алоқаларга эга бўлмаган давлатларнинг Африканинг айрим субминтақаларида ички бозорнинг асосий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган саноатни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга бўлган интилишини англатади. Африка мамлакатлари иқтисодий ва божхона иттифоқига кирар эканлар, мувофиқлаштирилган сиёsat асосида ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантиришни, айрим минтақаларда иқтисодиётни замонавийлаштиришнинг базаси сифатида сигимли ички бозорларни барпо этишини режалаштирилар. Интеграция ривожланишнинг муқобил йўли кўп жиҳатдан “ўз кучларига таяниш” орқали тараққиётга эришиш усули сифатида қаралди. “Ўз кучларига таяниш” концепцияси иқтисодиётни таркибий қайта қуришга энг аввало, маҳаллий ресурслардан фойдаланиш, ривожланишнинг ички омилларини ҳар томонлама сафарбар қилиш орқали эришиш мумкинligини назарда тутади.

Африкадаги интеграция жараёнлари амалиёти, Африка давлатлари раҳбарлари томонидан эълон қилинган чукурлаштирилган ҳамкорлик йўналишларини амалга ошириш мумкинligини, аммо ушбу мақсад ва вазифалар асоссан, истаклар бўлибгина қолаётганлигини кўрсатади. Камбағал ва қолоқ

мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги анъанавий шаклларда “камбагаллик доирасидан” чиқиб кетишга олиб келмайди, бирор-бир сезиларли тараққиётни таъминламайди. Шу билан бирга Африка умумий бозори тоғаси уни ташкил этиш билан боғлиқ барча муваффақиятсизларга қарамай, қитъада ҳамон мавжудлар.

Форс қўлтигидаги араб давлатлари орасида ҳам интеграцияга, ўзаро фойдали ҳамкорликка интилиш қайд этилади. 1981 йилдан бўшлаб Саудия Арабистони, Қувайт, Қатар, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари ва Уммонни (“нефт олтилиги”ни) ўз ичига олувчи бир қанча араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Тадқиқотлар ривожланаётган давлатлар гуруҳидаги ресал интеграция жараёнлари ҳали жуда заиф эканлигини ва характеристики, ҳаракатлантирувчи омиллари, ривожланиши суръатларига кўра ўзаро фарқданишини кўрсатди. Қўпчилик ривожланаётган мамлакатлар амалда сўзнинг ҳақиқий маъносида интеграция жараёнидан ташқарида, яъни ҳам алоҳида фирмалар ва корхоналар, ҳам умуман миллий хўжаликлар даражасида доимий ривожланувчи бевосита мамлакатлараро алоқалар жараёнидан ташқарида турибди. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги улар томонидан эълон қилинган интеграция мақсадлари реал интеграция жараёнига тайёргарлик босқичи ҳисобланади, холос. Интеграция гуруҳлари томонидан эълон қилинган ниятларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг етук эмаслиги, миллий хўжаликларнинг ибтидоийлиги ва таркибий табақалаштирилмаганлиги, бозор ва молия инфратузилмаларининг ривожланмаганлиги туфайли ушбу тузилмаларни муваффақиятсизликка маҳкум этиши мумкин.

Кейинги йилларда Шарқий Осиёда интеграция жараёнлари кучаймоқда. Деярли 30 йил мобайнида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўюшмаси (АСЕАН) муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Унга Осиёдаги тўртта “аждаҳо”дан бири – Сингапур, шунингдек, “янги тўлқин” – янги индустриал мамлакатлар – Малайзия, Индонезия, Тайланд, Бруней ва Филиппин киради. Ушбу гуруҳ доирасида ўзаро ҳамкорликнинг муваффақияти АСЕАН қатнашчилари бўлган кўпчилик мамлакатларнинг шиддатли иқтисодий ўсиши, улар ривожланишини таққослаш мумкинлиги, яхши йўлга қўйилган ва узоқ тарихий анъаналарга эга бўлган ўзаро савдо алоқаларининг мавжудлиги, шунингдек, ҳамкорлик шаклларининг тартибга солиниши билан

мустақкам бөглиқдир. АСЕАН режаларидан 2000 йилгача қатнашчи мамлакатлар божхона пошлиналарини 38 минг турдаги товарлар бүйічә ўртаса 5 фоизга пасайтириш режаси мавжуд эди. 1995 йил охирида 2000 йилда, воқеалар күнгилдагидек ривожланған тақдирда 2002 йилда әркін савдо зонаси барпо этиш түркесида қарор қабул қылғанған эди.

Шарқий Осиёда иқтисодий интеграцияни ривожлантириш истиқболлари күп жиҳатдан Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятими ташкил этиш билан бөглиқдир. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти минтақаның 21 давлатини бирлаштирувчи ұкуматлараро бирлашмадыр.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти 1989 йилда Австралияның тақлифи билан Тинч океани қавзасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадыда ташкил этилған эди. Дастанда унга 12 мамлакат: Австралия, Бруней, Канада, Индонезия, Япония, Малайзия, Янги Зелландия, Филиппин, Сингапур, Жанубий Корея, Тайван ва АҚШ кирди. Кейинги йилдарда унга Хитой, Гонконг (Сянган), Тайван, Мексика, Чили, Папуа-Янги Гвинея, 1998 йилда Вьетнам, Перу ва Россия күшилди.

Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти расман маслаҳат мақомига эга, бироқ уннан ишчи органлари доирасыда савдо, инвестция ва молия фаолиятини юритишининг минтақавий қоидалари белгиланади, у ёки бу соҳаларда ҳамкорлик масалалари бүйічә тармоқ вазирлари ва эксперктарнинг учрашувлари ўтказилади.

1993 йилда Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти етакчиларининг бириңчи учрашуви бўлиб ўтди (Сиэтл, АҚШ). Учрашув давомида минтақада авж олаётган интеграция жараёнларидан фойда кўриш нотўғри тақсимланиши юзасидан жиддий тафовутлар борлиги аниқланди. Экспертларнинг фикрича, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятида савдони әркінлаштириш аъзо мамлакатларнинг реал даромадлари 2 фоизга ўсишига олиб келиши керак. Бироқ фойдани бириңчи навбатда энг рақобатбардош мамлакатлар оладилар.

Осиё-Тинч океани минтақасыда иқтисодий интеграция жараёнларига баҳо берар экан, кўпчилик мутахассислар уннан ривожланишининг ўзига хос шарт-шароити ва ўзига хослигини кўрсатадилар. Осиё-Тинч океани минтақасы интеграция жараёнининг асосий хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— биринчидан, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилотидаги интеграция жараёни давлатлараро ҳамкорлик учун негиз яратувчи трансмиллий корпорацияларнинг етакчилик роли шароитида юз бермоқда;

— иккинчидан, интеграция жараёни иқтисодий ривожланиши даражаси жиiddий равишда турлича бўлган, маданий ва ижтимоий-сиёсий тизимлари ҳар хил бўлган мамлакатларни қамраб олади. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамкорлигининг ноёблиги шундаки, унда XX асрнинг икки буюк иқтисодий давлати — АҚШ ва Япония, шунингдек, XXI асрнинг иқтисодий гигантини — Хитой бирлашади.

Япониянга келганда эса, Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти интеграция типидаги ягона ҳалқаро тузилма ҳисобланади. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятига ўзаро муносабатлари унча оддий бўлмаган куладай ташқи шартшароитларни талаб этувчи ХХР ва Тайван киришини қайд этиш мүхимдир;

— учинчидан, Осиё-Тинч океани минтақаси кўламидағи интеграция суб минтақавий иттифоқларни (АСЕАН, НАФТА, Жағупубий Тинч океани форуми ва бошқалар) ўз ичитга олади, яъни интеграциянинг турли даражаларига йўл қўяди, масалан, ташқи савдони эркинлаштириш даражаси бўйича;

— тўртинчидан, АТЭС ва Осиё-Тинч океани минтақасида Тинч океани “очик” регионализми мафкураси минтақавий интеграцияни иқтисодий глобализм элементи сифатида қарайди. Бунда жаҳон иқтисодиёти эволюцияси минтақавий иқтисодий иттифоқларнинг аста-секин бирлашивиги ва ўзаро бир-бирига қўшилиш жараёни сифатида қарадади. “Очиқ регионализм” концепцияси, шунингдек, Тинч океани минтақаси ичидан товарлар, сармоялар, иш кучи, ҳаракати, чекланиши олиб ташланишини ҳам назарда тутади, протекционизмдан воз кечиш бўйича мажбуриятлар қабул қилинади, ички минтақавий иқтисодий алоқалар рағбатлантирилади. Умуман олганда, Осиё-Тинч океани минтақасида интеграция муносабатлари етуклиги ҳали унча юқори эмас. Жумладан, АСЕАН тизимидағи савдо зонасини иқтисодий интеграция ривожланишининг биринчи босқичига, яъни тарифлар ва бошқа чеклашлар олиб ташланадиган эркин савдо зонасига киритиш мумкин. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятига писбатан ҳозирча эркин савдо зонаси сифатида эмас, балки “очик иқтисодий ўюшма” сифатида ташкилот мумкин. Ушбу ташкилот

доирасида Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятини ва интеграция жараёнларини ривожлантириш истиқболлари яқин йилларда уч вариантда күриб чықылади.

*Биринчи вариант* – Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятини ривожлантириш Багор (1994 й., Индонезия)даги кенгашда қабул қылған сценария бўйича амалга оширилади. Унга мувофиқ эркин савдо зонаси ташкил этилади ва 2020 йилда (саноати ривожланган мамлакатлар учун 2010 йилгача) инвестиция соҳаси эркинлаширилади. Божхона тарифларини пасайтириш ГААТ/БСТ доирасида эришилган битимларга мувофиқ юз беради.

*Иккинчи вариант* – мутахассисларнинг фикрича, энг эҳтимолли вариант Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти учун минтақада савдо муаммоларини муҳокама қилиш форуми ролини мустаҳкамлайди. Ушбу ҳолда мавжуд аҳдланувларни бажаришнинг бориши муносабати билан низолар келиб чиқиши шубҳасизdir. Бу ташкилотнинг кучсизланишига олиб келали. Бундай шароитларда бошқа интеграциялашган минтақавий гурӯҳларнинг роли ошади, чунки субминтақаларида ва Осиё-Тинч океани минтақаси гурӯҳларидаги айрим мамлакатларнинг интеграциялашув даражаси нисбатан юқори ва улар умуман олганда, минтақада интеграция жараёнлари жадал ривожланишининг ўзига хос ячейкалари бўлиши мумкин. Жумладан, "ўсишнинг учбурчаги" – Жанубий-Хитой иқтисодий зonasи (ХХР, Гонконг, Тайван); "ўсишнинг олтин учбурчаги" (Индонезия, Малайзия, Сингапур); Япон денгизи ҳавzasи мамлакатлари иқтисодий зonasи; Ҳинди-Хитой иқтисодий зonasи мавжуд.

*Учинчи вариант* – АҚШ ва ЕИда протекционистик кайфиятлар устунлик қилишини истисно этмайди, бу жаҳон савдосининг тезликда эркинлашишига тўсқинлик қилиши ва Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятида интеграция жараёнлари доирасини Осиё мамлакатлари билан чеклаши мумкин.

Осиё-Тинч океани минтақаси кўплаб мамлакатларининг тезликда барқарор иқтисодий ўсими жаҳон иқтисодий ривожланишининг маркази Тинч океани ҳавzasи томонга силжимоқда, деган умумий фикр шаклланишига кўмаклашди. 90-йиллар ўртасида жаҳон аҳолисининг 38,2 фоизи ва унинг ялпи ички маҳсулотининг 55,7 фоизи Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятини мамлакатларига тўғри келди (ЕИда мос равишда 6,7 ва 20,5%). НАФТА мамлакатлари ҳам ЕИга яқин салмоққа

зга. Товарларнинг жаҳон савдоси ҳажмининг 43,9 фоизи, хизматлар савдосининг 32,9 фоизи ва технологиялар экспортининг 64,1 фоизи Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти улусига тўғри келади. Ташқи савдо соҳасида Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамияти ва унга кирувчи мамлакатлар доирасида ички минтақавий битишувларга боғлиқлик 70 фоизни ташкил этади. Айни вақтда ЕИ мамлакатларида ушбу кўрсаткич 55 фоизга етди. Осиё-Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятиянинг З асосий қатнашчиси: Япония, АҚШ ва Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари (Япониядан ташқари) ўртасидаги товар айланмаси тез суръатларда ўсмоқда.

Айрим баҳоларга кўра, ОТИХ иқтисодий ўсишининг йиллик суръатлари 2000 йилгача 3-3,5 фоизни ташкил этиш лозим эди. Осиё мамлакатлари бу борада ўзларининг саноати жиҳатидан ривожланганроқ гарблик шерикларидан анча олдинда боради. Иқтисодий ривожланишининг юқори суръатлари, минтақанинг товарлар, хизматлар, сармоялар ички оқимининг кучайиши ХХI асрда ОТИХ жаҳон иқтисодий ўсишининг ўзагига айланади деган хулюсага келиш учун асос бўлади.

## **2.2. Европа иқтисодий интеграциясида глобаллашув омили**

Европа интеграцияси жараёни бошлангандан бошлаб яrim аср вақт ўтди. Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлгандан кейин Европа ҳалқлари кооперациянинг янги усусларини изладилар. АҚШнинг иқтисодий супер давлатга айланниши Европа интеграцияси бошланишининг муҳим омили бўлди. Дастлаб АҚШ эркин савдонинг минтақавий режимидан кура глобал режимини шаклантириш томон йўл тутган эди. Ўша даврда мавжуд бўлган жаҳон Бреттон-Вуд валюта тизими ана шу мақсадга жавоб берар эди. Қагый белгиланган олтин стандартига боғлиқ бўлган долларни жаҳон захира валютаси деб эътироф этиш унинг асосий элементларидан бири эди. Бреттон-Вуд институтлари деб атала-диган Жаҳон банки ва Ҳалқаро валюта жамгармасининг ташкил этилиши (1944 йил ҳам) ўз ролини ўйнади. Тўлон балансида вақтгиналиқ тақчилликка дуч келган мамлакатларга молияний ёрдам кўрсатиш уларнинг ваколатига кирап эди. Тариф ва савдо бўйича бош битим (ГАТГ)га ҳам ўша лаврда асос солинди.

Урундан кейинги Европа иқтисодиётини тиклап учун маблағларга эҳтиёж сезар эди, бироқ амалда савдо қилиш ва ҳақ

тұлаш учун маблағ йўқ эди. АҚШ тезлиқда Европага кредит беришга ўтди. 1947 йилги Маршалл режаси АҚШга ушбу мақсадлар учун миллиардлаб доллар беріган ҳолда, тикланаётганды Европа иқтисодиётининг молиячиси ролини белгилаб берди. Ушбу режага мувофиқ Европа давлаттарининг олинган маблағларни тақсимлашни белгиловчи мұсфіқлаштирувчи режалари ишлаб чиқылды. Бироқ Маршалл режасыда фақат Фарбий Европа қатнашды. Собиқ СССР ва социалистик блок нинг бошқа мамлакатлари қатнашиши таклиф этилди, бироқ улар буни рад этдилар. Маршалл режаси Европа иқтисодий ҳамжамияты ташкилотини (ЕИХТ) ташкил этиш орқали Европа мамлакатларини мінтақавий интеграцияни көнгайтиришига ундаdi. Умуман олганда, Европа мамлакатлари Маршалл режасига амал қилиб, ўзларининг миллий манфаатларини күзладилар, бироқ глобаллашувга нисбатан АҚШнинг манфаатларини ҳам әзтибордан соқыт қилиб бўлмайди.

Маршалл режаси бажарилиши билан бир вақтта тўғри келгани совуқ урушнинг бошланиши, АҚШ билан СССР ўртасидаги мунтазам конфронтация "глобаллашув"нинг иккинчи йўналишини, бу гал геостратегик йўналишини белгилаб берди. Совуқ урушнинг сафарбар этилиши ва қуролланиш пойгаси Европа интеграциясининг асосига, пойдеворига айланди. Қуролли кучларга йўналтирилган маблағларнинг АҚШ томонидан берилиши катта аҳамиятга эга бўлди. АҚШ 1949 йилда асос солинган Шимолий Атлантика Иттифоқининг шаклланишига кўмаклашди ва унга ҳақ тўлади. Бинобарин, Европа Европа интеграцияси бошланиши даврида, Америка блоки таркибида бўлиб қолди, қуролланиш пойгаси тўлқини билан қамраб олинди. Жумладан, миллий ҳарбий салоҳиятнинг катта қисми янги трансмиллий битимлар объекти бўлди. Ушбу битимлар бўйича миллий ҳукуматларнинг назорати жуда оз даражада эди, бу иқтисодий глобаллашувнинг жорий жараёнидан анча олдин юз берган мудофаа ишларida давлатлар суверентисти йўқолишини назарда тутар эди.

Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси жорий этилишининг муваффақияти интеграция тарафдорларини «Моне» усулини бошқа тармоқлардаги сектор интеграциясига ёйишга уринишга олиб келди, бироқ ушбу уринишлар муваффақиятсиз тугади. Бунинг Европа мудофаа ҳамжамияты билан юз берганлиги айниқса, равшандир. Бироқ «Моне» усулига амал қилган План Генри Спаак (Бельгия) раҳбарлиги даврида интеграция жараё-

ни янада ривожланди. Спаак ўзининг ҳисоботида (1956 йил, апрел): "...умумий иқтисодий сиёсатга бўйсунувчи улкан зона шакланишига олиб келадиган Европа умумий бозорини ташкил этиш..." таклифни илгари сурди.

1957 йилги иккита Рим Шартномаси амалда ЕИХ ва ЕвроАтомга асос бўлиб хизмат қилди. Совуқ уруши мантиғи туфайли келиб чиққан Франция билан Германия ўртасидаги битим мувваффақиятга асос бўлди. Умумий бозор янги ЕИнинг ядроси эди, чунки у савдо тўсиқларини олиб ташлади ва меъёрлар ва қоидаларни белгилади, пировард натижада ЕИга атзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги савдо муносабатлари мустаҳкамланишига олиб келди. Шунингдек, учинчи мамлакатларга нисбатан умумий савдо сиёсати белгиланди, "меҳнат ресурслари, молия капиталининг эркин ҳаракати", шунингдек, атзо мамлакатлар ўртасида хизматлар билан эркин савдо қилиш таъминланди. Бошқа мақсадлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- қишлоқ хўжалиги, транспорт соҳасидаги умумий сиёсат;
- умумий бозорда адолатли рақобат таъминланиши тизимининг барпо этилиши;
- иқтисодий сиёсатни мувофиқлантириш тартиботининг ишлаб чиқилиши;
- тўлов балансини назорат қилиш.

Атзо мамлакатлар шунингдек, умумий бозор масалаларини ҳал этишда миллий-хукуқий тизимларнинг ўзаро боғлиқлиги усуулларини ишлаб чиқишига мажбурдир.

Рим Шартномаси бажарилишининг бошлангич даври глобаллашувнинг учинчи йўналишини, истемол қилиш ва оммавий ишлаб чиқариш Америка моделининг трансмиллий ёйилишини ҳам аниқлади. Европаликлар "Америка турмуши"га, ҳаётнинг юксак дарражасига интилдилар. Оммавий ишлаб чиқариши айниқса, катта компанияларда ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи эди. XX асрнинг 60-йилларида ЕИ мамлакатларининг ўргача йиллик ўсии суръати 50 фойизни ташкил этди. Бунда бирлашма ичидаги савдонинг ўсиш суръатлари ҳатто, иқтисодий ўсии суръатларидан ортиқ бўлди.

Глобалланув ва миллий хусусиятлар сифатида глобаллашувнинг учинчи шакли парадокслидир. Урушдан кейинги шов-шув даҳрида, 1950 йилдан 1974 йилгача Америка модулиниң ёйилиши ривожланишининг Европа миллий модули шаклланишига, демократик институтларга асос солинишига кўмаклашди. Демократик институтлар ижтимоий адолат таъминланиши ва бойлик қайта тақсимланиши функцияларини бажа-

риши керак эди. Бу Европа интеграциясига қандай күмаклаш-  
ғанлигини күриб чиқамиз. Иқтисодий жиҳатдан ҳар бир мам-  
лакат бошқа мамлакатлар билан савдо муносабатларига тобора  
күпроқ тортилди. Интеграция, шундай қилиб, умумий савдо  
жамлари күпайишига күмаклашди. Сиёсий жиҳатдан, немис-  
лар Европага нацизм давридан кейин ўзига ҳурмат ва кредит  
қобилиятига эга бўлишда күмаклашди. Бонқа халқлар Герма-  
нияни ўз ўрнила ушлаб турадиган Европага муҳтож эдилар.  
Глобаллашув ва миллийлаштириш тенденцияларининг бундай  
таъсири умумевропа ва миллий мақсадларни бирга қўшишда  
қийинчиликлар келтириб чиқаришини англатар эди. ЕИни  
яратувчилар сиёsat соҳасидаги функционал алоқалар домино  
самарасига ва пировард натижада интеграция жараёни ривож-  
ланишига олиб келади деб ишонар эдилар. Бироқ ривожла-  
нишнинг ўз моделини таклиф этган миллий раҳнамолар ЕИ-  
нинг ваколатлари кенгайишини унча ҳам хоҳламас эдилар. Рим  
Шартномаси билан белгилаб берилган ЕИ органлари томони-  
дан фаолиятни бажаришда муаммолар пайдо бўлади. Божхона  
Иттифоқини шакллантириш, ЕИ билан ГАТТ ўртасидаги му-  
зокаралар ҳамда бошқа баъзи жараёнлар анча силлиқ кечди.  
Иттифоқнинг ички муаммоларини ҳал этишда, айниқса,  
рақобатни рағбатлантириш, ижтимоий муҳофаза ва минтақавий  
ривожлантириш бўйича сиёsatни тартибга солиш соҳасида кат-  
та қийинчиликлар келиб чиқди. Ягона қишлоқ хўжалиги сиё-  
сатини шакллантириш энг кўп муаммоларни келтириб  
чиқарди.

1966 йил январ ойидан бошлаб ЕИ Вазирлар Кенгаши мұ-  
айян масалаларда кўпчиликнинг фикри билан қарор қабул  
қилиш ваколатини олган қарорнинг қабул қилиниши мұайян  
хавф туғдирди, чунки бу бошқа бир мамлакатнинг фикри  
эътиборга олинмаслигини англатар эди. Бироқ Франция Пре-  
зиденти Шарль де Гольнинг ташаббуси билан мамлакатлар  
1966 йил январ ойида "Люксембург муросасаси"га келдилар  
Унга мувофиқ консенсус тамойили сақлаб қолинди, бироқ Ев-  
ропа ҳамжамиятлари кўмитасининг мавқеи сусайди, Европа  
Парламентининг ҳуқуқлари кенгайтирилмади. Ўша пайтдан  
бошлаб яқдил овоз беринш тамойили иккита 10 йиллик мобай-  
нида сақлаб қолинди. Шундай қилиб, 60-йиллар ўртасида  
ЕИХнинг институционал ва сиёсий ривожланиши мамлакатлар  
талаф этадиган даражага мувофиқ эди. Континентал Европа  
учун Умумий бозор мұайян мақсаларда фойдали бўлган, би-

роқ бошқа тармоқларда кам самарали воситага айланди. Рим Шартномасида тилга олинган иқтисодиётнинг янада европа-лашуви, масалаे, капиталнинг эркин ҳаракати унинг ривожланиш миллий моделларининг туб қисмларига даҳл қилмайдиган даражада амалға оширилди.

1970 йиллар бошида "Умумий бозор" Рим Шартномаси ижро этилишининг биринчи босқичи тугалланди. Интеграциялашувга қаратилган ҳаётбахш қарашлар яна пайдо бўлди. Унинг тарафдорлари ЕИХини кенгайтириш, таркибига Британия, Данія, Ирландия ва Норвегияни қўшиб олиш режасини тузар эдилар. Шунингдек, ҳамжамиятнинг бюджети миқдорини кўпайтириб, биргалиқдаги ташқи сиёсатни ишлаб чиқиб ҳамда Иқтисодий ва Валюта иттифоқини ташкил этган ҳолда интеграция жараёнини чуқурлаштириш режалари ҳам тайёрланди. 1973 йилда ЕИХга аъзо бўлган мамлакатлар сони олтидан гўққизтага етди (Норвегия ўша йили ЕИХ таркибига кирмади, чунки аҳоли умумхалқ референдумида қарши овоз берди). Минтақавий ривожланиш (Европа минтақавий Ривожлантириш Жамғармасини ташкил этиш воситасида) ва ижтимоий сиёсат бўйича стратегик режалар ишлаб чиқилди. Хорижий мамлакатлар иқтисодиётида ўзгаришлар юз берди, бу охироқибатда ЕИХга аъзо бўлган асосий мамлакатлар сиёсатида жиддий тафовутларга олиб келди. ЕИХнинг миллий манфаатлардан устун турувчи тузилмаларини кам даражага келтиришни қаттиқ ёқлаган Франция Иқтисодий ва Валюта иттифоқи масаласида Германия билан келишолмади. Совуқ урушнинг тамом бўлиши ташқи сиёсат масалалари бўйича мунозараларнинг тикланишига олиб келди. Ушбу даврда Британиянинг ЕИХга аъзолиги масаласи шубҳа остида қолди. Британия ЕИХ масалаларини ҳал этишда "қарши" шуқтai назарда турди, у айниқса бюджет масалаларига тегишли эди. Ўзида денгиз орти ўзгаришларининг таъсирини сезган, американпаст Бреттон-Вуд валюта тизими барбод бўлишини ўз бошидан кечирган мөнитар сиёсат билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлди. Янги молиявий олам сузувчи, доимий равишда ўзгариб турувчи валюта курсларини олиб келди. Бу ЕИХ мамлакатларини заиф қилиб қўйди. 1972 йилда Европа мамлакатлари "туннелдаги илон" режимини қабул қилдилар, тёбраниш 2,5 фойизни ташкил этди. Ушбу режим 1973 йилда, нефт фалажи даврида ўз фаолиятини гўхтатди. Бу даврда ОПЕК мамлакатлари нефт нархини кескин оширилдилар, бу бутун жаҳонда нархларнинг

шиддат билан ўсишига ва Еарбий Европа учун ташқи савдо шароитларининг ёмонлашувига олиб келди. Иқтисодиётнинг стагнация шароитларида инфляция каби ҳодиса пайдо бўлди.

Бу урушдан кейинги Европа ривожланиши тарихидаги бурилиш нуқтаси эди. Бу даврда ўсищ суръатлари пасайиши жараёни бошланди ва у оммавий ишсизликка олиб келди. Бундай шароитларда Европада тўлиқ иш билан таъминлаш дастурини қўллаб-куватлаш ижтимоий дастурларга маблағ ажратиш ва давлат молиясида тартибни (сақлаши) қўллаб-куватлаш қийин эди. ЕИХ мамлакатлари жорий қийинчилликлар вақтингачалик тусга эга деб тахмин қилиб, олдинги ўн Йилликларнинг бошқарув усулларидан нусха ола бошлагандан кейин аҳвол ёмонлашди.

Унумдорлик, инвестицияларнинг фойда бериши ва ҳажми пасайди ҳамда европалик ишлаб чиқарувчилар ўз рақобатбар дошлигини йўқота бошлади. 1970 йиллар охирига келиб Европа мамлакатлари "Бирлашган Европа" зарур эканлигини тушуна бошладилар. Бироқ урушдан кейинги даврда муваффақиятли қўлланилган ривожланишнинг миллий стратегияларини фақат қайта кўриб чиқиш ва бундан кейин фойдаланиш зарурлигига ишонч ҳосил қилган қўпчилик мамлакатлар бирлашишни хоҳдамадилар. Сиёсий тафовутлар ўсиб борди, ҳалқаро савдо илгаридагига қараганда суст ривожланди, ЕИХга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги ички савдонинг ўсиши амалда тўхтаб қолди. ЕИХ ривожланишининг биринчи босқичи бўлган умумий бозор "Европанинг бирлашган давлатлари"ни ташкил этиш ёситаси сифатида барбод бўлди. Кейинги босқичда давом этган Европа йиғтегрияси жараёни тикланиши сабабларини тушунтириш жуда қизиқарли жумбоқдир. Унинг сабабларидан бирини глобаллашув тарафдорлари илгари сурадилар. Улар Европа мамлакатлари яна интеграциянинг зарурлиги ҳақидаги фикрга келдилар деб ҳисоблайдилар, чунки атроф-муҳитдаги ўзгаришлар уларни бунга мажбур қилди. Бошқа бир изоҳ, бизнинг фикримизча, ҳақиқатга яқиндир. У миллий иқтисодиётларни эркинлаштириш ва умумий бозор шакллантирилиши ёситасида савдонинг кенгайиши билан бир вақтда баравар ривожланишга қаратилган ўзларининг ilk уришилари барбод бўлишига дуч қелган Европа мамлакатлари яна интеграции жараёни зарурлиги тўғрисидаги фикрга келгандидан йўборатдир. Шундай қилиб, Европа мамлакатлари ри-

вожланиш давомида глобаллашув жараёни чукурлашувига кўмаклашилар.

80-йиллар ўртасида Европада иқтисодиётнинг тез ўсиши бошланди. Европа энергетика интеграцияси шакланиши иқтисодий ҳаётда мамлакатларнинг ролига ҳамда минтақавий иқтисодий блок ва Европа Ички бозори ташкил этишига асосий ургуни беришга асосланган иқтисодиётнинг янги стратегиясининг бир қисми эди. Янги стратегия, энг аввало, ривожланишининг урушдан кейинги модулларининг замонавий назиятга номунофиқлигини ётироф этишини ўз ичига оларди. 1983 йил баҳорила "мамлакатдаги ижтимоий демократия" миллий стратегиясини ўтказишни рад этган Франция (тезликда Германия ҳам унга эргашди) туб рол ўйнади. ЕИХ Вазирлар Конғашига Франция вакили раислик қилган 1984 йилнинг биринчи ярмида Франциянинг "Умумий Европа" томонга силжиши аён бўлди. 1948 йил кўкламида Фонтейнблда Мигтеран ЕИХ ривожланишига тўсқинлик қилган бир қанча муаммоларни ҳал этди. Улар орасида Британия томонидан яратилган тўсиқлар атрофидаги доимий низолар ҳам бор эди. Бу бошқа соҳаларда, айниқса, ЕИХ таркибига янги аъзоларни, жумладан, Португалия ва Испанияни қабул қилишга нисбатан самарали мунозаралар ўтказилиши имконини берди. Собиқ Молия вазари Жак Делор Европа ҳамжамиятлари Комиссияси президенти этиб тайинланди.

Айнан Делор Европа ҳамжамиятлари Комиссиясига раислик қилган даврда Йигилишнинг кун тартибига 1985 йилда ички бозорни шакллантириши тутгаллашга доир ҳужжатлар (White Paper) киритилди. Европа мамлакатларининг алоҳида бозорларини "унинг доирасида товарлар ва хизматлар, меҳнат ресурслари ва капитал эркин ҳаракат қилиши таъминланадиган ички чегараларсиз ягона макон"га бирлаштиришга давъят этилган 279 та чора-тадбир рўйхатидан иборат бўлган "1992" дастури ана шундай қилиб яратилди. Ҳужжатда шунингдек, дастур қабул қилингандан сўнг кейинги икки йил мобайнида қабул қилинадиган қонунчилик чоралари рўйхати ҳам мавжуд эди. 1985 йил июн ойида Европа Конғаши "хукуматлараро конференция"ни чақиришга рози бўлди. У ЕИХ қонунчилик тартибидаги ўзгаришлар билан биргаликда Ягона бозор шакллантирилишини белгилади. Тартибот-ҳужжат бандларининг аксарият қисми бўйича қарорларнинг кўпчилик овоз билан қабул қилиниши ҳамда Европа Парламентининг ваколатлари кентай-

тирилишини ўз ичига олар эди. ҳужжат шунингдек, ЕИХ фаолияти соҳалари рўйхатини, шу жумладан, минтақавий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, тадқиқотлар ва технолоғик ривожланиши ҳам ўз ичига олган.

1987 йилда Европа Валюта Тизимини ташкил этиши тўғрисида таклиф тушди. Ягона валюта сиёсатини ўз ичига олуви чиқиши ЕВТ ва Европа Марказий банкининг ташкил этилиши Ягона бозор шакллантирилишининг мантиқий яқуни бўлди. ЕВТсиз валюталарнинг тебраниши ва аъзо мамлакатларнинг валюта сиёсатидаги тафовутлар иқтисодиётнинг нобарқарорлигига ва аъзо мамлакатлар томонидан Ягона бозор сиёсатини қўллаб-куватлаш бўйича мажбуриятлар бузилишига олиб келиши мумкин эди. 1987 йилда Делор ҳисоботи тақдим этилиши билан янги компания бошланди. Ушбу ҳисобот 1989 йилда қабул қилинди ва у ЕВТга ўтишнинг уч босқичли тизимини ҳамда ЕИХ Шартномаси ЕВТ шартларига мувофиқ келиши имконини берувчи янги ҳукуматлараро Конференция шакллантирилишини таклиф этди. ЕВТ ташкил этиши режасининг ички мантиқи сиёсий сабабларга эга эди. Мамлакатлар валюта ва иқтисодий сиёсат масалаларида суверенитетдан қисман воз кечиб, иқтисодий масалаларнинг кенг доирасини ҳал этиш бора-сида миллий манфаатлар устидан назоратни ўрнатдилар. Ягона валютанинг жорий этилиши миллий бозорларда валюталарни баҳолаш воситаларидан фойдаланиш заруриятига барҳам беради.

"Бозорнинг шакллантирилиши", қайта тартибга солиш ва эркинлаштириш воситасида савдо ҳамда эркин рақобат йўлидаги тўсиқларнинг олиб ташланиши интеграция жараёни тикланишининг тасдиғи бўлиб хизмат қиласи. Кўплаб ташкилотлар минтақавий даражада бозорларни тартибга солишини таъминлашга доир саъй-ҳаракатлар қилдилар, бу айниқса, Делор Комиссиясига тегишлидир, бироқ таркибий фонdlарни ислоҳ қилишдан ташқари ушбу таъсир чекланган эди. Бу янги Ягона бозорнинг минтақавий ижтимоий сиёсатга жорий этилишининг қайта тақсимлаш самаралари таъсирига бўлган ишонч барбод бўлишида айниқса, аён кўринади. 1989 йил май ойида 11 мамлакат (Британия ушбу Низомга қарши чиқди) "Асосий ижтимоий-ҳуқуқлар бўйича ҳамжамият низоми" ёки Ижтимоий низом мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. Унда ЕИХ шартномасининг ижтимоий ваъдалари бажарилмаслигига асосланган "ишловчи" ҳуқуқлар белгиланди. Комиссия томо-

нидан ушбу мажбуриятларни бажариш юзасидан хатти-харакатлар дастури ишлаб чиқилди. Бироқ яқдиллик тамойили дастурни ишлаб чиқишида устунлик күпчилик овоз олган меңнат ҳуқуқтарини таъминлаш вазифаларидан устун қўйилган соғлиқ ва ҳафсизликни таъминлаш мақсадларига берилиди. Ягона Европа Актининг 1186-моддасида бундай дейилади: "Комиссиянинг заколатига олий бошқарув билан минтақа дарражасида қолган ходимлар ўртасидаги мулоқотни ривожлантириш, агар ҳар иккала томон буни маъқул деб топса, тузилган битимларга асосланган мўносабатларга олиб келиши мумкин". Бироқ "ижтимоий мулоқот" амалда аниқ натижаларга олиб келмади.

1991 йилда Маастрихт Шартномаси тузилиши билан интеграция жараёни мисли қўрилмаган куч касб этди. Комиссия томонидан 1992 йил дастурини бажаришга, минтақавий сиёсатни ислоҳ қилишга ва ижтимоий соҳада янгиликлар жорий этишга мўлжалланган жуда кўп миқдордаги қонун ҳужжатлари чиқарилди. Уругвай босқичи музокаралари эса танқидий нуқтага етди. АҚШ ва Европа КАП (САР)га халқаро савдоининг таъсири масаласида бир-бирларига қарши здилар. Совук урушнинг тамом бўлиши ва Германиянинг бирлашиши ҳам ҳамжамиятнинг иқтисодий ривожланишида ўз ролини ўйнади. Ва сўнггиси, ЕИҲга аъзо бўлган мамлакатлар иккита ҳукуматлараро кенгашда ЕИҲ Шартномасини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ваъдалар билан бир-бирларини боягладилар. Маастрихт Шартномаси тузилиши унинг якунловчи босқичи бўлди.

1989 йилги Делор ҳисоботи батафсил дастурни тақдим этганлиги туфайли ЕВТ ташкил этиш тўғрисидаги музокаралар алоҳида қийинчиликларга учрамади. Барча қийинчиликларни олдиндан айтиш мумкин эди. Ўзининг миллий валютасидан воз кечиши керак бўлган Германия нархлар барқарорлиги ва молиявий жавобгарлик сақлавниб қолинишининг қатъий кафолатлари берилишини талаб этди. Британия Иттифоқ ташкил этилишига қарши чиқди. Испания маблағларни минтақанинг Шимолидан Жанубига қайта тақсимланиши кўламлари кўпайтирилишини талаб этди. Ушбу тўсиқларнинг барчасини енгиг ўтиш мумкин эди. Алоҳида муҳокама қилинган сиёсий иттифоқ ташкил этиш тўғрисидаги масала ўзгача эди. Ҳамжамиятнинг кўп даражада демократлашуви, валюта, иқтисодий ва сиёсий ҳаракатларни амалга оширишда келишилганликни тавсифлайдиган ҳамда самаралироқ институтлар

тизимига эга бўлган ҳалқаро муносабатлар ва ҳавфсизлик соҳасида умумий сиёсий мақсадли сиёсий иттиғоқ ташкил этиш ғояси фақат 1990 йил баҳорига келиб пайдо бўлди. Шундай қилиб, ҳукуматлараро музокараларга пухта тайёргарлик кўриш учун жуда оз вақт қолди.

Маастрихт музокаралари федералистлар ва конфедеративлар, шунингдек, сиёсий иттиғоққа интеграция тарафдори бўлган мамлакатлар билан ушбу соҳада интеграциянинг минимал даражасини афзал деб билгандар ўртасида интеграция жараёни ривожланишининг исталган йўналишида қарашлардаги классик зиддиятларни юзага чиқарди. **ХИМ** ва минтақавий ҳавфсизлик соҳасида таклиф этилаётган умумий сиёсат ЕИ фаолияти тарафдорларини НАТО таркибида ушбу соҳаларда Европанинг мустақиллиги сақлаб қолишини талаб этаётганларидан ажратиб кўяр эди. Иттиғоқнинг легитимлигини ошириш масаласи ҳам ноаниқ эди. Германия Европа Парламенти ваколатини кенгайтириши тақлиф этди. Бошқа мамлакатлар, шу жумладан Франция миллий парламентларнинг кўпроқ жалб этилишини тақлиф қилди. Пировард натижада Шимол ва Жануб нуқтаи назарларида туб фарқлар мавжуд эди. Ривожланишга ёрдам берилиши масаласида Жануб ёрдам миқдори кўпайтирилишини талаб этди, Шимол эса бунинг ҳақини тўлашни хоҳламас эди.

Маастрихт Шартномасининг узил-кесил варианти (135 саҳифа, 17 баённома, 33 алоҳида декларация) ҳатто, ички кузатувчилар учун ҳам ўқишига қийин. У конституционат маънода ҳам муаммолидир, чунки ушбу ҳужжатга мувофиқ барча масалалар З та устунга тақсимланган, уларнинг ҳар бири ўз меъёrlарига ва ечими қоидаларига эга. Бироқ ҳужжатнинг моҳиятини аниқлаш энг муаммоли масаладир. ЕВТ ташкил этилиши ЕИга аъзо бўлган мамлакатлар ўз валюта ва пул сиёсатларини назорат қилишларини Йўқотишни англатади. Европа, аниқроғи Европада ташкил этилган Марказий банк тизими илгари миллий органлар ваколатида бўлган ваколатларни олади. Ҳатто, ЕВТ тўлиқ жорий этилгунгача ҳам миллий органлар ўз валютагарининг айрибошлиш курсларини тартибга солиш, бюджет тақчиллигини бошқариш, иқтисодиётда инфляциянинг юқори суръатлари ва катта ташки қарз мавжуд бўлиши сиёсатини ўтказиш ҳолатида бўлмайдилар, яъни мамлакатларнинг ҳукуматлари ички иқтисодиётни ташки ўзгаришлардан ҳимоя қилишининг анъанавий воситаларини қўллай олмайдилар. Аъзо

мамлакатлар құллайдыган макроиктисодий носиталар турлари тұғридан-тұғри солиқ солишиң воситалари билан чекланади (әгри солиқтар мінтақавий даражада тартибға солинади, чунки уларнинг құлланилиші Ягона бозор мавжуд бўлишига тегиши-лидир). Сиёсий интеграция натижалари камроқ намоён бўлади. Маастрихтдаги учрашувларнинг кутилаётган ва реал натижалари бир-бирига мөс келмасди, чунки Шартномадаги кўплаб қоидалар пухта эмас ва кейинчалик "қайта ишланишга" муҳтож эди. CFSP Низоми барча нарсани амалда келажакка қолдирди. Шартноманинг бошқа қоидаларини ультиматив хусусияти қолган аъзо давлатлар орасида Францияга марказий ўринни бериб, унинг ЕИдаги ҳукмронлигига олиб келиши мумкин эди. Бу ушбу мамлакат халқаро салмоғининг унинг холисона имкониятларидан ортиқча бўлишига олиб келар эди. Германия унинг тарихий ўтмишини ҳисобга олган ҳолда, ЕИ стакчиси бўлиши мумкин эмас эди. Британия Бирлаштан Европага ишонмасди. У ва француз дипломатияси учун Германиянинг ЕИга чуқур интеграцияси анъанавий муҳим эди. Бу олдинги хатоларни тақрорлашга йўл қўймаслик имконини берар эди. Ушбу муаммони ҳал этишнинг аҳамияти совуқ уруши тамом бўлгач ўсли. Бундан ташқари Европа интеграциясини тиклаш пировард натижада Францияга де Голлинг Европани Америка ҳокимиютидан озод қилиш билан борғиқ орзусини амалга ошириш имконини берган бўлур эди.

Германия етакчиси Гельмуд Коль Миттераннинг Германияни ЕИ таркибиға киритиш тұғрисидаги нүқтай назарини кўллаб-қувватлади, чунки у ўтмишнинг юкини англар эди. Европа ушбу мамлакатга унинг иқтисодий құдрати ўсиши туфайли аксил Германия кайфиятларини юмшатиш учун зарур бўлган сиёсий тўсишни таъминлашни вазда қилар эди. Бироқ оқибат натижада Германия ўз товарларини сотиш учун кўпроқ ва яхшироқ бозорларга эга бўлишни хоҳлар эди. Пировард натижада Франция-Германия жуфтлигига ён босган Британия Бош вазири Маргерет Тэтчер дастлаб Ягона бозорни ўзининг Британия орзусининг квази-эркин савдо зонаси шаклланиши йўлидаги босқич сифатида қаради. Европанинг бошқа етакчилари ўзларининг ички, жуғрофий-сиёсий ва иқтисодий манбаатларини кўзлар эдилар. Испания ва Португалия Европани демократиялаштиришнинг лангари, ўзларининг миллий иқтисодиётларини ўзgartириш воситаси ва инвестициялар манбай сифатида қарап эдилар. Италия ушбу манбаатларни ёқлаб

чиқди. Ҳаммасидан қизиги Европанинг мингақавий интеграцияси тикланиши юмалда глобаллашув жараёни билан таққосланмади.

Глобаллашынинг устуворлигини тасдиқлаш мумкин эмаслигига қарамай, унинг таъсири сиёсий етакчилар ва ҳукмрон доираларнинг устуворликлари рўйхатида қаралиши керак. Албатта, унбу глобал ўзгаришлар мазкур афзал кўришлар тузилмасига умуман таъсир кўрсатмаслиги ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Бироқ шарҳ Европа етакчиларининг афзал кўришлари ва мақсадлари кўп сонли ва хилма-хил эканлигини кўрсатади. Глобаллашув жараёни одатда бошқа афзалликлар ва вазифалар билан комбина-цияланган тарзда пайдо бўлар эди.

2004 йилнинг 1 майидан Европа Иттифоқи (ЕИ) да 25 та аъзо давлат бўлди. Унга яна 10ta давлат: Словения, Словакия, Чехия, Венгрия, Польша, Латвия, Литва, Эстония ва шунингдек ўрта ер денгизи ороллари Малъта ва Кипр (грек қисми) кирди. Бундай ўсиш натижасида дунёдаги энг қудратли кучлардан бири ЕИнинг майдони, аҳолиси ва иқтисодий потенциали ҳажми ўди.

Олдинги босқичлардан фарқли ўлароқ, ҳозирги кенгаш ЕИнинг юқори даражадаги интеграциясида солир бўлмоқда. Хусусан, иқтисодий ва валюта иттифоқлари шаклланиши якунланмоқда, сиёсий иттифоқ яратилиши ва ҳавфсизлик соҳасида ҳамкорлик такомиллашишида сезиларли ривожланиш сезилмоқда. Шу муносабат билан ЕИга аъзо бўлган давлатлар ташқи иқтисодий фаолияти механизми ва тузилишида сезиларли ўзгаришлар кутишимиз мумкин.

Бу нафақат Европада балки, ундан ташқари давлатларда ҳам баҳс мунозаларга олиб келди.

Европа Иттифоқи кенгашининг Европа Иттифоқи ва дунёнинг бошқа регионларининг иқтисодий вазиятга таъсири мумкинлигига боғлиқ бўлган ҳодисаларнинг ривожланишига турлича варианtlари илгари суридди. Бироқ Европадаги янги жараёнларнинг Марказий Осиёга таъсири билан боғлиқ башоратлар кам. Шу билан биргаликда юқоридэ кўрсатиб ўтилган 10 та давлатларнинг Европа Иттифоқига интеграцияси Марказий Осиё давлатлари аҳволи ва ҳалқаро ҳамкорлигининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин, айниқса, савдо-иқтисодий тармоқда. Ахир, ЕИга давлатлар орасида — Польша ва Латвия каби давлатлар Марказий Осиё давлатлари

билин мұхим савдо-иқтисодий ҳамкорлик қиласы. Масалан, 2003 йили Қозоғистон ва Польша ўртасидаги иккى томонлама товар айланмаси таҳминан 400 млн. АҚШ долларини ташкил этди (Польшанинг Қозоғистондаги әлчихонаси савдо-иқтисодий бўлимининг маълумоталрига кўра Қозоғистоннинг Польшага экспортининг 91.2%ни нефтга тўғри келади).

#### 4-жадвал

#### Европа Иттифоқининг таркибий ўзгариши

Европа Иттифоқи (ЕИ)	Олдинги ҳолат	Замонавий ҳолат	Усип кўреат кичла- ри
Аъзо давлатлар сони	15 та аъзо давлатлар. Австрия, Бельгия, Буюқ Британия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия.	25та аъзо давлатлар Европа Иттифоқига кирди: Венгрия, Кипр, Латвия, Малта, Польша, Словакия, Чехия, Словения, Эстония.	60% га яқин.
Умумий аҳолиси	380.8 млн киши	154.9 млн. Киши.	20% га яқин.
Умумий ер майдони	3.154.120 км <sup>2</sup> .	3.890.895 км <sup>2</sup> .	23%га яқин.
Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг ЯИМ (ялғи хажми)	9.169 млрд. Евро	9.613 млрд. Евро.	5%га яқин.

Манба: EuroStat News Releases, EuroStat Press Office, Luxembourg, 2004y.

Ўзбекистон давлат статистика қўмитасининг маълумотига кўра эса, ўзбек пахта толасининг импорт қилиш ҳажми бўйича Латвия 5-уринда туради.

Ўзбекистон ва Қозоғистон мисолида Марказий Осиё ва Европа давлатлари ўртасида савдо иқтисодий муносабатлар учун Европа Иттифоқининг кенгашида мумкин бўлган натижаларни кўз олдимизга келтиришга ҳаракат қиласиз. Европа давлатларининг расмий хабарларига кўра Янги давлатларининг Европа Иттифоқига қўшилиши Иттифоқининг Марказий Осиё билан иқтисодий ва сиёсий муносабатларининг ривожланишига олиб келади. Ташқи алоқалар бўйича Европа комиссиясининг комиссари Кристофер Паттеннинг фикрига кўра Европа Иттифоқига янги 10 давлатнинг қўшилиши билан Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги икки томонлама савдоси ҳажми кўрсаткичи камидан 20%га кўтарилади.

### **2.3. Хорижий мамлакатлар иқтисодий интеграцияси амалиётининг Марказий Осиёда қўлланилиши имкониятлари**

Европа интеграциясини ўрганиб чиқиш XXI асрда минтақавий интеграция жаҳон тараққиётининг устунлик қилувчи: тенденциясига айланәтганлигини кўрсатади. Бугунги кунда бутун дунё амалда минтақавий блоклар йиғиндисидир. Фарбий Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Жанубий-Шарқий Осиё ва Африкада умумий иқтисодий ва жуғрофий манфаатлар билан алоқадор бўлган йирик минтақавий бирлашмалар фаолият кўрсатади. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида уларнинг барчаси энг аввало, улар томонидан бирлаштирилган давлатларнинг корпоратив манфаатларини таъминлашга қаратилган. Уларнинг алоҳида олинган мамлакат имкониятлари билан таққослаб бўлмайдиган кучи мана шундадир.

Хозирги вақтда Марказий Осиё минтақасида режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Минтақа мамлакатларида олиб борилаётган ислоҳотлар принципиал жиҳатдан янги натижалар берди. Бошқарувнинг маъмурий-буруқбозлик тизими асосан бузуб ташланди, бозор механизмилари ишга тушиб, молия - пул тизимлари шакллантирилди ва ривожланмоқда, ўз миллий валюталари жорий этилди, мулкчилик муносабатлари тубдан ўзгартирилмоқда, хусусийлаштириш кенг қўламда олиб борилмоқда. Умуман олганда ижтимоий ва сиёсий барқарорлик сақланиб қолмоқда (Тоҷикистондан

ташқары). Республикаларнинг ташқи иқтисодий фаолілігі кенгаймоқда, сандо ұажми үсмоқда ва хорижий давлат билан ҳамкорлик қилиш йўналиши ривожланган мамлакатларга қаратилган ҳолда ўзгармоқда.

Марказий Осиё давлатлари пировард мақсад ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш бўлган ислоҳотларни амалга оширишга нихоятла мураккаб вазиятда киришдилар. Жануби-Шарқий Осиёдаги (1997 й.) ва Россиядаги (1998 йил август) молиявий ларзалар оқибатида кучайган чуқур иқтисодий танглик Марказий Осиё мамлакатларида ҳам дефолти ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаларининг парчаланишини, ижтимоий тангликнинг кескинлашиши ҳавфини янада кучайтирди. Жумладан, ялпи ички маҳсулот ұажми фақат 1991-1996 йилларда амалда Марказий Осиё минтақасининг барча мамлакатларида 45-50 фоизга қисқарди, саноат ишлаб чиқариши Қирғизистонда (63 фоизга), Тожикистонда (61 фоизга), Қозогистонда (52 фоизга) анча пасайди. Бу йилларда Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистонда капитал қўйиламлар ұажми кескин пасайиб кетди. 1997-1998 йилларда Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари миллий валюталар девалвациясини ўтказишга мажбур бўлди – ишлаб чиқариш пасайиб кетиши юз берди.

Марказий Осиё минтақаси миллий бозорларнинг тарқоқлиги ва торлиги, ташқи иқтисодий сиёсатнинг келиншилмаганлиги, молиявий ва технологик ресурсларнинг чекланганлиги шароитида бугунги кунда хорижий рақобатчиларнинг босимига қарши туришга ва ички бозорни ҳимоя қилишга қодир эмас. Бундай шароитларда Марказий Осиё давлатларининг минтақавий интеграцияга интилишига муқобил йўқ. Боз устига ушбу республикалар иқтисодий салоҳият даражасига ва ижтимоий муаммолар ҳал этилиши даражасига кўра бир-биридан анча фарқланади.

Марказий Осиё давлатлари интеграцияси – қатнашчи мамлакатларнинг ихтиёрийлигига ва улар томонидан иқтисодий иттифоқнинг кулайлиги ҳамда зарурлиги англаб етилишига асосланган эволюцион жараёндир. Ушбу иттифоқ қатнашчи мамлакатларга иқтисодиётларнинг қўшимча қиёсий устунликларига эга бўлинш ва динамик иқтисодий ўсиш траекториясига кириш имконини беради. Қуйидагиларни бундай иттифоқнинг афзalликларига киритиш мумкин:

- минерал, қишлоқ хўжалитиги ва энергетика хом ашёсининг барча турлари билан минтақанинг тўлиқ ўзини-ўзи таъминлаши;

- биргаликдаги құдратлы экспорт салоҳияти;
- коопeração ва қўшма инвестициялар асосида рақобат-бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконини берувчи жами ишлаб чиқариш салоҳияти;
- таълим даражасининг юқорилиги ва иш кучининг паст қиймати билан ҳарактерланадиган меҳнат ресурслари;
- бир томондан, Россия ва Европа билан, иккинчи томондан, Шарқ мамлакатлари ўртасидаги қулай жуғрофий-сиёсий мавқе;
- сув ва бошқа табиий ресурслардан биргаликда оқилона фойдаланиш, экологик ҳавфсизликка эришин имконияти;
- илмий-техник салоҳиятнинг старлича юқорилиги.

2001 йил 28 декабрда Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг давлат бошлиқлари Марказий Осиё ҳамжамияти Марказий Осиёнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим рол ўйнаганлигини таъкидлаган ҳолда, МОИҲни “Марказий Осиё ҳамкорлиги” ташкилотига айлантириш ҳақидаги қарорга имзо чекдилар.

Ушбу лойиҳанинг ташаббускорлари давлатлар ўртасидаги сиёсат, савдо-иқтисодиёт, маданият ва бошқа соҳалардаги интеграцион жараёнларни ривожлантириш мақсадида ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун, давлатларнинг минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳалқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес ва жиноятчиликни ҳар қандай кўринишларига қарши биргаликда курашиш масалаларида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда, ушбу йўлни танлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов интеграция ҳақида гапирап экан, манфаатлар бирикувининг хилмажил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланади. “Биз интеграция жараёнлари ва бозор ислоҳатларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Фақат ўзининг тор миллий қобигида қолиб кетмаган бозоргина хорижий инвестицияларнинг катта оқимини жағдайли, минтақа мамлакатларининг барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлай олади”<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir. Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 96-б.

**МОХ ташкилотининг фаолияти қўйидаги асосий мақсад ва вазифаларни ҳал қилишга қаратилган:**

- минтақаний хавфсизлик, барқарорлик ва тинчликни сақлаш бўйича ҳамкорликлари фаолият режасини ишлаб чиқиш;
- минтақа давлатларининг иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий-техник, ахборот, инсонпарварлик, экология соҳаларидағи ҳамкорликнинг олдинги тажрибаларини такомиллаштириш орқали ушбу соҳалардаги амалий масалаларни ҳал қилиш;
- инвестиция ва инновация фаолигини қўллаб-қувватлаш, реал иқтисодий талабларига жавоб берувчи барқарор банк тизимини яратиш бўйича тадбирларни қўллаш;
- рақобатбардошлиқ соҳа ва ишлаб чиқариларни ташкил этиши;
- табиий ва минерал ресурслардан биргаликда, самарали фойдаланиш, жумладан, чегаралардаги сув-энергетика салоҳиятидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш;
- атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ва экология йўналишидағи ҳамкорликдаги дастурлар ишлаб чиқиш;
- транспорт, коммуникация, тариф сиёсати соҳаларида ҳамкорликни мувофиқлаштириш;
- чегара-божхона назорати соҳасида келишпилган сиёсат олиб бориш.

Бироқ ягона иқтисодий маконни шакллантириш суст ва катта қийинчиликлар билан амалга оширилмоқда. Ягона иқтисодий макон тўғрисидаги шартномада олдинга қўйилган асосий мақсадларга ҳали эришилмаганлигини, давлатлар беш йил мобайнида божхона ва солиқ сиёсатида, валюта конвергациясида, демпингга қарши чораларда келишувга эришмаганинни афсус билан қайд этишга тўғри келади. Энергия манбаларини ва хом ашё ресурсларини экспорт қилишда ҳамда саноатнинг рақобатбардошлигини оширишда жамоавий манфатларни ҳимоя қилишга доир концепция ва биргаликдаги хатти-харакатлар дастури ишлаб чиқилмаган. Минтақанинг сув, знергетика, газ, транспорт комплексларидан ўзаро фойдали фойдаланиш соҳаларида жиддий ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда. Бир қанча тармоқ интеграция муаммолари тўлиқ ҳажмда амалга оширилмаган. Кейинги вақтларда амалга оширилиши кўп маблагни талаб этмайдиган маданий, илмий алоқалар қисқармоқда. Иқтисодиётларни ислоҳ қилиш, уларнинг тарки-

бий қайта тузилиши йўналишлари ва динамикасида зарур муво-  
фиқлаштириш ишлари мавжуд эмас. Иллари имзоланган бир  
қанча битимларнинг шартлари тўлиқ ҳажмда бажарилмаяпти.

Келиншилмаган экспорт сиёсати (нархлар ва ташки ҷегара та-  
рифлари бўйича), учинчи мамлакатлар бозорларидан экспорт  
қилинадиган маҳсулотларнинг айрим гуруҳлари бўйича қатнашчи  
давлатларнинг асоссиз равишда рақобатлашишига олиб келмоқда.  
Иқтисодиётни ислоҳ қилиш тезлигининг турличалиги, бошқа  
қатнашчи давлатларнинг манфаатларини камситувчи бир томон-  
лама қарорлар қабул қилиниши интеграция жараёнини тұхтатиб  
қўймоқда. Масалан, Қирғизистон ўз сув-энергетика ресурсларидан  
“чекловчи-тақиқловчи” чора сифатда фойдаланмоқда. Ушбу мам-  
лакатнинг ташки савдони тартибга солиш бўйича ўз нуқтai наза-  
рини МОҲ қатнашчилари бўлган давлатлар билан олдиндан ке-  
лишмасдан БСТ (Бутунжаҳон савдо ташкилоти)га кириши ҳам  
ижобий рол ўйнамади. Бу жиддий салбий оқибатларга олиб кели-  
ши мумкин, чунки жаҳон молиявий танглиги МДҲнинг барча  
мамлакатларига кучли таъсир кўрсатди ва МОҲга аъзо бўлган дав-  
латларда муракаб вазиятни вужудга келтирди. Бундай шароитларда  
кўп томонлама асосда келишилган умумий салй-ҳаракатлар ай-  
ниқса, танглик оқибатларини бартараф этиш учун ҳар қачонги-  
лагидан муҳимдир. Иқтисодий, бюджет, фонд, тўлов, валюта ва  
технологик тангликлардан яккаланиб ва мустақил чиқишига  
қаратилган ҳар қандай урениш энг узоқ давом этадиган йўлни  
таңлашни англатади ва барбод бўлишга маҳкум этилгандир.

Ҳукуматлар экспорт ва импортга маъмурий тўсиқларни бе-  
кор қилиб, божхона божларини олиб ташлаб ҳамда савдо опе-  
рацияларига хизмат қилувчи молиявий - бозор инфратузилма-  
сини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиб ва қўллаб-  
қувватлаб, шунингдек, нархларни маъмурий назоратдан тўлиқ  
озод этиб товарларнинг давлатлар бозорида эркин ҳаракат  
қилишини таъминлаши керак.

Амалда сўз Марказий Осиё доирасида эркин савдо зонаси  
ташкил этиш тўғрисида бормоқда. Ишлайдиган умумий бозор  
қарор топишишинг энг муҳим шарти – Марказий Осиёнинг бар-  
ча давлатларида ултуржи ва чакана савдо тизимини хусусийлаш-  
тиришdir. Минтақаларнинг барча мамлакатлари ўртасида товар-  
лар эркин айланишини таъминлаш учун тўловларнинг ўтиши му-  
аммосини қисқа муддатларда ҳал этиш зарур.

Марказий Осиё мамлакатлари учун қишлоқ ҳўжалиги маҳ-  
сулотларини етказиб бериш бўйича вужудга келгап ҳўжалик

алоқаларини сақлаб қолип мұхимдир. Республикалараро айро-біржаның мұғтадил фаолият күрсатишини тиклаш лозим. Истикәлдікке, балки, Марказий Осиё мамлакаттарының қишлоқ хұжалиги маңсулотлари етиширишігә ихтисослашуви сақланиб қолади. Қишлоқ хұжалиги маңсулоттарының қарқаты әркін бўлиши ҳамда уларга божхона божлари солинмаслиги керак.

### 5-жадвал

**Марказий Осиё давлатларида саноат ишлаб чиқариш  
күрсаткичлари (1992-2000 йиллар)**

	1992	1993	1994	1995	1996	1997	1998	1999	2000
<b>Қазақстан</b>	86	73	53	48	49	51	49	51	58
<b>Киргизистон</b>	74	55	40	33	34	47	50	48	51
<b>Төмөнкістан</b>	76	70	52	45	34	34	36	38	42
<b>Түркменистан</b>	85	89	67	61	73	57	58	-	-
<b>Узбекистон</b>	93	97	98	98	100.9	105	109	115	122.4
<b>МДҲ ўртача</b>	82	72	56	52	50	52	51	54	60

Манба: МДҲ мамлакаттарының саноати. МДҲ давлатлараро статистика құмитаси, Москва, 1999 й., МДҲ 1999 йилда қысқа статистик тұғылам. МДҲ давлатлараро статистика құмитаси, Москва, 2001.

Минтақа мамлакаттарының үзаро ва ташқи олам билан иқтисодий алоқаларини таҳлил қилиш орқали минтақавий интеграция ривожланиши тенденциясы манзарасына әга бўлиш мумкин.

Марказий Осиё ҳамдүстлигининг келажагига ишонч билан қараш учун ҳамма асослар мавжуд. Зеро ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратылған, давлатлараро кенгаш түзилған, ҳамдүстлик дастурларини рүёбта чиқариш бўйича ижроия қўмита, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ташкил этилған. Қатнашувчи давлатлар иқтисодий интеграциясининг 2010 йилгача мўлжалланған, 53 та муайян лойиҳани үз ичига оладиган дастури ишлаб чиқилди, ягона иқтисодий маконни вужудга келтиришга асос солинмоқда.

Биз үзимизнинг ташқи мудофаа сиёсатларимизни уйғунлаштиришга ҳам бевосита яқынлашдик. Ягона иқтисодий макон ташкил этиш туғрисидаги шартномада қатнашувчи мамлакатлар Мудофаа вазирлари көнгашининг низоми тасдиқланди. Марказий Осиё давлатлари ҳамдүстлигининг ташкил этилиши асло уларнинг бошқа давлатлардан ажralиб

қолишини билдирмайды. Биз уни МДХ доирасидати интеграция жараёнларига ҳам қарши қўймамиз.

Марказий Осиё давлатлари, гарчи, ижтимоий-сиёсий, этник ва маданий жиҳатдан хилма-хил бўлса-да, биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, хавфсизликка ташқаридан туғилаётган таҳдидларга қарши туриш, бугун минтақани барқарор ривожлантириш учун қулай мухитни яратади, амалда бу минтақани хавфсизлик ва барқарорлик минтақаси сифатида шакллантиради. Шу тариқа бу минтақа давлатлари бутун дунё кўламида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшади.

Минтақанинг Қозогистон ва Ўзбекистон каби йирикроқ мамлакатлари учун минтақадан ташқаридаги мамлакатлар етакчи ташқи иқтисодий шерикларга айланяётганилиги ҳосдир. Ушбу тенденция ҳозирча Туркменистон учун ҳам ҳосдир. Минтақа мамлакатлари ўргасидаги ташқи савдо ҳажми умумий айланманинг 10 фоизидан ортмайди, бу иқтисодий интеграцияни кучайтириш учун жуда камдир. Мисол учун Қиргизистоннинг ташқи савдосида Тожикистоннинг улуши 1,2 фоиз атрофии ташкил этади. Ушбу маълумотлар минтақада интеграция тенденцияларининг ўзига ҳослигини кўрсатади. Интеграция тенденциялари минтақадан ташқаридаги бозорларга ёриб киришга қаратилган интилишлар орқали анча сусаймоқда. Давлатларнинг хўжаликлараро алоқалари кенгайишига қаратилган чора-тадбирларнинг яхлит бир тизимини қабул қилиш ва амалга ошириш зарур. Биринчи навбатда Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий ислоҳотларни мувофиқлаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Бу хўжалик қонунчилигини бирхиллаштиришини, ягона божхона, солик сиёсатига босқичма-босқич ўтиш учун шарт-шароитлар яратишни, капитал ва иш кучи ҳаракатини соддалаштиришни ўз ичига олади.

Ҳозирги вақтда минтақавий фаолиятда Ўзбекистоннинг роли тобора салмоқли бўлиб бормоқда. Бу бир неча сабаблар билан изоҳланади:

- Ўзбекистон мустақил ҳом ашё ва энергетика базасига, шунингдек катта инсон ресурсларига ва нисбатан сиғимли истеъмол бозорига эга;
- республиканинг жуғрофий жойлашиши Марказий Осиёнинг қолган тўрта республикаси билан умумий чегара мавжудлиги асосида характерланади. Ҳарбий-сиёсий жиҳатдан Ўзбекистон ҳулуди: минтақанинг стратегик жиҳатдан мухим участкасидир.

Ўзбекистоннинг мавқси минтақада аҳамиятли бўлишига қарамай, бир қанча жуғрофий-сиёсий омиллар мамлакатнинг стратегик имкониятларини чеклаб қўяди. Мамлакат қолган Марказий Осиё давлатларининг барчаси сингари денгизга чиқиш йўлига эга бўлмайгина қолмай, балки жаҳон транспорт коммуникацияларига эркин кира олмайдиган давлатлар билан қуршаб олинган. Ҳудудий ва сув ресурсларининг чекланганини, Фарғона водийсида аҳолининг зичлиги, қишлоқ хўжалигига банд бўлган аҳоли саломоги катта эканлиги интеграция тенденцияларини ривожлантиришни тўхтатмайди. Интеграция бирлашмасининг бошқа қатнашчиси – Қирғизистон учун – Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятида қатнашиш стратегик зарурият эди. Бишкек жуғрофий-иктисодий ва жуғрофий-сиёсий жиҳатдан қўшни Қозоғистон ва Ўзбекистонга кучли боғлиқдир. Ўзбекистон МДҲ, ва бошқа интеграция тузилмалари ташкил тошишининг энг бошидан боғлаб биринчи навбатда изчил равишда миллий ривожланиш ва боғлиқлик омилларини камайтириш йўналишини олган. Айни вақтда республика Farb мамлакатлари томон йўналишни олган. АҚШ асосий инвесторлардан биридир. Американинг 75 компанияси мамлакат иқтисодиётининг турли соҳаларига қарийб 4 миллиард доллар қўйган.

Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг жаҳон хўжалик муносабатларига самарали интеграцияси кўп жиҳатдан минтақа давлатларининг миллий-иктисодий манфаатлари амалга оширилиши даражаси билан белгиланади. Минтақада тўлақонли интеграция ҳамкорлиги шакллантирилишидаги сусткашлик жаҳон жараёнларидан янада орқада ва узоқ муддат жаҳон хўжалиги тизимидан четда қолиб кетиши хавфини түғдиради. Бундай ҳолда ҳом ашёвий ва истеъмолчи-хизмат кўрсатувчи зоналар сифагида глобал бозорларга кириш Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг тақдирига айланади ва улар ўз тарихий ривожланиши истиқболини йўқотадилар. Фақат ўз ижтимоий-сиёсий ресурсларини ва минтақа ички интеграция жараёнларини излани орқали минтақа мамлакатларининг миллий-давлатчилик ривожланишига олиб борадиган йўлни топиши ҳамда барқарор жуғрофий-сиёсий трансмиллий яхлитлик барпо этилиши мумкин.

Марказий Осиё минтақаси доирасида умумминтақавий тартибга солини обьекти бўлиши керак бўлган давлатлараро интеграция ластурларини барпо этиш ва амалга оширишнинг алоҳида муҳим роли ҳамда устувор аҳамиятини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Минерал-хом ашё ресурсларидан биргалиқда фойдаланған ҳолда уларнинг базасида тайёргарлик даражаси юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш учун катта имкониятлар очилади. Ёқилги-энергетика конларидан биргалиқда фойдаланиш уларни ишлаб чиқаришда ва минтақа ичиде истеъмол қилишда мувозантлийка эриниш имкониятини беради ҳамда умуман олганда Марказий Осиё мамлакатлари учун тармоқнинг қулай экспорт имкониятларини таъминлади. Бу конларни қазувчи мамлакат учун қулайдир, чунки у сармоя қўювчи мамлакатнинг моддий ва инвестиция ресурсларининг қўшимча оқимини олади. Сармоя қўювчи мамлакат маҳсулотга бўлган ўз эҳтиёжларини қондириш ва айни вақтда уни экспорт қилишда қатнашишдан фойда олиш имкониятига эга бўлади.

Марказий Осиё давлатлари, умуман, МДҲ учун ҳам умумий муаммолардан бири – бу озиқ-овқат ва иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Ушбу муаммо Марказий Осиё республикаларининг қишлоқ хўжалиги минтақаларини ривожлантиришнинг узоқ муддатли ластурлари доирасида уларнинг ихтисослашувини чуқурлаштириш йўли билан ушбу республикалар қишлоқ хўжалигининг мавжуд қуввати базасида ҳал этилиши мумкин.

Марказий Осиё мамлакатлари транспорт тизимини ривожлантириш, уларнинг жугофий-сиёсий мавқеидан минтақанинг барча мамлакатлари манфаатлари йўлида энг кўп даражада фойдаланиш минтақа мамлакатлари иқтисодий интеграциясининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шарқ билан Еарб ўртасида ҳалқаро иқтисодий алоқаларнинг кучайиши ҳисобга олинган ҳолда, айниқса, дентиз ва океан қирғоқларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлмаган давлатлар учун трансконтинентал ва минтақавий транспорт йўлакларини ташкил этиш муаммоси ҳалқаро устуворлик сифатида илгари сурилмоқда. Жаҳон ишлаб чиқаришида улуши узлуксиз равинда ошиб бораётган Осиё давлатлари янги транспорт йўлаклари, шу жумладан, Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали ўтадиган транспорт йўлаклари ривожланишидан манфаатдордир. Минтақа давлатлари шунингдек ўз транспорт-транзит салоҳиятидан фойдаланишдан ҳам манфаатдорлиги аён, чунки у, саноатнинг асосий тармоқлари ва қишлоқ хўжалигига катта таъсир кўрсатади.

Юкларнинг Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан Марказий Осиё ҳудуди орқали Россияга ва Европага томон ташилиши жаҳон транспорт тизимини мақбуллаштириб, йўлга кетадиган вақтни қисқартириб, минтақа давлатлари учун даромадларнинг янги манбанин яратибгина қолмай, балки уларнинг ички иқтисодий ривожланишига ва экспортни кенгайтиришга кучли туртки беради. Қуидагилар транспортни ривожлантиришнинг устувор лойиҳалари ҳисобланади:

- ҳалқаро дengiz portlari қуилиши ва улардан биргаликда фойдаланиш;
- давлатларо темир йўл тармоқларини ривожлантириш;
- автомагистраллардан биргаликда фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, истиқболда Осиё-Европа магистрал автомобил йўли барпо этиш;
- ҳаво бўшлиғидан биргаликда фойдаланиш, Европа-Осиё авиация алоқаси Марказий Осиё ҳудуди орқали ўтишига йўналиш олиш;
- магистрал газ қувурлари қуриш.

Farбий Европа компаниялари ҳам трансмиллий транспорт йўлакларига нисбатан сезиларли фаоллик кўрсатишмоқда. Уларнинг келишилган хатти-ҳарақатларининг стратегик концепцияси ТРАСЕКА (Европа-Кавказ-Осиё транспорт йўлаги) дастурида жамланиб тақдим этилган. Ушбу дастур 1993 йил май ойида Брюсселда қабул қилинди ва кейинчалик “Буюк Ипак йўлининг тикланиши” деган ном олди. ЕИ Комиссияси ушбу дастурнинг ташаббускори, асосий ишлаб чиқувчиси ва ҳомийси ҳисобланади. Брюссель ташкилий учрашувида дастурнинг асосий мақсадлари белгилаб берилган декларация қабул қилинди.

Буюк Ипак йўлининг тикланиши Хитой ва Марказий Осиё давлатларидан Европагача бўлган масофани Транссибирь магистралига таққослаганда 3000 километрга қисқартириш ва бу билан трансмиллий иқтисодий алоқалар, туризм ва бошқалар ривожланишида ушбу йўлнинг ролини кескин ошириш имконини беради.

Ушбу лойиҳанинг алоҳида муҳимлиги шундаки, мазкур лойиҳанинг бажарилиши ўртacha кенглик ва Евро-Осиё материгидан Атлантикандан Тинч океанинг бўлган бутун масофада замонавий траспорт ва бошқа инфартузилмани тиклаш ҳамда барпо этиш йўли билан Европа-Осиё Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги боя амалга оширилишига жиддий ҳисса бўлиб қўшилишини таъминлайди.

**ТРАСЕКА** доирасида темир йўл, автомобил, сув ва ҳаво магистраллари барпо этиш мўлжалланмоқда:

а) Ташкент – Самарқанд (Душанба ва Термиз шоҳобчалари билан биргаликда) – Байрам Али – Ашхабод – Туркманбоши (Красноводск) – Боку;

б) Актюбинск – Атиру – Оқтоб – Боку. Сўнгра Бокудан Тбилисига, Поти ва Ботумига.

ЕИ томонидан лойиҳа-инвестициявий қўллаб-қувватланиш барпо этилаётган транспорт йўлагига ҳалқаро молиявий институтлар ва хусусий инвесторларнинг жалб этилишига кўмаклашди (молиялаштиришнинг умумий суммаси 460 млн. долларни ташкил этади).

Ҳозирги вақтда Марказий Осиёning коммуникация инфраструктуиласи минтаقا мамлакатларининг иқтисодий ўсишига хизмат қилишга қодир эмас. Шу муносабат билан темир йўл ва автомобил йўлларини реконструкция қилиш фавқулодда муҳим бўлиб турибди. Модомики, Марказий Осиёдаги транспорт тармоғи улкан иттифоқ инфартузилмасининг бир қисми ва биринчи навбатда, унинг Россия билан транспорт-иктисодий алоқаларини таъминлаш мақсадида ташкил этилган экан, у алоҳида республикаларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини жуда суст эътиборга олган эди. Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин собиқ иттифоқдош республикаларда қўшни давлатлар ҳудуди орқали транспорт транзити муаммоси пайдо бўлди, вақти-вақти билан божхона “келишмовчиликлари” юз бериб турибди.

Хорижий мамлакатлар минтаقا давлатларининг денгиз коммуникацияларига эрkin чиқиши имконияти йўқлигидан фойдаланиб, ўзларининг транспорт имкониятларидан ҳалқаро муносабатлар соҳасида Марказий Осиёга тазиик ўтказиш воситасида фойдаланишга уринмоқдалар. Шу сабабли минтақанинг янги транспорт-коммуникация обьектларини қуриш ва ривожлантириш жуда зарурдир. Бироқ меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларнинг муқобил эмаслиги Марказий Осиё минтақаси транзит транспорт алоқаларининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, унинг бартараф этилиши мураккаб муаммодир. Кўплаб эксперталарнинг фикрича, XXI асрда Европа ва Осиё ўртасидаги юқ ташнишлар 1990 йилдагига қараганда 9 баравар кўпайишини ҳисобга олганда, ушбу қарама-қаршиликларни енгид ўтишдан Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг жиддий иқтисодий манфаатдор эканлити шубҳасизdir.

Янги автомобил ва темир йўллар қурилиши минтақа мамлакатлари олдида турган бир қатор муҳим иқтисодий ва сиёсий вазифаларни ҳал этиш имкониятини беради. Энг аввало, бундай қурилиш миёнллий иқтисодиётларнинг ривожланишини, шу жумладан, кон қазиш саноати, энергетика, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим рағбат бўлади.

Кўплаб лойиҳалар (шу жумладан, нефт ва газни Марказий Осиёдан жаҳон бозорларига узатишни)ни ўрганиб чиқиши, улар атрофида, олатда, сиёсий кураш авж олишини, рақобат қонунлари кучга киришини ҳамда ҳар бир мамлакат ўзининг маҳаллий манфаатларини ҳимоя қилишидан далолат беради.

Нефт-газ тармоғи, жумладан, қувурлар қурилиши мамлакатлар ҳамкорлиги ва кескин рақобатининг алоҳида соҳасидир. Нефт-газ қувурлари инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ҳозирги даврда катта аҳамиятга эгадир ва уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши Марказий Осиё минтақаси барча давлатлари иқтисодий ривожланишини кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Энергетика ресурслари етказиб бериш қийин бўлган шароитда асосий муаммо – нефт ва газни ташқи бозорларга етказиб бериш учун зарур бўлган диверсификациялаштирилган транспорт тармоғи қурилишидир.

Осиё-Тинч океани минтақаси билан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш нуқтаи назаридан Хитойга олиб борадиган трансқозогистон нефт ва газ қувурлари лойиҳасига алоҳида аҳамият берилади. Япония, Жанубий Корея, Шарқий Осиё ишбайлармон доиралари ва Хитой Қозогистондан нафақат ёнилғи-энергетика ресурслари, балки бошқа ҳом ашё ва маҳсулотларнинг узатилишига қизиқишлиари учун асос бор деб ҳисоблаш мумкин.

Бундай лойиҳаларда Марказий Осиё давлатлари у ёки бу даражада иштироқ этадилар ва улардан манфаатдордир. Россия ҳудуди орқали Фарбий Қозогистондан қувур қурилиши орқали Новороссийский портига чиқиш улар орасида энг реал лойиҳадир.

Транскаспий қувур тизимининг қурилиши туркман газининг табиий газ истеъмолининг ривожланаётган йирик бозори сифагида Туркияга чиқарилиши муамосини ҳал этиши керак. Шунингдек, газнинг ҳиндистон орқали етказиб берилиши лойиҳаси мавжуд, бироқ транскаспий варианти анча қуладайдир. Ўзбекистон Республикаси табиий газнинг бир вақтнинг ўзида

**Қозғистон, Ўзбекистон ва Озарбойжондан узатилишини таъминлаши мумкин.**

Амударё ва Сирдаёнинг сув ресурсларидан пахта ва шоли плантацияларини сугоришда нотўғри фойдалаш туфайли келиб чиққан Орол дengизи минтақасидаги экологик фалокат Марказий Осиёнинг энг оғриқли муаммоларидан бириллир. Орол дengизи ва юқорида айтиб ўтилган икки дарё Ўрта Осиё ва Қозғистон жанубий қисмининг асосий сув ресурсларири. Ушбу минтақадаги ҳаёт уларга боғлиқдир. Келишилмаган сув истеъмоли, сувдан тежаб фойдаланмаслик, дарёларнинг гербциллар ва дефолиантлар билан ифлослантирилиши – буларниг барчаси табигатдаги қайтариб бўлмас жараёнларга олиб келди. Ушбу муаммони ҳал этишни келажакка қолдириб бўлмайди. Марказий Осиё блоки мамлакатларининг кооперацияси уларниг жаҳон пахта бозоридаги мавқеини яхшилаш имконини ҳам берган бўлур эди. Улар бу бозорда Ҳиндистон, Покистон, Миср ва пахта толаси етказиб берувчи бошқа мамлакатларга етарлича рақобатчи бўлишлари ҳамда минтақанинг ички таъминланиши муаммосини ҳал этишлари мумкин бўлур эди. Ушбу масалалрни ҳал этиш учун тегишли мамлакатларнинг барча манфаатдор ташкилотлари иштирокида давлатларо дастурни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу ҳолат қуйидаги йўналишларда сув ресурсларини бошқариша давлатлараро ҳамкорликни жуда зарур қилиб қўяди:

- сув ресурсларидан биргаликда фойдаланишининг ҳукуқий базаси ва тамойиллари асосларини такомиллаштириш;
- бозор иқтисодиёти устуворликлари ва минтақа мамлакатлари жуғрофий-сиёсий реаликларини бирга қўшиш асосида сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича Марказий Осиё минтақаси давлатлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар тамойиллари ва механизмини асослаш;
- диққатни Оролнинг сув таъминоти муаммоларига қаратиган ҳолда сув хўжалиги тизимларидан биргаликда фойдаланишининг мақбул ёндашувларини ишлаб чиқиш.

Марказий Осиёнинг телекоммуникация инфратузилмаси бугунги кунда минтақа мамлакатларининг иқтисодий ўсишига хизмат кўрсатишга мосланмаган. Коммуникация тармоқларининг ўртача ёши 25 йилни ташкил этади ва тезда алмаштиришни талаб этади. 92-йилгача ушбу минтақанинг бутун ҳалқаро алоқаси Москва шаҳридаги ҳалқаро алоқа узели

орқали амалга оширилар эди. Фақат кейинги йилларда республикалар халқаро тизимларга чиқиш имкониятига эга бўлдилар. Минтақада ҳозирча маълумотларни пакетли узатиш тармоги, уяли радиотелефон алоқаси, алоқанинг йўлдош линияларини ривожлантириш тизими кам. Алоқа ва телекоммуникациялар тизимини ривожлантириш Марказий Осиё блокини жаҳон иқтисодий тизимига интеграциясини ривожлантиришнинг асосий шартларидан биридир.

Жами иирик интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, технологик бурилишни таъминлаш ва ушбу давлатлар иқтисодиётларини ривожлантиришнинг илмий ҳамда техниканий базасини яратиш Марказий Осиё мамлакатлари интеграциясининг муҳим вазифаларидан биридир.

Илмий-техник ҳамкорликнинг қуйилаги устувор йўналишлари мавжуд:

- ресурсларни тежовчи юқори самарали технологиялар асосида минерал ҳом аниёдан комплекс фойдаланиш;
- тиббиёт, Қишлоқ хўжалиги ва саноатда биотехнология ва ген мұхандислик усулларидан фойдаланиш;
- Марказий Осиё минтақасининг глобал иқтисодий ва табиий ресурс мониторинги тизимини барпо этиш;
- Қозғистоннинг мудофаа тармоги, Ўзбекистоннинг самолётсозлиги, Қирғизистоннинг асбобсозлиги негизида янги саноат ва космик технологияларни ривожлантириш;
- углеводород ҳом ашёни кимёвий қайта ишлаш;
- коммуникациялар ва алоқаларнинг замонавий тизимларини барпо этиш ва инфратузилмавий тизимларни ривожлантириш.

Марказий Осиё мамлакатларининг илмий-тадқиқот ташкилотлари ва олий ўқув юртлари лабораторияларини (тадқиқот йўналишлари бўйича) инновация учун база бўладиган саноат корхоналари билан бирлаштирувчи технопарклар илмий-техник ҳамкорликнинг истиқболли шакли бўлиши мумкин.

Баён қилинганларни жамлаб, трансмиллий компаниялар, молиявий-саноат турӯҳлари ва эркин савдо ҳудудлари барпо этиш асосида Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг чуқур интеграцияси иқтисодиётларимизнинг юксалиши ва баркарор жараён учун шарт-шароитлар яратишни қайд этиш зарур. Бундан ташқари, бу истиқболда тутгалланган циклли саноатнинг стакчи тармоқларини ва қишлоқ хўжали-

гини ривожлантириш асосида Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётининг ягона комплексини ташкил этиш имконини беради ҳамда бизнинг давлатларимизга ҳалқаро меҳнат тақсимогида тўлақонли қатнашиш имкониятини яратади.

Бунда минтақавий интеграция асло жаҳон интеграциясига, айниқса, Божхона Иттифоқи ёки МДХ доирасидаги интеграцияга зид қўйилмайди. Аксинча, минтақавий интеграциянинг бундай варианти, бизнинг фикримизча, унча яхши даврни бошдан кечирмаётган ҳамдўстликнинг интеграция жараёнида мустаҳкамловчи бўғин бўлиб хизмат қилиши мумкин ва Марказий Осиёдаги барча давлатларга жаҳон иқтисодий тизимиға узвий кириш имконини беради.

Марказий Осиё иқтисодий ҳамкролиги шаклланиш босқичидан ўтди ва жиддий қийинчилликларга дуч келди. Янги давлатлар бозор концепцияларининг жиддий фарқ қилувчи концепцияларидан – радикал концепциялардан тортиб иқтисодиётнинг устун даражада давлат томонидан тартибга солиниши концепцияларидан фойдаланмоқдалар. Мана шу туфайли улар бугунги кунда хорижий рақобатчиларнинг ҳужумига самарали қарши туриш ҳолатида эмас. Миллий бозорлар ҳозирча тарқоқ, бозор ислоҳотларининг суръатлари ва мазмуни мувофиқ келмайди. Танглик шароитларида кўпчилик корхоналар иқтисодий начор аҳволда, минтақа давлатларининг ташки иқтисодий ва экспорт сиёсати келишилмаган. Минтақа давлатларининг молиявий ва технологик ресурслари миллий иқтисодиётларнинг тор доираси билан чекланган. Минтақавий манбаатларни ўргача ва узоқ муддатли истиқболда бир-бирига боғлаш имконини берувчи Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг иқтисодий интеграцияси концепцияси тузилди.

Валюта сиёсатидаги тафовутлар интеграция жараёнини ривожлантириш учун жиддий тўсиқ ҳисобланади: миллий валюталарнинг ўзаро конвертациясига эришилмаган, миллий валюта бозорларининг давлат томонидан тартибга солинишига ёндашувлар келишилмаган. Бу умумий иқтисодий маконда миллий валюталардан тўлов воситаси сифатида фойдаланиш имкониятларини чеклайди.

Ўргача муддатли истиқболда, агар, қайта ишловчи ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, транспорт тармоғини, айниқса, нефт-газ сектори рақобатбардошлигини ошириш учун, кенгайтиришга қаратилган таркибий ислоҳотлар амалга оширилмаса, минтақада барқарор иқтисодий ўсишга умид қилиш қийин.

Макроиқтисодий барқарорлық, Марказий Осиёда иқтисодий интеграциянын кучайтириш манбаатлари йўлида минтақа давлатларининг ва иқтисодий иттифоқнинг давлатлараро органларининг хўжалик алоқаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тизимини изчил амалга ошириш зарур. Умудавлат тартибга солиши жиҳатидан республикалар ўргасидаги муносабатлар йирик аниқ ластурларни режалаштириш ва амалга ошириш даражасига ўтиши зарур. Сўз энергетика, транспорт, ирригация тизимлари, сув, газ таъминоти тизимлари, информатика ва телекоммуникацияларни шакллантириш ва биргаликда фойдаланиш тўгрисида бормоқда (бу ҳақда юқорида баён қилинди).

Интеграция даражаси минтақада ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилиналигидан маҳсулотлар турлари билан белгиланди. Истиқболда ёқилги-энергетика ресурслари, машинасозлик, шу жумладан, кон қазиш, металлургия, қишлоқ хўжалиги (ирригация) асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш, донни қайта ишланиш корхоналари, озиқ-овқат комплекси, айниқса дон бозори соҳасида ҳамкорлик ва ишлаб чиқариш кооперацияси энг кўп ривожланади.

Яна иккита истиқболли йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар нефт-газ машинасозлиги ва нефт кимёсидир. Уларнинг ривожланиши бизнинг республикаларимизда нефт ва газ қазиб олиш ҳажмлари ўсими истиқболи билан изоҳланади, бу ўз нанбатида нефт-газ машинасозлиги маҳсулотлари лойиҳаларини таъминлаши масаласини ўртага қўяди.

Нефт кимёси соҳасидаги лойиҳалар ҳам машинасозлик соҳасидаги лойиҳалар билан биргаликда муҳим аҳамиятга этадир. Нефт кимёси ва кимё ишлаб чиқариши жаҳон иқтисодистининг энг истиқболли йўналишларидан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда ягона иқтисодий макон доирасида технологик боғлиқ бўлгизн нефт кимёси ишлаб чиқариши комплексини шакллантириш мухимдир. Бу Марказий Осиё давлатларида мавжуд углеводород ресурсларидан ҳамда нафакат ички, балки жаҳон бозорида нефт кимёси маҳсулотлари истеъмолчилари бозорлари ривожланишидан оқилона фойдаланиш имконини беради.

Минтақада интеграция жараёнларининг реал шарғшароитлари ва самарадорлигини таъминлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган мажбурий макроиқтисодий чора-тадбирлар кўриш фурсати етди. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

– иқтисодий ислоҳотларни мувофиқлаштириш;

- миллий хўжалик қонунчиликларини яқинлаштириш;
- тузилмавий, кредит-пул, валюта, нарх, солиқ ва ижтимоий сиёсатнинг умумий стратегиясини келишиш.

Бозор институтларини ривожлантириш Марказий Осиё мамлакатларининг савдо-иқтисодий ҳамкорлигини жадаллаштиришнинг зарур шарти ҳисобланади.

Марказий Осиё ҳамжамиятида бозорнинг асосий ва ҳаракатлантирувчи механизми ҳисобланган биржа тузилмалари ноизчил ва нотекс ривожланмоқда. Уларда товар-хом ашё ресурслари, валюта ва кўчмас мулк билан операцияларни амалга ошириш устунлик қиласди. Фонд биржалари ҳамма мамлакатларда ҳам мустақил бозор механизмларига айланган деб бўлмайди. Фонд бозорида ҳозирча давлат бюджетига хизмат кўрсатиш мақсадида қисқа муддатли давлат қимматли қоғозлари билан операциялар ўтказиш устунлик қиласди. Ликвидликни ва қимматли қоғозлар айланишини сезиларли дараҷада тезлаштиришга қодир бўлган муҳим вазифа – бу Марказий Осиёнинг бутун маконида бозорни ривожлантиришнинг реал кўрсаткичи сифатида корпорациялар ва фирмаларнинг акциялари иккиламчи айланишининг салмоғи ҳажмларига эришишдир.

Реал интеграциянинг асоси – ишлаб чиқарип интеграцияси, оқилона ихтисослаштириш ва кооперация негизида корхоналар ўргасидаги ишлаб чиқариш-технологик алоқаларни ривожлантириш ҳамда иқтисодиётнинг тури тармоқларида рақобатбардошлилиги юқори бўлган давлатлараро хўжалик тузилмалари ва трансмиллий бирлашмаларни ташкил этишдир. Булар молия-саноат гурӯҳлари, холдинглар, лизинг компаниялари, шу жумладан, давлат иштирокидаги лизинг компаниялари бўлиши мумкин ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар қатнашчиларининг манфаатларига риоя қилиш лозим. Булар уюшма аъзоларининг иқтисодий мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда, трансмиллий молия-саноат уюшмалари, бирлашмалар ҳам бўлиши мумкин. Асосий вазифа реал мамлакатлараро кооперацияни бирлаштиришдан, миллий сармояларнинг ишлаб чиқариш, инвестиция, банк ва тижорат соҳаларида ҳамкорлигидир. Инвестиция функцияларига эга бўлган янги саноат-молия гурӯҳлари фақат Россия ва Украинада пайдо бўлди. Уларни Белоруссия ва Қозогистонда ташкил этиш истиқболлари мавжуд. МДҲнинг қолган давлатларида, шу жумладан, Марказий Осиёда, маҳаллий банклар, афсуски, камдан-

кам истиинолардан ташқари, етарлича инвестиция ресурсларига эга эмас.

Бироқ шунга қарамай, ишлаб чиқариш интеграцияси кечиктириб бўлмайдиган объектив заруриятдир. Иқтисодий эксперталар ҳар бир республиканинг ишлаб чиқариш жараёнида имкониятларини баҳолайдилар. Ушбу жараён кўламли ва истиқболлидир. Ишлаб чиқариши кооперацияси – бу Европа Иқтисодий Ҳамжамияти ("умумий бозор") ва Европа Иттифоқига бориш йўлидир. Ушбу муҳим соҳага кўмаклашимиш ва уни мувофиқлаштириш учун йирик лойиҳаларни, масалан, ягона энергетика дастурини ёки пахта уюшмаси ва бошқаларни инвестициялаш ҳамда молиялаштириш орқали ишлаб чиқариш кооперацияси ва инвестициялар бўйича ҳукуматлараро комиссия тузиш зарур.

Марказий Осиё ҳамкорлиги интеграция устуворликлари қаторида транспорт ва алоқа, илмий-техник соҳа, экология соҳасидаги трансмиллий лойиҳалар алоҳида ажратиб туради. Энг аввало, минтақанинг ягона транспорт комплексига йўналтирилган Марказий Осиё мамлакатларининг транспорт тизимлари интеграцияси зарурдир. Марказий Осиёдаги фавқулодда экологик вазият Орол ва Оролбўйи, Сирдарё ва Амуларё ҳавзаси бўйича кечиктириб бўлмайдиган счимларни ишлаб чиқиш учун Давлатлараро экология қўмитаси ташкил этилишини таълаб қиласди.

Марказий Осиё давлатларининг мамлакатлараро интеграцияси жараёни ва устуворликлари, шунингдек, уларнинг МДҲ билан ҳамкорлиги ҳамда жаҳон иқтисодиётига кириши янги шарт-шароитларда қайтарилиш тус олади. Бунда энг асосийси аввало, ушбу соҳада давлат сиёсатини олиб боришдир. Глобал жиҳатдан ушбу сиёсат жаҳон ва молиявий конъюнктура билан боғлиқдир. Жаҳон ва молия конъюнктураси бугунги кунда ушбу объектив қонуниятга ҳайриҳоҳ эмас, бу эса, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти аъзолари бўлган мамлакатларнинг ички иқтисодий исплоҳоларни тўхтатиб қўймоқда. Лекин ана шундай ташқи салбий экзоген омиллар бўлишига қарамай, Марказий Осиё мамлакатларининг иқтисодий интеграцияси куч тўплабтган жараёндир. Экспертларнинг баҳолари ва тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда Марказий Осиё бозори ўзаро фойда кўриш асосида, яқин истиқболда иқтисодий, молиявий ва ижтимоий сиёсатнинг Марказий Осиё мамлакатлари Иқтисодий иттифоқи даражасида муайян уйғунлигига астаси.

секин эришган ҳолда секинлик билан, бироқ барқарор ривожланмоқда. Албатта, иқтисодий ривожланишдаги фарқ ҳамда жуғрофий-сиёсий омиллар Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро яқинлашишига ва улар иқтисодий иттифоқининг жисслитига муайян таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари интеграцияси минтақадаги комплекс устувор муаммоларни ҳал этиб, ушбу мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши кучайишининг мұхым омилига айланади. Минтақа мамлакатларининг тарихий, жуғрофий, маданий ва тил умумийлиги жараённинг суръатлари ва қўламларига кўмаклашади, интеграциянинг ўзи эса миллий ўзига хослик, давлат суворенитети ва сиёсий мустақилликни сақлаб қолиниши шароитида юз беради. Албатта, интеграция ривожланишининг шаклланаётган ички ва ташқи омиллари шароитида Марказий Осиё давлатлари томонидан иқтисодий ҳамкорлик шакллари ривожлантирилишига интеграциянинг ҳар хил шаклларини аста-секин амалга оширган ҳолда, изчил эришилади. Айни вақтда жаҳонда сиёсий ва иқтисодий ҳолисаларнинг ривожланиши Марказий Осиё давлатлари салоҳиятининг жамланишини ва тўлақонли интеграция ҳамдўстлиги шакллантирилишини галаб этади. Ушбу ишда орқада қолиш ва ҳамдўстлик давлатларининг яккаланиши ушбу мамлакатларни жаҳон иқтисодиёти тараққиётидан четда қолиб кетиш хавфини келтириб чиқаради.

Хорижий мамлакатлар иқтисодий интеграциясининг ҳалқаро тажрибаси Марказий Осиё ҳамдўстлиги доирасидаги интеграция жараёнларида фойдаланиши мумкин бўлган бир қанча ҳулосаларга келиш имконини бсрари. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида жуда мұхимдир.

Биринчидан, иқтисодий вазифа сифатида минтақавий иқтисодий интеграцияни амалга ошириш учун ўтказилаётган демократик ва иқтисодий ислоҳотларнинг үмумий мақсадлари билан бирлашган қатнашчи давлатлар раҳбарларининг ягона сиёсий илораси зарур.

Иккинчидан, хусусий бизнесга ва хорижий инвесторларга ишонч шарти сифатида барқарор макроиктисодий ва ижтимоий-иктисодий вазият интеграция иттифоқи аъзоси бўлган мамлакатлар иқтисодиёти интеграцияси муваффақиятли қадам ташлашининг мұхим шарти ҳисобланади. Ҳтиш иқтисодиётига асосланган мамлакатлар учун уларга хос бўлган олдинги ижти-

моий тузилмаларни ўзгартериши қийинчиліктери билан бөглиқ әркін савдо ҳудудини, кейинчалик эса, ягона иқтисодий маконини барып этиш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади. У бошқа ислоҳотлар (таркибий қайта ўзгартеришлар, хусусий-лаштириш давлатнинг иқтисодиётта аралашышини бекор қилиш, нархларни әркінлаштириш ва бошқалар) билан узвий үйгүп бўлиши керак.

Учинчидан, минтақавий интеграция әркін савдо ҳудудини, сўнгра божхона, тўлов ва вилоята иттифоқини ташкил этишга доир комплекс чора-тадбирлар сифатида аста-секин, изчил амалга ошириладиган жараён эканлигини эсда тутиш зарур, бунда ҳар бир босқичда қатнашчилардан ҳар бирининг манфаатлари ва хуносалари келишилиши керак.

Тўртингидан, ривожланган инфратузилмаси (транспорт, алоқа, газ, нефт қувурлари, озиқ-овқат ташиб ва бошқа коммуникациялар) мавжудлиги минтақавий интеграциянинг ҳал қилуучи шарти ҳисобланади, улардан интеграция ҳамдўстлиги барча аъзоларининг манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш зарур.

Бешинчидан, Марказий Осиёning барча мамлакатлари бир томонлама парча-парча иқтисодиётта, ички бозорнинг энг кўп сиғимига эга. Шу сабабли бошқа ривожланган минтақавий иттифоқлар тажрибасидан келиб чиқиб, улар, минтақавий ҳамдўстлик манфаатларига даҳл етказмаган ҳолда, учинчи мамлакатлар билан савдо ва ҳамкорлик қилиш учун қулай ҳамда фойдали шарт-шароитларни ўзаро келишишлари керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек: “Шуни таъкидлаш лозимки, Шанхай ҳамкорлик Ташкилоти, Марказий Осиё ҳамкорлиги Ташкилоти, Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлитимиз минтақада ҳафсизлик, тинчлик ва барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади”.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2005, 96-б.

## **III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИГА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯСИ МУАММОЛАРИ**

### **3.1. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон кўжалиги тизимиға иқтисодий интеграцияси**

Республика ижтимоий ҳаётини эркинлаштириш шароитларида жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёниларини ривожлантириш ва чукурлаштиришнинг устувор йўналишларида кучфайратни жамлаш зарурияти юзага келди. Етакчи ҳалқаро иқтисодий, молиявий, ва гуманитар ташкилотлар, ишфор Европа мамлакатлари ва АҚШ, Осиё қитъаси давлатлари, МДҲ мамлакатлари ва айниқса, Россия, шунингдек Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ана шундай йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг жаҳон хўжалик тизимиға чуқур интеграциялашуви муаммоларини ҳал қилиш учун республиканинг экспорт салоҳиятини анча мустаҳкамлаш, экспорт қилинаётган тайёр маҳсулотлар ассортименти ҳажмини ошириш ва кенгайтириш, республиканинг жаҳон бозоридан ўрин олишини фаол мустаҳкамлаш зарур. Ҳозирги вақтда амал қилаётган рабbatлантиришлар ва имтиёзлар билан бирга, миллий ишлаб чиқаришнинг экспортга йўналтирилганлигини кучайтириш, импорт қилинадиган маҳсулотларнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни оқилона асосланган ҳолда ривожлантириш билан уйғун равишда якуний маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишни рабbatлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмунини амалга ошириш мухимdir.

Айтиб ўтилганлардан келиб чиқсан ҳолда, бизнинг назаримизда, давлатлараро иқтисодий интеграция – иқтисодий ривожланиш даражаси бир-бирига яқин бўлган давлатлар бирлашишининг объектив жараёнидир. У факат тегисли мамлакатлар ташқи савдо алмашуви соҳаси, уларнинг бозор алоқаларинигина (ҳалқаро ҳамкорликда бу кўпинча учраб туради) қамраб олиб қолмай, балки мазкур мамлакатлар

моддий ишлаб чиқариши соҳасига чуқур кириб боради, турли даражада ва ҳар хил шаклларда қайта ишлаб чиқариш тузилмаларининг тобора мустаҳкамроқ ўзаро ҳамкорлигига олиб келади.

Жаҳон хўжалик алоқаларининг моддий-ашёвий асосларини у ёки бу минтақавий гурухлар ёхуд иттифоқларга бирлашган мамлакатларнинг интеграциявий салоҳияти ташкил қиласди.

Мамлакатнинг интеграцион салоҳияти деганда, фикримизча, ҳалқаро иқтисодий интеграциянинг алоҳида томонлари-субъектлари (интеграциялашаётган мамлакатлар) амалга оширадиган ҳалқаро ишлаб чиқариш-иқтисодий ҳамкорлик ва алмашув предмети бўлган миллий табиий, меҳнат, ишлаб чиқариш, молия-кредит, савдо ресурслари, илмий ходимлар ва одамларнинг ақлий қобилияти мажмууни тушуниш зарур. Ўзбекистоннинг интеграцион алоқаларини жадаллаштиришга хизмат қиласдиган омиллар ва шароитлар орасидан республика интеграцион салоҳиятининг қўйидаги аниқ-равshan устунликларини санаб ўтиш мумкин, яъни:

- Ўзбекистоннинг Евроосиё қитъасидаги қулай геостратегик жойлашуви;
- ер, минерал-хом ашё ва ўсимликларнинг анча катта захираси, шунингдек, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун қулай бўлган тенги йўқ тупроқ-икълим шароитлари;
- муҳим ташқи савдо ва экспорт салоҳияти;
- тегишли давлатлараро коопрециялашув ва биргалиқдаги инвестициялар мавжуд бўлганда анча қисқа муддатлар ичida тайёргарликнинг юқори даражасига эга рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришини ташкил қилишга имкон берадиган йирик ишлаб чиқариш салоҳияти;
- одамлар салоҳияти, тез кўпайиб бораётган меҳнат ресурслари, шунингдек, нисбатан арzon (жаҳон миқёсида олиб қараганда) иш кучи мавжудлиги;
- ривожланган ишлаб чиқариш инфратузилмаси, биринчи навбатда республикани МДҲнинг бошқа минтақалари билан боғлаб турадиган, автомобил ва темир йўл магистраллари, телекоммуникация тизимининг мавжудлиги;
- республиқада чет эл капиталини инвестиция қилиш, ўзаро фойдали ташқи иқтисодий ва интеграцион ҳамкорликнинг яхши кафолати бўлган барқарор сиёсат.

Юқорида күрсатилған позициялар бүйічә миллий иқтисодиёттің бозор иқтисодиётін шароитта мамлакат интеграциясының салохиятидан самаралироқ фойдаланыш учун бу салохияттың ҳозирғи ҳолатыға бақо бериш керак.

Бириңчи навбатда, бу потенциалнинг таркибий қисмлари бўлган геостратегик жойлашув, табиий-хомашё ва меҳнат ресурслари, шунингдек экспорт имкониятлари кабиларни тавсифлаш лозим.

XXI аср кириб келиши билан жаҳон иқтисодиётидаги интеграцияның мойиллик жуда яққол намоён бўлди. Халқаро меҳнат тақсимоти шу дараражага етдики, миллий хўжаликлар тобора кўпроқ интеграцияланув хусусиятини қасб этмоқда. Бу эса халқаро хўжалик фаолиятининг байналмилалланувига олиб келаётганилиги ҳақида гапиришга имкон беради. Бу шароитларда ўзаро ҳамкорликнинг анъанавий шакллари – халқаро савдо, капиталларнинг кўчиши, иш кучинининг миграцияси – янги, аниқ ифодаланган институционал шаклларга эга бўлмоқда. Бир томондан, давлатлараро минтақавий бирлашмалар тузилмоқда (энг яққол мисол – ЕвроЖукумат ва Європарламентга эга бўлган Европа Иттифоқи), бошқа томондан – ўз фаолиятининг хусусияти бўйича ҳам алоҳида давлатлар, ҳам бутун минтақаларнинг ҳаётига жиддий таъсир кўрсатадиган йирик трансмиллий корпорациялар (ТМК) кенг миқёс олмоқда. Интеграция ҳақида гапира туриб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаб ўтганларидек: “Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув иқтисодий жиҳатдан ривожланган бозор тизимиға эга бўлган демократик давлатлар тушунчасига мувофиқ келгандагина мумкин бўлади. Айни пайтда мамлакатни замонавийлаштириш унинг, шубҳасиз, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви, яъни халқаро меҳнат тақсимотида ўзининг муносиб ўрнини топиши, минтақавий ва глобал ҳавфсизлик тизимини яратиш шартлари мавжуд бўлгандагина мумкин бўлади”.

Ёш, мустақил давлат бўлган Ўзбекистон Республикаси учун ташқи иқтисодий фаолият ва жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув муаммоси айнан бугун, республикамиз давлатчилиги шаклланаётган, жаҳон хўжалик тизимида ўз ўрнини излаётган бир пайтда ва цивилизациялашган демократик жамият қуришда ўта муҳимдир.

Бунга шерикчилик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакатларнинг бошлангич шарт-шароитлари турличалиги сабабdir. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда дунё миқёсида ва минтақа кўламида-интеграция жараёнларида қатнашса-да, аммо бир муҳим қоидага: “бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади. Биз бир субъект билан шерикчиликнинг мустаҳкамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига олиб келишига қаршимиз. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жараёндир”, леб алоҳида таъкидлади Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.<sup>1</sup>

Экспорт салоҳиятини ривожлантириш Ўзбекистонга XXI аср жаҳон иқтисодиётига хос бўлган ҳамда алоҳида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро бир-бiri билан боғлиқлиги ва хўжатик ҳаётининг байналмиллалашуви билан тавсифланувчи глобализация жараёнларида фаол иштирок этиш имконини беради.

Кўп томонлама ҳалқаро иқтисодий, валюта-молиявий ва савдо ташкилотларининг аҳамияти миллий иқтисодиёт учун ҳам, жаҳон иқтисодиёти учун ҳам катта аҳамият касб этади, чунки айнан ана шу ташкилотлар шундай ҳуқуқий маконни яратишга ёрдам беради, жаҳондаги ташқи иқтисодий ва интеграцион алоқалар шу макон доирасида амалга оқирилади.

Ўзбекистоннинг БМТ, ЕХХТ, ЕИ, НАТО, Жаҳон банки, ХВФ, ЭКО, ОИК ва бошقا ташкилотлар фаолиятида фаол иштироки мамлакатимизга ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш борасидаги жаҳон тажрибасидан фойдаланиш, муҳим бўлган замонавий илмий-техникавий ахборотлар, “ноу-хау”ларни, бегараз бериладиган ҳужжат ва материалларни олиш имкониятини беради. БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари турли тармоқларда кўп томонлама ҳамкорликни тартибга солишининг тенги йўқ меъёрий-ижодий механизми ҳисобланади. Валюта-молия ва савдо муассасалари савдо ҳамда валюта-кредит соҳасида жуда муҳим тартибга соловчи ролни ўйнайди ва Ўзбекистонга давлат ва хусусий инвестицияларни жалб қилишга кўмаклашади.

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-том. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 241-242 бетлар.

Жаҳон тажрибаси цивилизациялашган интеграция интеграциялашаётган давлатлар умумий ривожланганинг маълум бир даражада бўлишини назарда тутишини кўрсатди (буни ЕИ тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди, унга аъзо мамлакатлар ўз иттифоқларига урушдан кейинги деярли 50 йил давомида эришишиди). Бироқ собиқ иттифоқ республикалари, ҳозирги янги мустақил давлатлар – МДҲ аъзоларининг умумий ривожланиш даражаси, миллий хўжаликларда бозор ислоҳотларининг поёнига етмаганлиги бу давлатларга гарбий Евронадагига ўхшаш бирор-бир янги иттифоқни ташкил этиш имконини бермайди.

Давлат мустақиллигига эришилиши Ўзбекистон учун мустақил равишда ўз ривожланиш моделини ишлаб чиқиш имкониятларини очди. Бу ривожланиш моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, республиканинг жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашуви йўналишларини белгилашга катта эътибор қаратилиян. Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, ҳалқаро меҳнат тақсимотида кенг кўламда иштирок этиши очиқ турдаги иқтисодиётни қуришнинг асоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам иқтисодиётимизнинг келажагини унинг жаҳон хўжалигига интеграциясида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёsatининг негизида ташқи алоқаларда очиқлик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ўз миллий-давлат манфаатлари устунлигини сақлаган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, умум эътироф этилган ҳалқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя қилиш ва ҳалқаро стандартларга босқичма-босқич ўтиш тамойиллари ётади.

Республикамизнинг ўз тараққиёт моделини тақомиллаштириш ва жорий этишни ишлаб чиқишида ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш сезиларли роль ўйнайди. Ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш республикада ислоҳотларни янада самаралироқ амалга ошириш ва бошқа давлатлар йўл қўйган хатоларни такрорламаслик учун зарурдир. Ўзбекистон бозор ислоҳотларини амалга оширишнинг асосчиси ҳисобланмайди. Бунинг жуда кўп ижобий томонлари бор, зеро бизнинг республикамизга бошқа мамлакатлар йўл қўйган хатолардан сабоқ олиш, шу билан биргаликда, уларнинг ютуқларини юртимиз шарт-шароитларидан келиб чиқсан ҳолда жорий қилиш имконияти берилган. Алоҳида мамлакатлар ривожланиш моделидан кўр-кўрона андоза олиш керак эмас, кўплаб давлатлар тажрибасини ички шарт-шароитларга мувафиқ равишида уйғунлаштириш зарурдир.

Очиқ ташқи сиёсат тамойилини амалга ошириш барча тинчликсевар давлатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Бу тамойилга риоя қилиш, мафкуравий омиллардан қатъи назар, қисқа муддатларда кенг кўламдаги ташқи алоқаларни йўлга қўйиш, бир асрлик ташқи оламдан ажралганлик исканжасидан қутулиш имкониятини беради. Файритабиий ҳодисага дуч келамиз: умуман олганда “очик” иқтисодиётга эга бўлган ҳолда, яъни ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларнинг тахминан 30 фоизи республикадан ташқарига олиб чиқилган, истеъмол қилинадиган товарларнинг 65 фоизи импорт қилингани ҳолда республикамиз амалда ёпиқ мамлакат эди, жаҳон бозорига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга эмасди, унинг барча ташқи алоқалари собиқ иттифоқ ва ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши доирасида чекланиб қолган эди. Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг 83 фоиздан ортиқроғи собиқ иттифоқ республикаларига тўғри келарди. Шу билан биргаликда республикамизнинг экспорт салоҳиятидан (нахта, олтин, рангли металлар, газ ва бошқалар) Марказ сариқ чақа бермасдан аёвсиз фойдаланаарди.

Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишини тубдан қайта ислоҳ қилиш зарур. Умуман олганда, ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши, янада очиқроқ бўлиши керак, бироқ бу республика манфаатларига зиён етказмаслиги даркор.

Ташқи иқтисодий сиёсат республиканинг жаҳон бозоридаги мавқенини мустаҳкамлашга, унинг тўлов балансини янада яхшилашга, кулай инвестиция муҳитини яратишга йўналтирилиши керак. Бунинг учун республикамизда зарур шартшароитлар ва негизлар мавжуд.

Ривожланиш ва тараққиёт йўлига ўтган Ўзбекистон жуда кўп нуфузли ҳалқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотларининг тенг ҳукуқли аъзосига айланди. Қисқа вақт ичida республикамиз Ҳалқаро валюта фонди (ХВФ), Жаҳон банклар гурӯҳи, Ҳалқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Ҳалқаро электралоқалари иттифоқи, Осиё ва Тинч океани иқтисодий ва ижтимоий комиссияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), Ҳудудий иқтисодий ҳамдўстлик ташкилоти, Божхона ҳамдўстлиги кенгаши каби машҳур ҳалқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларга қабул қилинди. Республикализнинг Ҳалқаро атом энергиясини назорат қилиш

бўйича ташкилотга, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши учун фаол тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Республикамиз учун ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда қуйидаги йўналишлар устувор саналади:

Республиканинг экспорт салоҳиятини бундан буён ҳам ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, экспортта йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш. Экспорт салоҳияти ривожлантирилмаса, Ўзбекистон ёрқин келажакка эриша олмайди. Экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш бўйича маҳсус дастурларни ишлаб чиқиши ва амалга отириш зарурияти стилди.

Экспорт тарқибини ҳом ашё ресурсларидан Ўзбекистон учун фойдалироқ бўлган экспорт кўринишлари: қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлап орқали тайёрланган тайёр маҳсулотлар, енгил саноат ва илм талаб тармоқлар буюмлари экспорти йўналишига тубдан ўзgartириш керак. Ҳом ашёга йўналтирилган экспортни сақлааб туриш республика учун фойдали эмас. Паҳтани эса республиканинг ўз тўқимачилик ва снгил саноати қулратли ривожлангунга қадар экспорт қилиш даркор. Паҳта билан эмас, балки цивилизацияланган мамлакатлар сингари тайёр маҳсулот билан савдо қилиши лозим.

Фақат ички бозорда эмас, балки, энг аввало, жаҳон бозорида харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш бош вазифа бўлиши керак.

Жаҳон бозорларида аллақачон талабга эга бўлишга ултурган, киритилган инвестицияларни қисқа вақтда—икки-уч йилда қоплабгина қолмасдан, балки республикамизга валюта тушумларининг мустаҳкам манбаи сифатида хизмат қиласиган экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришлар устувор равишда ривожлантирилиши даркор.

Экспорт салоҳиятини кенгайтириш, жаҳон бозорларига кириб бориш учун, энг аввало, нодир ҳом ашёларни қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариши бўйича қўшима корхоналарни ривожлантириш, хорижий ҳамкорлар билан меҳнат ресурсларига — қишлоққа яқин жойларда ихчам корхоналар ташкил этиши зарур. Одатда, бу корхоналарнинг барчаси илғор технологиялар билан жиҳозланиши, рақобатбарлош маҳсулотлар ишлаб чиқариши даркор. Бу йўл орқали бир неча йилдан сўнг республикамиз замонавий технологиялар, асосини маҳаллий аҳоли ташкил этувчи замонавий иш қучига эга бўлади. Ўзбекистон ўз ишлаб чиқариши негизида маҳаллий

хом ашёлардан тайёрланган юқори сифатлы товарлар билан тұлиб-тошади. Экспортни көнгайтириш бүйіча стратегияны фаол олиб бориш билан бирга аниқ йұналтирилған импорт үрнини қоплаш бүйіча сиёсатини үтказиш талаб қилинади. Бунда үзимиз ишлаб чиқара оладиган товар ва маҳсулотлар импортини мүмкін даражада камайтириш керак. Импорт үрнини қоплаш дастури доирасыда ясосий әထиборни озиқ-овқат маҳсулотлари ва ресурслар импорти соҳасидан әкинлар-нинг юқори ҳосил берадиган навлари ва бу әкинларга иннов берувчи саноат технологиялари, үсімлікларни ҳимоя қилиш воситалари, қишлоқ хұжалиғи маҳсулотларини қайта ишләші ва сақлаш учун зарур бўлған замонавий асбоб-ускуналар, шунингдек, фермер (декон) хұжаликлари учун техникалар импорти соҳасига кўчириш керак. Илгор технологик қурилмалар, илгор технология, ишлаб чиқарышни қайтадан техник жиҳозлаш учун лицензиялар, шунингдек, энг зарур бўлған искеъмол товарлари, хом ашё ва дори-дармонлар импортига ҳам дикқат-әထиборни қаратиши даркор.

Ташқи иқтисодий фаолиятни бундан бүён ҳам әркинлаштириш бүйіча аниқ бир мақсадға йұналтирилған сиёсатни олиб бориш, хұжалик субъектларига хорижий ҳамкорлар билан тұғридан-тұғри алоқаларни үрнатыпда катта әркинликлар бериш, республикамизда ишлаб чиқарилған маҳсулотларни хорижда сотиш, товарлар экспорті ва импортига янада имтиёзли тартибларни жорий қилиши – булар сиёсатимизнинг замонавий босқичдаги устувор йұналишларидир. Ташқи иқтисодий фаолиятни рагбатлантириши мақсадыла кўйылаб товар турларига импорт божлари аллақачон олиб ташланған, экспорт ва импорттга божхона божи стаякалари сезиларли даражада пасайтирилған, валюта тушумларини тақсимлаш тизими тубдан ўзгартирилған. Республикамиз иқтисодиётінде хорижий инвестицияларни, тұғридан-тұғри капитал қўйилмаларини устун равиша кең кўламда жалб қилиш учун зарур бўлған ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни яратишга, қўшима корхоналарни ташкил қилишга, шунингдек, инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилишта катта әထибор қаратилмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият инфраструктурасын яратиш – бу ташқи алоқаларни ривожлантириши манфаатларига ва шарт-шароитларига жағоб берадиган ихтисослаштирилған ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва сугурта фирмалари, транспорт тизими, алоқа ва коммуникация тизимларини барпо қилиш демекadir.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг бу ва бошқа йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодиётининг тез орада жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашуви учун иқтисодий, ташкилий-хуқуқий замин яратиш имконини беради.

Энг бой мамлакатлар ўзларини эркин савдога қатъий риоя қилиш тарафдорлари қилиб кўрсатишади. Бироқ айнан ана шу мамлакатлар жуда усталик билан мураккабдан-мураккаб ва ниқобланган савдо тўсиқларини ўрнатишмоқда. Ривожланётган мамлакатлар ва кўп сонли ижтимоий ташкилотлар Сизтлдаги учрашувнинг барбод бўлиннига эришиш орқали жаҳон иқтисодиётидаги етакчи мамлакатларнинг икки юзламачилиги ва сайёрамизнинг 80 фоиз аҳолиси яшайдиган қисмининг ниҳоятда мұхим бўлган манфаатларини эътиборга олмасликла-рига карши яқдил қаршиликларини намойиш қилишди.

Натижада ушбу раунд 2003 йилга қолдирildи. Шуни тан олиш жоизки, БСТнинг келажакдаги музокараларида жаҳон га-раққиёти учун тенг ҳукуқли халқаро савдо режимини ва глобал иқтисодий тартибининг адолатли асосларини ўрнатиш зарур.

### **3.2. Узбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви шароитида иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш йўллари**

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг рақобатбардошликини ошириш мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодий алоқаларига интеграциялашувидағи асосий назифалар қаторига киради. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессияси (1999 йил апрел)да сўзлаган нутқида, мамлакатимиздаги барча ислоҳотларнинг асосий негизи ва боғловчи бўғини саналган иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш ва жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқарип билан чамбарчас боғлиқ эканлигини қайд этган.

И. Спиридов рақобат түшүнчесига мұкаммал таъриф берган: “Рақобат – бу ўз маҳсулотларини сотиш учун эң яхши имкониятларни таъминлаш, турли-туман харидорлар эңгійеларини қондирисш ва эңг күп фойда олиш мақсадыда бозорда иштирок этувчи корхоналарнинг ўзаро таъсир күрсатиши, ўзаро алоқанари ва ўзаро курашини ифода этувчи иқтисодий жараёндир”. Б.Доэрн ва С.Уилкс эса “Рақобат бозор иқтисод-

диёти тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучини ифода этади", деб таъкидлайди. Уларнинг фикрича, рақобат ҳам, бозор ҳам табиий ривожланиш натижасида ву-жудга келмайди, балки уни шакллантириш керак бўлади.

Жаҳон тажрибаси ва замонавий амалиёт бозорда рақобатни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш, эркин рақобат ҳамда рақобатбардош соҳалар ва компанияларни рағбатлантириш сиёсатини биргаликда олиб боришнинг турли-туман усулларини намойиш этмоқда.

Рақобат сиёсатини қўллаб-қувватлаш соҳасида Европа Иттифоқи (ЕИ) сиёсатининг фаолият доираси ниҳоятда кенгdir. Европа Иттифоқининг рақобат сиёсати: миллий бозорларнинг амалдаги интеграциясини таъминлаш, бозорларни бўлиб олиш тўғрисида битимлар имзолаш воситасида миллий бозорлар ўртасида ўз тўсиқларини яратишга ҳаракат қилаётган компанияларга қарши тўсиқлар ташкил этишга, иқтисодий ҳукмронликнинг ҳаддан ташқари концентрациялашувига қарши концентрациялашув жараёнларининг ўзини эмас, балки бозорда етакчи мавқени эгаилаб олиш мақсадидан келиб чиқувчи сунистъемолни тақиқлаш йўли билан тўсиқлар барпо қилиш вазифаларини ҳал қилишга йўналтирилган.

Европа Иттифоқининг рақобат сиёсати соҳасидаги асосий ҳуқуқий месъёрлари Европа Иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисидаги Битимнинг бир қатор моддалари: "Картеллар ва бошқа чеклаш келишувлари тўғрисида"ги 85-модда, "Етакчи мавқе орқали сунистъемоллар тўғрисида"ги 86-модда, "Давлат компаниялари ва компаниялар тўғрисида"ги 90-модда (бу компанияларга "умум манфаатлари йўлида фаолият" олиб бориш юклатилган), "Саноатга давлат ёрдами тўғрисида"ги 92-94-моддаларда мустаҳкамланган.

АҚШ, ЕИ, Германиянинг барча қонунчилик хужжатларида рақобатчилар ўргасидаги рақобатни чеклашга қаратилган ҳар қандай кўринишдаги битимлар тақиқланган. АҚШда картеллаштиришга жиноий қоида бузиш сифатида қаралади ва бу хусусий шахслар учун 350 минг АҚШ доллариғача, фирмалар учун 10 млн. АҚШ доллариғача жарима солиниши ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилинишига олиб келиши мумкин.

Жаҳон бозорида рақобат курашининг кучайиши ва сўнгги ўн йилликларда рақобатбардошлиқ муаммосининг биринчи даражали аҳамиятга эга деб ҳисобланиши жаҳон иқтисодиёти, ҳалқаро иқтисодий муносабатлардаги ўзгаришлар билан ҳолисона боғлиқ-

дир. Айни пайтда рақобат ўқ ринишилари ва услублари, рақобатбардошлика эришиш усуллари вақт ўтиши билан күп жиҳатдан хўжалик ҳаётининг глобаллашуви, халқаро ишлаб чиқариш ва халқаро капиталлар бозоридаги сифат билан боғлиқ олга силжишлар, халқаро инфратузилманинг тез суръатларда ривожланиб бориши ва глобал телекоммуникация тизимининг шаклланиши билан боғлиқ равишда ўзгариб боради.

Асосан хўжалик ҳаётининг глобаллашуви таъсири остида шаклланиб борувчи замонавий рақобат вазияти учун қуидагилар хосдир: рақобатчи томонлар манфаатларининг кўп қирралилиги, рақобатнинг турли хил параметрлари (харажатлар, сифат, муддат, “ноу ҳау”, молиявий ҳолат, бозордаги тўсиқтар)нинг бир пайтда ҳисобга олинниши, ҳаракатнинг кўп даражалилиги (товар бозорларидаги, ресурслар соҳасидаги, турли тадбиркорлик тамойиллари ўртасидаги ҳаракат), бозорларда рақобатчилар мавқеининг ва кучлар тақсимланишининг ўзгаришларга бойлиги, баҳолардан фойдаланмасдан олиб бориладиган рақобат усуllibарининг баҳо асосидаги рақобатлашув усуllibаридан кўплиги.

М. Портернинг маркетинг тадқиқотларининг кўрсатишича, “халқаро рақобатда муваффақиятни омилларининг ўзи эмас, балки улардан қаерда ва қай даражада самарали фойдаланиш белгилааб беради”.

Ривожланишининг бир босқичидан янада юқорироқ босқичига ўтиш доирасида бозор муҳитида рақобатни ривожлантириш йўналишиарини асосан нисбий устуњликлардан фойдаланишдан рақобат устуњлигидан фойдаланиш томон тубдан ўзгартирувчи рақобатлашувнинг янги шарт-шароитлари шаклланади. Нисбий устуњликлар мамлакатга табиат томонидан инъом этилган, турғун, абадий бўлмаган ва такрор ишлаб чиқарилмайдиган табиатта эта бўлса, рақобат устуњликлари нисбатан ўзгарувчан, инновациялар, инсон ресурсларининг ривожланиши билан боғлиқ ва моҳияти жиҳатидан чегарасиздир. Бир мамлакатда нисбий ва рақобат устуњликларининг бир-бирига боғланиши бу мамлакатнинг глобал иқтисодий макондаги рақобатбар-дошлигини кучайтиради.

Ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқаришнинг глобаллашуви шароитида бирон-бир мамлакатдаги фирманинг ушбу мамлакатда у ёки бу омилларининг мавжудлигига ва уларнинг миқдорига боғлиқдиги барҳам топади. Ҳом ашё ва бугловчи буюмлар, ишлаб чиқариш қурилмалари, капитал ва бошқа кўйилаб ресурслар ҳамда хизматларни жаҳон бўйича деярли бир хил шарт-шароитларда сотиб олиш мумкин. Капитал бир мамлакатдан бошқа мамлакатга,

аниқроғи, энг яхши инвестиция мұхити яратған мамлекатларға күчіб ўтади. Транспортнинг ривожланиши аниқ бир ишлаб чиқариш омиллігінде боғлиқ бұлған товарлар ва ишлаб чиқариш омилларининг ўзини айрибошлашни арzonлаштируди.

Иқтисодиёт соҳасыда юзага келдиган турли хил рақобат муносабатларининг барчасини уч даражага бўлиши мумкин: микро даражада (маҳсулот, ишлаб чиқариш, корхоналарнинг алоҳида турлари); мезо даражада (тармоқлар, интеграциялашган корпоратив тузилмалар); макро даражада (миллий хўжалик мажмуалари).

Ўз навбатида, бу даражаларни белгиловчи турли хил рақобат тавсифлари ва омиллари қўйидагиларга бўлинади: микро даражада (маҳсулотнинг сифати ва баҳоси, баҳога боғлиқ бўлмаган тавсифлар); мезо даражада (тармоқлар ва интеграциялашган корпоратив тузилмалар – ИКТнинг ҳолати, айрим ҳолларда ўзаро боғлиқ тармоқларни ҳам қамраб олади); макро даражадаги (иқтисодиётнинг умумий ҳолати, инвестиция мұхити, солиқ режими, илмий-мәтирифий мажмуанинг, техникавий базанинг ҳолати).

Рақобатбардошликтининг барча даражалари ўзининг кўрсатичлар тўпламига, уларнинг даражасини оширишнинг маҳсус ёндашувлари ва таҳлил услубларига эга.

*Микро ва мезо даражадаги рақобатбардошилик.* Рақобатбардошликтин микро даражада баҳолаш алоҳида товарлар, товар гурӯҳлари, ишлаб чиқариш ва корхоналарни қамраб олади ҳамда кўпчиллик ҳолларда баҳолаш алоҳида корхоналар ва фирмалар томонидан ишлаб чиқариладиган маълум бир товарларнинг баҳоси ва сифатига, шунингдек, товарни етказиб бериш ва сотиш пайғидаги ҳамда ундан фойдаланиш жараёнидаги хизмат кўрсатиш самарадорлигига боғлиқ шартлар асосида ўтказилади.

Умуман олганда, микро даражадаги рақобатбардошликтин баҳолаш нафақат алоҳида олинган товарлар ва товар гурӯҳлари бўйича амалга оширилиши, балки корхонанинг умумий рақобатбардошлигини баҳолаш орқали ҳам олиб борилиши мумкин. Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш мутахассислар иштирокида корхонани текшириш ва унинг эксперт баҳосини бериш йўли билан амалга оширилади. Бу услубий ёндашувни инобатта олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Макро-иқтисодиёт ва статистика вазирилиги қошидаги Макроиқтисодий ва ижтимоий тадқиқотлар институти томонидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини эксперт баҳолаш услубияти ишлаб чиқилган.

Мамлакатнинг бешта ҳудудида жойлашган ўнта саноат тармоғидаги саноат корхоналарини экспериментал текшириш натижаларининг кўрсатишича, 1999 йилда ички бозорда фақатгина 28,3 фоиз корхоналар, шу жумладан, яқин хориж бозорларида – 8,2 фоиз, узоқ хориж бозорларида – 6,6 фоиз корхоналар юқори даражадаги рақобатбардошликка эришиди. Дарҳақиқат, 2005 йилнинг якунигача барча бозорларда яна 20-23 фоиз корхоналарнинг юқори даражадаги рақобатбардошликка эришиши куттилмоқда.

Бироқ текшириш натижаларининг кўрсатишича, республика-даги корхоналарнинг катта қисми 2001-2005 йиллар учун ўзларининг экспорт йўналишини аниқлаб олишган, боз устига 59 фоиз корхона яқин хориж бозорларида, 68 фоиз корхона эса узоқ хориж бозорларида ўз экспорт фаолиятининг истиқболини умуман белгиламаган.

Бу текширишлар, шунингдек, саноатнинг қазиб олиш тармоғидаги корхоналаргина ички ва ташқи бозорлarda мустаҳкам мавқега эга эканлигини кўрсатди, масалан, республикамиз рангили металлургиясидаги 83 фоиз корхона шундай мавқега эга.

Корхоналар гурухлари ёки тармоқ даражасидаги рақобат бир қанчада умумий кўрсаткичлар ёрдамида ҳам баҳоланади. Улар сира-сигта-меҳнат унумдорлиги; тармоқнинг экспортга йўналтирилганлиги ёки импортга боғланганлиги даражаси; маҳсулотнинг капитал сифими, илм-фанни талаб қилиши ва техник даражаси; маҳсулотни мустақил равишда ўзлаштириш учун зарур бўлган билимлар ва ярим тайёр маҳсулотлар йигиндиси киради.

Бу кўрсаткичлар тўйлами тармоқ хусусияти, бу тармоқларда фаолият олиб борувчи интеграциялашган корпорациялар тузилмаси (молия-саноат гурухлари, корпорациялар ва концернлар)-нинг фаолияти хусусиятлари ҳисобга олган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Бироқ товар яратилиши даврида жаҳон илмий-техникавий ютуқларидан фойдаланиш даражасини акс эттирувчи маҳсулотнинг техникавий даражаси, товарнинг мамлакат ёки харидор фирмалар талабларига мос келиши, техник хизмат кўрсатишни ташкил қилиш жаҳон бозорида рақобатбардошликни белгиловчи асосий омиллар саналади. Охир-оқибатда корхона ёки корхоналар гурухи рақобатбардошлиги ички ва ташқи бозорларда сотиладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги билан баҳоланади.

*Макро даражадаги рақобатбардошлик.* Бундай рақобатбардошликнинг ўзига хос томони шундаки, товар ёки корхоналарга

нисбатан етарлы даражада аниқ иқтисодий маңнога эга бүлгән рақобатбардошлиқ түшүнчеси миллий иқтисодиётта татбиқ этилганда ўзининг қатыйлигини йўқотади. Бу ҳолат кўп жиҳатдан муҳокама мавзуси ўзининг мураккаблиги, кенг миқёслилиги ва кўп томонлилиги билан изоҳланади.

Жаҳондаги етакчи мамлакатларнинг нисбий устунлиги тўғрисидаги маъruzalар 1986 йилдан бошлаб, Умумжаҳон Иқтисодий Анжумани (УИАВЭФ) раҳбарлигига, кейинчалик Жаҳон банки ва Халқаро бошқарув услубларини такомиллаштириш институти ишланмалари ҳимоясида чоп этила бошланди. Бу маъruzalарнинг кўпчилигига миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги омиллари қўйидагиларни ўз ичига олиши қайд этилган: мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти; иқтисодиётнинг байналмилаллашуви — мамлакатнинг халқаро савдо ва инвестицион оқимларида иштироки даражаси; иқтисодиётнинг рақобатлашув устунликларини оширишда ҳукуматнинг рағбаглантирувчи роли; молия-капитал бозорининг фаолият кўрсатиши ва молиявий хизматларнинг сифати; инфратузилма — бизнеснинг асосий эҳтиёжларига ресурсларнинг мос келиши; бошқарув, инновациялар, фойдалилик, ўзгарувчан ғароитларга мосланувчанлик; фан ва технология—илмий—тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларининг салоҳияти ва самардорлиги; ҳодимлар — меҳнат ресурсларининг миқдори ва сифати.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги санаб ўтилган омилларнинг ўзаро таъсири, иқтисодий-сиёсий мұхит хусусиятлари, иқтисодиётнинг фаолият кўрсатиш механизми ҳамда унда фаолият кўрсатувчи субъектларнинг ташкилотчилик қобилияtlари ва самардорлиги натижаси сифатида аниқланади.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММ кўрсаткичларига асосланган Жаҳон банки услубияти жаҳондаги мамлакатларнинг рақобатбардошлигини учта даражада тавсифлайди. Жаҳон банкининг 2000 йилда чоп этилган маъruzасида даромади даражасига кўра мамлакатлар уч тоифага ажратилган: даромади даражаси паст — 760 АҚШ доллари ёки ундан камроқ; даромади даражаси ўртача — 761 дан 9360 долларгача; даромади даражаси юқори мамлакатлар — 9361 доллар ва ундан кўп (OECD мамлакатлари, бошқа мамлакатлар).

Рақобатбардошликни баҳолашнинг юқорида келтирилган услублари билан бир қаторда маълум бир товар бозорларида мамлакатнинг ички мониторинги мақсадида иқтисодиёт рақобатбардошлиги даражасини ҳар томонлама тавсифловичи

интеграл кўрсаткичлар (индикаторлар)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон шароитида рақобатбардошлиқ кўрсаткичлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган уч гурӯҳ кўрсаткичлар – иқтисодий салоҳият, ҳалқаро меҳнат тақсимотига қўшилганлик даражаси ва иқтисодиётнинг инновацион сифимини ифода этувчи кўрсаткичларни ўз ичига олиши қерак. Йириклиштирилган иқтисодий салоҳиятни кўп жиҳатдан Ялпи миллий маҳсулот ва олтин-валюта заҳиралари каби интеграллашган кўрсаткичлар ифодалайди.

Яна шу ҳолатни ҳам эътиборга олиш мұхимки, Жаҳон банки мамлакатларни таҳлилий мақсадлар учун гурӯҳларга ажратища ва уларнинг қарз маблағларини олиш учун қонуний ҳуқуққа әгалигини аниқлашда АҚШ долларида ифодаланган аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММ тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини аниқлаш ЯММ асосида амалга оширилиши миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг интеграл кўрсаткичларидан бири сифатида етарлича исботланган. ЯММ билан бир қаторда олтин-валюта заҳиралари ҳам иқтисодиёт рақобатбардошлигининг жамғарилган интеграл кўрсаткичи ҳисобланади, чунки унда ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча натижалари тўпланган. Одатда товар ва хизматлар экспортидан, инновацион фаолият ва туризмдан катта даромад олувчи, самарали ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи мамлакатлар улкан заҳираларга эга бўлади.

Иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик алоқалари ва ҳалқаро меҳнат тақсимотига интеграциясини ифодаловчи рақобатбардошликтининг энг мұхим кўрсаткичлари қаторига товар ва хизматлар экспорти, иқтисодиётнинг “очиқтаги” даражасини ифода этувчи ЯММда товар ва хизматлар экспортининг улуши, шунингдек, тўғри инвестициялар миқдори киради.

2002 йилда ЯММдаги товар ва хизматлар экспорти улуши Ўзбекистонда 22 фоиз, Озарбайжонда – 25, Арманистонда – 20, Грузияда – 12, Қозогистонда – 34, АҚШда – 12, Германияда – 27, Буюк Британияда – 27, Францияда – 24, Гонконгда – 125, Индонезияда – 28, Таиландда – 47 фоизни ташкил этди.

Инвестицион омил барча саноати ривожланган мамлакатлар ва янги индустрисал мамлакатларда рақобат мавқеини оширишда мұхим аҳамият касб этади. Улкан ҳажмдаги ички ва хорижий инвестициялар ва улардан самарали фойдаланиш бу мамлакатларга

табиий ресурслар етинимаслиги ёки жүгрофий жойлашув, шунингдек, иш күчининг етарли эмаслиги ёки унинг қимматлиги билан боғлиқ бўлган рақобат устунликларининг етарли эмаслиги ёки бу устунликларни йўқотишнинг ўрнини тўлдириши имкониятини берди.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, кўнглаб мамлакатлар ўзларининг рақобатбардошлигини оширишни таълимга сарфланган харажатларнинг ЯММдаги улуши, олимлар ва муҳандислар сонининг ўсиши, патентларга буюргатмалар миқдорининг кўпайиши каби омилларни ўз ичига олган иқтисодиётнинг инновацион сигими ўсиши орқали ҳам таъминлашади. Умуман олганда, барча турли хил рақобатлашув устунликларини икки асосий кўриништа ажратиш мумкин: ресурслар бўйича ва инновациялар бўйича устунликлар.

Агар ресурслар бўйича рақобатлашув устунликлари асосан ишлаб чиқариш омиллари (табиий ресурслар, иш кучи ва ҳоказолар) ва бу омиллардан самарали фойдаланиши даражаси билан таъминланса, инновациялар бўйича рақобатлашув устунликлари бир ёки бир неча тармоқлардаги технологик жиҳатдан илгарилаб кетишидан тортиб то мамлакатнинг технология соҳасида етакчи мавқега эга бўлишигача бўлган замонавий рақобатлашув устунликларининг барча кўринишларини таъминловчи билим ресурслари, технологик ва инвестицион ресурслар орқали таъминланади.

Айнан интеллектуал салоҳиятнинг ривожланиши, илмий-техникавий асоснинг шаклланиши, энг янги технологиялардан фойдаланиши билан боғлиқ бўлган иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион омиллари ҳалқаро меҳнат тақсимотига энг самарали равишда кириб боришни таъминлайди. Бунда иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширувчи бу омилларнинг аҳамияти вақт ўтиши билан ортиб боради.

Интеллектуал салоҳият ва инсон капиталига инвестиция кўйилмалари ривожланишининг муҳим кўрсаткичи таълимга сарфланган харажатларнинг ЯММдаги улуши ҳисобланади. Ўзбекистонда рақобатбардошликини оширишнинг ушбу омилига катта сътибор берилмоқда ва у кадрлар тайёрлаш Миллий дастури орқали амалга оширилмоқда. Бу таълимга сарфланган харажатларнинг ЯММдаги улуши 8,1 фоизни ташкил этганлигига ҳам ўз исботини топиб турибди, зеро бу кўрсаткич Қозогистонда – 4,7 фоиз, Қирғизистонда – 5 фоиз, Тожикистанда – 2,2 фоиз, Россияда – 4,1 фоиз, Буюк Британияда – 5,4 фоиз, Германияда –

4,8 фоиз, Италияда – 4,7 фоиз, АҚШда – 5,4 фоиз, Ҳиндистонда – 3 фоиз ва Хитойда – 2,3 фоизга тенгdir.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти рақобатбардошлигининг белгиланган интеграл кўрсаткичлари ҳамда уларни ҳисоблаш унчалик қийинчилек туғдирмайди. Улар микро, мезо ва макро даражаларда бу кўрсаткичларни яхшилаш бўйича таҳлилий ҳамда илмий ва амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадларида мониторингни амалга ошириш доимасида қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлиги муаммоларини тадқиқ этишининг услубий ва илмий-услубий масалаларини ҳал этишда рақобат курашининг тавсифлари, кўрсаткичлари ва субъектларини тизимлаш билан бир қаторда иқтисодиёт рақобатбардошлиги устунликларини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар ва шарт-шароитлар таҳлили муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хўжалик алоқаларининг глобалашуви шаронтида Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлиги муаммоларини тадқиқ этишининг муҳим йўналиши рақобатлашиши устунликларини шакллантириш хусусиятлари ва омиллари ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш омиллари, талаб шартлари, бир-бирига боғланган ва қўллаб-куватловчи тармоқларнинг мавжудлиги, фирманинг стратегияси ва тузилмаси рақобатлашиш устунликларининг асосий ўзгарувчилари ҳисобланади. Тасодифий ҳодисалар (жаҳон бозорида вужудга келувчи тамойиллар, эҳтиёжлар ва талаблардаги кескин ўзгаришлар, сиёсий ҳодисалар ва бошқалар) ва ҳукумат таъсири ҳам ушбу ўзгарувчилар қаторига киради.

Бу ўзгарувчилар (M. Портернинг таърифига кўра – миллий “ромб” - national “diamond”)нинг ҳар бири алоҳида ҳолда ва бир бутун тизим ҳолида аниқ бир мамлакатнинг корхона ва фирмалари фаолият кўрсатувчи муҳитни яратади, бинобарин, пировардида мамлакат иқтисодиёти рақобатланув устунликларини яратади. Бироқ тадқиқотларнинг кўрсатишича, иқтисодиётнинг у ёки бу тармоғининг рақобатлашун устунликлари ўзгармас ҳолда, олдиндан белгилаб қўйилган ҳолда қолиб кетмайди, фақат уларнинг манбаи доимий равишида такомиллашиб борган ҳолда сақланиб қолади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатлашув устунликларини оширишнинг асосий шартлари сифатида барча ўзгарувчилардан ўзаро алоқадор ҳолда, яъни комплекс равишида фойдаланиш ва рақобатлашиш устунликларини доимий равишида такомиллашириб боришнинг зарурлиги илгари сурилади. Рақобатлашиш

устунликларига эришиш юқоридаги барча түрт ўзгаруучининг ўзаро таъсирини талаб қиласи, чунки бир-икки ўзгарувчининг мавжудлиги мамлакатга фақат қисқа ва ўргача муддатли устунлик бериси мумкин. Бир-бири билан ўзаро таъсир қилувчи ва бир-бирини кучайтирувчи ўзгарувчиларнинг яхлит тизимидағи устунликларгина иқтисодиётнинг юқори даражадаги рақобатбардошлигига эришиш учун шароит яратади. Шу билан биргаликда турли ўзгарувчилар бўйича устунликлар бир-бирини тўлдириши, ўзаро таъсир қилиши ва бир-бирини кучайтириши жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш жараёни тадқиқотчидан ҳар бир ўзгарувчини ва бу ўзгарувчиларга таъсир қилувчи омилларни, шунингдек, бу ўзгарувчиларнинг ўзаро таъсир механизмларини таҳлил қилишни талаб қиласиди, бу механизмлар рақобатлашишнинг нисбий устунликларини таъминлашта йўналтирилгандир.

#### **Ишлаб чиқариш омиллари.**

1. *Ички талаб шартлари.* Мамлакат рақобатбардоши-лигининг энг муҳим ўзгарувчиларидан бири ички талаб шартлари ҳисобланади. Бозорни сегментлаш, бозор сифими, маҳсулот сифатига қўйилган талаб ички талаб шартларининг асосий параметрлари сифатида хизмат қиласи.

Шу билан биргаликда, ички бозордаги кучли рақобат ва рақобатбардош тармоқларни ташкил этиш ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд. М. Портер томонидан ўнга мамлакатда мувваффақиятни ривожланаётган тармоқларнинг тадқиқ этилиши бу нуқтаи назарни тасдиқлаб турибди. “Ҳеч бир мамлакатнинг ички бозорида Япониядагидан кўра куслироқ рақобат мавжуд эмас”, деб таъкидлайди М. Портер.

2. *Ўзаро бир-бири билан алоқадор ва бир-бирини қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг мавжудлиги.* Рақобатлашиш устунликларини шакллантиришининг муҳим ўзгарувчиларидан бири мамлакатда жаҳон бозорларида рақобатбардош бўлган бир-бири билан алоқадор ёки етказиб берувчи тармоқларнинг мавжуд бўлиши ҳисобланади. Жаҳон стандартлари даражасига мос келувчи етказиб берувчилар саноатнинг исғеъмол қилувчи тармоқларининг рақобатбардошлигини оқиришта ёрдам беради.

3. *Фирмаларнинг стратегияси ва тузилиши.* Қўплаб саноати ривожланган мамлакатларда ҳамда Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёдаги “яңги индустрiali мамлакатлар”нинг рақобатлашиш устунликларини шакллантиришлаги тажрибасини кўрсатишича,

мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан ушбу мамлакат миллий компанияларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги ўсимиши ёрдам берувчи омиллар шакллантириш механизмига боғлиқ бўлади.

Иқтисодиёт очиқлиги даражасини кучайтириш ва ўтиш даври шароитида бундан бўён ҳам Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш, равланки, мамлакат рақобатбардошлигининг жаҳон хўжалиги ҳолати, ташқи иқтисодий алоқалар, жаҳон товар-хом ашё бозорларидағи вазиятларга боғлиқлигини янада кучайтиради.

ТИФни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишининг муҳим йўналиши Ўзбекистон иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириш ҳисобланади. Иқтисодиётнинг рақобатлашиш устунликларини шакллантириш соҳасидаги жаҳон тажрибасини ўрганиш бир неча жиҳатларга эга.

*Биринчидан*, жаҳон хўжалиги алоқаларига муваффақиятли интеграция ва жаҳон хўжалиги алоқаларининг глобатлашуви, иқтисодиётнинг эркинлашшиши ва ҳалқаро рақобатнинг кучайинши шароитида баркарор ва бир текис иқтисодий ўсимиши таъминлаш кўп жиҳатдан иқтисодиёт рақобатбардошлиги муаммосини ҳал этишга боғлиқ бўлиб қолади.

*Иккинчидан*, саноати ривожланган ва янти индустрисиал мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, замонавий босқичда рақобатбардошлик омилиниң тармоқ ташкил этувчи роли кучаяди. Шу сабабли хориж тажрибаси асосида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда рақобатбардошлик омилиларининг роли, аҳамияти ва мазмунини назарий жиҳатдан ўрганиш ва умумлаштириш мумкин.

*Учинчидан*, микро, мезо ва макро даражада иқтисодиёт рақобатбардошлигини таҳдил қилиш, баҳолаш ва оширишининг аниқ кўрининилари, усул ва услублари амалий аҳамият қасеб этади. Бу рақобат устунликларини шакллантириш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва тараққиётини гушуништа ёрдам беради.

*Тўртинчидан*, кўрсатиб ўтилган мамлакатларнинг рақобат устунликларини шакллантиришдаги тажрибасидан маълумки, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан хориж фирма ва компаниялари билан самарали ўзаро алоқада бўла олувчи ва жаҳон хўжалигидаги инновацион-такрор ишлаб чиқариш жараёнларига муваффақият билан қўшилиб кета

олувчи интеграциялашган корпоратив тузилмаларнинг рақобатбардошлигига боғлиқ.

Санаб ўтилган муаммоларни ҳал қилиш мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишининг устувор йўналишларини ишлаб чиқишига етарлича ёрдам беради.

Халқаро айрибошлашда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг рақобатлашиш устунликларидан самарали фойдаланиш мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон хўжалиги алоқаларига муваффақиятли интеграциялашувига ёрдам беради, ташқи иқтисодий алоқаларнинг бир текис ва барқарор ривожланишини таъминлайди, ҳамкорликнинг энг замонавий кўринишларига (илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш кооперацияси, хизматлар айрибошлаш, инвестиция соҳасида ҳамколик) ўтишни амалга ошириш имконини беради, экспортда меҳнат сифими ва илм-фанни кўплаб талаб этадиган буюмлар ва хизматлар улушини сезиларли даражада ошириш ҳисобига ташқи иқтисодий айрибошлаш таркиби ва мутаносиблигини тубдан яхшилашга ёрдам беради ва мамлакатнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш учун қулай ташқи шарт-шароитларни таъминлайди.

Бу масалаларни ҳал этиш кўп жиҳатдан республикамизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва экспорт таркибини янада такомиллаштиришга боғлиқ. Бу пировардида ТИФнинг геоиқтисодий моделига ўтишни қўллаб-қувватлайди.

### **3.3. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви: амалиёт**

Республика экспорт салоҳияти ва молия-кредит соҳасининг глобаллашуви таъсирига асосланган ТИФга салбий омилларнинг таъсирини камайтиришнинг барқарор йўналиши республикамиз иқтисодиётининг қайта ишловчи тармоқлари экспортининг ўсиши ва уни таркибининг юқори технологик саноат маҳсулотлари ҳамда илмталаб товарларнинг улушини кўпайтириш йўналишида такомиллаштириши ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг келажаги унинг жаҳон хўжалигига интеграцияси ва экспортни кенгайтириш ҳамда импортни мақбуллаштиришдаги ютуқлар билан узвий боғлиқдир. Ташқи савдони ислоҳ қилиш ва экспортни рағбатлантириш замонавий асбоб-ускуналар ғаҳ технологиялар харид қилиш учун керак бўлган мустаҳкам валюгадаги даромадларни оширишининг асосий манбай.

жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви нинг асосий механизми, шунингдек, миллий валютани мустаҳкамлаш, иқтисодиётда чукур таркибий қайта куришларга эришиш каби энг долзарб иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш вазифаларини ҳал этишининг муҳим ҳисми ҳисобланади. Булар барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий шартлари саналади.

ХВФ (SMP) ходимлари кузатуви остида амалга ошириладиган Дастур доирасида 2002 йил 1 январдан 30 июнгача мўлжаллнган “Иқтисодий ва молиявий масалалар бўйича Меморандум” (МЭФП)да Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини ўтказиш, амалга оширишнинг, шу жумладан, ташқи тармоқни эркинлаштириш бўйича ҳаракатларни фаоллаштиришга йўналтирилган макро-иқтисодий барқарорлик ва ташкилий ислоҳотларнинг комплекс дастури ишлаб чиқилган. Бу Меморандумда кўрсатилишича, кўрилган чора-талбирлар импорт тарифлари тизимини мақбуллаштириш, божхона жараёнларини соддалаштириш ва сақланиб қолган экспортга тақиқларни аста-секин бекор қилишини кўзда тулади. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига интеграцияси йўлида унинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш зарур.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистоннинг экспортга йўналтирилган тараққиётини таъминлаш учун икки турӯҳ чекловлар – ташқи талаб, экспорт бозорлари кириши имконияти ва бошқалар билан боғлиқ бўлган ташқи чекловлар ҳамда республикада иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиши билан боғлиқ бўлган ички чекловларни енгиб ўтиш зарур бўлади. Ички чекловларни енгиб ўтиш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади. Маъмурий назоратни қисқартириш ва уни замонавий ҳалиқаро қоидаларни ҳисобга олган ҳолда ташқи савдога таъсир қилишининг бозор воситалари билан алмаштириш республикамиздаги ўтии даврининг ўзига хос ҳусусиятларини инобатта олиб, ташқи саъдони тартибга солиши ва ислоҳ қилиши усулларини такомиллантиришни талаб қиласди.

МЭФПни муваффақиятли амалга ошириш учун жуда катта аҳамиятта эга бўлган 2002 йилда иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим масаласи, Президентимиз И.А. Каримов кўрсатиб ўтганилеск, экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича курсни босқичма-босқич ўтишdir. Рақобатни қўллаб-қувватлашда республикамиз эҳтиёжларига тўла-тўқис жавоб берувчи стратегия сифатида экспортга йўналтирилган ривожланиш стратегиясини танлаш давлатнинг ва экспортга мўлжалланган тоқарлар ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантиришга

йўналтирилган иқтисодий сиёсатини белгилаб беради. Экспортни рафбатлантиришнинг стратегик мақсади фақат экспорт қилинувчи маҳсулот ҳажмини ошириш эмас, балки унинг таркибини сифат жиҳатдан ўзгартириш, экспортдан узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг омили сифатида фойдаланиш ҳисобланади. Айни пайтда республикамизда ички хом аниё бозорини ҳимоя қилиш, ўзининг миллий бойлигидан самарали фойдаланиш зарурят бўлиб қолмоқда. Бу жиҳатдан, хом ашё сотиш жараёнини такомиллаштириш ва қўйматнинг кўпроқ ўсишини таъминловчи товарларни шундаб чиқаришни ташкиллаштириш мақсадида саноат ривожланишини фаоллаштириш зарурдир. Экспортнинг тармоққа хос ҳусусияти умумдавлат ёндашувни у ёки бу тармоқларни халқаро иқтисодий майдондаги ҳамкорликка киришишда муайян услубда табақалаштирилган ёндашувнинг ўта зарурлигини талаб қиласди ва бунда ана шундай ҳамкорлик учун реал шарт-шароитларга эга бўлган соҳаларгина олдинги ўринга чиқиши керак, ушбу ҳолат тармоқ иқтисодиётининг табиати, унинг жаҳон хўжалиги алоқаларига қўшилиши борасида эришган даражаси билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, бу масалада умумдавлат ёндашувни тармоқ ёндашувидан устун бўлиши даркор. Тармоқ устуворликларини таъланашнинг асосий мезонлари қуйидагилар: табиий ресурсларнинг мавжудлиги; жаҳон бозорларидағи рақобатбардошлиқ; ўрта муддатда валюта харажатларида ўз-ўзини таъминлаш; иқтисодиётнинг боғлиқлик даражасини пасайтириш; салоҳиятдан фойдаланишнинг табақалаштирилган табиати. Тармоқдаги тузилмавий сиёсатнинг устувор йўналишлари Ўзбекистон учун ниҳоятда янги санаотган автомобил саноати, радиоэлектроника, электротехника, нефт-кимё саноати, шунингдек, снгил ва озиқ-овқат саноати учун курилмалар ишлаб чиқаришни таъминловчи тармоқлар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ҳам сезиларли даражада тараққиётга эришади. Қишлоқ хўжалиги ресурсларининг муҳим турлари – пахта, ипак, каноп, мева-сабзовот маҳсулотлари етиштиришни тубдан қайта қуришга, енгил саноат тармоқлари билан ўзаро боғлиқ ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга маҳсус эътибор берилади. Тармоқ нуқтаи назаридан, экспорт салоҳияти қуйидагича тақсимланади: енгил саноат (экспорт моддалари – пахта толаси, ипак, йигирилган иш); ёқилғи-энегетика мажмуаси (экспорт моддалари – табиий газ, электр энергияси); металлургия мажмуаси (экспорт моддалари – мис, ранги metalllar va улардан тайёрланган буюмлар); кимё мажмуаси

(экспорт моддалари — минерал ўғитлар, пластмасса буюмлар); машинасозлик (экспорт моддалари - қишлоқ хұжалиги машиналари ва асбоб-ускуналар, автомобиллар, электротехник буюмлар); қишлоқ хұжалиги ва озиқ-овқат саноати (экспорт моддалари — ўсимликлардан олинадиган маҳсулотлар, мевалар, сабзовотлар ва бошқа ўсимликларни қайта ишләш орқали тайёрланадиган маҳсулотлар).

Экспорт салоҳиятининг тармоққа хос ҳусусиятлари тармоқ инфратузилмасини қайта қуриш, уни оқилюна ўзаро түлдириш, ишлаб чиқаришни энергия манбалари, ҳом ашё, тайёр маҳсулотларни транспортда ташиш шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудий жиҳатдан энг қулай жойлаштириш кабилар ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш ва кооперация, түпланган ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий салоҳият асосий мезон сифатида хизмат қилиши мумкин.

Экспорт салоҳиятининг ҳудудий ҳусусияти учта асосий унсурдан иборат: биринчиси — минтақа ва ҳудудни таңлаш, иккинчиси — ўзаро асосда мөс ҳудудий-ишлаб чиқариш тузилмаларини қуриб битказиш ва жаҳон хұжалиги алоқаларининг иқтисодий тұла ҳуқуқлы субъектларини шакллантириш, учинчиси — ҳамкорлик (иқтисодий бирикүв).

Шундай қилиб, халқаро ҳудудий бозорларнинг анъянавий мавжуд бўлган ишлаб чиқаришлар негизида ривожланиши ишлаб чиқариш тузилмаларининг ҳудудий доирада ривожланиши даражаси билан аниқланади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг экспорт тармоғида вужудга келган вазиятни тармоқ жиҳатидан ҳам, ҳудудий жиҳатдан ҳам таҳлил қилиш ҳозирги пайтда ва яқин истиқболда асосий экспорт моддалари пахта толаси, энергия манбалари, рангли металлар ва бошқалар бўлишини кўрсатмоқда.

Инвестиция ресурсларининг чекланғанлиги шундай стратегик тармоқларни тараб қиласиди, бунда қыйидагиларни ҳисобга олиш керак: а) ички ресурслар (иш кучи ва үнинг малакаси, табиий ресурслар)дан тезкор равишида фойдаланиш имкониятлари; б) жаҳон бозорларига, шу жумладан, қўшини мамлакатлар бозорларига ҳам кириш имкониятлари, ички бозор сигими; в) тармоқлараро алоқалар, бу алоқалар бир-бирига алоқадор тармоқлар ва ишлаб чиқаришларининг ривожланишини рағбатлантиради; г) стратегик тармоқларда технологияларнинг мавжудлиги ва уларни ривожлантириш истиқболлари.

Шундай бўлса-да, бизнинг фикримизча, Ўзбекистоннинг халқаро нисбий ҳаражатлар соҳасида энг кўп рақобатбардошлик салоҳиятига эга қайта ишлаш тармоқлари бўйича ўсиш тамойили кузатилмаяпти. Бу эса кун тартибига юқоридаги тармоқларга давлат кўмаги бериш тўғрисидаги масалани қатъий қўяди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ислоҳ қилишнинг мақбул натижаларига эришиш мақсадида иқтисодий интеграция жараёнларида биз томонимиздан ушбу жиҳатдан республиканинг устувор имкониятлари ўрганиб чиқилди. Давлатларнинг жаҳон иқтисодиётига иқтисодий интеграцияси шартшароитларида Жаҳон савдо ташкилоти (БСТ)га аъзолик асосий муаммолардан бирни ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларнинг БСТга киришини ўрганиб чиқиш ушбу ташкилотга кириш истагини расман билдириган ҳар бир мамлакат унинг иқтисодий ва тижорат масалаларига дахл қилувчи, айниқса ташқи савдо фаолиятига тегишли иқтисодий ва тижорат масалалари билан боғлиқ ўз ҳудудида амал қилувчи ҳуқуқий жиҳатлар, йўриқномалар, қоидалар БСТ доирасида халқаро битимлар қоидаларига мувофиқ эканлигини намойиш қилиши кераклигини кўрсатади.

“БСТ аъзолари аъзо бўлиб кирувчи мамлакатга унинг бозорига кириш масалаларини БСТга аъзо бўлиш пайтигача кечиктириш имконини беришлари мумкин, фақат агар ариза берувчи мамлакат ўзининг кириш баённомасига аниқланган муаммоларни киргандан кейин жуда қисқа муддатда тузатиш юзасидан ёзма мажбуриятни қайд этган тақдирадагина бундай имкон берилиши мумкин. БСТга аъзо мамлакатлар муносабатларининг ривожланиши ҳозирги вақтда ариза берувчи мамлакат БСТга аъзо мамлакатлар хорижий ишлаб чиқарувчилар ва хизматларни етказиб берувчиларнинг эркин рақобати учун анчагина тўсиқчilar мавжуд бўлган соҳаларда кўрсатиб ўғилган масалаларга тузатиш киригилиши кечиктирилишга умид қилиши даргумон эканлигини кўрсатади”.

БСТга кириш тартиби етарлича узоқ давом этадиган жараёндир. ҳатто ўз зиммасига оқилюна мажбуриятларни олишга тайёр бўлган нисбатан очиқ режимли давлатлар учун ҳам ушбу жараён камида 2-3 йилни ва анчагина ресурсларни талаб этади. БСТга аъзо бўлиб кирувчи мамлакат, одатда, зарур материалларни тайёрлап учун БСТ аъзоларининг саволларига жавоб бериш, Женевада ишчи гуруҳ мажлисларида қатнашиш ва товар бозорларига кириш тўғрисида музокаралар олиб бориш ва субсидиялар билан боғлиқ масалаларни мухокама қилиш учун вазирликлараро ишчи гуруҳ

ёки комиссия (масалан, Ташқи савдо режими түғрисида Меморандум) таңкыл этади.

Идоралараро ишчи гурухға камида БСТ учун муҳим бўлган масалалар устидан назорат қилувчи ҳар бир лавлат органидан биттадан вакил кириши керак. БСТга кириш жараёни қўйидаги босқичларни ўз ичига олади:

Биринчи босқич – “очиш” ёки “далилларни излаш”. Ушбу босқичда аъзо бўлиб киривчи мамлакатдан БСТ битимлари доирасида ташқи савдо ва иқтисодий қонунлар, қоидалар, сиёсат ва амалиётнинг барча жиҳатларини батафсил баён этиш талаб этилади. Баён БСТга “Ташқи иқтисодий режим түғрисидаги меморандум” шалқида тақдим этилиши керак. Меморандумдан БСТ ишчи гуруҳи аъзо бўлиб киривчи мамлакатнинг норматив ҳужжатлари қай даражада БСТ талабларига мувофиқ эканлигини аниқлашда фойдаланади. Агар Меморандум тугалланмаган ёки ноаниқ бўлса, ишчи гуруҳ, шунингдек, БСТга аъзо мамлакатлар ўз мулоҳазаларини киритади. Ушбу мулоҳазаларга мувофиқ Меморандум аниқлаштирилиши ёки тўлдирилиши керак. Шундай экан “далилларни излаш” босқичи аъзо бўлиб кираётган мамлакат тақдим этган Меморандумдаги ахборотнинг сифатига боғлиқdir.

Иккинчи босқич – музокаралар босқичи. Ушбу босқичда БСТнинг ишчи гуруҳи далиллар излашни тугаллашга ва ташқи савдо режимини муҳофаза қилишни ва аъзо бўлиб кираётган мамлакат сиёсатини ўрганишни тугаллашга яқинлашади. ҳар қайсисининг алоҳида савдо манфаатлари бўлган аъзо бўлувчи киривчи мамлакат билан БСТнинг манфаатдор аъзолари ўртасида параллел икки томонлама муносабатлар бошланади. “Ушбу музокаралар тариф ставкаларига, бозорларга кириш бўйича аниқ мажбуриятларга ҳамда БСТ битимлари ваколатлари доирасидаги масалаларга даҳл қилувчи бошқа норматив ҳужжатларга тегишли бўлади. Бироқ, камситмаслик қоидаларига мувофиқ аъзо бўлиб киривчи мамлакатнинг мажбуриятлари тенг шароитларда БСТнинг барча аъзоларга, ҳатто улар икки томонлама муҳокама қилинган бўлса ҳам, қўлланилади. Бошқача сўзлар билан айтганда, икки томонлама музокаралар БСТнинг барча аъзолари кутаётган фойда олинишини белгилаб бериши мумкин”. Шу муносабат билан икки томонлама музокаралар одатда анча мураккаб кечади.

Учинчи босқич – аъзолик шартларини лойиҳалаштириш, далиллар тўплаш, аъзо бўлиб киривчи мамлакатнинг норматив

хужжатлари ва сиёсатини экспергиза қилиш, шунингдек параллел икки томонлама музокаралар тамом бўлгандан кейин БСТнинг ишчи гуруҳи мамлакатнинг БСТга кириши шартларини асослашга киришади. Ушбу шартлар ҳисоботда, аъзолик тўғрисидаги битим доирасида (“кириш тўғрисидаги баённомада”) ва аъзо бўлиб кирувчи мамлакат мажбуриятлари рўйхатларида (“жадвал”да) қайд этилади.

Тўртинчи босқич – қарор қабул қилиш босқичи. Ишчи гуруҳнинг ҳисоботидан, баённомадан ва мажбуриятлар рўйхатидан иборат бўлган ҳужжатларнинг узил-кесил туркуми БСТ Бош кенташига ёки Вазирлик конференциясига тақдим этилади. Агар БСТ аъзоларининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овоз олинса, талабгор баённомага имзо чекиши ва ушбу ташкилотта кириши мумкин. Айрим ҳолларда, талабгор – мамлакатнинг ички ҳуқуқ-тартиботига боғлиқ равишда (одатда Конституцияга боғлиқ равиша) кириш тартиботлари тугаллунгунга қадар унинг парламенти ёки бошқа қонун чиқарувчи органи битимни ратификация қилиши керак.

Хитойнинг БСТга кириши тажрибаси муайян қизиқиш уйғотади. Хитойнинг БСТга киришини “Вашингтон пост” газетаси “Хитойнинг жаҳон бозорларга шиддатли ёриб кириши” леб атади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, яқин йилларда XXРнинг ташқи савдо фаоллиги уч баравар ўсади. “2020 йилга бориб ташқи садво жаҳон ҳажмининг тахминан 10 фоизи Хитойнинг улушига тўғри келали, бу мамлакатни ушбу кўрсаткич бўйича жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринга олиб чиқади.

БСТга аъзолик Хитойнинг ўсиб бораётган иқтисодий қудратининг халқаро эътироф этилишини англатади (ялни ички маҳсулот ҳажми бўйича XXР бутунги куннинг ўзидаёқ жаҳонда АҚШ ва Япониядан кейин учинчи ўринда турибди). Бундан ташқари, Пекин БСТга аъзолик тифайли экспорт ва импорт атрофидаги низолар тифайли бир томонлама санкциялар ҳавфи четга суримиши имконига эга бўлди.

Хитойнинг БСТга кириш йўлидаги асосий тўсиқ АҚШ билан келишимовчиликлар эди. Режалаштирилган икки кун ўрнига деярли бир ҳафта давом этган қийин музокаралардан кейин Хитой ва АҚШ икки томонлама савдо соҳасидаги битимни имзоладилар. Ушбу битим Пекинга БСТга кириш йўлини очиб берди.

Музокаралар томонлар Вашингтон ва Пекин маъмурлари ни қониқтирадиган икки томонлама келишувга келганлигини

англатар эди. Бироқ ушбу битим, “Эксперт” журнали мулларлари Алан Бадов ва Павел Биков қайд этганиларидек, икки мамлакатнинг миллий манфаатларига мутлақо зиддир. Якуний битишув кўпроқ Хитой томонининг таслим бўлганлигига ўхшаб кетади. Шартноманинг асосий шарти – Америка товарларига импорт тарифлар даражасининг 22,1 фоиздан 17 фоизгача пасайтирилиши фақат биринчи қарашда уччалик жиддий туюлмайди. Батафсил таҳлил Хитой иқтисодиётнинг барча стратегик муҳим тармоқларида Американинг барча корпорациялари хоҳишига кўнганлигини кўрсатади. Хитой тарифлар пасайтирилиши ва квоталар бекор қилиниши билан биргаликда ўз иқтисодиётининг анъанавий секторларини ҳам очиши керак. Божларнинг пасайтирилиши энг кўп даражада озиқовқат импортига тегишилдири. Америка фирмалари ўз маҳсулотларини маҳаллий воситачилар иштирокисиз тўғридан-тўғри сотиш ҳукуқига эга бўлади.

Хорижий мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланишини ва уларнинг БСТга кириши муаммоларини таҳлил этиш Латвиянинг БСТга кириши жадаллашишига Россиядаги танглик таъсир қилганлигини кўрсатади, чунки БСТ мазкур республиканинг транзитидан манфаатдордир.

Шунингдек мазкур воқеа Латвиянинг Европа Иттифоқи ва НАТОга кириши томон олға қадам ташлашига олиб қелганлигини қайд этиш зарур, чунки унинг БСТга кириши муносабати билан Латвиянинг бошқа давлатлар билан ҳалқаро (ташқи) савдо соҳасида ҳалқаро хусусий-ҳукуқий муносабатлари бир хиллаштирилиши юз берди (Латвия 132 давлатнинг бинобарин 133 чиси бўлди).

1994 йил июль ойида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Бугунжоҳон савдо ташкилотига мактуби тақдим этилди. Мактубда республиканинг ушбу ташкилотга кириш хоҳиши расман билдирилган эди.

Ўзбекистон БСТга аъзо бўлиб кириш тўғрисидаги қарорни жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларининг саёдо муносабатлари ни таргига соладиган ҳалқаро тизим билан ўз интеграциясини таъминлаш мақсадида қабул қилди. Бундай қарор республиканинг ривожланиш стратегиясига жавоб беради. БСТга аъзо бўлмасдан туриб қайта ишлаш саноати товарларини экспорт қилишда мамлакат бошқа мамлакатларнинг саёдо тўсиқлари мунамросига дуч келиши мумкин. Энг аввало ривожланган мамлакатларда сақланиб қолаётган нотариф тўсиқлар келгусида ай-

ниңса қишлоқ хұжалиғи маҳсулотлари, чарм, тұқымачилик буюмлари, киме саноати ва металлургия маҳсулотлари учун жилдий түсік бўлиши мумкин. Шу муносабат билан савдода энг кўп қулагайлик мақомига кафолатни олиш ва унинг жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларига нисбатан кенгайтирилиши мухимдир. ҳозирги кунда Ўзбекистон 38 та йирик савдо мамлакатининг энг кўп қулагайлик режимига эга. БСТга аъзо бўлиб кирилгандан кейин ушбу режим кафолатланиши керак.

БСТга аъзолик Ўзбекистонга БСТга аъзо бўлган барча мамлакатлар Ўзбекистон экспорт қиласидаган маҳсулотлар ва хизматларга нисбатан мақбул, очиқ ва камситмайдиган тарзда муносабатда бўлишини кафолатловчи олдиндан айтиб бўладиган ва барқарор савдо мұхити стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси 1994 йил июндан бошлаб БСТда кузатувчи мақомига эга. 1994 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан Ўзбекистоннинг БСТга тўлақонли аъзо бўлиб кириш нияти ҳақила ариза берилди.

Ариза БСТ аъзолари томонидан қабул қилиниб, Ўзбекистоннинг БСТга аъзо бўлиб кириши бўйича Ишчи гурӯҳ тузилди.

1998 йил сентябрда БСТга Ўзбекистоннинг ташқи савдо режими бўйича Меморандум тақдим этилди.

1998 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.12.98 йил 520-сон Қарори эълон қилинди. Қарорга мувофиқ БСТ билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссия таркиби тасдиқланди. Комиссия таркиби турли вазирлик ва идоралар вакиллари киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг расмий делегациялари БСТнинг Сингапур (1996й.), Женева (1998й.) ва Сиэтлда (1999й.) бўлиб ўтган Вазирлар конференциясида иштирок этишди.

2002 йил 17 июлда Женева шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг БСТга аъзо бўлиб кириши бўйича Ишчи гурӯхнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда Ўзбекистон Республикаси томонидан ташқи савдо режими бўйича тақдим қилинган Меморандум моддалар бўйича кўриб чиқилди.

2004 йил 24 июндан 2 июлгача Женева шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг БСТга аъзо бўлиб кириши бўйича Ишчи гурӯхнинг иккинчи мажлиси ўтказилди.

Бу Ўзбекистонга ўз савдо ва инвестиция салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради.

БСТга аъзо бўлиб киргандан кейин Ўзбекистон оладиган фойда қўйидагилардан иборатдир:

Хорижий бозорларга кириб бориш имкониятининг кўпайиши. Бу республикага товарлар, хизматлар экспортини кенгайтириш имконини беради. Гал шундаки, Ўзбекистондан маҳсулот ва хизматлар экспорти бошқа аъзо мамлакатларда энг минимал тарифлар ва нотариф тўсиқларга дуч келади. Бу ушбу ташкилотнинг БСТга аъзо бўлиб кирувчи мамлакатлардан импортга бир-бири учун кам ва энг мақбул ва бирхиллаштирилган нотариф тўсиқларини талаб этувчи қоидалари билан кафолатланган. Биринчидан, БСТ битими аъзо мамлакатларга кўпчилик нотариф тўсиқлардан фойдаланишини асосли разишда тақиқлайди. Иккинчидан, БСТ улар БСТнинг битимлари билан аниқ рухсат берилган нотариф тўсиқларнингина қўллашлари мумкин. Учинчидан, БСТнинг қатъий қоидаларига мувофиқ ҳатто рухсат берилган нотариф тўсиқлар ҳам савдони чекловчи бўлмаслиги керак.

Барқарорроқ ташқи савдо муҳити. Бу барқарорлик хорижий бозорларга кириб бориш мажбурияти билан боғлиқдир. Хорижий бозорларга кириб бориш барча аъзолар учун адолатни ва муайян даражада эса савдо режимлари бирхиллаштирилиши кафолатини таъминлайди.

Адолатсиз сотиладиган ва харид қилинадиган маҳсулотлардан ҳимоя қилиш. Ўзбекистоннинг БСТга аъзолиги БСТ қоидалари ушбу ташкилот аъзоларига ўз ишлаб чиқарувчилари ва маҳсулотларига нисбатан йўл қўйиб бўлмайдиган рақобат устунликларидан (айниқса субсидиялар шаклида) фойдаланишини тақиқланиши туфайли фойдалидир. БСТ битими шунингдек, деминг нарх бўйича экспорт қилинадиган маҳсулотларга ҳамда адолатсиз импорт қилинадиган ва хорижий компанияларга сотиладиган интеллектуал мулк ҳуқуқини бузувчи маҳсулотларга нисбатан чора-тадбирлар кўрил имконини беради.

Жозибалироқ, барқарор ва олдиндан айтиш мумкин бўлган инвестиция муҳити. БСТга аъзолик Ўзбекистоннинг ҳам хорижий, ҳам маҳаллий инвестицияларни жалб этиш қобилиятини анча кучайтиради. Потенциал хорижий инвесторлар Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини ўзларининг фойда олишининг қўшимча имкониятларига эга

бўлиш сифатида қабул қиласидилар. Төварлар ва хизматлар экспорти учун жаҳон бозорига эркин кириш шулар жумласидандир.

Ўзбекистондаги фаолият учун зарур бўлган хорижий маҳсулотлардан, капитал асбоб-ускуналар ва технологиялардан доимий фойдаланиш. Таъкидлаш зарурки, БСТга аъзолик нафақат хорижий, балки мамлакат инвестицияларига ҳам маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорига кириб боришини таъминлаш орқали кўмаклашади. Очиқлик, барқарорлик билан тавсифланадиган ва олдиндан айтиш мумкин бўлган савдо ва инвестиция режимлари мамлакатга инвестиция қўйишнинг тахмин қилинадиган таваккалчилиги даражасини камайтиради.

Низоларни бартараф этишнинг самарали тизимидан фойдаланиш. Жаҳон савдо тизимига аъзо бўлиш, башарти бирор-бир мамлакат БСТ қоидаларини бузуб Ўзбекистоннинг манфаатларига зарар етказса, Ўзбекистон масаланинг Низоларни бартараф этиш органида адолатли ва самарали кўриб чиқилиши имкониятидан фойдаланишини мумкин. Низоларни бартараф этиш органининг ташкил этилиши ривожланаётган мамлакатлар ва жаҳон иқтисодиётининг бошқа унча ҳам таъсирга эга бўлмаган қатнашчилари учун муҳимдир, чунки уларни савдо низоларини бартараф этишнинг самарали механизмлари билан таъминлайди. Чунки низоларни таъсирлироқ савдо шериги билан икки томонлама музокаралар орқали эмас, балки БСТнинг пухта қоидалар тизимига асосланган ҳолда ҳал этиш шубҳасиз яхшидир. БСТнинг бош котиби Ренато Ружьери низоларни тартибга солишининг янги тартибини “кўп томонлама савдо тизимининг марказий таянчи ва БСТнинг глобал иқтисодиёт барқарорлигига қўшган энг катта ҳиссаси” деб баҳолаганлиги бежиз эмас.

Кўп томонлама савдо тизимига кўпроқ таъсир кўрсатиш. БСТнинг ҳар хил савдо қўмиталари ва кичик қўмиталаридаги музокараларда иштирок этиш Ўзбекистонга савдо ҳамкорлари билан алоҳида икки томонлама музокаралар олиб боришига қараганда кўпроқ нарсага эришиш имконини беради.

Расмиятчилик тартиботларини камайтириш. Ўзбекистон БСТга аъзо бўлиб кириши учун ташқи савдо битишувларига доир кўплаб мавжуд ҳуқуқий ва тартибга солувчи чеклашларни бекор қилишига ҳамда мавжуд савдо режимини солдаштиришига тўғри келади.

Давлат бюджети даромадларини кўпайтириш. БСТга аъзолик Ўзбекистоннинг мавжуд даромадини кўпайтириш учун катта салоҳият билан боғлиқдир. Чунки агар импорт, экспорт, хорижий ва маҳаллий инвестициялар ҳажми кўпайса, ҳукуматнинг божхона божлари (ташқи савдо кенгайиши муно-сабати билан) ва солиқлар (бизнес-фаолият кўпайиши сабабли) орқали йигилган фискал даромади ошади.

БСТга аъзолик хорижий инвестициялар жалб қилиш учун солиқ имтиёзлари ва бошқа молиявий имтиёзларга бўлган эҳтиёжни кам даражага келтиради. Хорижий инвесторлар Ўзбекистон БСТга аъзо эканлигини ёки кириш босқичида эканлигини билгандари тақдирда мамлакат иқтисодиётiga ўз сармояларини ишонч билан қўядилар. Хорижий инвестицияларнинг кўпайиши мамлакат ишлаб чиқаришининг ўсишини англатади. Бу янги корхоналардан ундириладиган солиқ тўловлари ва божхона божларидан олинган давлат даромадларининг янада ошишига олиб келади.

Музокаралар босқичида Ўзбекистоннинг ташқи савдони эркинлаштиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари бўйича вазифаларни ҳал этишига тўғри келади:

Валюта билан тартибга солиш. БСТ валюта билан тартибга солиш у ёки бу мамлакат томонидан импортни чеклаш учун кучли нотариф тўсиқ сифатида фойдаланилиши мумкин деб ҳисоблайди. Ўзбекистонда ҳозир мавжуд бўлган валюта билан тартибга солиш тизими БСТ экспертларининг фикрича, импорт қилинадиган товарларнинг турлари ва ҳажмини чеклашга қаратилган. Бутунжаҳон савдо ташкилоти валюта айри-бошлиш соҳасидаги чеклашларни, импорт контрактларни рўйхатдан ўтказиш талабини, контрактларни мажбурий экспертиздан ўтказишни, хусусий банклардаги ҳисоб рақам-ларидағи пул маблагларидан фойдаланишини чеклашни бекор қилиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйди. Шунингдек, ушбу тўсиқларни аҳдлашувга кўра ўзгартирилиши мумкин бўлган енгил ҳисоблаб чиқиладиган ва “очиқ” тариф божлари ставкалари билан алмаштириш тақлиф этилди. Шундай қилиб, тартибга солишнинг ҳозир амалда бўлган тизими ўрнига Ўзбекистондан исталмаган импортга юқсирорқ тарифларни белгиловчи божхона божлари ставкалари тизимини жорий этиш, шунингдек республика иқтисодиётини ривожлантириш нуқтаи назаридан импортга тарифларни пасайтириш талаб қилинади.

Импортни лицензиялар. БСТ қимматбаҳо металлар (олтин ва кумушдан ташқари) ва қимматбаҳо тошлар импорти лицензияланишини бекор қилишни талаб қиласди. Бундан ташқари, БСТ талабларига мувофиқ импорт қилувчи импорт қилиш учун лицензия олишга барча буюртмаларни фақат битта марказий маъмурий органга (Ўзбекистон учун бу Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги бўлиши мумкин) тақдим этиши керак. Ушбу орган ушбу аризалар хулоса олиши учун ҳар хил эксперт вазирликларга жўнатилиш учун жавоб беради.

Экспортни лицензиялашга қўйиладиган талаблар. БСТга кириш ушбу ташкилотга аъзо-давлатлар ўргасидаги бирор-бир маҳсулот экспорти божлар ва солиқлардан бошқа ҳеч қандай тақиқлар ёки чеклашларга учрамаслигини назарда тутади. Истиснолар фақат маҳсулотларнинг унча кўп бўлмаган аниқ турлари учун назарда тутилган. Мана шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг ҳозирги пайтда экспортни эркинластиришга ва экспорт контрактларни рўйхатдан ўтказишга тегишили, шунингдек экспортга чеклашларга қўйилаётган кўплаб мавжуд талабларни баратараф этишига тўғри келади.

Махсус божлар. Республикада ҳозир амалда бўлган божхона қонунлари алоҳида вазифали божлар белгиланиши ва қўлланилишини назарда тутади (товарлар мамлакат ишлаб чиқарувчиларига зарар етказилиши мумкин бўлган ҳолларда шунга монанд ҳажмда экспорт қилиниши ёки бошқа мамлакатларнинг камситувчи ҳаракатларига қарши жавоб сифатида чоралар кўрилиши). Ушбу масалани БСТ талабларига мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон, биринчидан, ушбу божларнинг номлари “ҳимоя божлари” деб ўзгартириши керак. Бу БСТ да қабул қилинган атамаларга мувофиқ келади. Асосийси эса, муайян вақт ўтгач ушибу божлар жорий этилиши мумкин бўлган аниқ ҳолатларни назарда тутувчи маҳсус савдо чоралари бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқиши; ушбу масалалар бўйича қарорлар бажарилиши юрисдикциясига эта бўлган ва мазкур божларнинг ҳисоб-китоб қилиниши принципларини белгиловчи давлат органини тайин қилиш ва унга ваколатлар бериш зарур.

Экспорт субсидияси. ГАТТ битими БСТ аъзоларига маҳсулотларнинг барча бирламчи турларига экспорт субсидияларини баргараф этиш мажбуриятини юклайди. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 31-моддаси, 14-банди экспортта йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босувчи

маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчиларнинг анчаси учун солиқ имтиёзларини ёки даромаддан солиқ тўлашдан озод қилишни назарда тутади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг ушбу қоидалари БСТга аъзо бўлган мамлакатлар томонидан экспортга субсидия беришга тақиқ сифатида баҳоланиши мумкин.

Инвестициялар. Бизнинг давлатимизда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш маҳсадида экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар учун имтиёзлар ва молиявий рағбатларни назарда тутувчи бир қанча норматив ҳужжатлар қабул қилинган. Бу БСТнинг савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари бўйича битимиға зид эканлигини қайд этиш лозим. Жумладан, мазкур битим экспорт кўрсаткичларга ёки ички бозорни тўлдириш масалаларига боғлиқ бўлган инвестиция рағбатларидан фойдаланишини тақиқлайди.

БСТга кириш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича музокара жараёни анча узоқ давом этишини, чунки БСТга аъзо бўлган мамлакатларнинг талабларини аста-секин қабул қилиш ёки мазкур талабларни бажариш билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон маҳсадга мувофиқликдан ва ўз тараққиёт йўлидан келиб чиққан ҳолда норматив базани БСТга аъзо бўлган мамлакатларнинг асосий ёндашувларига ва ушбу ташкилотнинг битимларига мувофиқ босқичма-босқич қайта қуриши зарур.

## II ҚИСМ

### ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ САВДОСИННИГ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

#### IV БОБ. ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

##### 4.1. Ташқи савдонинг моҳияти ва вужудга келиш заруряти

Жаҳон хўжалиги тизимишинг ривожланиб бориши алоҳида олинган мамлакатларнинг ҳалқаро хўжалик алоқаларига мунитазам равишда жалб этиш имконини берди. Бу эса ягона жаҳон иқтисодиётини барпо этишга имкон яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, дунёдаги барча мамлакатлар жаҳон хўжалигидаги умумий иқтисодий қонуниятлар асосида ривожланади. Айни пайтда, улар учун ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг устувор бўлиши мухим аҳамиятга эгадир.

Эҳгиёжларнинг доимо мураккаблашиб бораётганлиги ва чексизлиги шароитида, ресурсларнинг жуда камлиги ва олисдалиги нафақат алоҳида олинган давлат ичидаги ҳудудлар ўртасида, балки турли давлатлар ва жаҳон минтақалари ўртасида ҳам ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг мухим шарти ҳисобланмиш ҳалқаро савдо жараёнларини янада самаралироқ айирбошлиш зарурлигини талаб этади.

Дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг ўсиши нотекис ўсиини ўртасида турли номутаносибликларнинг юз берадиганлиги ҳам ҳалқаро айирбошлишини кенгайтириш заруратини юзага келтиради.

Ушбу жараёнлар янги бозорларни (товарлар, хизматлар, меҳнат, ахборот, молия бозорлари ва бошқалар) ривожлантиришга, ҳом ашёни олиб киришга, технология ва ахборотларни айирбошлашга, илмий-техника, ишлаб чиқариш, маданий ва бошқа ташқи иқтисодий алоқаларга имкон яратади.

Ўзбекистонда кўплаб корхона ва бирлашмалар, корпорация ва компаниялар, фирма ва бошқа ташқилотлар хорижлик шериклар билан ташқи савдо алоқаларини муваффақиятли ривожлантироқдалар, хорижлик инвесторлар иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ҳалқаро ишлаб чиқариш ҳамкорлигини бутун чоралар билан кенгайтироқдалар ва чуқурлаштироқдалар.

Табиийки, ташқи иқтисодий алоқаларнинг бундай шакллари миллий иқтисодиётни ривожлантиришга тасир кўрсатади. Миллий хўжаликларнинг ҳалқаро меҳнат тақсимотида иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётни ривожлантириш истиқболларини белгилаш ташқи иқтисодий алоқалар ва ташқи иқтисодий фаолият тушунчаларининг мазмунига кўра белгиланини лозим.

Ташқи иқтисодий алоқалар — иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва фаолиятининг бошқа соҳаларида давлат ва унинг субъектлари ҳалқаро ҳамкорлигининг хилма-хил шакллари тизимилир.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари давлат томонидан юкланган хуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммасига олувчи корхоналар, ташқилотлар ҳамда кичик ва ўрта бизнес вакиллари, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, хусусий тадбиркорлар ва бошқалардир.

Бинобарин, ташқи иқтисодий алоқалар — бир аниқ мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан ҳалқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки, фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ихтисослашуви, шунингдек бошқа омилларга асосланган ишлаб чиқариш, савдо, сиёсий муносабатлариdir. Ташқи иқтисодий фаолият ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёнидир.

Ташқи иқтисодий алоқалар ҳалқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ва фанни ихтисослаштириш, хўжалик ҳаётини байналмиллалаштириш жараёнидан обьектив равишда келиб чиқади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши алоҳида олинган мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирига ботлиқлигининг кучайиши билан белгиланади.

Халқаро мәхнат тақсимотининг иқтисодий мазмуни биргаликдаги ишлаб чиқаришни ташкил этишда ўз ифодасини топади. Бунда турли мамлакатларнинг корхоналари муайян товарлар ёки хизматларни тайёрлашга ихтисослашади, сұнгра уларни айирбошлайдылар. Товар айирбошлаш пуллы ёки пулсиз асосда амалға оширилиши мүмкін. Күнгічилік холларда айрибошлаш асосан бириңчи вариантын бүйіча юз беради.

Шундай қилиб, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари турли соқаңдарда: ташқи савдо, фаолиятнинг илмий-техника, ишлаб чиқариш, инвестиция, валюта, молия-кредит, ахборот, маданий ва спорт турлари, мәхнат ресурсларини олиб ўтишда ўрнатылади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ана шу барча турларини умумий тарзда қуйидагича ифодалаш мүмкін: савдо (товарларни айирбошлаш, хизматлар күрсатыши), құшма тадбиркорлик, ҳимкорлықтандыру бойынша турлари. Улар халқаро иқтисодий мұносабаттар амалиётіда айниқса кенг тарқалған.

Жағон хұжалигынинг байналміналлашуви ва глобаллашуви шароитида ташқи савдо ташқи иқтисодий фаолиятнинг энг муҳим күриншілік сифатыда миңлік хұжаликлар иқтисодиеттегінинг ривожланишида муҳим ажамият қасб этади. Чunksи, бундай фаолият туғайлы мамлакатлар ўз ишлаб чиқариш ресурслардан фойдаланыш самараорлігінің оширилік имкониятiga әгадирлар.

Савдо, бу иқтисодий категория сифатида сотиши ва сотиб олиши йўли билан товарлар айирбошлаш жараёни демакдир. Амалиётда ички ва ташқи савдони бир-биридан фарқлаш лозим.

Ташқи савдо – ҳар қандай давлатнинг бошқа давлатлар билан савдоси ҳисобланып, олиб кириш түлови (импорт) ва олиб чиқиш түлови (экспорт) дан иборатдир.

Савдо эксклюзив ва интенсив бўлиши мүмкін. Эксклюзив савдо маҳсулотнинг истиқболли келиппини таъминлайди ва таклиф оддий бўлмаслиги учун уни чеклашга интилади. Интенсив савдо бозорда маҳсулот таъминотини кенгайтириш сиёсати ҳисобланади. У ўртача сифатга, ўртача ёки паст баҳога, кўп ишлаб чиқариш ҳажмига ва бозорга интенсив йўналтириш хусусиятига эга бўлади.

Ташқи савдо тўғри ва тўғри бўлмаган қисмларга бўлинади. Тўғри ташқи савдо қуйидаги характеристларни назарда тутади:

– экспортчи товарни чегарадан чет эл харидорларига товар ва хизматларни таклиф қиласиган савдо. Даилоллар орқали товар улгуржи ёки ташқи савдо корхонасига юборади;


- импортчи товар ва хизматларни чегарадан ўтказиб, чет савдо даллоллари, шахобчалари, улгуржи ва ташқи савдо корхоналари орқали хориж сотувчиларидан олади. Импорт ва хорижий сотувчи ўртасида даллоллар бўлмаслиги ҳам мумкин, товарлар чегарасидан тўғри алоқалар орқали ўтади.

Тўғри бўлмаган ташқи савдо экспортда қандай бўлса, импортда ҳам чегарадаги икки томон - экспортчи ва импортчи, сотувчи ва импортчи ўртасида даллолар бўлишини назарда тулади. Ташқи савдо трансчегаравий товар айланмасини қамраб олади, яъни экспорт, импорт ва транзит савдолари энг кўп (образли) шаклларда намоён бўлади.

Ташқи савдога замонаний қарашлар ўз ичига бир нечта назарияни қамраб олади. Адам Смит аллақачон таърифлаб берган мутлақ устунлик назарияси (1776 йил) энг қадимги классик кўриниши бўлиб ҳисобланади<sup>1</sup>. У ҳар бир мамлакатда ташқи савдо жараёнида мутлақ устунлик мавжудлигини исботлаб берди. Бундай устунлик табиий ҳолатда бўлиши ёки иқтисодий ривожланиш жараёнида қўлга киритилиши мумкин.

*1-чизма*

### Ташқи савдо шакллари



Манба: М.А.Маринич. Введение во внешнеэкономию торговли. 2000, 14 с.

Савдо ўзаро фойдали бўлиши учун мамлакатларнинг ҳар бири шундай мутлақ устунликка эга бўлиши керакки, у ишлаб чиқариш фаолиятининг турли йўналишларидан ўрин эга尤лаши лозим.

Турли давлатлар иқтисодий фаолиятини ихтисослаштиришининг асосий шарт-шароитларидан бири ҳам ана шундадир.

<sup>1</sup> Чжон А. Бозор ва очиқ иқтисодиёт. 1996, 16-б.

А.Смит назариясига мувофиқ ихтисослаштириш қанчалик чуқур бўлса, мамлакат оладиган фойда ҳам шунчалик кўп бўлади деган хулоса келиб чиқади.

Д.Рикардонинг “Сиёсий иқтисод ва солиқ солиш асослаштириш” (1817 йил) номли китобида тақлиф килинган нисбий устунлик назариясига кўра мутлақ устунликларга эга бўлмаган мамлакатлар ҳам ташқи савдодан фойда олишлари мумкин. Амалда ҳамма ерда ҳамма вақт мавжуд бўладиган ички ва ташқи нарҳлар ўртасидаги тафовутлар туфайли исталган мамлакатда уларни ишлаб чиқариш мавжуд чиқимлар нисбатида қолганларини ишлаб чиқаришга мавжуд чиқимлар нисбатида қолганларини ишлаб чиқаришга қараганда анча фойдали бўлган ва уларни айирбошлиш ўз ишлаб чиқаришига қараганда фойдаларироқ бўладиган товар ёки хизмат ҳар қачон топилиши мумкин. Ушбу назариянинг ривожланини алмаштириш чиқимлари хисобининг мухим эканлигини курсатади.

Демак, XX асрдаётк ихтисослаштиришни чуқурлаштириш албатта қўшимча маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга олиб келиши исботлаб берилган. Шундай қилиб, нисбий устунликлар назарияси қўйидагича хулоса чиқариш имконини беради: ҳалқаро савдодан олинадиган энг кўп ютуқ қисман (тўлик эмас) ихтисослаштириш шароитида юз беради, яъни миллий иқтисолиётда ишлаб чиқаринини ихтисослаштиришнинг обьектив чегаралари мавжуд.

Хекшер-Олиннинг савдо назарияси сифатида машҳур бўлган назария биринчи ўринга ишлаб чиқариш чиқимларини эмас, балки қандай ресурслар ана шу чиқимларни келтириб чиқаришини ҳисобга олади. Чунки мамлакатлар чиқимлар ҳисобга олинганда уларда ортиқча мавжуд бўлган ресурслардан фойдаланилган товарларни экспорт қилишга ингиладилар. Бунда ички талабни қондириш учун ресурслар мўл-кўллиги ички бозорни маҳсулот билан тулдиришда мухим ўрин тутади.

Ушбу назариялар учун америкалик машҳур иқтисодчи Василий Леонтьев тақлиф этган муайян тузатишлар катта аҳамият касб этади. У ишлаб чиқариш омилларининг бир хилда эмаслигини қайд этиб, бу омилларни тақчил ёки мўл-кўл омиллар сифатида қараб чиқиш мумкинлигини таъкидлайди. Саноати ривожланган мамлакатларда ишчи кучи нисбатан чекланган шароитда юқори малакали мутахассисларнинг нисбаган ортиқалиги кўзга ташланади, ривожланаётган мамлакатлар эса малакасиз меҳнатнинг катта харажатларини талаб этадиган

маҳсулотни экспорт қилишга интиладилар. Иккала ҳамда ҳам меҳнатни кўп талаб қиласиган маҳсулот экспорти юз беради, лекин улар турли характерга эга. Шу билан бирга табиий ресурсларга бой кўпчилик ривожланаётган мамлакатлардан экспорт қилиш кўп сармоя талаб қиласи, чунки уларни қазиб олиш катта маблағларни талаб этади.

Кейинги вақтда ташқи савдо йўналишини товарларнинг ҳаётийлик цикли назариясига асосланиб тушунтириб берадиган маркетологик назария пайдо бўлди. Ушбу назарияга кўра ҳар қандай маҳсулотнинг ҳаётийлик цикли бир неча босқични ўз ичига олади: жорий этиш, ўсиш, етуклик ва тушкунликдан иборат бўллади. Товарнинг бозордаги ҳаётийлигини узайтиришда четта экспорт қилиш ёки хорижда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳисобланади. Бу эса бизнинг назаримизда товар ҳаётийлик циклининг бешинчи босқичи бўлиб ҳисобланиши мумкин. Шуни қайд этиш лозимки, босқичларнинг ўзи ички ва ташқи бозорлар бўйича нотекис навбатлашиши мумкин. Айнан шу нарса ишлаб чиқаришни ички бозордан ташқи бозорга қайта йўллаш шартлари ва вақтини белгилайди.

Халқаро савдо миқёс самараси билан ҳам тушунтирилади. Назарий жиҳатдан олганда у микроиқтисодий ҳодисаларга киритилади ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўртacha чиқимлари ва ҳажмлари динамикасини киёслашга асосланади. Агар ишлаб чиқариш ҳажми ошириб борилганда ўртacha чиқимларнинг маҳсулот бирлигига ҳисоблаганде қисқариши кузатилса, миқёс самараси мусбат, қайд эйтгандан курсаткичлар динамикаси тескари нисбатда бўлса манфий бўллади.

Ривожланиш жараёнида кўп мамлакатларнинг, айниқса, саноати ривожланган мамлакатларнинг таъминланганлиги бараварлашгани сабабли ҳам мутлақ, ҳам нисбий устунликлар учун асос йўқолади.

Миқёс самарасини берадиган оммавий ишлаб чиқариш таъминланган тақдирдагина халқаро савдо фойдали бўллади. Бунинг учун бозор сигими асосий омилга айланади, уни алоҳида олинган мамлакатлар ичida таъминланаш қийин. Бунга, одатда, жаҳон бозоридаги операциялар ҳисобига эришилади. Интеграциялашув натижасида ягона бозорнинг шаклланиши эса истеъмолчиларнинг зарурий миқдорлари маҳсулотларни анча паст нархларда харид қилиш имконини беради. Шу тариқа микроиқтисодий муаммолар макроиқтисодий даражала ҳал этилади.

Ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси бўлган фирманинг даромади миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорига интеграциялашуви даражасига боғлиқдир.

Бу борада бошқа назарий қарашлар ҳам мавжуддир. Улар орасида: биринчидан, олимлар ва амалиётчилар ўртасида кенг тарқалган, иккинчидан, макроиқтисодий аҳамият касб этадиган, учинчидан эса, умумий қарашларни ифода этадиган назарий ёндашувларга аҳамият бериш лозим.

Халқаро савдо мазмунига доир барча ёндашувларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бинобарин, мамлакатда ортиқча бўлган ресурслар сарфланадиган маҳсулот ҳам, товарнинг ҳаётийлик цикли ҳам, миқёс самаралорлиги ҳам ишлаб чиқариш чиқимларига бевосита алоқадордир. Шунинг учун дастлабки икки қараш — энг универсал доктриналар бўлиб, қолғанлари эса уларни тўлдирувчилари ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, халқаро савдо ташқи иқтисодий фаолиятнинг энг асосий шакли ва уни ривожлантирувчи муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари, ташқи иқтисодий фаолиятда хорижий сармояларни жалб этиш масаласи ҳам унинг самарали ташкил этилганлиги даражасига боғлиқдир. Кўнинча, савдодаги қонуний ҳужжатларда белгиланган тартиботлар ва ҳар хил кўринишдаги чеклашлар инвестицияларни жалб этиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Айни нийтда, ташқи савдо алоқалари давлатнинг иқтисодий тизимига таъсир ўурсатувчи восита бўлиб ҳисобланади, у ташқи иқтисодий фаолият механизмлари орқали амалга оширилади.

Ҳозирги жаҳон хўжалиги тизимида ташқи иқтисодий алоқалар давлат миллий даромадини ўстириш, халқ хўжалиги харажатларини тежаш ва фан-техника тараққиётини жадаллантириш омилларига айланади.

Давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик товарларни одатдаги айирбошлашдан тортиб хизматлар савдоси, техникик иқтисодий вазифаларни биргаликда ҳал этиш, илмий ва ишлаб чиқариш кооперацияси ҳамда биргаликдаги хўжалик фаолиятининг бошқа шаклларини ривожлантириш, шунингдек, қўшима корхоналарни барнио этишгача бўлган фаолиятларни камраб олмоқда.

Ташқи савдо орқали жаҳон бозорининг товар ва хизматларга талаби муайян давлатнинг ички бозорига томон йўналтирилади, бу эса ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига имконист яратади. Бундан ташқарии, саноат, қишлоқ

хұжалиғи, савдо, молия мұассасалари ва хизматлар соқасини ривожлантиришда ҳам ката имкониятлар юзага келади.

Маңыумки, мамлакат ички бозорининг ривожланиши натижасыда давлат ичидағи ялпи тақлиф әжми әлпи талаб әжмидан узбік кетади, бундай қолат савдо операцияларининг көнгайиши, сармоя қийматининг арzonлашиши ва ишлаб чиқарыш ҳамда мұомала чиқымларининг камайишига олиб келади.

Ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш ва үларни бошқариш механизмнинг самарадорлығы күп жиҳатдан ташқи иқтисодий алоқалар таснифи билан белгиланади.

Ташқи савдо фаолияти товарлар, ишлар, хизматлар, ахборот, интеллектуал фаолият натижалари, шу жумладан үларға доир мутлақ ҳуқуқтар (интеллектуал мүлк ҳуқуқи) билан халқаро айрибошлаш соқасыда табибиркорлық фаолиятининг алохода турига айланади.

Ташқи савдони амалға ошириш жараённанда эса экспорт ва импорт операцияларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлап зарур.

Экспорт — товар, ишлар, хизматлар, интеллектуал мүлк натижалари, шу жумладан үларға доир мутлақ ҳуқуқтарни болжона ҳудудидан хорижға қайтариб олиб келиш мажбуриятисиз олиб чиқишидир. Экспорт факти товар болжона чегарасини кесиб ўтган, хизматлар ва интеллектуал фаолият натижаларига доир ҳуқуқтар тақдим этилған пайтда қайд этилади. Болжона ҳудудидан хорижға товарлар олиб чиқмасдан туриб айрим тижорат операциялари товарлар экспорттың тәнгілаштирилиши мүмкін.

Халқаро савдо әжми, яғни жағон товар обороти фақат экспорт әжмини ҳисобға олиш йўли билан, одатда, ФОБ ёки франко — кема борти (ингл. Free on board) нархларида АҚШ долларыда ҳисоблаб чиқилади. Бундай пайтда, ташиш ва суғурталаш харажатларининг фақат бир қисмини, товар кема бортига етказиб берилган пайтта қадар, сотувчи ўз зиямасига олиши мүмкін. ФОБ базис шартига мувофиқ, сотувчи товарни юклаб жунатиш портида (одатда, экспортчи мамлакатидә) кема портига етказиб беринш әжмини ва экспорт божларини түлайди. Юкни кемада жойлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар эса харидор томонидан амалға оширилади. Товарни ташиш, уни суғурталаш ва импорт божларини тўлаш билан боғлиқ кейинги харажатларни ҳам харилор тўлайди. Шу сабабли, ташқи савдо операцияларини амалға оширишнинг ушбу тартиби энг мақбул базис шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида экспортни ривожлантиришга катта сътибор берилганды. МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик, кооперация ва биргалиқдаги экспорт лойиҳалари учун имтиёзли божхона режимлари, машина-техника экспортини ривожлантириш ва ҳоказолар экспортни ривожлантиришнинг муҳим резерви ҳисобланади. 1997 йил ўрталаридан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш борасида ишлаб чиқилған давлат дастури мамлакат экспортини юксалтириш йўлида муҳим қадам бўлди. Айниқа, республика ташқи савдосини амалга оширишида кўпроқ ФОБ ва СИФ базис шартларидан унумли фойдаланилаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Ташқи савдода импорт операциясининг тутган ўрни тўгрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтии зарур.

Импорт — товарлар, ишлар, хизматлар, интеллектуал фюзилият натижаларини, шу жумладан уларга доир фавқулодда ҳукуқларни божхона ҳудудига қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз олиб келишдир. Импорт факти товар божхона чегарасини кесиб ўтган, хизматлар на интеллектуал фюзилият натижаларига доир ҳукуқлар олинган иайтда қайд этилади. Ўзбекистон божхона ҳудудининг мақоми Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси билан белгилаб берилган.<sup>1</sup>

Бунга мувофиқ, республика ҳудудида эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин, уларнинг ҳудуди Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудининг чегаралари, эркин божхона зоналари ва эркин омборлар тегралари ЎзР божхона чегараси ҳисобланади.

Импорт СИФ нархларида ҳисобланади, бунинг натижасида у экспорт қийматидан ошади. СИФ (ингл. CIF — cost, insurance and freight) — етказиб беринш шарги бўлиб, унга кўра сотувчи товарни тайинланган пунктта (одатда, импорт мамлакатидаги портга) етказиб беринш ҳақи ва ташиш вақтида товарни сугуртгалаш ҳаражатларини тўлайди. Шу сабабли, СИФ нархи ўз ичига тонар қиймати, унинг фрахти ва сугурталанишига доир ҳаражатларни олади.

Ташқи савдода хизматлар савдоси катта ўрин тутади. Хизматлар ҳам товардир, бироқ кўпинча ашёлаштирилган шаклга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Тошкент, 1997.

эга эмас ва товарлардан бир қатор мезонлари билан фарқ, қиласди.

Хизматлар — бошқа шахслар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган тадбиркорлик фаолияти бўлиб, меҳнат ҳуқуқига оид муносабатлар асосида амалга ошириладиган фаолият бундан мустасно.

Хизматлар олди-соттиси бўйича асосий ташқи савдо битимларига транспорт хизматлари, инжиниринг (мухандислик-техника хизматлари савдосига доир операциялар), ижара муносабатлари (лизинг), туристик хизматлар экспорт-импортига доир операциялар, информатика ва бошқаришни такомиллаштириш соҳасидаги маслаҳат хизматлари, суғурталаш ва бир қатор бошқа хизматлар киради. Хизматларнинг ташқи савдоси “кўзга кўринмайдиган экспорт” деб ҳам аталади.

Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг белгилашига қўра экспорт қилинадиган хизматларга хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномаларга (ёки уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларга) мувофиқ белгиланган тартибда Республиkanинг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар (ишлар) киради.

Экспорт-импорт операциялари беносита ёки билвосита бўлиши, яъни товар соҳиблари ёки воситачилар томонидан амалга оширилиши мумкин. Воситачилар сифатида брокерлар, дилерлар, комиссionерлар, консигнаторлар, улгуржи харидорлар, саноат агентлари фаолият кўрсатиши мумкин. Экспорт-импорт операцияларидан ташқари ташқи иқтисодий фаолият амалиётида товарларни сотиш учун ташқи савдонинг савдо, аукцион (кимошибди савдоси) ва биржа сингари маҳсус шаклларидан ҳам фойдаланилади.

Ҳар бири экспорт ёки импорт товари учун пул суммасини олиш ёки тўлаш билан яқунланадиган товарларни сотишга доир одатдаги экспорт-импорт битимлари билан бир қаторда ташқи иқтисодий фаолиятда товар айрибошлиш операциялари ёки муқобил компенсацион савдо ҳам кенг қўлланилади.

Муқобил савдо товарларни сотишга доир операцияларни ўз ичига олиб, бунда экспортчиларнинг импорт қилиувчилардан маҳсулот бир қисмини ёки экспорт қилинаётган товарлар бир қисмини харид қилишга муқобил мажбуриятлари кўзда тутилади. Хилма-хил бўлган муқобил битимларни ташкилий-ҳуқуқий асоси ёки компенсация қоидасига боғлиқ ҳолда уч турӯхга аж-

ратиши мүмкін: налютасиз товар айирбошлай битимлари (бартер), пул асосида савдо компенсация битимлари ва саноат компенсация битимлари.

Бартер битимлари обьектлари одатта бир турдаги товарлар, ассосан, хом ашенинг келишилгандын түйламлари бўлиб, бу нарса товарларни манёврлашни истисно этади. Айни шу сабабли бартер муқобил савдода энг кам тарқалган битимдир. Муқобил компенсация савдосининг каттагина қисмини пулга асосланган, экспортчининг импорт қилувчи таклиф этадиган товарларни сотишпода иштирокини кўзда тутадиган савдо компенсация битимлари эгаллади. Ушбу турдаги барча битимларни қуйидаги гурӯҳга ажратиш мүмкін: “оффсет” туридаги битимлар, “свитч” туридаги битимлар, бунак ҳаридлари ва ҳоказо.

Савдонинг ушбу тури шерикларнинг ишлаб чиқарип алоқаларини кўзда тутмайди. Агар муқобил савдо саноат ҳамкорлигининг бир қисми бўлса ва бевосита ишлаб чиқарини соҳаси билан боғланса, у етказиб берининг алоҳида тасниф гурӯҳини келтириб чиқаради. Бу гурӯх саноат компенсация битимлари деб ном олган. Масалан, бунёд этиладиган обьектлар учун етказиб бериладиган усқуналар ҳақи унинг ёрдамида ишлаб чиқариладиган товарларнинг муқобил етказиб берилари билан тўланади.

Хизматлар ташқи савдосида илмий-техника тадқиқотлари натижалари савдоси ва муаллифлик ҳуқуқлари савдоси алоҳида ўрин тутади. Илмий-техника билимларини айирбошлашга доир келишувлар нафақат илмий, балки тижорат қийматига ҳам эга бўлган илмий-тадқиқот ишлари якунларининг олди-сотдиси билан боғланган. Илмий-техника битимлари савдосига доир операцияларда патентлар, лицензиялар, товар белгилари, саноат намуналари шаклида майдонга чиқадиган интеллектуал меҳнат маҳсулотлари, шунингдек “ноу-хай” тушунчаси билан бирлаштирилган техник билимлар ва тажриба иштирок этади.

Ташқи савдо алоқалари молиявий алоқалар билан боғланиб, савдо ҳосиласи сифатида пайдо бўлади. Молия — пул оқимида, пулларнинг узлуксиз боралигандык айланмасида юзага келадиган муносабатлар тизимиdir. Бошқача қилиб айтганда, молия — пул фонdlари шаклланиши ва улардан фойдаланишида ҳамда пул маблағлари обороти пайтида юзага келадиган пул муносабатлари тизимиdir. Молия учта функцияни бажаради:

— фонdlарни шакллантириш ва нақд пул маблағларини олин;

- пул фондлари ва нақд пул маблагларидан фойдаланиш;
- пул фондлари ва нақд пул маблагларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш.

Халқаро кредитлаш, халқаро сұғарталаш, халқаро банк хизметини күрсатыш (хисоб-китоблар, депозитлар ва бошқа банк операциялари) молиявий ташқи иқтисодий алоқалар шакллари ҳисобланади ва ташқи савдо жараёнининг боришида катар ажамият касб этади.

Ишлаб чиқарувчи күчларнинг ривожланиши ва жаҳон иқтисодиётіда фан-техника тараққиеті ишлаб чиқарыш ва инвестицион ташқи иқтисодий алоқаларнинг пайдо бўлиши ва чуқурлашишига олиб келиши табиий, албатта.

#### **4.2. Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи савдони тартибга солиш усуллари ва асосий тамоиллари**

Замонавий бозор муносабатлари шароитида давлат ташқи савдони маъмурӣ, иқтисодий механизmlар орқали тартибга солади. Давлат томонидан тартибга солиш деганда давлат маъмурӣ органларнинг иқтисодий табиатга эга бўлган турли шакл ва усуллар ёрдамида тадбиркорлик фаолиятига аралашуви тушунлади.

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солиш усуллари қўйидагича бўлиши мумкин:

- Бир томонлама. Бунда давлатнинг тартибга солиш чоралари давлат ҳукумати томонидан бир томонлама тартибда амалга оширилиши мумкин;
- Икки томонлама. Бунда савдо сиёсати чоралари давлатларлар ўртасида, яъни савдо ҳамкорлари билан келишиш асосида амалга оширилади;
- Кўп томонлама. Бунда савдо сиёсати кўп томонлама келишувлар асосида амалга оширилади ва тартибга солиб борилади (масалан, ЖСТ, ЕИ ва б.).

Давлатнинг халқаро савдота аралашини кўламига қараб протекционистик ва эркин савдо сиёсатлари фарқланади.

Савдо эркинлиги - бу ташқи савдота давлатнинг минимал аралашувидир. Бу сиёсат эркин бозор механизmlари, яъни талаб ва таклиф асосида ривожланади.

Протекционизм — ички бозорни хориж рақобатидан савдо сиёсатининг тариф ва нотариф омилларини ишга солиш йўли билан ҳимоялани маъносидаги давлат сиёсатидир.

Дилемма, у прстекционизмдан яхшироқ бўлиб, миллий саноатининг ривожланнишига олиб келали ва шунингдек, савдо эркинлиги ҳисобланиб, ички ишлаб чиқариш харажатларини ташки ҳаражатлар билан таққослашига ёрдам беради.

Замонавий протекционизм нисбатан тор доираларда амал қиласди. Ривожланган давлатланинг ўзаро муносибатларида - бу қиплоқ хўжалиги, тўқимачилик, кийим-кечак ва темирчилик соҳалари. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар савдосида - бу ривожланаётган давлатлар томонидан саноат товарларининг экспортиди, ривожланаётган давлатлар ўртасидаги савдода эса анъанавий экспорт товарлари соҳасида кўлланилиши мумкин.

Протекционистик йўналишларнинг ривожланиши унинг бир қанча шаклларини ажратиш имконини беради:

- селектив (алоҳида давлат ёки товарларга йўналтирилган);
- тармоқли (ажратилган тармоқни, аввало қишлоқ хўжалигини ҳимоялайди);
- жамоа (давлатларга кирмайдиган ташкилотлар томонидан шу давлатларга нисбатан кўлланилади);
- яширин (ички иқтисодий сиёсат усууллари орқали амалга оширилади).

Савдо сиёсати доирасида иқтисодий, сиёсий, маъмурий, ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа масалалар узвий боғлангандир. Ҳалқаро иқтисод савдо сиёсати ҷораларини амалга оширишнинг иқтисодий шароитлари ва натижаларни мақсаддга мувоғифик ҳолда ўрганади. Ҳуқуқий, ташкилий масалаларни фаннинг маҳсус тармоқларига, яъни:

Давлатнинг тартибга солиш омиллари ўз хусусиятига кўра иккига бўлинади: тариф ва нотариф чекловлар ҳамда чегаралар.

Нотариф усууллар миқдорий ва яширини протекционизм усуулларига бўлинади. Савдо сиёсатининг алоҳида омиллари кўпроқ импортни чекланада, ёхуд экспортни кўнайтиришида ишлатилади. Савдо сиёсати омилларнинг туркумланиши қўйидаги 2-чизмада келтирилган.

Ҳалқаро савдо доирасидаги давлатнинг асосий вазифаси-экспортчиларга ўз маҳсулотларини олиб чиқишига ёрдам беринадир.

Жаҳоннинг турли давлатлари ўз савдо сиёсатларини амалга ошириш учун ҳар хил омилларни қўллайдилар. Агар давлат божхона чекловининг ўртача даражаси деярли аниқ миқдорий баҳолашга тўғри келса, у ҳолда нотариф усууллардан фойдала-

ниш уларнинг жуда хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Тарифнинг ўртача даражаси бож солиниши орқали импорт килинадиган товарларга ҳисобланади. Нотариф чеклашларнинг ўртача даражаси одатда импорт ёки экспортнинг қиймат орқали ҳисобланади.

Давлатнинг савдо сиёсати протекционистик, мутьадил ёки очиқ (эркин савдо) бўлади (3-чизма). Албаттага, бу тушунчалар нисбатан олинган. Бироқ уларнинг барчаси бита ўқнинг икки томонидир. Амалиётда алоҳида давлатлар ўз ривожланишининг турли даврида мустақил савдо сиёсатларига эгадирлар. Ташиб дунё билан савдони тұхтатиши (Албания), ёки савдо режимими тулииқ әркинлаштириши (Исландия) ҳаракат қилған давлатлар ҳам мавжуд.

### 2-чизма

#### Савдо сиёсати омилларнинг түркүмланиши

Усуллар		Савдо сиёсати омиллари	Имтиёзли тартибга солиш
Тариф		Божхона божлари Божхона квоталари	Импорт Импорт
Нотариф	Миқдорий	Квоталаш Лицензиялаш Ихтиёрий чеклашлар	Импорт Экспорт-импорт Экспорт
	Яширин	Давлат харидлари Маҳаллий компенсентлар Татымлашни талаб қилиш Техник түсікілар Солиқ ва йигимлар	Импорт Импорт Импорт Импорт
	Молиявий	Субсидиялар Кредитлаш Демпинг	Экспорт Экспорт Экспорт

Манба: «Информационный бюллетень». МВЭС. 2001 г., 38 бет.

Давлат савдо режимининг ҳусусияти, яъни унинг қатъийлик даражаси одатда белгилаб қўйилиши мумкин. У божхона тарифи ўртача даражаси билан бирга миқдорий чеклашларнинг ўртача даражаси ва тезлигини ҳам ҳисобга олади.

Масалан, давлатнинг савдо режими импорт божларини олиб ташлади, аммо импортнинг асосий товарларига миқдорий квоталарни киритди. Ёки бунинг акси: квоталарни олиб гаиш-

лади, лекин импорт тарифни таъқиқланган даражасигача кўтарди. Импортга бож солишининг ўртacha даражаси 10%, миқдорий чеклашлари импортининг 25%ини қопловчи ва паст тезликдаги ҳусусиятга эга давлатларга савдо режими нисбатан очиқ бўлиши мумкин.

*З-чизма*

### Давлат ташқи савдо сиёсати асосий режимлари

Уртacha ўлчамгани тариф (%) да	Таъқиқ- ланган	Чек- ланган		Мўътадил		Очиқ		Эр- кин	
	40-100	25		10-15		10		0	
Минимум чеклашлари	Сандони қоплаш улу- ши (%) да	40	25	10	0-10	0-25	0-25	0-10	0
	Тезлик дара- жаси	Юкори	Ихтиёрӣ	Юкори	Юкори	Ўрга	Паст	Ўрга	0

Манба: «Информационный бюллетень». МВЭС. 2001 г., 39 бет.

У ёки бу омиллардан савдо сиёсатида фойдаланиш ҳақида қарор қабул қилишида давлат ҳукумати одатда уларнинг савдо сиёсати ва савдо ҳамкорларига таъсирини баҳолайди.

Ташқи иқтисодий алоқалар, ҳар қандай иқтисодий тоифа сингари, ҳуқуқий меъёрларга эга бўлиб, улар юридик жиҳатдан турлича қонунлар ва директив ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

## **У БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАШҚИ САВДО РИВОЖЛАНИШИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

### **5.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг ҳуқуқий асослари, уни тартибга солишнинг асосий усуллари ва тамойиллари**

Ҳар қандай давлатнинг ташқи савдоси жаҳон ҳўжалиги тизими билан боғланган ва муқаррар равишда нафақат миллий ҳуқуқий меъёрлар, балки ҳалқаро ҳуқуқий стандартлар билан ҳам тартибга солинади. Табиийки, миллий ҳуқуқ регламентациялари билан ҳалқаро иқтисодий ҳуқуқ, ўртасида муайян зиддиятлар мавжуд.

Бир томондан, давлатларнинг ҳуқуқ соҳасидаги суверенитетини эътироф этмаслик мумкин эмас, бошқа томондан эса — ҳалқаро қоидалар устуворлигини тан олиш зарурати у ёки бу мамлакатлар суверенитети соҳасига катта таъсир кўрсатади.

Миллий ҳуқуқий ҳужжатларни давлатлараро шартномаларга мувофиқ тарзда муайян даражада бирхиллаштириш ҳозирги босқичда ушбу муаммонинг энг мақбул ечими ҳисобланади. Яъни ҳалқаро ҳуқуқнинг қоида ва меъёрлари амалиётда миллий қонун ҳужжатлари орқали рўёбга чиқарилади.

Ўзбекистон миллий қонунчилигига кўзда тутилган ўзгартиришлар зарурий ҳужжатларини ҳалқаро стандартларга келтириш жараёнида муайян мураккабликларни юзага келтирди. Ушбу вазифа изчиллик билан, бир неча босқичларда ҳал этиб борилди. Ташқи савдо соҳасига тааллуқли қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларнинг кўплигини эътиборга олиб, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига кириши хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш ва чукурлаштириш жараёни ташқи савдони ҳуқуқий бошқарни стратегиясининг ўзига хосликлари, шунингдек ҳам минтақавий миқёсда, ҳам алоҳида мамлакатлар даражасида савдо-

иқтисодий ҳамкорликнинг тегишли устуворликларини белгилаб берди.

2000 йил бошида мамлакатимиз дунёнинг 38 давлати билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик түғрисидаги келишувларни, 35 давлат билан эса сармоя киритишни рағбатлантириш ва ҳимоялаш түғрисидаги келишувларни имзолади. Бу ўринда ҳам ҳукуқий-шартномавий базани шакллантириша сонга эмас, балки сифатга эътибор қаратилди, яъни ҳар бир келишув Ўзбекистоннинг миллий манфаатларидан ва шерик давлатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб тайёрланди.

Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар билан кўп қиррали ҳамкорлитинининг ҳукуқий асослари такомиллантирилди. ҳозир 20 дан ортиқ ўзаро келишув ва шартномалар амал қилимокда, улар қаторида капитал қўйилмаларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳақидаги келишув ҳам бор. Хусусан, Америка қитъаси давлатлари ичida АҚШ дан ташқари катта сармоя ресурсларига ва технологик имкониятларга эга бўлган Канада билан шартномавий-ҳукуқий муносабатларнинг ривожланаётгандигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Европа Иттифоқи мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий стратегиясининг ажralmas қисми ҳисобланади.

Узоқ муддатли, барқарор ва умум тан олинган тамойиллар асосида қурилган ўзаро хўжалик ҳамкорлигини таъминловчи Европа Иттифоқи билан иқтисодий алоқаларни ҳукуқий таъминлаш орқали ўз стратегик манфаатларига эришиш мақсадида Ўзбекистон икки томонлама шартномалардан ташқари шерикчилик ва ҳамкорлик түғрисида келишув шаклила савдо-иқтисодий ҳамкорлик түғрисидаги умумий келишувни ҳам имзолаган, у 1998 йил июнида кучга кирган. Уни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Ўзбекистон Республикаси билан Европа ҳамжамияти ва унга аъзо давлатлар ўртасидаги Шерикчилик ва ҳамкорлик түғрисидаги келишувни амалга ошириш бўйича 2000-2005 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг асосий ташкилий чора-тадбирлари умумий дастури қабул қилинди.

МДҲ мамлакатлари билан муносабатлар ҳам жада ривожланмоқда. Ҳамдустлик мамлакатлари билан муносабатлар илгари мавжуд бўлган иқтисодий алоқаларнинг табиий давоми ҳисобланади. ҳозирги вақтда МДҲ мамлакатлари билан алоқалар

маданий савдо-сотиқ олиб боришга түсиқ бўлаётган молиявий имкониятларнинг чекланганлиги туфайли мураккаблашмоқда.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг шартномавий-хукуқий базасини ишлаб чиқишида ва такомиллаштиришида жаҳоннинг бошқа минтақалари мамлакатлари билан ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга ҳам муҳим аҳамият бериш лозим. Масалан, Осиё мамлакатлари аста-секин жаҳон иқтисодиётида етакчи мавқени эгалламоқдалар. Дунёнинг катта транспорт-коммуникация имкониятларига эга бўлган муҳим савдо, молия марказларига айланиб бормоқдалар. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурини амалга ошириш нуқтаи назаридан Африка мамлакатлари ҳам биз учун катта қизиқиш уйғотиши мумкин. Бунда эътибор тўла қайта ишланган маҳсулотни сотишига қаратилиши керак. Бундай шароитда ушбу минтақа давлатларига нисбатан Ўзбекистоннинг хукуқий стратегияси энг аввало ҳалқаро меҳнат таҳсими асосида Ўзбекистоннинг иқтисодий эҳтиёжларидан келиб чиқсан табақалаштирилган ҳолда, ҳар бир давлат учун алоҳида ишлаб чиқилиши керак.

Фикримизча, яқин истиқболда Ўзбекистон ташқи иқтисодий стратегиясининг шартномавий-хукуқий базасини ишлаб чиқишида Осиё-Тинч океани минтақаси (ОКОМ) мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак. Бу минтақадаги жадал ривожлаётган мамлакатларда катта валюта заҳираларининг тўпланиши уларнинг Ўзбекистондаги инвестития фаолияти учун имкониятларини кенгайтириши мумкин.

Минтақавий иқтисодий гуруҳларда ва келишувларда Ўзбекистоннинг иштирокини кенгайтириш бўйича жадал иш олиб бориш биз учун кейинги тараққиётни белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишининг дастлабки босқичларида ўз миллий манфаатларимизни таъминлаш ҳамда минтақадаги мавжуд савдо уюшмалари ва келишувларда тегишли савдо-иқтисодий позицияни эгаллаш учун муҳимдир. Икки томонлама ҳукуқий асосда ҳамкорлик қилиш ОКОМ мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларга асос бўлиши керак. Бу Ўзбекистоннинг минтақа даражасида таъсирининг ва ҳамжиҳатлигининг мустаҳкамланишига ёрдам бсрди.

Ҳалқаро молия-иқтисодий ташкилотларга аъзолик кўп томонлама ҳамкорлик даражасида шартномавий-хукуқий базани шакллантириш сиёсати доирасида Ўзбекистон Республикаси

учун долзарблик касб этмоқда. 1994 йилдан бошлаб Ўзбекистонинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига кириши бўйича ҳукуқий тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда, бу ташкилотга азолик Ўзбекистон учун янги имкониятларни очиши мумкин.

Савдо-иктисодий ҳамкорлик миллый қонунчилик асосида ҳам ҳукуқий тартибга солинади. “Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари тўғрисида” ги Қонуни бу жараённинг самарадорлигини таъминлайди, унда Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро шартномаларини тузиш, узайтириш ва бекор қилиш ҳукуқий воситаларининг амал қилишида тегишли вазирликлар ва идораларнинг ваколатлари, ихтисослашувлари аниқ белгиланган. Бу қонун мамлакат бўйича умуман ташки алоқаларнинг шартномавий-ҳукуқий базасини расмийлаштириш соҳасини ривожлантиришга олиб келди.

90-йилларда ёқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ташки иқтисодий фаолият тўғрисида” ги Қонуни мамлакатда ташки иқтисодий фаолиятни ҳар томонлама мувофиқлантиришда муҳим ўрин эгаллади.

Амалиётнинг кўрсатишича, бу қонун иқтисодиётни бошқаришининг маъмурӣ-бўйруқбозлик усулларидан бозор усулларига босқичма босқич ўтиш, ташки иқтисодий фаолиятни бошқариш шароитларида иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида муҳим рол ўйнади Бироқ 90-йилларнинг охирларида бошланган мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнлари ташки иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш олдига янги-янги талабларни қўя бошлади. Бундан ташкиари, республикада ушбу қонунга у ёки бу даражада даҳлдор бўлган қатор қонунлар қабул қилинди. “Валюта тартибга солиши тўғрисида”, “Хорижий инвестициялар тўғрисида”, “Божхона тарифи тўғрисида”, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ги Қонунлар шулар жумласидандир. Шу муносабат билан 2000 йилнинг май ойидаги мамлакат Парламенти томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ташки иқтисодий фаолияти тўғрисида” ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди, унда бу соҳада кейинчалик қонун яратиш фаолияти учун асос бўладиган ташки иқтисодий фаолиятнинг концептуал асослари аниқ белгилаб берилди. Қонуннинг янги таҳририда ташки иқтисодий фаолиятни бошқаришининг маъмурӣ усулларидан иқтисодий усулларининг устуворлиги услубиёт тамойили сифатида аниқ белгиланди ҳамда давлат ва унинг

органларининг ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ишига ноқонуний аралашишлари ман қилинди.

Қонуннинг янги таҳрири моддалари мамлакат қонунчилигига юз берган ўзгаришларни, ташқи савдо режимини эркинлаштириш вазифаларини ҳамда бошқа таҳририй тузатишлар ва қўшимчаларни ҳисобга олиб янгиланди.

Ташқи иқтисодий фаолият моҳиятидан келиб чиқиб, янги таҳрирда ташқи иқтисодий фаолият турларига аниқлик киритилди. Қонунчиликни қўллаш амалиётида қонундаги асосий атамалар ва тушунчаларнинг талқини берилади, улар халқаро-хуқуқий атамалар билан мос келади.

Янги таҳрирдаги қонунга эркинлаштириш талабларига мос янги қоидалар киритилди, масалан, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига тегишли ахборотларга эга бўлиш, хорижий жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудида корхоналар очиш ҳуқуқи, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг қўлланиладиган қонунчиликни танлаш ҳуқуқи, ташқи иқтисодий фаолият субъектларини Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигига рўйхатга олиш талаби чиқариб ташланди.

Давлат органларининг ваколатлари қисқа ва ноаниқ белгиланган Қонуннинг эски таҳриридан фарқли ўлароқ, янги таҳрирда ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг асосий ваколатлари аниқ белгиланган.

Мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш устуворлиги концепциясини ривожлантира бориб, жаҳон амалиётида қабул қилинган ва ГАТТ/БСТ битимларида киритилган ҳимоянинг аниқ чора ва усувлари назарда тутилган—ҳимоя, компенсация ва антидемпинг чоралари, олиб келинадиган товарларга техник, фитосанитар, экологик талаблар, экспорт-импортни тақиқлаш ва чеклаш чоралари. Бу ҳозирги босқичда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири — мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш, мамлакат иқтисодий манфаатлари талаб қилганда чеклашларни жорий қилиш учун муҳимдир. У ташқи иқтисодий фаолият соҳасида базавий қонун ҳисобланади.

Қонуннинг янги таҳририда қурол-яроғларни, ҳарбий техникани ва икки мақсадда ишлатишта мўлжалланган товарлар-

ни экспортини назорат қилипни бошқарувчи меъсрлар, шунингдек ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг алоҳида тартибини (эркин иқтисодий ҳудуд ва эркин савдо ҳудудида имтиёзли шароитларни берувчи) бошқарувчи маҳсус моддалар киритилган. Қонуннинг янги таҳририда ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини кафолатлашга ва бурчларини белгилаб берипта бағицланган бўлими анча такомиллаштирилган. Кейинги йилларда Ўзбекистон миллий иқтисодиётини субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштиришга қаратилган, шу жумладан экспорт ва импорт операцияларини тарифлар воситасида ва тарифсиз бошқаришни тартибга солини, экспорт маҳсулоти ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар кўрилди.

Мазкур чораларнинг ҳаммаси имтиёзли тусда бўлиб, амалдаги ҳуқуқий меъсрлардан баъзи истисноларни тақозо этади. Бироқ улар шунчаки имтиёзлар тизими эмас, барча кўрсатилган имтиёзлар аниқ йўналишга эга: улар юқори даражада қайта ишланган экспорт маҳсулотини ишлаб чиқарадиган корхоналаригагина татбиқ этилади, шу сабабли ундан савдо-воситачи ташкилотлар, ҳом ашё ресурсларини экспорт қилувчи ва шу каби бошқа ташкилотлар фойдалана олмайдилар.

Ҳақиқатда ўз маҳсулотини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва воситачи корхоналар учун экспорт-импорт ҳамда солиқлар воситасида тартибга солишнинг қўшалоқ тизими барпо этилди. Агар уларни макроиқтисодий назария позицияларидан туриб қарайдиган бўлсак, ҳеч қандай фарқ бўлмаслиги керак, лекин ўзгартериш жараёнларини амалда рўёбга чиқариш равон шароитларда эмас, балки ўтиш даври шароитларида юз бермоқда, шу сабабли Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан мазкур иқтисодий стратегия таъланган. Айни ишлаб чиқарувчи ва воситачи корхоналарнинг фаолият кўрсатини шароитларини ажратиш юятда мақсадга мувофиқ чора бўлди. Зеро ҳозирга бозор иқтисодиётининг узоқ вақт барқарор бўлиши худди шу ишлаб чиқарувчи тузилмаларга асосланали.

Хориж бозорларига, айниқса, МДҲ мамлакатлари бозорига чиқишига интилиб, ишлаб чиқариш фаолияти билан фаол шуғулланётган микроиқтисодий субъектларнинг ҳаммаси анчагина қулай ҳуқуқий аҳволга тушиб қолди. Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳуқуқий аҳволининг фойдали жиҳатларидан амалда республиканинг барча хўжалик юритувчи субъектлари фойдалана оладилар, бинобарин, мулкчиликнинг исталган шаклидаги корхона ва фирмалар экспорт-импорт

ҳамда солиққа оид имтиёзлардан фойдаланиш учун ўзларининг асосий фаолиятларини тегишли тарзда қайта кўра оладилар.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солиш икки томонлама ҳукумат келишувлари ва қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солишининг асосий қоидалари қўйидағилардан иборат:

– ташқи савдо сиёсати — Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг таркибий қисми эканлиги;

– ташқи савдо фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши ва унинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш тизимининг яхлитлиги;

– миллий хавфсизликни таъминлап давлат назифаларини, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий манфаатларни рӯёбга чиқариш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг оммавий қирғин қуроллари ва бошқа энг хавфли курол-яроғ турларини олиб чиқишга йўл қўймаслик тўғрисидаги ҳалқаро мажбуриятларини бажариш мақсадида амалга оширилаётган экспорт назорати сиёсатининг яхлитлиги;

– Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудининг яхлитлиги;

– ташқи савдо фаолиятининг давлат томонидан тартибга солиниши иқтисодий чораларининг устуворлиги;

– ташқи савдо фаолияти иштирокчиларининг тенглиги ва уларнинг камситилмаслиги;

– ташқи савдо фаолияти иштирокчилари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши;

– давлат ва унинг органларининг ташқи савдо фаолиятига ўзини оқламайдиган аралashiшини, унинг иштирокчиларига ва умуман Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига зарар етказишини истисно этиш.

Давлат ташқи савдо сиёсати ташқи савдо фаолиятини тартибга солишининг иқтисодий ва маъмурий усуllibарини қўллаш воситасида амалга оширилади, яъни:

— божхона тарифлари билан тартибга солиш, яъни импорт ва экспорт тарифларини қўллаш;

— нотариоф тартибга солиш, яъни квоталаш, лицензиялаш ва ҳоказолардан фойдаланиш.

Ушбу усуllibар Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида” ги Қонунига биноан белги-

ланган<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ва унинг субъектларининг аралашиши ва турли чеклашларни ўрнатиши йўли билан амалга ошириладиган ташқи савдо фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа усуулларига йўл қўйилмайди. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларини, хусусан ҳалқаро инвестиция ҳамкорлиги, ишлаб чиқариш кооперацияси, валюта ва молия-кредит операцияларини тартибга солиш республиканинг тегишли қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳукуқий хужжатларига биноан амалга оширилади.

Импорт ва экспорт операцияларини тартибга солиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ички бозорини ҳимоя қилиш ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги илғор таркибий ўзгаришларни рағбатлантириш мақсадида импорт ва экспорт божлари белгиланади.

Ўзбекистон Республикасидан экспорт ва Ўзбекистон Республикасига импорт миқдорий чеклашларсиз амалга оширилади. Экспорт ва импортни миқдорий чеклаш фавқулодда ҳолларда амалга оширилади, яъни:

- мамлакатнинг миллий ҳавфсизлигини таъминланаш;
- ички товар бозоридаги ҳолатни ҳисобга олган ҳолда ЎзР ҳалқаро мажбуриятларини бажариш;
- мамлакат ички бозорини ҳимоя қилиш.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг экспорт ва импортни миқдорий чеклашларни жорий этиш тўғрисидаги қарорлари ушбу чеклашларни амалга киритишдан камида уч ой олдин қабул этилади ва расмий равишда эълон қилинади. Миқдорий чеклашларни белгилаш чоғида квоталарни тақсимлаш ва лицензиялар бериш, одатда, танлов ёки аукцион ўтказиш ёхуд квоталарнинг суммар ижросига қадар экспорт ва (ёки) импортга доир операцияларни ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Танлов ёки аукцион ўтказиш тартибини Ўзбекистон Республикаси ҳукумати белгилайди. Бундай танлов ёки аукцион иштирокчилари сонини чеклашга ёки мулкчилик шакли, рўйхатга олиш жойи, бозордаги мавқсига қараб уларни камсишишга йўл қўйилмайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. 1998.

Бирор-бир товар жиддий зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиши хавфини туғдирадиган тоғында катта миқдорларда ёки тегишли шартлар билан импорт қилинган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шунга ўхшаш ёки бевосита рақобат қиладиган товарлар ишлаб чиқарувчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳалқаро ҳуқуқнинг умумътироф этилган меъёrlарига мунофиқ, жиддий зарарни барта-раф этиш ёки шундай зарар етказилиши хавфининг олдини олиш учун зарур бўлган даражада ёхуд белгиланган муддатда ҳимоя қилиш чораларини қўллашга ҳақлидир.

Товарлар импортига нисбатан бундай ҳимоя қилиши чоралари қўйидаги шакллардан иборатdir:

- импортни миқдорий чеклашлар;
- маҳсус божхона божлари.

Ҳимоя қилиш чораларини жорий этиш қоидалари ошкора бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг чеклашга тушадиган товар ёки товарларнинг умумий миқдори ва қиймати кўрсатилган ҳолларда ҳимоялаш чорасини жорий этини тўғрисидаги қарорини расмий тарзда зълон қилишни кўзда тутади.

Ҳимоя қилиш чорасининг амал қилиши, уни муддатидан олдин бекор қилиш ёки узайтириш, шунингдек амал қилиш даврида товарларнинг умумий ҳажми ва қийматида уларни ҳимоя қилиш чорасига нисбатан барча ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ҳалқаро мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Товар (ишлар, хизматлар) экспорта ёки импортига доир тақиқлар ҳамда чеклашлар қўйидагиларни ўз ичига оладиган миллый манфаатлардан келиб чиқиб белгиланиши мумкин:

- ижтимоий ахлоқ ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилиш;
- кишиларнинг ҳаётни ва соглигини қўриқлаш, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ва умуман атроф-муҳитни ҳимоя қилиш;
- Ўзбекистон Республикасидаги ҳалқларининг маданий меросини сақлаш;
- маданий бойликларни ноқонуний олиб чиқиш, олиб кириш ва уларга доир мулкчилик ҳуқуқларини беришлан ҳимоя қилиш;
- агар бу билан борғлиқ чоралар тегишли ички ишлаб чиқариш ва истеъмолни чеклашлар билан бир вақтда ўтказилса, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган табиий ресурслар тугашининг олдини олиш зарурлиги;

- Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлаш;
- Ташқи молиявий аҳволни ҳимоя қилиш ва Ўзбекистон Республикаси тўлов балансини қўллаб-қувватлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган төварлар Ўзбекистон Республикасида белгиланган фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария ва экология стандартлари ҳамда талабларига мувофиқ келиши лозим.

Экологик жиҳатдан хавфли маҳсулотни олиб кириш махсус назоратга олинини керак. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига: юқорида айтилган, Ўзбекистон Республикасида белгиланган стандартлар ва талабларга мувофиқ келмайдиган; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда сертификат, тамғалаш ёки мувофиқлик белгисига эга бўлмаган; хавфли истеъмол товари сифатида фойдаланилиши тақиқланган; истеъмолчилар учун хавф туғдирадиган нуқсоналарга эга бўлган товарларни олиб кириш ман этилади.

Кўрсатилган товарлар қайта олиб чиқилиши ёки мустақил эксперtlар томонидан Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексида белгиланган тартибда<sup>1</sup> тузилган далолатнома асосида йўқ қилиши керак.

Ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини ҳимоя қилиши мақсадила қурол-яроғлар, ҳарбий техника ва икки томонлама фойдаланиладиган товарларга нисбатан, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг омманий қирғин қуроли ва бошқа энг хавфли қурол-яроғ турлари ва уларни яратиш технологияларини тарқатмасликка доир халқаро мажбуриятларига риоя қилиши учун мамлакатда экспорт назорати тизими амал қиласи.

Юқорида қўрсатилган товарлар, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари, шу жумладан, уларга доир мутлақ хукуқлар Ўзбекистон Республикаси хукумати белгилаган тартибда амалга оширилади. Товарлар айrim турларининг экспорта ёки импортига давлат монополияси белгиланади. Бундай товарларнинг рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади. Айrim турдаги товарлар экспорта ёки им-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. Тонкент. 1997.

портига давлат монополияси товарлар экспорта ёки импортига доир фаолиятни лицензиялаш асосида амалга оширилади. Лицензияларни республика ижроия ҳокимияти органи фақат унитар корхоналарга беради, улар товарлар экспорти ва (ёки) импортига доир битимларни камситмаслик ҳамда ҳалол тижорат амалиёти қоидалари асосида тузишлари шарт. Унитар Корхона — унтар мулкдор биркитиб кўйган мол-мулкка мулкчилик ҳукуқи бўлмаган тижорат ташкилотидир.

Чегара савдоси ва эркин иқтисодий ҳудуд ташқи савдо фоалиятининг айрим турларини амалга оширишнинг маҳсус режимлари ҳисобланади. Чегара савдоси Ўзбекистон Республикасининг чегарага туташ ҳудудида доимий бўлиш жойига (яшаш жойига) эга бўлган шахслар билан Ўзбекистон Республикасининг қўшни давлатлар билан халқаро шартномаларида белгиланган чегарага туташ ҳудудда доимий бўлиш жойига (яшаш жойига) эга чет эллик шахслар ўргасида мавжуд чегарага туташ ҳудуд доирасида ишлаб чиқарилган товарларга, шунингдек, тегишли чегарага туташ ҳудуд доирасида истеъмол учун мўлжалланган товарларга нисбатан фақат маҳаллий эҳтиёжларни қондириш учун амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва унинг амалга оширилиши устидан назорат қилишда божхона ишини оқилона ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Республикаси божхона сиёсатига товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди орқали олиб ўтиш, божхона тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви ва назорати тартиби, шартлари киради. Божхона ишининг ҳукуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексида белгиланган<sup>1</sup>. Божхона ишини Ўзбекистон Республикаси божхона органлари амалга оширади, улар ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ҳисобланади. Божхона органлари тизимига:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;
- Минтақавий божхона бошқармалари;
- ихтисослаштирилган божхона мажмуалари;
- божхона постлари;
- божхона сиёсатини ишлаб чикиш ва уни рӯёбга чиқариша иштирок этади;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодекси. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида” ги Қонуни. Тошкент, 1997.

- божхона иши соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда божхона ишини амалга ошириш пайтида иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир чоралар кўради;
- Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилади;
- божхона божлари, солиқлар ва бошқа божхона тўловларини ундиради;
- товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали олиб ўтишнинг рухсат бериш тартибига риоя этилишини таъминлайди;
- контрабандага, Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга доир божхона қоидалари ва солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишларга қарши кураш олиб боради;
- Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо божхона статистикасини ва маҳсус божхона статистикасини юритади;
- ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасини юритади;
- стратегик ва Ўзбекистон Республикаси манфаатлари учун жуда муҳим бўлган бошқа материаллар олиб чиқилиши устидан назоратни амалга оширади;
- ўз ваколатлари доирасида валюта назоратини олиб боради;
- Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро мажбуриятларининг божхона ишига тааллуқли қисми бажарилишини таъминлайди;
- бошқа функцияларни бажаради.

Божхона назоратини<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг мансабдор шахслари божхона мақсадлари учун зарур ҳужжат ва маълумотларни текшириш; божхона кўриги (товар ва транспорт воситалари кўриги, шахсий кўрик); товар ва транспорт воситалари ҳисоби; фуқаролардан оғзаки сўраш; ҳисоб ва ҳисобот тизимини текшириш; вақтинча сақлаш омборлари, божхона омборлари, эркин омборлар, эркин божхона ҳудудлари ва бож олинмайдиган савдо дўйонлари ҳамда божхона назоратидан ўтказиладиган товар ва транспорт воситалари жойлашган ёки назорат қилиниши Ўзбекистон Республикаси божхона органларига юклантган фаолият амалга оширилаётган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодекси. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божхона хизмати тўғрисида” ги Қонуни. Тошкент, 1997.

бошқа жойлар ҳудуди ва хоналари кўриги йўли билан; Божхона Кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа шаклларда ўтказади.

Назорат Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси бўйлаб ёки бошқа жойларда барпо этиладиган божхона назорати зоналарида ўтказилади. Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиш уларнинг божхона режимларига мувофиқ амалга оширилади.

Божхона режимларининг қўйидаги турлари мавжуд:

- эркин муомалага чиқариш;
- реимпорт;
- транзит;
- божхона омбори;
- бож олинмайдиган савдо дўкони;
- божхона ҳудудида қайта ишлаш;
- божхона назорати остида қайта ишлаш;
- вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш);
- эркин божхона ҳудуди;
- эркин омбор;
- божхона ҳудудидан ташкарида қайта ишлаш;
- экспорт;
- реэкспорт;
- йўқ қилиш;
- давлат фойдасига воз кечиш.

Чегарадан олиб ўтиладиган ёки божхона режими ўзгарарадиган товарлар ва транспорт воситалари, шунингдек бошқа товарлар ва транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси божхона органига декларацияланishi керак.

Декларациялаш божхона органига декларация тақдим этишдан иборатdir. Божхона декларацияси (лотинча *declaratio* — ариза, эълон) — миллий қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳужжат бўлиб, чегарадан олиб ўтиладиган юк, шу жумладан экспорт ва импорт қилинадиган товарлар, йўловчилар юки, қўл юки, бойликлар ва валюта тўғрисидаги зарур ахборотни ўз ичига олади. Божхона декларацияси товарларни давлат чегарасидан олиб кириш, олиб чиқиш ёки транзит қилишда асос бўлиб ҳисобланади.

## **5.2. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг ривожланиш динамикаси, унга таъсир этувчи омиллар таҳлили**

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг ривожланиши ўзига хос специфик характерга эга бўлди. Ўзбекистон Республикасининг 1996-2003 йилларда ташқи савдосининг ривожланиш динамикасини ўрганар эканмиз, ташқи савдо айланмасининг бир текис ривожланмаганлигини кузатамиз. Статистик маълумотларнинг таҳлили шуни кўосатадики, ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажми 1999 йилда 9,3 млрд. долларни ташкил этган бўлиб, 1998 йилга нисбатан деярли 41% га ўсган.

1997-1999 йиллар мобайнида ташқи савдо ҳажми мунтазам ўсиб борган. 1999 йил кўрсаткичлари 1996 йилга нисбатан 75,7 фоизга ўсган. Бироқ 2000 йилдан бошлаб Ўзбекистон ташқи савдо ҳажми қисқариш тенденциясига эга бўлган. Фикримизча, бундай пасайиш 2000-2001 йилларда рўй берган Осиёдаги молиявий ва Россиядаги иқтисодий инқизозлар билан боялиқ бўлиши мумкин. 2000 йилда ташқи савдо айланмаси 4,6 %га, 2001 йилда 23,5 %га, 2002 йилда эса 6,9 %га пасайган. Ташқи савдо айланмасининг пасайиш тенденцияси 2002 йилгача давом этди ва 2003 йилда аста-секин барқарорлашибди. 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси деярли 3 млрд. долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,1 % га ўсли. Бу ўсиш асосан экспорт ҳажмининг 1,9 % га ўстандиги билан характерланади, негаки импорт ҳажми ўтган йилга нисбатан 1,8 % га камайган.

1997-1999 йиллар мобайнида Ўзбекистон экспортининг давлатлар бўйича таркибида катта ўзгаришилар кузатилиб, доимий ташқи савдо шериклари бўлмиш собиқ иттифоқ давлатларининг улуши 60 фоиздан 2 фоизгача камайиб борган.

Асосан газ, автомобил ва пахта экспорти ҳисобига МДҲ давлатларининг Ўзбекистон жами маҳсулотлар экспортидаги улуши 1998 йилда бир оз тикланиб, 34 фоизни ташкил этди. Бироқ, 1999 йилга келиб яна қарийб 25 фоизгача камайди.

Мустақил Даъватлар ҳамдустлигига кирган мамлакатлар билан бевосита ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириши натижасида, импортда уларнинг ҳиссаси 38,2 % ни ташкил этди. 2001 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 30,4 ва 26,0 фоизларни ташкил этди.

Мустақил Даылатлар ҳамдүстлиги мамлакатлари билан иқтисодий муносабатларнинг шакли ва таркиби тубдан ўзгариб бормоқда. Ўзбекистоннинг мавқеи тобора мустаҳкамланмоқда. МДҲдаги кўпгина мамлакатлар билан савдо-тўлов соҳасида Ўзбекистон ижобий сальдога эгадир.

1994 йилдаги ҳуқуматлараро битимларга биноан Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан товар айланмаси 1,8 млрд. долларни ташкил этди. Энг муҳим маҳсулотлар, жумладан, нефт, авиация керосини, металл прокати, ёғочтахта, спирт, озиқ-овқат ва бошқа товарлар келтирилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон салкам бир миллиард долларлик маҳсулот етказмб берди. Мустақил Даылатлар ҳамдүстлиги мамлакатлари билан маҳсулот келтириш-чиқариш сальдоси Ўзбекистон фойдасига 142 миллион доллардан кўпроқ маблагни ташкил этди.

Нефт чиқариш икки баробардан зиёд ошганлиги, нефтиң қайта ишлаш маҳсулотлари кўпайганлиги, экин майдони кенгайтирилиб, дон етиштириш кўпайганлиги туфайли республиканинг шу маҳсулотлар бўйича МДҲ мамлакатларига ва хорижий давлатларга қарамлиги анча қисқарди.

Республиканинг ташқи омилларга боғлиқлик даражасига барҳам берилемоқда. Бу эса иқтисодиётни барқарорлаштириш яна бозор муносабатларига ўтиш соҳасидаги ички сиёсатни янада самаралироқ юритиш имконини бермоқда.

Айни лайтда, Ўзбекистоннинг МДҲ даги бошқа давлатлар, аввало Россия билан муносабатлари ўзаро манфаатли сиёсат туфайли яхши йўлга кўйилмоқда. Республиканинг МДҲ мамлакатлари билан самарали ҳамкорликка, ҳалқларимиз ўртасидаги вужудга келган кўп томонлама иқтисодий, маданий, илмий ва инсоний алоқаларни янгича асосда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга тайёрлигини тасдиқламоқда.

Россия Ўзбекистоннинг энг муҳим савдо ҳамкори ҳисобланади. Унинг Ўзбекистон экспортидаги улуши 2001 йилда 12,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2002 йилда 13,%ни, 2003 йилнинг биринчи ярмида эса 17 фоизни ташкил этган. Ўзбекистон Республикасидан асосан пахта толаси, озиқ-овқат, машина ва ускуналар, ёнилғи маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари экспорт қилинади.

Ўзбекистон экспорт алоқаларида Россиядан сўнг МДҲ нинг Тажикистон, Қозогистон, Украина, Туркманистон мамлакатлари муҳим ўринларни зегаллади. Жумладан 2003 йил II

кварталида уларнинг экспортдаги улуши мос равишда 6,8; 3,1; 2,7; 2,3 фоизни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикасининг МДХ давлатларига экспорт таркибида 2003 йил I кварталида пахта толаси - 22%, ёнилғи - 33,1 %, озиқ-овқат - 15,3 %, машина ва ускуналар - 8,2%, металлар - 5,2 %, кимё маҳсулотлари - 4% ни ташкил этди.

Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича тақсимланиши алоҳида аҳамиятга эга. Маълумотларга қараганда 2001-2003 йилларда Ўзбекистон ташқи савдосида Европа етакчилик қиласи ва унинг умумий товар айланмаси ҳажмида улуши 64% дан 63,1 % га камайган. Шунингдек, Австралия ва Океания ҳамда Америка қитъаси давлатларининг улуши ҳам бир оз камайган. Осиё қитъаси давлатларининг улуши эса, аксинча 30,0 % дан (2001 йил) 31,3 гача (2002 йил) кўпайган.

Ўзбекистоннинг узоқ хорижий давлатлар билан ташқи савдо кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон билан кент ҳамкорлик қилаётган давлатларга Буюк Британия, Швейцария, АҚШ, Германия, Корея Республикаси, Туркия давлатлари киради. Ўзбекистон экспорт умумий ҳажмида Буюк Британиянинг улуши 2002 йилда 11,3 % га, Швейцария - 13,0 % га тенг бўлса, импорт умумий ҳажмида АҚШ нинг улуши 14 % га, Германия - 14,0% га, Корея - 15,8% га тенгдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳукумати экспортини диверсификация қилиш орқали саноат маҳсулотларининг салмогини оширишга интилмоқда. Бироқ мустақилликка эришгандан бўён бирламчи маҳсулотлар экспорти камайган бўлсада, экспорт диверсификацияси жараёнидаги ўзгаришлар уччалик катта бўлмаган. Пахта, олтин ва хом ашёларнинг жами экспортдаги улуши ҳанузгача деярли 70-75 фоизни ташкил этиб келмоқда. 2002 йилда пахта экспортининг салмоги 0,2 фоизга ошиди, бу асосан жаҳон бозорларида пахта нархининг ошиб бориши билан изоҳланади. Юқорида айтиб ўтилган даврда металлар, машина ва кимё моддалари экспортининг салмоги бироз пасайди. Ўзбекистон экспортидаги айниқса хизматлар улущининг ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан жиддий ўсиши ва 13,7 % ни ташкил этишин ижобий натижадир.

Савдонинг эркинлаштирилишидан сўнг, ўтиш даврида бўлган давлатлар учун энг кагта муаммолардан бири аввалти социалистик давлатлардан ташқаридаги бозорларга кириб бориш бўлди. Ўзбекистон учун бунга қўшимча равиша денгизга чиқиши имконияти йўқлиги муаммоси қўшилди.

Саноат маҳсулотларига қараганда ҳом ашё маҳсулотлар экспорти учун янги бозорлар очиш ва уларни ривожлантириш анча осон кечди. Масалан, пахта ва олтин қаторида стандарт ҳом ашёларни ғарбий бозорларга сотиш нисбатан енгил бўлган. Шунинг учун ҳам чет эл бозорларига кириб бориши мақсадида Ўзбекистон бугунги кунда транспорт ва алоқа инфратузилмасини ривожлантиришга катта маблаглар ажратмоқда.

Охирги йилларда нефтни қайта ишлаш қувватининг кескин онганилиги ва ҳукуматнинг дон билан ўз-ўзини таъминлаш бўйича олиб бораётган сиёсати туфайли ёнилги ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари импорти салмоғининг камайишига олиб келган бўлса, импорт ўрнини босили сиёсати орқали эса машина ва ускуналар салмоғи жами импортнинг ярмигача ўсиб боришга сабаб бўлди. 2001 йилда жами маҳсулотлар импортида машина ва ускуналар салмоғи 2002 йилга нисбатан бироз кам бўлган. Бундан кўриниб турибдикি, четдан технологиялар ва машина-ускуналар импортининг ортиб бораётганлиги кузатилади ва бундай ҳолат ички ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиб бораётганлигидан далолат беради.

Машина ва ускуналар импортида ғарб давлатларининг улуши салмоқлидир. АҚШ, Жанубий Корея ва Германия машина ва ускуналарни етказиб берувчи асосий давлатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар бўйича ташқи савдо айланмаси таркиби 1-жадвалда келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдикি, Ўзбекистон Республикасида 2002 йилда ташқи савдо айланмасида экспорт 52,6% ни, импорт эса 47,4% ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар мос равишда Сурхондарё вилоятида 87,4 ва 12,6% ни, Наманган вилоятида - 75,0 ва 25,0% ни, Хоразм вилоятида - 73,6 ва 26,4% ни ташкил этган. Энг паст кўрсаткич эса Қашқадарё, Андикон ва Тошкент вилоятларида кузатилган.

**Ўзбекистон Республикасининг вилоятлар бўйича ташқи  
савдо айланмаси таркиби**  
(2002 й. якунига нисбатан фоиз ҳисобида.)

Вилоятлар	Ташқи савдо айланмаси таркиби	Экспорт	Импорт
Ўзбекистон Республикаси	100	52,6	47,4
Қорақалпоғистон Республикаси	100	48,2	51,8
Андижон	100	34,1	55,9
Бухоро	100	64,6	35,4
Жиззах	100	68,1	31,9
Қашқадарё	100	33,5	66,5
Навоий	100	51,9	48,1
Самарқанд	100	55,6	45,5
Сурхондарё	100	87,4	12,6
Сирдарё	100	70,8	29,2
Тошкент	100	49,4	50,6
Наманган	100	75,0	25,0
Фарғона	100	67,6	32,4
Хоразм	100	73,6	26,4
Тошкент ш.	100	38,8	61,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги маълумотлари асосида тузилди.

Энди Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасини тонар таркибини кўриб чиқамиз (2-жадвал).

**Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасида  
товарлар таркиби миқдори**

<b>Номлари</b>	<b>Салмоғи, фоиз</b>	
	<b>2001й.</b>	<b>2002й.</b>
Ташқи савдо айланмаси	100	100
Экспорт	51,0	52,6
Импорт	49,0	47,4
Экспорт таркиби	100	100
Пахта толаси	27,3	27,5
Кимё маҳсулотлари пластмассаси ва ундан ясалган буюмлар	3,1	2,9
Рангли ва қора металлар	4,3	6,6
Машина ва асбоб-ускуналар	3,2	3,4
Озиқ-овқат моллари	6,4	5,4
Электр энергия манбалари	11,5	10,3
Хизматлар	9,5	13,7
Импорт таркиби	100	100
Озиқ-овқат моллари	13,1	12,3
Кимё маҳсулотлари, ундан ясалган буюмлар ва пластмасса	11,7	13,6
Рангли ва қора металлар	7,9	8,6
Машина ва асбоб-ускуналар	44,8	35,4
Электр энергия манбалари	2	3,8
Хизматлар	8,7	8,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2001 ва 2002 йилларда экспорт таркибидаги юқори кўрсаткич пахта толаси ҳажмида (27,3; 27,5%) кузатилган ва электр энергия (11,5; 10,3%) ташкил этган.

Импорт таркибидаги эса машина ва асбоб-ускуналар (44,8; 35,4%), озиқ-овқат товарлари (13,1; 12,3%) ва кимё маҳсулотлари (11,7; 13,6) ташкил этган.

Монографияни кейинги параграфида ташқи савдони ривожлантиришда Ўзбекистон савдо балансининг туттани ўрнига баҳо берсамиз.

### **5.3. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо баланси**

Маълумки, тўлов баланси ҳар қандай мамлакатнинг ижтиёмий-иктисодий ривожланиш ҳолатини ифода этувчи кўзгу бўлиб ҳисобланади. Тўлов баланси негизида барча битим турларини кредитлаш ва дебетлаш орқали турдушилган принципи ётади. Тўлов балансининг стандарт тузилмаси учта ҳисобни ўз ичига олади: жорий опреациялар, капитал ва молиявий восита-лар билан операциялар, расмий заҳиралар.

Ўзбекистон Республикаси тўлов баланси ҳам ўзига хос бўлим ва қисмлардан ташкил топади.

Тўлов баланс ива уни таҳлил этиш жараёнида бир қатор кўрсаткичлар ва опреациялар турларини алоҳида ўрганиб чиқиш лозим.

*Экспортнинг валюта самарадорлиги кўрсаткичи.* У ташки бозорда товарлар сотишдан тушган соғ валюта тушумининг мамлакатда уларни ишлаб чиқариш ва ташишга қилинадиган харажатларга, агар товарлар кредитга сотилган бўлса, кредит таъсири коэффициентини ҳисобга олган ҳолдаги нисбатини ифодалайди. Товар кредитга сотилганда экспортнинг самарадорлиги одатдагидан камаяди, бироқ бозорда сотиш кўпинча қийинлашади, баъзан эса умуман мумкин бўлмайди.

*Импортнинг валюта самарадорлиги кўрсаткичи.* Мамлакатга олиб келинган товарларнинг уларни ишлаб чиқаришни ички шарт-шароитлари бўйича сотиб олиш ва чегарагача етказиб келтиришга қилинадиган тўлиқ валюта харажатларига нисбатидир.

Экспортдан кўрилган заарлар кўпинча импортдан қилинган даромадлар билан қопланиши туфайли, юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичларини тўғрилаш учун тузатиш коэффициентлари, импорт учун экспорт эквиваленти самарадорлиги коэффициенти ва шунга мувофиқ, экспорт учун импорт эквиваленти самарадорлиги коэффициенти жорий этилади.

Ташки савдо айрибошлиш самарадорлигининг кўрсаткичи суратдаги импорт қилинган товарларнинг қиймат баҳосини кўрсатувчи сонни маҳраждаги экспорт қилинган товарларни ишлаб чиқаришга ва ташишга қилинган сарфларни барча ҳалқ хўжалиги сарфларини билдирадиган сонга бўлишдан чиқсан бўлинмани билдиради. Бу кўрсаткични ҳажм жиҳатидан тенг бўлган экспорт ва импорт учун аниқлаш керак. Ускуналарни

импорт қилиш самарадорлигини баҳолаганда вақт ва сифат омилига тузатиш киритиши лозим.

Лицензия сотиб олиш самарадорлигининг кўрсаткичи шундай нисбатдирки, унинг суратида чет элдан сотиб олинган янги технологияга ёки бошқа янгиликка лицензиядан вақт омилини ҳисобга олган ҳолда фойдаланишдан келадиган ҳалик хўжалиги самараси миқдори, маҳражида эса лицензия ҳақини тўлаш учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришга қилинадиган харажатлар туради.

Мамлакатнинг савдо баланси товарлар импорт қилинганда ундан чиқиб кетадиган маблағлар билан товарларни чет элга экспорт қилганидан келадиган маблағлар ўртасидаги нисбатни кўрсатади. Тўлов балансининг шу таркибий қисми, мамлакатнинг ташқи иқтисодий аҳволига баҳо беришда энг муҳим кўрсаткичdir. Агар мамлакатнинг экспортги маълум даврда чет элдан импорт қилишдан ортиқ бўлса, савдо баланси актив бўлиши (мусбат сальдо балансига эга бўлиши) мумкин. Агар импорт экспортдан ортиқ бўлса, савдо баланси шунга мувофиқ манфий (манфий сальдо) бўлади. Бошқача қилиб айтганда, агар Ўзбекистон муайян йилда манфий сальдо балансига эга бўлса, ўша йили истеъмол қилинганига қараганда камроқ ишлаб чиқариш бўлганини билдиради ва аксинча.

Савдо балансининг мусбат ёки манфий бўлиши кўпгина ташқи ва ички омилларга боғлиқdir. Агар жаҳондаги конъюнктура натижасида жаҳон хом ашё бозорида пахтанинг нархи сезиларли даражада ортиб, шу даражада барқарор турса, (биз Ўзбекистоннинг экспортда пахтанинг саломги юқори эканлигини биламиз) савдо баланси мусбат сальдога эга бўлади, деб таҳмин қилишимиз мумкин.

*Хизматлар ва ноавдо операциялари баланси.* Мамлакатнинг бошқа мамлакатларга кўрсатадиган хизматлари бўйича чиқиб кетган пул ўртасидаги нисбатдан иборатdir. Иқтисодчилар фактор ва нофактор хизматларни фарқлайдилар. Фактор хизматлар мамлакатнинг чет элга тадбиркорлик ёки ссуда капитали шаклидаги инвестициялардан тушадиган пулларни ўз ичига олади. Бунга дивидендлар шаклидаги пул тушумлари, мамлакат фирмалари ва компанияларининг фойда репатриацияси, чет элликларнинг мамлакат патентлари, лицензиялари ва менежментидан фойдаланганлик учун тўловлар ва ҳоказолар киради. Нофактор хизматлар окимига сайёхлик, транспортда

йўловчилар ва юқ ташиш, сувурга, телерадио-коммуникация учун тушумлар ва тўловлар киради (5.3.1-чизма).

Мамлакатлар ўртасида мавжуд бўлган, аммо савдо билан боғлиқ бўлмаган хизматлар бўйича тўловлар ва тушумлар носавдо оқимлар ёки операциялар деб аталади. Улар жумласига пул маблағларини расман ўтказиш (масалан, табиий оғатлар, уруш, эпидемиялар ва бошқаларни бонидан кечираётган мамлакатларга чет элдан ёрдам кўрсатиш) қариндош ҳамда яқин кишиларга шахсий пул ўтказмалари ва шу кабилар киради. Хизматлар балансининг моддалари бўйича ҳаракатни кўпинча "кўринмас" операциялар деб атайдилар.

Мамлакатимиз ва чет эллик иқтисодчилар Ўзбекистоннинг жаҳоншумул миқёсдаги диний ва маданий-тарихий бойликларини ҳисобга олиб, уни фаоллатнуви кутилаётган мамлакат дейшишмоқда. Шуни айтиш керакки, упібу омил келажакда хизматлар баланси бўйича чет эл валютаси чиқиб кетишини ўрнини тўлдиради.

Капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси ҳалқаро капитал ва кредит шаклида валюта маблағлари келиши ва чиқиб кетишининг нисбатини акс эгтиради. Капиталнинг ҳаракати тадбиркорлик ва ссуда инвестициялари шаклида юз бериши мумкин. У резидентлар ҳамда норезидентларнинг чет элдаги ва мамлакатдаги молиявий активлари - облигациялар, корхоналарга каранили акциялар, бошқа қарз мажбуриятлари, шу жумладан, кредитлар ва қарзларни олиш-бериш жараённида амалга оширилади.

Тўлов балансининг капитал билан боғлиқ моддаларининг ҳаракати резидентлар ва норезидентлар чет эл моддий активлари - кўчмас мулк ҳамда компаниялар олган ёки сотган пайтда юз беради. Агар иши юришмаган Ўзбекистонлик бизнесчи Италияда томат пастаси ишлаб чиқарадиган фирмани ёки шаҳар ташқарисидаги виллани сотиб олса, капитал чиқиб кетган бўлади.

Шундай қилиб, капиталлар ҳаракатининг баланси моддий ва молиявий актиналар билан операциялар қилишдан келадиган соф тушумларни кўрсатади. Агар уларни сотишдан келган тушумлар сотиб олинган чет эл активлари бўйича товарлардан ортиқ бўлса, унда капиталлар ҳаракати балансининг мусбат сальдосига эга бўлади ҳамда биз капиталнинг соф келиши юз берганлигини кўрамиз ва кўрсатамиз. Аксинча, биз чет элликларга ўз активларимизни сотишга қараганда чет эл

активларни күпроқ сотиб олсак, капиталлар ҳаракати балансининг сальдоси юз берганини қўрамиз.

Капиталлар ҳаракати ҳисоб вараги кўпинча савдо баланси ва хизматлар баланси такчиллигига нисбатан ўрнини тўлдирувчи ҳисоб вараги вазифасини ўтайди. Мамлакат мъйлум вақт давомида ишлаб чиқарганига қараганда кўпроқ товарларни ва хизматларни истеъмол қиласа, унда чет эл давлат ва хусусий қарзлари ҳамда кредитлари, чет эл капиталининг бошқа оқимлари кундалик истеъмолининг кундалик ишлаб чиқаришдан ортиқ бўлишини, яъни манфий соф экспортни пул билан таъминлашга ёрдам беради.

Тушумлар (К)	Тўловлар (Д)
<b>I. Жорий операциялар баланси</b>	
<b>1-А савдо баланси</b>	
1. Товарлар экспорти	1. Товарлар импорти
<b>I-В. Хизматлар ва нотижорат тўловлари баланси</b>	
Нофактор хизматлар тушумлар	Нофактор хизматлар тўловлар
Юк ташиш ва сугурта	Юк ташиш ва сугурта
Сафарлар	Сафарлар
Бошқа нофактор хизматлар	Бошқа нофактор хизматлар
Трансферт тушумлар	Трансферт тўловлар
<b>II. Капиталлар ва кредитлар ҳаракати баланси</b>	
Бевосита инвестицияларнинг келиши	Бевосита инвестицияларнинг кетиши
Мажмуя инвестицияларнинг келиши	Мажмуя инвестицияларнинг кетиши
Ссуда капиталининг келиши	Ссуда капиталининг кетиши
<b>III. Мамлакат олтин ва валюта заҳиралари ҳамда баланслар ўрнини тўлдирувчи ўзгарышлар</b>	
Олтин ва валюта заҳираларнинг камайиши (соф маблағ чиқиб кетишнинг ўрнини тўлдириши)	Олтин ва валюта заҳираларнинг кўпайиши (софи маблағ келишининг ютилиб кетилиши)

### 5.3.1-чизма. Савдо балансининг тузилиши.

Асосан, жорий операциялар баланси ва капиталлар ҳаракати баланси жами тақчилликнинг ўрнини тўлдирувчи яна бир муҳим таркибий қисми - мамлакат олтин ва валюта заҳиралари ҳисоб варагидир. Агар гўлов балансининг актив сальдоси кундалик

операциялар балансининг манфий сальдосини қопламаса ёки аксинча, кундалик операциялар балансининг актив сальдоси капитал маблағлари ҳаракати ҳисобвараги бўйича манфий сальдосини қопламаса, ниҳоят мазкур балансларнинг иккаласи ҳам манфий соф қолдиққа эга бўлса, мамлакатда илгари жамғарип қўйилган валюта заҳиралари ташки қарзларни қоплаш учун ишончли манба бўлиб хизмат қиласи.

Жорий ҳисоблар бўйича барча операциялар йигиндиси жорий операциялар тўлов балансини ташкил этали. Мамлакатда импорт операциялари натижасида хорижий валютага бўлгани талаб унинг экспорт операциялари таъминлайдиган таклифдан ортиқ бўлди дейлик, уни қоплаш учун мамлакат ё қарз олади (узоқ ва қисқа муддатли кредитлар), ёки ўз кўчмас мулкини (ер, бино) ва молиявий активларини (акция ва облигациялар) согади. Бироқ мамлакат жорий тўлов балансининг ижобий қолдигига эга бўлини мумкин. Агар унинг экспорт операциялари импорт операцияларидан оргик бўлса, шундай ҳолат куватилиши мумкин. Бунда мамлакатда чет элда кўчмас мулкини сотиб олиш ёки бошқа мамлакатларга қарзга беришга йўналтирилган бўлиши мумкин бўлган хорижий валюта ортиқчалиги юзага келади.

Очиқ иқтисодиётли кўплаб мамлакатлар ўз тўлов балансларини ХВФ тавсиялар этган тарих бўйича ишлаб чиқадилар. Бу ривожланган бозор муносабатлари шароитида амалга оширилдиган барча иқтисодий операцияларни акс эттиради. Тўлов балансининг маълумотлари мунтазам чоп этилади ва давлатнинг кредит кобилияти ҳақидаги гувоҳнома сифатида халқаро ташкилотлар, бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари ва тадбиркорлари томонидан кредитлаш ва молиятлашиб, молиявий техник ва молдий ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал этишда қўлланилади.

Ўзбекистонда тўлов баланси фақат республика мустақилликка эришгандан ва бозор муносабатларига ўтилишидан кейин тузила бошланди. Жаҳон бозорида тенг ҳукуқли шерикчилик республикани халқаро иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида ифодаловчи аниқ маълумотларни талааб этади. Шунинг учун республика тўлов баланси Халқаро валюта фонли тавсияларига жуда яқинлаштирилган ҳолда тузилган.

## **VI БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ САВДОСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

### **6.1. Ўзбекистонда экспортни ривожлантириш босқичлари ва муаммолари**

Кўп мамлакатлар ўз ижтимоий-иктисодий ривожланишида кучли протекционизм ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичини босиб ўтадилар, кейин эса, аста-секин экспортга йўналтирилган сиёсатни қўллашга ҳаракат қиласидилар. Кўпинча импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга иктисодий мустақилликка эришишнинг муҳим кўрининиши сифатида қараб келинади.

Мамлакат иктисодий юқори ва барқарор ўсишга эришишта ҳаракат қиласар экан, аста-секин экспортга йўналтирилган иктисодий сиёсатга ўтиши муқаррардир. Шу билан бирга, экспортга йўналтирилган стратегияни шакллантириш учун обдон тайёргарлик кўриш кераклитини таъкидлаш лозим. Бозор тамойиллари бўюқ ривожланган иктисодиётларда протекционизм сиёсатининг қўлланилиши, ресурсларнинг экспортга йўналтирилишига эмас, улардан тўла ва оқилона фойдалана олмасликка олиб келади.

Иктисодий гузилмани муваффақиятли шакллантириш ва тартибга солишда зарурий инвестицияларнинг бўлиши талаб қилинади, бироқ тадбиркорлар, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес вакиллари макроиктисодий кўрсаткичлар тизимида муваффақиятлар кузатилмасдан туриб, инвестиция маблағларини йўналтирумайдилар<sup>1</sup>.

Ўзбекистон ўз мустақилигини қўлга киритгандан сўнг бозор иктисодиётига асосланган жамият қуришга, дунёнинг турли мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, аввало, ташқи савdonи такомиллаштириш орқали жаҳон бозори тизимида интеграциялашиш томон йўл тутди.

<sup>1</sup> Agosin M.R. Trade policy reform and economic performance: empirical experience // Trade and Growth. 1993.

Бугунги кунда экспортни ривожлантириши бу макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришини ривожлантиришига, инвестиция фаолиятини рағбатлантиришига йўналтирилган давлат умумиқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир.

Экспортни кенгайтириш — республикага эркин муомаладаги валютанинг кириб келишини кучайтириш ҳамда миллий валютани мустаҳкамлаш демакдир. Бу корхоналар эҳтиёжманд бўлган янги технологиялар ҳам демакдир. Бу ижтимоий масалаларни ҳал этиш янги иш ўринларини шакллантириши, ижтимоий инфрагузилмани кенгайтириш демакдир. Бу ишлаб чиқариши мунтазам янгилаб туришни кучли тарзда рағбатлантириш демакдир. Бир сўз билан айтганда, экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришини ҳар томонлама рағбатлантириш ва миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаши: “...буғунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиб, уни ҳал этмасдан иқтисодиётимнзнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳакида сўз юритиб бўлмайди”<sup>1</sup>.

Экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг ҳажмини ошириш, таркибини такомиллаштириш, географиясини кенгайтириш мухим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг энг мураккаб вазифалари қаторига киради.

Ўзбекистон ҳом ашё ва табиий ресурслар етказиб берувчи мамлакатлигича қолишида давом этса, стратегия нуқтаи назардан ташқи бозорга қарам булиб қолиши табиий, албатта. Экспортга фақат ҳом ашё ва табиий ресурслар чиқарилса, бундай шароитда миллий хўжаликнинг заифлиги ортади. Негаки унинг самарацорлиги кўпроқ жаҳон ҳом ашё бозорларининг конъюнктурасига боғлиқ бўлиб қолади. Бу бозорнинг аҳволи эса унчалик барқарор эмас. Кейинги найтда пахта толаси, энергетика, қора ва рангли металлар, олтин, минерал ўғитлар бозорлари конъюнктурасининг ёмонлануви мамлакатимиз иқтисодиётига ўзининг бевосита таъсирини ўтказмоқда. Чунки, ҳозирги кунда ҳам республика экспортининг 50 фоизга яқинини ана шу маҳсулотлар ташкил этади.

Маълумки, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти экспорт ҳажмини тўхтовсиз ошириб бориш имкониятини беради.

<sup>1</sup> И.А. Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъбулмиз. Ҳалқ сўзи, 2001 йил 17 февраль.

Бу борада ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигининг асосий кўреаткичларидан бири экспортнинг маҳсулот ва хизматлар таркиби ҳисобланади. Собиқ Йиттифоқ доирасидаги меҳнат тақсимотига кўра Ўзбекистонга ҳом ашё базаси роли берилганлиги республикамиз экспорт товар таркибидаги ўз аксини тоғланлиги ҳаммага маълум. Мустақиллик йиларида ҳом ашё товарларининг экспортини сезиларли даражада қисқартиришга эришилган бўлса ҳам, ҳамон экспорт номенклатурасида ҳом ашё ҳамда тўлиқ қайта ишланмаган товарлар устунлик қилмоқда ва устига-устак, уларнинг сифати ҳам жаҳон стандартларига тўғри келмайди.

Экспорт товар таркиби хақида сўз юритганда шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ислоҳотларнинг бошида асосан пахта толасини экспорт қиласр эди. 1992 йилда унинг мамлакат экспортидаги улуши 62,8 фойизни ташкил этганди. Шу даврда пластмасса ва кимёвий маҳсулотлар улуши 6,07 фойизни, рангли ва қора металлар улуши 9,22 фойизни, энергетика манбалари 6,72 фойизни, машина ва асбобускуналар 7 фойизни, озиқ-овқат маҳсулотлари 2,54 фойизни, бошқа экспорт товарлари ва хизматларнинг улуши атиги 5,65 фойизни ташкил этарди.

Жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича, бир турдаги маҳсулотни кўпилаб микдорда экспорт қилишга мослашиш мамлакат иқтисодиётини ушбу маҳсулотнинг жаҳон бозори конъюнктурасига боғлиқ қилиб қўяди.

Юқорида келтирилган баъзи ижобий ўзгаришларга қарамади, экспортда ҳамон ҳом ашёнинг улуши юқорилигича сақланиб келмоқда. Экспортнинг салмоқли қисмини, маълумки, пахта толаси, энергетика ресурслари ҳамда қора ва рангли металлар ташкил этади.

Экспортнинг ривожланишга салбий таъсир кўрсатадиган бошқа омилардан яна бири бу экспорт номенклатураси таркибининг торлиги ва деярли ўзгармаслиги шароитида айрим экспорт ҳом ашё маҳсулотларининг ҳажмини ошира боришдир. Бунинг оқибатида, яъни маълум бир товарга экспорт тақлифининг оширилиши натижасида нархларнинг тушиши ҳамда экспорт самарадорлигининг камайтиши кузатилади ва бу, ўз навбатида, республика валюта тушумлари ҳажмига путур етказади.

Шу билан бир қаторда экспорт номенклатураси ҳам етарлича кент қамровли эмас. Ўзбекистоннинг экспорт номенклатураси атиги 300 турдаги товарларни ўз ичига олади. Агар ушбу

кўрсаткични солиштирадиган бўлсақ, Хитой 50000 турдаги товарларни экспорт қиласди<sup>1</sup>.

Бу маълумотлар Ўзбекистоннинг экспорт товарлари таркибининг ниҳоятда торлигини ҳамда миллий иқтисодиётимиз ҳамон хом ашё бозорларига сезиларли даражада боғлиқлигини кўрсатади.

Ушбу масалада, фақат хом ашё экспортигагина таяниш мумкинми, деган савол туғилади. Албатта, мамлакатнинг хом ашё ресурсларига бойлиги, унинг жаҳон бозорларида нисбатан осон сотилиши нуқтаси наҳаридан афзаликка эгалигини тан олиш керак. Лекин, мамлакатнинг хом ашё ресурсларига бойлиги бир қатор сабабларга кўра иқтисодиётнинг, жумладан ташқи савдонинг ижобий ривожланишига етарли асос бўла олмайди:

- биринчидан, хом ашё экспорт қилувчи мамлакат жаҳон хом ашё бозорлари конъюнктураси ва нархлар динамикасига боғлиқ бўлади;

- иккинчидан, хом ашё экспорти нисбатан юқори бўлмаган кўшимча, устама яратилган киймат билан боғлиқ бўлиб, хом ашёнинг баҳоси унинг табиий танқислигига (чекланганлигига) асосланган бўлади;

- учинчидан, Ўзбекистоннинг хом ашёга бойлиги маълум маънода юқори қийматли рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга бўлған ҳаракатга птур етказимиш мумкин.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, мамлакат экспорти асосан айрим турдаги товарлар ёки хом ашёга боғлиқ бўлса, уларга бўлган жаҳон бозори конъюнктурасининг салгина узгариши (ласайиши) ҳам мамлакат экспорт тушумларининг кескин қисқаришига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатнинг олдини олини учун, бир томондан, экспорт номенклатурасини кенгайтириш ва умумий экспортида ҳар бир турдаги хом ашё маҳсулоти улушини қисқартиришга эришиш муҳим бўлса, бошқа томондан, ҳалқаро хом ашё экспортидаги Ўзбекистоннинг ҳиссаси салмоқли эканидан фойдаланиб, экспортимизнинг асосини ташкил этувчи хом ашё жаҳон бозорлари конъюнктурасига таъсири эта олишини ўрганишимиз ва бунга эришишимиз зарур.

<sup>1</sup> “Макроэкономические проблемы переходного периода в Узбекистане”, группа авторов, Центр экономических исследований и статистики ЦБ РУз, издательский дом “Мир экономики и права”. Ташкент, 1998, стр. 123.

Албатта, баъзи бир ҳолларда ва алоҳида даврларда жаҳон бозорлари конъюнктурасининг ўзгаришини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Бироқ, бу борада асосий сабаблар ички сабаблар бўлиб, биринчи навбатда экспортни тартибга солувчи ва рағбатлантирувчи ягона давлат сиёсатининг йўқлиги ва экспортга кўмаклашиш аниқ чора-тадбирлари механизмининг ишламаслиги ҳисобланади. Шу билан бирга ҳалқаро андозаларга мувофиқ, Ўзбекистонда ҳозирги кунда ҳам экспорт кўлами салмоқли деб бўймайди. Ўзбекистон аҳоли жон бошига нисбатан экспорт ҳажмининг тақсимланиши бўйича МДҳдаги бир қатор давлатлардан бирмунча ортда қолмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида экспортнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ривожлантиришга, бунинг учун унинг ҳажмини доимий кўпайтириб боришга, жуғрофияси ва таркибини бирмунча кенгайтиришга эришилганлигини намоён этмоқда. Лекин шу билан бирга экспорт ҳажмининг 1997 йилдан бошланган пасайиш тенденцияси, таркибида ҳали ҳам ҳом ашё улушининг катталиги бу соҳада муаммолар ҳам мавжудлигидан далолат беради. Экспортни ривожлантиришни секинлаштираётган омиллар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ташки бозорга ишлайдиган корхоналарни молиявий кўллаб-куватловчи молия-кредит секторнинг етарли ривожланмаганлиги;
- нархлар эркин бўлган бир шароитда кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқариш монополиясининг сақланиб қолиниши корхоналарга истаганча нарх ўрнатиш имконини бермоқда. Улар бундай шароитда ўз маҳсулотларини ички бозорда сотишдан кўпроқ манфаатдорлирлар;
- хусусий секторнинг суст ривожланганлиги ва унинг экспортдаги улушининг сезиларли эмаслиги;
- экспорт қилинадиган маҳсулотлар нархининг қимматлашишига сабаб бўлаётган ҳамда уни иқтисодий жиҳатдан фойдасиз қилиб қўяётган сабаб, аксарият ҳолларда тарифлар жуда юқори бўлган мавжуд юқ ташиш тизими;
- кўпгина корхоналарнинг фаол ташки иқтисодий сиёсатга эга эмаслиги. Бу маркетинг тадқиқотлари ва реклама ишларини жуда заиф равишда ташкил этилганлигига кўзга ташланмоқда;

- экспорт маҳсулотларини кўпайтириш учун яхши имканиятга эга бўлган айрим корхоналарда зарур айланма маблаглар ва сармояларнинг йўқлиги;
- экспортдан тушадиган валюта тушумининг давлатга мажбурий сотиш ставкасининг бир оз юқорилиги, миллий валюта расмий курсининг юқори қилиб белгиланганлиги;
- кўпгина тайёр маҳсулот турларини ишлаб чиқаришнинг эскириб қолған технологияларидир. Улар инилаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг серхаражатлилиги, кўп материал ва энергия талаб қилиши билан ажралиб туради. Натижада кўпгина маҳсулот турлари таннархининг жаҳондаги шундай маҳсулотлар таннархидан анча юқорилиги уларни рақобатга бардошсиз қилиб қўймоқда;
- экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва экспортга кўмаклашиш тизимининг етарли эмаслиги.

Ушбу санаб ўтилган, экспортнинг ривожланишинига салбий таъсири кўрсатаётган омилларни тартибга солишда ва барта-раф этишда, шубҳасиз, давлатнинг асосий роли иқтисодиётни эркинлаштирини жадаллаштириш ҳамда экспортни тартибга солувчи, рагбатлантирувчи ягона давлат тизимини ва экспортга кўмаклашиш аниқ чора-тадбирлари механизмини барпо этишда намоён бўлиши керак.

Хозирги даврда Президент И.А.Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукумати маҳаллийлаштириш дастури доирасида ташқи савдони ривожлантиришнинг устувор йўналиши экспортга йўналтирилган иқтисодиётни ривожлантириш, деб ҳисоблади. Бу сиёсатнинг муҳим таркибий қисмлари қўйидагилардан иборат: **биринчидан**, экспорт таркибини диверсификациялаш ва хом ашё маҳсулотлари ҳамда материалларини экспорт қилишдан, қўшимча қиймат улуши кўпроқ бўлган тайёр маҳсулотлар чиқаришга ургу бериш; **иккинчидан**, тегинли инфратузилмани ривожлантириш орқали эришиладиган экспорт маҳсулотини фаол йўналтириш; **учинчидан**, янги технологиилар олиб келиш ва мамлакат экспорт салоҳиятини орттиришга кўмаклашадиган чет эл инвесторлари иштирокидаги қўшма корхоналарни бунёд этиш; **тўртингчидан**, импорт ўрнини босадиган товарлар сиёсатини товарларни импорт қилиш ўрнига машиналар ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги учун ускуналар импорт қилишга қаратишни назарда тутиш.

Фикримизча, юқорида қайд этилган муаммоларни таҳдил қилиши Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини

ривожлантириш бўйича яқин истиқболларга мўлжал қилинган стратегиясининг асосий йўналишлари сифатида қўйидагиларга муҳим аҳамият бериш лозим:

- **биринчидан**, экспортни рағбатлантириш учун, аввало, барқарор макроиқтисодий шароит яратиш лозим. Бу инфляциянинг суръатлари барқарор ва башорат қиласиган тарзда бўлиши, валюта алмаштириш курси бир хил бўлишини англатади. Бундай шароит экспортёрларга ташқи савдо шартномалари тузиш, аккредитивлар очиш, валютани эркин алмаштиришга ишонч ва узларининг келажак даромадлари ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиш имконини беради.

- **иккинчидан**, экспорт салоҳиятининг ривожланишига макроиқтисодий омиллар ҳам кўмаклашиши лозим. Ҳўжалик юритувчи барча субъектларнинг мулк шаклидан қаттий назар, импорт қилинаётган ишлаб чиқариш воситаларини олиш учун бир хил имкониятга эга бўлишларини таъминлану бу омиллар ичida энг муҳим ўрин тутади.

- **учинчидан**, инсон омилини ривожлантириш экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса турли бўғинлардаги мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш вазифасини ўз зиммасига олиши лозимлигини билдиради. Бунинг учун ишчиларнинг билимлари ва кассб малакаларини такомиллаштириш, ишчиларни тайёрлаш замонавий техника ва технологиялар асосида амалга оширилиши керак.

- **тўртинчидан**, экспорт салоҳиятини рағбатлантириш мақсадила турли муруватлардан фойдаланиш зарур. Биринчи наебатда, унча узоқ бўлмаган муддатга экспорт субсидияларини киритиш лозим. Аммо бундай субсидиялар уларни амалга ошириши учун қилинадиган бюджет харажатларини кўпайтирмаслиги керак. Экспортни рағбатлантиришнинг энг қулай шакли эркин иқтисодий зоналар ҳисобланади.

- **бешинчидан**, қулай иқлим шароитлари ва аҳолининг анъанавий малакаларидан мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириша кенг фойдаланиш зарур. Бунда аҳолининг мева ва сабзавот етишитирши бўйича малакалари назарда тутилмоқда.

Бизнингча, Ўзбекистон Евropa Иттилоғи мамлакатлари ичida сабзавотларни етказиб беришда асосий ўринни эгаллаб келаётган Голландия ва Португалия сингари мамлакатлар тажрибасини ўрганиши зарур. Бу тажрибани қўллаш Ўзбекистонда ҳам экспортга йил давомида сабзавот етказиб берувчи бугун

бир соҳани яратиш имконини беради. Етиштирилган маҳсулот Ўзбекистон мева на сабзавотларининг анъанавий истеъмолчи-лари бўлган Қозогистон, Россиянинг Сибирь, Урал ва бошига минтақаларига етказиб берилиши керак. Мева ва сабзавот ишлаб чиқариш мамлакат экспорт салоҳиятини олдинга тортувчи локомотивга айланиши керак. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг бу турига жуда катта эътибор бериш ва давлат ёрдамини кўрсатиш зарур.

Экспортга йўналтирилган иқтисодиётни яратиш стратегиясини амалга оширишнинг 2-босқичида экспорт салоҳиятини, айниқса, саноатнинг қайта ишлаш соҳаларида, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон иқтисодиётини технологик жиҳатдан модернизация қилиш бўйича ўғказиладиган тузилмавий ўзгаришларнинг энг муҳим элементига айланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш ва ўзбек корхоналари маҳсулотларининг дунё бозорига муваффақиягили кириб боришини таъминлаш учун ташқи савдо соҳасини эркинлаштиришдан ташқари, бу фаолиятни давлат томонидан қўллаб-кувватлаш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилиши керак. Бизнингча, бу тадбирлар сирасига қўйида-гилар киради<sup>1</sup>:

- корхоналарни тузилмавий қайта қуриш ва техник модернизациялаш учун зарур ҳажмда молиявий манбалар ажратиш;
- экспортни кафолатлаш ва сугурга қилиш жамғармалари ташкил қилиш учун маблағ ажратиш;
- ҳар бир вилоят ва йирик шаҳарда маркетинг тадқиқотлари марказлари очиш, уларнинг фаолиятини дунё бозорига рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш ва реклама хизмати кўрсатишга йўналтириш;
- биринчи наебатда, харидорлари ҳали ўзбек маҳсулотларини унугтиб ултурмаган МДҲ мамлакатларида дилерлар, савдо уйлари ва консигнация омборлари кенг тармоғини вужудга келтириш.

Экспорт қилинаётган товарларнинг энг катта улуши Ўзбекенгилсаноат, Ўзкимёсаноат ассоциациялари маҳсулотига тўғри келишини, бу ички ва дунё бозори талаблари билан белгиланганини нэзарда тутиб, келажакда ҳам шу соҳаларга чет

<sup>1</sup> Проект программы развития экспортного потенциала РУз на период до 2005-2010 гг. МВЭС РУз, 2000.

Эл инвестицияларини жалб қилишни давом эттириш мақсадга мувофиқдир. Экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг харажат таркибини таҳлил қилиш экспортнинг энг маъқул номенклатурасига қайта ишловчи соҳалар ва енгил саноат маҳсулотларини киритиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришда импорт қилинаётган бутловчи қисмлар ҳажми экспорт нархининг тўргдан бир қисмидан ортмайди ва бу маҳсулотни экспорт қилиш самарадорлигини таъминлади. Шу сабабли, мана шу соҳалар, айниқса, енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилишни кўпайтиришнинг янги имкониятларини топиш мақсадга мувофиқдир. Енгил саноат маҳсулотларини экспорт қилишнинг янги шаклларидан бири аҳолининг асрлар давомида тўғллаган тажрибаси борлигини ҳисобга олиб, кийим ва пойафзал тикадиган корхоналар ташкил қилиш бўлиши мумкин.

Ёқилғи-энергетика мажмуининг мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш бўйича бундан кейинги фаолияти энергия ташувчилар, айниқса, газ қазиб олиш ва қайта ишлашни кўпайтиришга йўналтирилган инвестициявий лойиҳаларни якунлаш ва янги қонларни ўзлаштиришдан иборат бўлиши керак. Ёқилғи-энергетика мажмуми экспорт салоҳиятини 2005 йилда 0,5 млрд, 2010 йилда эса 1,0 млрд. АҚШ долларига етказиш кўзда тутилмоқда.

Яқин келажакда машинасозлик корхоналари экспорт салоҳиятини замонавий музлаткичлар, қишлоқ хўжалиги учун машиналар, янги енгил автомобиллар, қўрғошинли аккумуляторлар, автомобилдвигателлари ва бошқа маҳсулотлар ҳисобига ошириш кўзда тутилмоқда.

Машинасозлик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 2005 йилда тахминан, 2 млрд., 2010 йилда эса, 4 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиш мўлжалланган.

Ўзбекистон экспорт салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириша хизмат кўрсатиш соҳаси, аввало, Тошкент аэропорти базасида ҳалқаро юқ ташиш марказини ташкил қилиш орқали ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Туризмни ривожлантириш ҳам валюта тушумларини кўпайтиришнинг муҳим йўналишидир.

Ўзбекистоннинг рақобат қилишдаги устунликлари экспортта йўналтирилганликни муваффақиятли ривожлантириш учун асос бўлинни керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳаллий хом ашёдан фойдаланадиган соҳалар каттароқ имкониятга эга. Улар қаторига қўйидагиларни киритиш мумкин:

— ички хом ашё ва меҳнат ресурсларини қамраб олиши мумкин бўлган кўп меҳнат ва кўп ресурс талаб қилувчи соҳалар. Тўқимачилик, кимё ва озиқ-овқат саноатининг баъзи турларини ҳам шулар қаторига қўшиш мумкин;

— баъзи техника ва илмни кўп талаб қилувчи соҳалар. Улар ўзлари билан бошқа инвестициявий лойиҳаларни чуқур ишлаб охирига етказишни тақозо этади. Булар жумласига биокимёвий ишлаб чиқариш (аввало, маҳаллий хом ашёдан дорилар ишлаб чиқариш), электрониканинг баъзи элеменитларини ишлаб чиқариш (фото ва қуёш элементлари), ядро физикасининг тижорат йўналишлари, машинасозликнинг қатор йўналишларини киритиш мумкин.

Бирламчи соҳалар (қишлоқ хўжалиги, энергетика ва қазиб олиш саноати) нинг барқарор ривожланиши иқтисодий ўсишнинг муттасил давом этиши учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ўзбекистонда ЯИМ таркибида бошқа соҳаларга нисбатан катта улушга эга бўлган ва энг кўп ишчи кучини банд қилган қишлоқ хўжалик соҳаси алоҳида эътиборга лойиқ. Нархларни эркинлаштириш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган аграр ислоҳотлар мамлакат иқтисодининг тез ва барқарор ривожланиши учун пойдевор бўлиши керак<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, яқин йиллар ичida Ўзбекистон Республикаси дунёда энг динамик ривожланаётган мамлакатлардан бирига айланиши мумкин. Агар иқтисодиёт ва ташқи савдони эркинлаштиришга қаратилган кечиктириб бўлмайдиган чортадбирлар мажмуи мақсадга мувофиқ тарзда ишлаб чиқилса ва амалга оширилса, бу мақсадга эришишиш муқаррар, албатта.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва бу жараёнга миллионлаб оддий меҳнаткашларни жалб этиш йўли билангина экспорт салоҳиятини ошириш мумкин. Шу сабабли, давлат асосий эътиборни чет эл инвестицияларини жалб қилишга, бунинг учун зарурый шарт-шароитларни яратиш йўли билан экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратиши лозим.

Экспортга йўналтирилган иқтисодни ривожлантиришда муваффақиятларга эришган мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, мамлакат мавжуд табиий заҳиралар ҳисобига эмас, балки инсон салоҳиятидан оқилона ва самарали фойдаланган

<sup>1</sup> Государственная программа развития экспортного потенциала Республики Узбекистан. Т., 1997.

ҳолда ривожланишнинг юқори чўққиларига кўтари-лиши ҳамда гуллаб-яшинаши мумкин. Бунинг учун эса бозор иқтисодиёти шароитида инсон омилига кўпроқ аҳамият ва эркинликлар бериши зарур.

## **6.2. Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш орқали ташқи савдони кенгайтириш истиқболлари**

Ўзбекистоннинг турли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларининг ривожлантирилиши унинг жаҳон хўжалиги интеграциясида самарали иштирок этишини таъминлайди. Бундай халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ўтиш даври муаммаларини ҳал этишни, шунингдек ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалигини шакллантиришни енгиллантиради. Бу нарса кредитлар олишда, бевосита хорижий инвестицияларни (БЧИ) жалб қилишда, маҳсулотларни жаҳон бозорларига чиқаришида катта ёрдам беради. Бундай ташкилотлардан бири БМТдир. Бу ташкилот турли муассасалар доирасида жаҳон тараққисти муаммоларини ҳал этишда ноёб тажрибаларга эга бўлган, турли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишлардаги мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилишга асосланган ўзаро ёрдам кўрсатишнинг самарали воситаларини ишлаб чиқган.

Ўзбекистоннинг БМТ доирасига кирувчи ихтисослаштирилган ташкилотлар, Европа Йиттифоқи минтақавий интеграция блоклари билан билан ҳамкорлиги мамлакат ташқи савдоси ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон умумевропа жараёнининг фаол қатнашчиси бўлиб ҳисобланади. Ҳозирда дунёда Марказий Осиё иқтисодий ва сиёсий аҳамиятининг ортиб бораётганлиги бизга савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларимиз порлоқ истиқболига ишонч билан қараш имконини берибгина қолмай, Ўзбекистон билан Европа Йиттифоқи ўргасида стратегик шериклик муносабатларини ўрнатиш имкониятини ҳам яратади.

Хусусий соҳани ва тадбиркорликни мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, мулқдорлар синфини қарор топтириш, ҳаётимизга замонавий меъёрлар ва андозаларни жорий этиш учун кўрсатилаётган ёрдам ғоят муҳимдир.

1996 йил июнида Флоренцияда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида имзоланган шериклик ва ҳамкорлик түғрисидаги битим ўзаро муносабатларда янги босқич бўлди. Бундай муносабатларга Ўзбекистон - халқаро ҳамжамият ва жаҳон хўжалигига бирлашишга мўлжалланган ташқи сиёсатнинг устивор йўналиши, деб қарамоқда.

Осиё Ривожланиш банки - молияни ривожлантириш муассасаси - Осиё ва Тинч океан минтақаларида иқтисодий ва ижтиммоий тараққиётга кўмаклашиш мақсадида тузилган бўлиб, ҳозирги пайтда республиканинг мазкур муассаса билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганлиги экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган хусусий бизнесни ривожлантириш имконини бермоқда.

Банк 1966 йил декабрида ташкил этилган бўлиб, 36 йиллик фаолияти давомида дунёning энг кўп аҳоли яшайдиган ва тез ривожланаётган минтақасида рафбатлантирувчи сиёсат олиб бормоқда. ОРБ Ўзбекистонга кредитлар, инвестициялар ва техник ёрдамлар кўрсатиш билан бир қаторда ўртача муддатли стратегик мақсадларни белгилайди. Банк фаолияти иқтисодий ривожлантиришга, камбағаллик даражасини на сайтиришга, хотин-қизлар мақомини оширишга, меҳнат ресурсларини ривожлантиришга ҳамда табиий ресурслар ва атроф-муҳитни бошқаришда оқилона қоидалардан фойдаланишда ёрдам беради.

Ўзбекистоннинг Умумжаҳон савдо ташкилоти (БСТ/ГАТТ) билан ҳамкорлиги ҳам ривожланмоқда. Бу ташкилот 1947 йилдан ишлаб келаётган тарифлар ва савдо бўйича бош битим негизида тузилган. ГАТТга халқаро савдонинг кўп асрлик тарихида вужудга келган учта қоила асос қилиб олинган.

Ҳозир бу битимга 148 та мамлакат имзо чеккан. АҚШда божхона божларининг камайтирилганилиги унинг самарадор эканлиги ҳақида мулоҳаза юритиш имконини беради. 1947 йилда Америка божхоналари таҳминан 25-27 фоиз даражасида бож олган бўлсада, ҳозир уларнинг микдори 5-7 фоизгача камайтирилган.

ЕТТБнинг Ўзбекистондаги фаолияти. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган умумий қиймати 536 млн. АҚШ долларига тенг 9 та лойиҳа бўйича ЕТТБ иштирокининг улуши 253,1 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Яна 1116,5 млн. АҚШ доллари сарфланадиган 10 та лойиҳа кўриб чиқилмоқда. ЕТТБ кредитлари асосида кўйидаги мамлакат-

лардан инвестициялар жалб қилингани ҳолда ишлаб чиқариш ва молия фаолияти билан шугулланувчи дастлабки қўшма корхоналар тузилган: АҚШ - Ньюмонт Майнинг (олтин қазиб олиши); Германия - “Саламандер” (пойафзал ишлаб чиқариш; Германия - “Сенакко” (қишлоқ хўжалик ускуналари ишлаб чиқариш); Япония - “Марубени”, “Кансбо” (пилла чиқитларини қайта ишлаш); Канада - “Варта Индастриз Корпорэйшин” (чорвачилик учун озуқа қўшимчалари); Испания - “Ревинза” (вино ва шарбат ишлаб чиқариш); Голландия - “АБН-Амро-Ўзбекистон-Миллий банки” (қўшма банк); Малайзия - “Ўзбеклизинг Интернинг (қўшма лизинг компанияси).

1995 йилда ЕТТБ савдога ёрдам дастури доирасида Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан мамлакатимиз банкларининг маҳсус танланган гурӯҳи билан таъсис этилган 39 миллион ЭКЮ миқдорида ўзининг дастлабки битимини имзолаган эди. Савдо-сотиққа кўмаклашиш дастури икки йилга мўлжалланган. ЕТТБ бу механизм доирасида иштирок этаётган Ўзбекистон банкларининг савдо-сотиқ билан бөғлиқ молиявий омилларга мувофиқ бунда қатнашувчи чет эл вакил банклари олдидаги мажбуриятларининг кафили бўлади.

Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. 1992 йил сентябридан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Халқаро валюта фондининг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 мартағи 93-ф сонли фармойишига биноан ХВФ заҳиратларига аъзолик бадаллари: валюта қисмига 46816000 СДР бир кунлик фоизсиз қарз операцияси орқали; рубль қисмига - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ХВФ ҳисоб варағига 152684000 СДР тўланиб, у фоизсиз векселга айрибошланди.

Жаҳон банки ташкилотлари – Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки (ХТТБ) ҳамда Халқаро ривожланиш уюшмаси (ХРУ) билан ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. Уларни битта марказий масала: ривожланаётган мамлакатларда меҳнат унумдорлигини ошириш ва халқаро турмуш шароитини яхшилаш йўли билан уларни ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга ёрдам берии вазифаси бирлаштиради.

Бутун лунёдаги хусусий инвесторлар билан яқиндан ҳамкорлик қилувчи ва ривожланаётган мамлакатларнинг тижо-

рат корхоналарига маблағ ажратувчи ҳалқаро молия корпорацияси (ХМК), шунингдек, нотижорат таваккалчиликка қарши капитал маблағларни сугурта қилиш йўли билан ривожланаётган мамлакатларга беносита чет эл инвестицияларини жалб қилиш мақсадида тузилган.

Ана шу тўртта ташкилотдан энг каттаси на эскиси 1945 йилда тузилган ХТТБдири. ХТТБ унинг сармоясига обуна бўлган 178 та мамлакат ҳукуматининг мулкидир. ХТТБ Битими муддаларига кўра Ҳалқаро валюта фонди аъзоси бўлган мамлакатларгина унга аъзо бўлиш ҳукуқига эгадирлар. ХТТБ ресурсларининг катта қисмини Европа, Япония ва АҚШ сармоя бозорларидан ўртача ҳамда узоқ муддатли қарз олип ҳисобидан жалб қиласди. Маблағлар, шунингдек, марказий банклардан ва ҳукуматнинг бошқа муассасаларидан бозор фоиз ставкалари бўйича ҳам жалб қилинади.

Ресурсларни жалб қилишдан ташқари низом жамғармаси, тақсимланмаган фойда ва берилган қарзларнинг ўз вақтида ундирилиши ҳисобидан ҳам катта маблағ келиб тушади.

ХМК 1956 йилда тузилган ва унинг вазифаси хусусий соҳада иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ҳамда бу мақсадлар учун ички ва хорижий сармояларни сафарбар этишида ёрдам бериш йўли билан ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётини мустаҳкамлашда кўмаклашишдан иборат. 165 та мамлакат аъзо бўлган ХМК ва Жаҳон банки ҳукуқий ҳамда молиявий жиҳатдан мустақил ташкилотлардир. ҳозирги пайтда, Ўзбекистон Республикасининг мазкур ташкилот билан ҳам ҳамкорлиги фаоллашаётган бўлиб, бу мамлакатимизнинг жаҳон хўжалиги тизимига интеграциялашувини янада тезлаштиради.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг жалқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда ташқи савдо омилиининг ривожланишига асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

## ХУЛОСА

1. Турли иқтисодчиларнинг интеграция жараёнларининг ривожланиши тўғрисидаги назарий ёндашувларни умумлаштирган ҳолда интеграция ўзида минтақавий кўламда сифат жиҳатидан янги иқтисодий муҳитни шакллантириш йўли билан миллий хўжалик комплексларининг яқинлашиши ва ўзаро бирбирига кириб боришни ифодалайди дейиш мумкин.

Жаҳон тажрибасини ўрганиш шундан далолат беради, интеграция давлатнинг жаҳон хўжалигига қўшилишини рагбатлантириш учун самарали, туб таниқи иқтисодий сиёсат эканлитигини, барқарор иқтисодий ўсишини, аҳоли даромадлари ўсишини, инсон капитали жамланишини, иқтисодиётда илғор технологик ва таркибий силжинлар юз беришини, ишлаб чиқариш, инвестицияларни бошқариш ҳамда уларнинг сифати ошишини таъминлашидан далолат беради.

2. Иқтисодий интеграциянинг асосий тушуунчалари ва тасифларини таққослаш орқали ишлаб чиқаришининг байналимилаллашуви даражаси интеграцияга таъриф беришнинг асосий омили бўла олиши мумкинлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Ишлаб чиқариш байналмилаллашувининг эришилган даражаси бўйича интеграция тузилмаларини фарқлаш зарур. Халқаро иқтисодий интеграцияни уч даражали модел сифатида қараш мумкин (айниқса, унинг Фарбий Европа вариантида):

- микро даражада, яъни корпоратив даражада, бунда айри ү компаниялар тўғридан-тўғри хўжалик алоқаларига киришади, интеграция жараёнларини авж олдиради;

- давлатлараро даражада, бунда давлатнинг мақсадга йўналтирилган фаолияти (жамоавий ёки бир томонлама фаолияти) мамлакатларнинг у ёки бу грухи доирасида меҳнат ва капитал чатишиб кетишининг интеграция жараёнларига кўмаклашади, алоҳида интеграция воситалари мавжуд бўлишини таъминлади;

- миллий манфаатлардан устун турувчи даражада, бунда иштирокчи мамлакатлар бир қанча сиёсий-иктисодий суверенитетдан воз кечиб иттифоққа иктиёрий равишда бирлашадилар.

Бизнингча, реал иқтисодий интеграция ўзида қатнашувчи мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларининг муайян tengлигини назарда тутувчи ишлаб

чиқаришнинг халқаро умумлаштирилиши даражасини ифодалайди.

3. Иқтисодий интеграция ўз асосига кўра бир қанча объектив омилларга эгадир. Улар орасида Қўйидагилар мұхим ўрин тутади: хўжалик ҳаёти байналмиллашувининг ўсиши; халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви; хусусиятига кўра умумжаҳон илмий-техник инқилоби; миллий иқтисодиётлар очиқлиги даражасининг ошиши.

*Тадқиқот нацижалари иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграцияси музэммолари ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришининг назарий-методологик ва амалий асосларини фаоллаштириш ва янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатди. Иқтисодиётнинг очиқлиги даражасининг ошиши ва ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш глобаллашув, трансмиллий ва миллий иқтисодиётнинг байналмиллашуви шароитида мамлакатларнинг жаҳон хўжалиги ҳолатига боеклиқлигини кучайтиради.*

4. Европа интеграциясининг таҳлили иқтисодий интеграциянинг старлича мураккаб жараён эканлигини кўрсатади. Farbий Европа интеграциясининг 50-йиллардан ҳозирга қадар нотекис ва нисбатан зиддиятли ривожланганлигини кўриш мумкин. Шунга қарамасдан, Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этишда олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш изчил ҳамда муваффақиятли кечди.

“Умумий бозор” деб юритиладиган Европа иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этиш қўйидаги мақсадларга қаратилди: иштирокчи давлатлар ўртасида савдо бўйича ўрнатилган барча чеклашларни аста-секин бартараф этиш; учинчи мамлакатлар билан савлода умумий божхона тарифини белгилаш; “инсонлар, капитал, хизматлар” эркин ҳаракатини таъминлаш; транспорт ва қишлоқ хўжалиги соҳасида умумий сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; валюта иттифоқи ташкил этиш; солиқ тизимини бирхиллаштириш; қонунчиликни яқинлаштириш; келишилган иқтисодий сиёсат тамойилларини ишлаб чиқиш.

5. Тадқиқотлар ривожланаётган мамлакатлардаги реал интеграция жараёнлари ҳали жуда кучсиз эканлигини ва характеристига кўра ўзаро фарқланишини кўрсатди. Кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар амалда интеграция жараёнларидан ташқарида қолмоқда, яъни ҳам алоҳида фирмалар ва корхоналар, ҳам миллий хўжаликлар даражасида доимий равишда ри-

вожланиб борувчи бевосита мамлакатлараро алоқалардан ташқариди қолмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ҳамкорлиги, улар томонидан эълон қилинган интеграция мақсадлари реал интеграция жараёнининг тайёргарлик босқичи бўлиб ҳисобланishi мумкин.

6. Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодий интеграцияси ривожланиши тажрибаси “давлат бошчилик қилаётган иқтисодиёт” модели доирасида мамлакатнинг муваффақиятли ривожланиши учун энг аввало учта мажбурий шартни таъминлаш зарурлигини кўрсатади. Биринчидан, давлат корхоналари эмас, балки хусусий корхоналар иқтисодий ўсишнинг ички двигателларига айланиши керак. Иккинчидан, иқтисодий сиёсат экспортга аниқ йўналтирилган ҳолда қурилиши лозим. Учинчидан, иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилиши кучли иқтисодий рагбатлар негизига қурилиши керак.

7. Халқаро иқтисодий интеграция шароитларида жаҳон тараққиёти тенденцияси устунлик қиласди. Европа Иттифоқи ва бошқа халқаро бирлашмаларнинг тажрибаси Марказий Осиё доирасида интеграция жараёнларини ривожлантириша кўл келиши мумкин.

Европа Иттифоқи, НАФТА, АСЕАН, МЕРКОСУР ва бошқа бирлашмаларнинг тажрибаси бир қанча хулосаларга келиш имконини беради. Ушбу хулосалардан Марказий Осиё ҳамдўстлиги доирасидаги интеграция жараёнларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин.

8. Ўтиш иқтисодиёти шароитида меҳнатнинг ҳудудий тақсимланиши устунликларидан, давлатлараро саводдан, ишлаб чиқариларининг ихтисослашуви ва кооперациясидан самарали фойдаланиш, шунингдек умуммintaқавий экология муаммоларини ҳал этиш Марказий Осиё давлатлари интеграциясининг асосий мақсади бўлмоғи лозим.

Марказий Осиё минтақасида эркин савдо ҳудуди асосларининг барпо этилиши иқтисодиётнинг минтақавий интеграцияси ривожланиши ва чукурлашишининг муҳим жиҳати эканлигидан келиб чиқсан ҳолда трансмиллий компаниялар, молиясаноат турұхлари ва эркин савдо ҳудудлари ташкил этиш асосида Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг көнгрөң интеграциялашувига эришиш республикамиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш учун зарурый шарт шароитларни яратиши мумкин. Айтиш мумкинки, тугалланган технологик циклли саноатнинг етакчи тармоқлари ва қишлоқ

хўжалигини ривожлантириш асосида Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётининг ягона комплексини ташкил этиш давлатлараро халқаро меҳнат тақсимотини янада кучайтириш имконини бериши мумкин.

9. Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсига, глобал даражада амалга оширилаётган стратегик интеграциявий вазифаси – мамлакатнинг барча хўжалик юритувчи субъектларига ташқи дунё билан ўзаро ҳамкорлиги учун тенг ҳуқуқли ва миллий манфаатларга жазоб берувчи шарт-шароитларни яратишга қаратилиши зарур. Унбу вазифанинг амалга оширилиши Ўзбекистонга XXI асрда жаҳон иқтисодиёти учун хос бўлган глобалланув жараёнларида тўлиқроқ иштирок этиш имконини беради.

10. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида жаҳон глобаллашувининг объектив тенденцияларини ҳисобга олмаслиги мумкин эмас. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига қўшилиш жараёни иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан бошлиқдир. Хорижий инвестициялар, ташқи кредитларнинг жалб этилиши экспорт базасининг ҳамда импортнинг ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларнинг муҳим элементлари сифатида қаралиши лозим.

11. Ўзбекистон экспортга йўналтирилган сиёsat орқали жаҳон хўжалигига иқтисодий интеграциялашувни ривожлантиришнинг улкан салоҳиятига эга. Шу билан бирга республика иқтисодиётининг экспортга йўналтирилган ривожланишини тўхтатиб турган омиллар мавжудdir. Жумладан: 1) иқтисодиётда хусусий секторнинг етарлича ривожланмаганииги ва бунинг оқибати сифатида хусусий корхоналар экспортининг жуда оз эканлиги. Кичик корхоналар секторининг суст ривожланганлиги, уларнинг экспортдаги ҳиссасининг оз эканлиги иқтисодиётнинг нобарқарорлиги, монополизация ва инфляция сақланиб қолишига қўмаклашиши мумкин; 2) экспортдан олинган даромаднинг давлат билан маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасида номуқобил тақсимлашиши, қишлоқ хўжалигига даромадларнинг текис тақсимланмаслиги бутун иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг потенциал ўсишида салмоқли йўқотишларга олиб келиши мумкин; 3) экспорт қилувчиларнинг маъмурий жиҳатдан етарлича қўллаб-куватланмаслиги, тайёр маҳсулотни экспорт қилишга рұксатномаларни расмийлаштириш билан боғлиқ расмиятчиликларнинг кечиктирилиши.

12. Монографияда хорижий мамлакатлар иқтисодиётининг ажралмас белгиси сифатида замонавий рақобат кўламли ва динамик ривожланишга эга эканлиги асосланади. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш уч даражада: микродаража, мезодаража ва макродаражада рақобат муносабатларини ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

Хўжалик алоқалари глобаллашуви шароитида рақобат афзалликлари шакллантирилиши хусусиятлари ва омилларини таҳлил этиш доирасида Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиқтисодий жиҳатлари унинг рақобатбардошлиги муаммоларини тадқиқ этишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ишлаб чиқариш омиллари, талаб шартлари, турдош ва қўллаб-кунватловчи тармоқлар мавжудлиги, фирмаларнинг стратегияси ва тузилмаси каби омиллар рақобат афзаллигининг асосий детерминантлари ролини бажаради.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш жараёнини тадқиқ этиш қиёсий рақобат афзалликларини таъминлашга қаратилган ҳар бир детерминант ва омиллар таъсирини, шунингдек уларнинг ўзаро ҳамкорлиги механизmlари таъсирини таҳлил этишини тақозо этади.

Ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги ва уларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилиши мамлакатнинг геостратегик салоҳиятини кўп жиҳатдан белгилаб беради, миллий иқтисодиёт тузилмасини шакллантиради, мамлакат рақобатбардошлигининг ўсиши учун шарт-шароитлар яратади.

12. Ўзбекистон иқтисодиётини юксалтиришда ташқи савдонинг ролини янада ортириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини ошириб бориш орқали жаҳон бозорида республиканинг ўзига хос мустаҳкам ўрнини эгаллаш зарур.

Бунинг учун мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш талаб этилади.

13. Ташқи савдони тартибга солиш ва ривожланиришда давлат ролининг мақбул (оптималь) варианtlарини ишлаб чиқиш, бунда асосан тармоқлар тараққиёти ва ҳудудий салоҳият даражаларини тўғри баҳолаш, шунингдек соҳаларга сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш масалаларига муҳим аҳамият бериш лозим.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида" ги Қонуни // Солиқ тўловчининг журнали. 2-сон, 1999.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида" ги Қонуни. 5 май, 1994.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари тўғрисида" ги Қонуни. 14 июн, 1991.
4. "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 9 апрел, 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кўшма корхоналарга қўшимча имтиёзлар ва рағбатлантиришни бериш тўғрисида" ги Фармони. 27 март, 1998.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва согиши харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" ги 54-сон қарори, 1999.
7. "Кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 232-сонли Қарори, 27 май, 1998.
8. Указ Президента Республики Узбекистан. О мерах по совершенствованию механизма реализации проектов с иностранными инвестициями. 9 февраль, 1998.
9. И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқбол ва тараққиёт йўли. - Т.: «Ўзбекистон», 1993.
10. И.А. Каримов. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат. - Т.: «Ўзбекистон», 1993.
11. И.А. Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишининг ўзига кос йўли. - Т.: «Ўзбекистон», 1993.
12. И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари. - Т.: «Ўзбекистон», 1993.
13. И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: «Ўзбекистон», 1995.

14. И.А. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995.
15. И.А. Каримов. Туркистон — умумий уйимиз. Т.: «Ўзбекистон», 1995.
16. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997.
17. И.А. Каримов. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш — энг муҳим вазифамиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000.
18. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т.: «Ўзбекистон», 2000.
19. И.А. Каримов. «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдири». Т.: «Ўзбекистон», 2005.
20. Ё. Абдуллаев. “Центральноазиатская” резолюция конгресса США (397): политico-правовая интерпретация // Центральная Азия и Кавказ. № 2 (14), 2001. - С. 23-30.
21. Е. Авлокушин. Международные экономические отношения. Москва, 1997. - С. 3-193.
22. И. Азовский. Шелковый путь накануне XXI века. // Центральная Азия и Кавказ. №2(3), 1999 г. - С. 42-56.
23. В. Амирор. Страны АСЕАН в центре финансового кризиса // Мировая экономика и международные отношения. №8, 1998. - С. 137-141.
24. Ф. Асадов. Нефтяные караваны XXI века на Великом шелковом пути: перспективы Азербайджана и Казахстана // Центральная Азия и Кавказ. №6 (12), 2000. - С. 205-212.
25. С. Афонцев. Проблема глобального управления мирохозяйственной системой: теоретические аспекты // Мировая экономика и международные отношения. №5, 2001. - С. 65-70.
26. А. Алимов. Внешнеэкономическая деятельность Республики Узбекистан: взгляд в будущее Т.: «Ўзбекистон», 1992. – 70 с.
27. А. Абдумуминова. Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорларга хорижий инвестициялар // Бозор, пул ва кредит. I-сон, 2000.
28. И.А. Бланк. Инвестиционный менеджмент. - Киев, 1995.
29. Т.П. Данко. Свободные экономические зоны в мировом хозяйстве. М.: ИНФРА, 1998.
30. С.С. Гулямов, Р.Р. Назарова. Интеграция Узбекистана в сферу международного туризма. ЮНЕСКО, Российская Меж-

дународная Академия Туризма, Балтийский Международный Институт Туризма, Международная научная конференция “Социальные основы и технологии педагогики в культурном, спортивном и туристском образовании населения. Историческое и культурное наследие городов России как фактор развития туризма”. Санкт-Петербург, 14-15 марта 2001 года. Тезисы докладов и выступлений том 2. Историческое и культурное наследие городов России как фактор развития туризма. Санкт-Петербург, 2001 г. 178-180 с.

31. С.С. Гуломов, Р.Р. Назарова. Жаҳон иқтисодининг замонавий глобаллашуви. Мақола. Ҳамкор (Деловой партнер) газетаси, 17 январ 2002 й. 1-2 бетлар.

32. И. Расулов А.Ф., Бедринцев А.К., Акилов А.Г. Узбекистан: внешнеэкономическая деятельность и интеграция в мировое хозяйство. - Т.: «Узбекистан», 1996 г. - 80 с.

33. И. Спиридовон. Мировая экономика. - Москва: ИНФРА-М, 1997. - С.9-125

34. Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики // Под ред. А.Х. Хикматова - Т.: “Узбекистан”, 2001. - 352 с.

35. А. Зубченко. Глобализация. Международное движение капиталов. ТНК // РЖ. Социальные и гуманитарные науки. Отечественная и зарубежная литература. Серия 2, экономика.- № 4, 1998. - С. 174-181.

36. М. Жаксыбаев. Прямые иностранные инвестиции в Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. - № 6(12), 2000. - С. 169-175.

37. С. Жуков. Казахстан, Кыргызстан, Узбекистан в социально-экономических структурах современного мира // Мировая экономика и международные отношения. - №3, 1997. - С. 45-60.

38. А. Исаджанов. Либерализация внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан в современных условиях // Общественные науки в Узбекистане. - №2, 2000. - С. 3-9.

39. И. Искандеров. Приоритетные направления интеграционных процессов в условиях либерализации экономики Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. - №1, 2000. - С. 3-9.

40. Г. Исламова. Евразийское экономическое сообщество: цели, задачи, перспективы // Центральная Азия и Кавказ. - №1(13), 2001. - С. 149-158.

41. Л. Максакова. Узбекистан: занятость и рынок труда // Центральная Азия и Кавказ. - №2(14), 2001. - С. 187-199.
42. Б. Мусаев. Узбекистан: региональная безопасность и социально опасные тенденции развития общества // Центральная Азия и Кавказ. - №3(9), 2000. С. 107-114.
43. М. Олимов, К. Камолиддинов. Региональное сотрудничество по использованию водных и энергетических ресурсов в Центральной Азии // Центральная Азия и Кавказ. - №2(3), 1999 г. - С. 16.
44. А. Рикошинский. Республика Узбекистан - перспективы внешней торговли // Внешняя торговля, 1998. - С. 13-17.
45. Н. Садыков. Взаимодействие Узбекистана с международными организациями в возрождении Великого шелкового пути // Центральная Азия и Кавказ. - № 2(3), 1999 г. - С.74-78.
46. А.К. Бедринцев. Узбекистан в мирохозяйственных связях: интеграционное взаимодействие // Мировая экономика и международные отношения, 1999, №2, с. 99-103.
47. Д. Курбанов. Валютное регулирование в сфере привлечение прямых иностранных инвестиций в КНР // Экономическое обозрение, №6, 2000.
48. В. Комаров. Прямые иностранные инвестиции и транснациональные корпорации // ЭКО, №7, 2000.
49. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги тизимига интеграцияси муаммолари. Т.: “Меҳнат”, 1999.
50. Н. Тўхлиев. Ўзбекистон иқтисодиёти. Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
51. Чжен. В.А. Бозор ва очиқ иқтисодиёт. Т.: “Шарқ”, 1996.
52. Ё.Улмасов, М. Шарифхўжаев. Иқтисодий назария. Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
53. Michelle Cini and Lee McGowan, Competition Policy in the European Union, USA, New-York, St. Martin Press, Inc., 1998, pp. 1-13.
54. “Globalization and Global Governance”, London, the Royal Institute of international affairs, 1999, pp. 31-40.
55. “Globalization and Europe : theoretical and empirical investigations”, ed. by Roland Axtmann, pp . 164-183.
56. “Globalization and Europe: theoretical and empirical investigations”, ed. by Roland Axtmann, pp 23-40.
57. Porter Michael. The Competitive Advantage of Nations - New York: The Free Press, a Division of Mcmillan Inc., 1990. - P. 396.

58. Cable V. Globalization and Global Governance, London, the Royal institute of international affairs, 1999.- p. 139 (pp. 31-40).
59. Scott A. J. Regions and the World Economy: The coming Shape of Global Production, Competition and Political Order. Oxford, University Press, 1998.- p 177 (pp.75-100).
60. Worls Bank. World Development Report 1993, World Bank, Washington, DC., 1993.
61. Beck, U. What is Globalization?, Cornwall, Polity, 2000. – p.180.
62. Социально-экономическое положение Узбекистана за 2001 г. Минмакрэкономстат РУз. Ташкент. 2002. - 191 с.
63. Устинов И.Н. Мировая торговля: статистическо-аналитический справочник. М.: ОАО “НПО Изд-во “Экономика”, 2000. - 356 с.
64. Экспорт-импорт Республики Узбекистан. Стат. бюллетени Минмакрэкономстат РУз. Ташкент, 2000-2002 гг.

# **МУНДАРИЖА**

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I қисм. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви</b>	
<b>I БОБ. Халқаро иқтисодий интеграция жараёнларининг назарий-услубий асослари</b>	
1.1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг моҳияти, вужудга келиш зарурити ва асосий шакллари.....	7
1.2. Халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	16
1.3. Халқаро иқтисодий интеграция ва глобаллашув жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги.....	21
<b>II БОБ. Иқтисодий интеграция жараёнларини ривожлантиришнинг халқаро тажрибаси</b>	
2.1. Иқтисодий интеграция ривожланиши: тажриба .....	33
2.2. Европа иқтисодий интеграциясида глобаллашув омили.....	48
2.3. Хорижий мамлакатлар иқтисодий интеграцияси амалиётининг Марказий Осиёда қўлланилиш имкониятлари.....	61
<b>III БОБ. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалиги тизимига иқтисодий интеграцияси муаммолари</b>	
3.1. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалиги тизимига иқтисодий интеграцияси.....	81
3.2. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятияга интеграциялашуви шароитида иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш йўллари.....	89
3.3. Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви: амалиёт.....	100

## **II қисм. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув шароитида Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг ривожланиш хусусиятлари**

### **IV БОБ. Ташқи савдо фаолиятини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари**

4.1. Ташқи савдонинг моҳияти ва вужудга келиш зарур  
рияти.....114

4.2. Бозор иқтисодиёти шароитида ташқи савдони тартибга  
солиш усуллари ва асосий тамойиллари.....125

### **V БОБ. Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо ривожлани- шининг ўзига хос хусусиятлари ва асосий тамойиллари**

5.1. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг ҳуқуқий  
асослари, уни тартибга солишнинг асосий усуллари ва  
тамойиллари.....129

5.2. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг ривож-  
ланиш динамикаси, унга таъсир этувчи омиллар таҳдили.....142

5.3. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо баланси.148

### **VI БОБ. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосини ривожлантириш истиқболлари**

6.1. Ўзбекистонда экспортни ривожлантириш босқичлари  
ва муаммолари.....153

6.2. Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро иқтисодий  
ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш орқали  
ташқи савдони кенгайтириш истиқболлари.....163

**Хулоса.....167**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....172**

Фан ва технологиялар маркази гранти бўйича Тошкент Даълат Иқтисодиёт Университетида ГНТП-2 “Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш ва чукурлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиха бўйича турли йўналишлар илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. ГНТП-2 “Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш ва чукурлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги лойиха асосида “Жаҳон иқтисодиёти ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар” кафедрасида П-238 “Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграцияланувчи шароитида иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришнинг хорижий мамлекатлар тажрибасидан фойдаланини бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзуси таҳсилат олинган.

Г.Е.Назарова, Р.Р. Назарова, А.С.Юсупов

**ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ:  
ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ**

Тошкент-2005

Муҳаррир: М.Мирқомилов

Мусаҳҳиҳ: М.Тожибоева

Компьютерда саҳифаловчи Ш.Мирқосимова

Босишга рухсат этилди 5.05.2005.

Бичими 60x84 1/16. Босма табобат 12.0.

Нашр табориги 11.6. Алади 1000. Буюртма №55.

«Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasi»да чоп этилди.  
Тошкент ш., Олмазор, 171.